



МИРТЕМИР

Асарлар

ТУРТ ЖИЛДЛИК

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИРТЕМИР

Асарлар

ТЎРТИНЧИ ЖИЛД

ДРАМА
НАСРИЙ ШЕЪРЛАР
ХОТИРАЛАР
АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таҳрир ҳайъати:

К. ЯШИН, ЗУЛФИЯ, МИРМУҲСИН, Б. БОЙҚОБИЛОВ,
И. ҒАФУРОВ, М. ТУРСУНОВ

НАШРГА ТАЙЕРЛОВЧИ:
НАИМ ҚАРИМОВ

Ўз2 **Миртемир.**

М57 Асарлар: 4 жилдлик.— Т.: Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 1983.

4-жилд. Драма. Насрий шеърлар. Хотиралар. Ада-
бий-танқидий мақолалар. (Таҳрир ҳайъати: К. Яшин
ва бошқалар.) 240 б.

Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза ва Бердах мукофотлари лауреати Миртемир-
нинг тўрт жилдлик «Асарлар»и нашр этилмоқда. Ушбу тўртинчи жилдга атоқли
адибнинг драматик асарлари, насрий шеърлари, хотиралари ҳамда адабий-танқи-
дий мақолалари жамланди.

Миртемир. Собрание сочинений 4-х т. Т. 4. Драма.
Стихи в прозе, Воспоминания. Литературно-крити-
ческие статьи.

Ўз2

М 4702570200—14
М 352 (04)—83

4—83

ДРАМА



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ

Уч парда, тўққиз кўринишли драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Михаил Иванович Калинин.

Иўлдош Охунбобоев.

Файзулла Хўжаев.

Акмал Икромов.

Наврўзбек — фарғоналик бой.

Очил

Болта

Бўри

Мелибой

} Наврўзбекнинг қароллари.

Онахон — Наврўзбекнинг чўриси.

Тожимат ота — камбағал деҳқон.

Остон буви — Тожимат отанинг хотини.

Котиб — Иўлдош Охунбобоевнинг котиби.

Ҳамдамгов

Давлатёр

Оллоёр

Дўсмат (Дўстмуҳаммад)

Ўтабхожи

} Бой ва зодагонлар.

Уста Турди

Шоди пакана

} артистлар.

Бажан — қизил аскарлар командири.

Кампир — Бажаннинг онаси.

Гончарук

Урозали

} қизил аскарлар.

Адолбек — ёш аскар.

Қорасоч — Адолбекнинг севгилиси.

Ҳақназар — чўпон.

Жунайдохон.

Кўршермат.

Пирмуҳаммад — инглиз жосуси.

Сайдали хўжа — турк жосуси.

Меҳмонлар, паранжили аёллар, ясанган қизалоқлар, болалар, чоллар, ўткинчи ҳарбийлар, артистлар, қоровуллар.

Воқеа 1915—1925 йилларда Фарғона ва Самарқандда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

ОҚ ТҮНҒИЗ, ҚОРА ТҮНҒИЗ — БАРИ БИР ТҮНҒИЗ!

Фарғона шаҳрида катта кўча. Қиш. Кун оғган пайт. Наврўзбек тўрага қарашли ҳашаматли, гиштин бино, ичкарида аросат тўй. Чилдирма саоси, ялла ва қийқириқлар... Тугунча қўлтиқлаган ё тоғора кўтарган паранжили аёллар, ясанган қизалоқлар, болалар, чоллар, ёш-яланг меҳмонлар дарвозадан кириб чиқмоқда.

Наврўзбек (*эҳтиромкор, меҳмонлардан бир қисмини кузатиб қолади*). Хуш кўрдик!

Кўча томондан Ҳамдамгов кўринади.

Ҳамдамгов. Тўй муборак, бой!

Наврўзбек. Э, Ҳамдамгов, келинг! (*Кўришади*).
Жуда интизор бўлдик-да.

Ҳамдамгов. Тоғда эдим, бой, қирғизнинг улоғида...
Эшикка ҳам бурилмай тўғри келавердим.

Наврўзбек. Маъқул қилибсиз, қани ичкарига!

Ҳамдамгов. Гапдан хабарингиз борми, бой? Рабочикка борганлар қайтиб келишяпти. Гапларидан қор ёғди, қор...

Наврўзбек. Баттар бўлсин.

Ҳамдамгов. Қароллар қора ишдан бош тортишяпти. Пинагингизни бузмайсиз-а! Ҳа, ҳали Йўлдошбой қароллингизни кўрдим. Жин урган одамдай ҳаллослаб юрибди.

Наврўзбек. А?.. Қаерда?

Ҳамдамгов. Қишлоқ йўлида. Лекин, бой, шу касофат ҳам... Эсингиздами, «Оқпошшони кўриқлагани борамми? Бормайман!» деб туриб олган-а?

Наврўзбек. Эсимда. Жазоси. Тўрт ой авахта қилдим-ку.

Ҳамдамгов. Гап шунда-да. Авахтада ётгани кўнглидан чиқармиди?

Наврўзбек. Қани, юринг, финг деса яна авахта бўлади!

Кўча томондан Давлатёр келади.

Ҳамдамгов. Эй, хўжам! (*Кўришади*.)

Наврўзбек. Келинг, келинг! (*Кўришади.*)

Давлатёр. Яна тўй... Яна бидъат!..

Наврўзбек. Яна ўгит!

Давлатёр. Шўрингга шўрва тўкилмагур Туркистон бойлари!.. Давлат топиб, ақл топмаган бандалар!..

Наврўзбек. Тагин не машмаша?

Давлатёр. Оламда нималар бўляпти-ю... Юринг, қулогингизга қуйиб қўяй!

Наврўзбек. Буюринг!

Ичкарига кириб кетадилар. Ичкаридан Очил чиқади, қўлида тугун.
Кўчада Болта кўринади.

Болта. Оёгинг олти-ку, Очилбой!

Очил. Тўйчилик, оғайни!.. (*Кўришади.*)

Болта. Жиққа мой, дегин! Қирсак бўлаверадими?

Очил. Бўлмаса-чи? (*Кетмоқчи.*)

Болта (*этагидан тугиб*). Тўхта жиндак. Қаёққа?

Очил. Кўрмаяпсанми? Шаҳар ҳокимига сийлов. Қасал эмиш.

Болта. Қасал бўлмаям кўрсин-чи! Э, менга қара. Қўчқор уриштириш бўладими?

Очил. Қўчқорингга бало борми? Қир, ошдан қоласан. (*Кетади.*)

Болта. Биз томонда шунақа бўлади-да! (*Ичкарига киради.*)

Наврўзбек чиқади.

Наврўзбек. Ҳой, Очил.

Очил қайтиб чиқади.

Очил. Лаббай, тўрам?

Наврўзбек. Ҳали ҳам шу ердамисан?

Очил. Кетяпман.

Наврўзбек. Ҳа. Оёгингни қўлингга ол! Жаноби Козловга, тузукмисиз, хўжайин сўраяптилар, дегин. Насибалари... Чоп!

Очил кета бошлайди.

Ҳой, тўхта-чи! Йўлдошбой кўринмайди-я?

Очил. Кўринмайди, ҳа!

Наврўзбек. Қаёқда юрибди рўдапо... ё тагин заводга жўнаб қолдим пайт пойлаб?

Очил. Не билай...

Наврўзбек. Ҳа, бор! Йўқ, тўхта. Йўл-йўлакай хабар ол-чи!

Очил. Хўп, тўрам! (Кетади.)

Наврўзбек. Тавба. (Ичкарига кириб кетади.)

Шоди пакана ва Мелибой чиқадилар.

Шоди пакана. Носдан олинг, Мелибой! (Олиб кетади.) Бутун Фарғонага тўй беряптими ўзи? Бай, бай, бай! Ана нозу неъмат, ана вадаванг!

Мели. Нима дейсанки, Шодибой, давлатини қўйишга жойи йўқ. Урта қўлдай ўн йигити бор. Зўравон. Йўлдошбойдан эшитганман.

Шоди пакана. Қандини уравермайдими? Бизга нима? Етти кунки, тўй... Яна етти кун тўй берса ҳам бало урмайди. Бели оғримаганнинг нон ейиши шунақа бўлади. Арзанда кенжаси-да. Каттасининг тўйида ҳам бўлганман. Намангану Қўқондан арасот одам келувди. (Носини тупуриб.) Носдан ол! Кечаси роса базм бўлди-да. Бормининг сен?

Мели. Базмлик ишим йўқ.

Кетадилар. Наврўзбек меҳмонлардан бир талайини кузатиб чиқади.

Наврўзбек. Хуш кўрдик! (Ичкарига қайтади.)

Ичкарида қийқириқ авжида. Кўча томондан ҳайрон ва лол Йўлдошбой пайдо бўлади. Қўлида кетмон. Дарвоза олдида тўхтайдди. Бўрибой чиқиб келади.

Бўри (ҳайрон). Қаёқда қолдинг? Суриштиравериб жонимизни олди-ку бой...

Йўлдошбой (гаранг, қўл силкитиб). Эшикка борувдим.

Бўри. Феълини биласан-ку, тўй...

Йўлдошбой. Мен нима кўйдаману сен тўй дейсан-а? (Утиради.)

Бўри. Нима гап ўзи?

Наврўзбек чиқиб қолади. Йўлдошбой салом бергани туради. Бўри ичкарига кириб кетади.

Наврўзбек. Ҳм... (Жеркиб.) Қаёқда юрибсан? Бутун маҳалла хизматда-ю, шунча йил тузимни ичган одам кечадан бери бедому дараксан.

Йўлдошбой. Бой!..

Наврўзбек. Хўш, чарчабсанми? Оббо... Уч-тўрт кун ухламаганингга-я?

Йўлдошбой. Бой!

Наврўзбек. Гапирма-э!.. (Авзойига қараб.) Хўш, нега сирканг сув кўтармай қолди? Ё биронта газна топдингми? Буюрсин!

Дўсма т келади.

Йўлдошбой. Бой!

Наврўзбек (қўлини силкиб, Дўсма тга). Ҳе, мулла Дўсма т, бормисиз?

Дўсма т. Ассалом алайкум, бой, тўйлари муборак!

Наврўзбек. Қўшничилик ҳам шунақа бўладими! Бугун ҳаммадан кейин... Қани, киринг!

Дўсма т. Мана, мана, бой! (Ичкарига киради.)

Наврўзбек (Йўлдошбойга). Нега шумшайиб ўтирибсан? Қарашмайсанми кириб? Ё моллардан хабар олмайсанми?!

Йўлдошбой. Бой дейман!

Наврўзбек. Жинни бўлганми бу ўзи?

Йўлдошбой. Уҳ!.. (Ранги ўчиб, тагин ўтиради, хаёли тарқоқ, кўзлари бир нуқтада.)

Бир гуруҳ меҳмон ва Ўтабҳожини келади.

Ўтабҳожини. Ассалом алайкум, тўйлари қутлуғ бўлсин.

Наврўзбек. Ваалайкум ассалом, қуллуқ!

Ўтабҳожини. От эгарлаб, туя қўмлаб келдик-да... Узоқ йўл...

Наврўзбек. Зап келибсиз-да, ҳожини! Сиз келмасангиз кўнглим ўрнига тушармиди? (Ичкарига бошлайди.)

Дўсма т қўлини арта-арта ўзича хиргойини қилиб чиқади.

Дўсма т. Ҳаммага қўниб ўтган давлат қуши,

Бизларга тўшланиб ўтсанг нетади?

(Йўлдошбойни кўриб.) Эҳ, ассалом. Нега ер чизиб қолибсиз?.. Тўй қутлуғ... Йўлдошбой, дейман, жа хўжайиннингизга куйган қулсиз-да. Бир марта думини кесдим, бир марта биқинига пичоқ урдим, тагин ҳовлимда юрибди ола хўкининг!.. Нима, тўрамнинг йўнғичқаси етмаяптими томида? Зорми? Бизда ҳам мол бор. Ҳе, ўғил бола... Бизга ҳам давлат, тўй-томоша керак... Умидимиз бор дунёдан! Судралиб юраверамизми?

Йўлдошбой (уҳ тортиб). Қорамол пичоқдан тоймас бўлади... Уқдингми?

Дўсма т. Қаролликнинг нонини ҳалоллаб енг-да, йигит! Лекин, ҳе... ўлса мендан кўрма!

И ўлдошбой (ағрайиб). Улса?..
Дўсма т. Улса нима, осмон узилиб ерга тушармиди?
И ўлдошбой (оғир). Улса...

Дарвозада Б ўри кўринади.

Б ўри. Дўсма т, бой чақиряпти, ташқарига қарашиб юборармишсиз.

Дўсма т. Хўп. (Кириб кетади.)

Тожимат ота келади.

Тожимат ота. Кўрдингми?

И ўлдошбой. Ҳа. (Бош силкийди.)

Тожимат ота. Сўрадингми? (Иўлдошбой бош чайқайди ва оғир нафас олиб, ер чизишга тушади.) Бошингни кўтар, бола, қолганларнинг умрига барака берсин худо.

И ўлдошбой. Эй, табарруқ одам! Уйланг, не-не ҳасратда боққан мени. Бир кун ёруғлик кўрмай ўтди-кетди-я!.. Майли, бизга қароллик ота мерос экан, пешанамизга битгани шу экан, бунга сўзим йўқ. Ахир онанг ўлса, кафанлик тополмай ўтирсанг!.. Эй қария! Бундан ҳам ўтар ҳасрат борми дунёда? (Енги билан ёшини артади.)

Тожимат ота. Куйма, болам, қишнинг ёзи бор. Иложинг нима? Арз қил, ҳақимни бер, дегин. Ёки қарз сўра. Онангни кўмиб ол!

И ўлдошбой. Бирон вақт ҳақ берганини эшитганми-сиз? Бирон ҳайит ё тўйда янги яхтак кийганимни кўрган-мисиз? Йўқ, кўрганмассиз? Била туриб қандай сўрайман, чақиб олади, тили заҳар.

Очил келади.

Очил. Иўлдошбой, сени ахтармаган ерим қолмади-я! Ола ҳўкиз...

Гап устида Наврўзбек пайдо бўлади.

Наврўзбек. Нима, ола ҳўкиз?

Очил. Пичоқ уриб кетибди бирон... Сой бўйида...

Наврўзбек. Сой бўйида? (Иўлдошбойга.) Сен, касофат...

Тожимат ота. Тўй-томошангиз ҳақи, сал...

Наврўзбек (яна дарғазаброқ). Қайда юрибсан, бадбахт? Ҳўкизнинг бошини ебсан-ку, ҳаром ўлибди-ку!

И ўлдошбой. Ажали етса одам ўлар экан, бой!..

Наврўзбек. Қаёқда юрибсан, расвойи жаҳон?

Йўлдошбой. Қафанлик ахтариб юрибман, бой, кафанлик!.. Гўрини қазиб, кафанликка зор юрибман.

Паранжили О на х о н киради ва тўхтаб қолади.

О на х о н. Қафанлик?.. Шунча йил қон-тер тўкиб, кафан гадоси бўлиб юрса-я! Эй, шўрлик йигит... (*Ичкарига кириб кетади.*)

Йўлдошбой. Онам...

Наврўзбек. Ҳа, онанг?.. Ажаб бўпти!

Йўлдошбой. Нима?

Наврўзбек. Эй, аттанг? Гўрингда қўпгур, унда ҳам бир қоп жўхори кетди!

Йўлдошбой. Бир қоп? Ё тавба?..

Наврўзбек. Ҳа, ярим қоп бир қоп бўлиши эсингда йўқми? Худодан кўр! Тўлайсан ҳали!..

Йўлдошбой. Тўлайсан?

Наврўзбек. Бошинг гаров!.. (*Кириб кетади.*)

Тожиматота. Эчки ўламан деса, қассоб куламан, деяпти.

Бўри чиқади.

Йўлдошбой. Ҳе, ўлмаган жоним! «Ҳой Йўлдошбой, уйлаб қўяман, жойлаб қўяман». Жойлаб қўясан-а!

Бўри (*куйиб*). Қафанлик беришга кўзи қиймайди-ю...

Йўлдошбой (*бошини кўтариб*). Болам, болам, деб юриб, бағримни заҳарга тўлдириб юборди бу каззоб.

Дўсма т чиқади.

Дўсма т. Шунақа бўпти-да, Йўлдошбой. Худо раҳмат қилсин, бечора... Дунёдан ўтди, денг? Мана, мен бериб турай. (*Тугилиб.*) Беш-ўн кун қарашиб юборарсан, кейин...

Йўлдошбой ағрайиб қолади.

Тожиматота (*Дўсма тга*). Ажабтовур йигитсану сал қонинг бузуқ-да!

Дўсма т. Қонинг бузуқ? Нима, сочиб қўйганим борми бўлмаса?

Йўлдошбой. Жўна, Дўсма т, диққатим ошиб турибди. Дийдиейингни ола ҳўкизнинг соғонасига бориб ўқи. Қилғиликни сиз қиласиз, азоби бизга!

Дўсма т. Бор, бор-эй! Менга нима куйгулик? Ўлса-ўлибди-да... Ноумид шайтон, судралиб юраверамизми?

Тожиматота. Ҳой, яхши одам, бировнинг ярасига туз сепма, ахир!

Дўс м а т (чеккароққа бориб ўтиради). Киши яхшилик қилай деса...

Т о ж и м а т о т а (Йўлдошбойга). Сал юкиниб гапиравер, болам, гердайганга гердайсанг, жони бўғзига келади. Илло, сенинг хўжайининг қаттол одам!

Б ў р и. Менга қолса бўш келма, Йўлдошбой. Ҳақингни сўраб, туриб ол! Неча марта айтдим-а: кетайлик, бу ерда ёруғлик йўқ, деб. Мен-ку ўз кўзим билан кўриб келдим. Урис юртида...

Н а в р ў з б е к ч и қа ди.

Н а в р ў з б е к. У-ху!.. Гурунгнинг каттаси бу ёқда-ку! Йўлдошбой. Бой, гапни қисқа қилинг, мен тиланиб келганим йўқ, ҳақимни сўраб келдим, онам кўмувсиз ётибди.

Н а в р ў з б е к. Қанақа ҳақ?

Йўлдошбой. Ун йил умрим эшигингизда ўтди, бой!

Б ў р и. Бир кафанлик-а!

Н а в р ў з б е к. Кафанлик-а? Ҳаром. Сен тузимни оқлай олганинг йўқ!

Йўлдошбой (бўғилиб). Бой, ҳақимни беринг!

Н а в р ў з б е к. Оқ вексель, дейдилар, ҳа! Юз йил ишлаб берасан ҳали. (Векселларни чўнтагидан олади.)

Йўлдошбой. Ҳақ сўраяпман.

Н а в р ў з б е к. Ҳой, худо беҳабар, ҳой, дўзахи! Хўш, хўкизининг хунини ким тўлайди, хўш?

Йўлдошбой. Мен нима деяпману, бу хўкизини дов қилади-я! Онам ўлди, деяпман. Кафанлик, деяпман, ҳақ, деяпман. Бағри тош!

Н а в р ў з б е к. А?

Йўлдошбой. Оғзи қон!..

Н а в р ў з б е к. Сен ҳали менга... Таги паст! (Урмоқчи.)

Йўлдошбой. Қонимни бузманг... Худди...

Н а в р ў з б е к. Ҳой, Мели, ҳой, Очил!

О ч и л ч и қа ди.

Боғла мана буни. Боғла, деяпман!..

Б ў р и. Сабаб?

Н а в р ў з б е к. Сабабини суриштириб нима қиласан? Боғла, дегандан кейин бўлди-да!

Б ў р и. Керак бўлса ўзингиз боғлаб олинг! Мен буни боғласаму, эртага мени Очилга боғлатсангиз, Очилни бўлса...

Наврўзбек. Ия! Худо урибди-ку тепангдан сени ҳам!.. Вой онагар-эй!

Бўри. Ҳой, тўра! *(Хит.)* Меҳнатимиз ҳалолу, гўштимиз ҳаром бўлдимиз шу ерга келиб: шунча замон чурқ этмай тер тўксаму, арзандангиз ўрнига рабобчи бориб келсаму, ўлимлардан қолсаму, тагин гўрда ётган онам фар бўлдимиз? Суянган тоғингиз оқпошшомиди? Ер билан яқсон бўлди, ҳа!

Дўсманнинг қўлидаги лаган ерга тушиб чил-чил бўлади.

Бўш келма, Йўлдошбой, қани ҳақингни бермасин-чи!

Наврўзбек *(ўзини қўлга олиб)*. Хўш, нима қилардинг? Сулаймон ўлади-ю, девлар қутулади, деб ўйлайсанми? Йўқ! Оқпошшо тушса, тахт эгасиз қолмас! Бекор... Оёқларингга кишан солдирмасам!..

Тоғиматота. Бой ака, мунча газаб? Ғайридин ҳам шунчалик қилмас. Бир ғарибнинг кунига ярабсиз-да. Нима бўпти бир қафанлик!..

Наврўзбек. Ақиллама, ҳой ўлакса! Тўрингдан гўринг яқину... Сен нима қилиб юрибсан, кимсан ўзинг? *(Калака қилиб)*. Қани тўрга ўтсинлар ё поёндоз тўшатайми?

Тоғиматота *(нафратли)*. Раҳмат, бей, давлатингиз зиёда бўлсин!

Йўлдошбой. Қарияга тил тегизманг, бой!

Наврўзбек. Э-ҳа... сенларга қафан экиб қўйибманми? Баринг — оч арвоҳ, чувринди!.. Тиланчилар!..

Йўлдошбой. Ҳа-ҳа! *(Кетмонини ола югуради.)* Шунанқами?

Тоғиматота *(ҳассасини кўтариб орага тушади.)* Тўхта! Болам, бефойда. *(Наврўзбекка)*. Утинг, жаноб, шукур қилингки...

Наврўзбек. Миршабга бериб юбормасам, бўйнинг узилгур! Сазойи қилиб, кўча-кўйда юргизмасам! Қамоқда чиритаман ҳали. Тўйимни буздинг, шум оёқ... *(Кета туриб.)* Беватанлар! Бекафанлар!

Онахон паранжида чиқиб келади.

Онахон. Йўқчилик қурсин! Бандалик, Йўлдошбой ака! Қайғунгизга шерикман. *(Тугун узатади.)* Мана, қафанлик!..

Йўлдошбой. Қуллуқ, синглим! *(Олади.)*

Наврўзбек *(ниҳоятда дарғазаб)*. Беҳаё! Кўр кўрни қоронғида топганини қаранг! Раҳмдилликни ким қўйибди сенга? Ўзи кунини ўтказиш учун юрибди-ю! Йўқол! *(Уради.)*

Йўлдошбой. Қўлингни торт!

Очил. Нима бўлди, тўрам, ғариб-ғарибнинг ҳолини сўради, холос!

Наврўзбек. Чўри меникими, мен боқяпманми? Бўпти, ихтиёр менда! Сенга номаҳрам! *(Кетади.)*

Йўлдошбой. Урозалининг гаплари ҳақ экан, неча марта чақирди заводга. Бугун-эрта, деб бормаганимга пуншаймонма.

Бўри. Айтмовдимми! Ҳа, ана ўзингга келдинг. Ҳамма гап заводда. Оқпошшонинг ҳам оёғини осмондан қиладиган ўшалар. Балли, Йўлдошбой, кўзинг очилапти... Менинг ҳам!

Йўлдошбой. Сен-чи, Очил?..

Очил. Онахонни ташлаб кетаверамизми? *(Кескин.)* Мен ё ҳақимни, ё тўранинг жонини олиб кетаман!..

Бўри. Юр, тентак!.. Вақти келса, бир кунда ҳақингни ҳам оласан, обрўйингни ҳам. Бугун-эрталик! Тагига сув кетган. Сир бермаяпти!

Дўсма т. Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмайди, ошна! *(Этагини қоқиб.)* Сиз кетдингизу тўранинг ери ҳайдоқсиз, моли боқувсиз қолармиди?

Очил *(ғижиниб)*. Боқувсиз қолмаску-я. Лекин, юр, Йўлдошбой, бошла! Тўхта, бир адабини бериб кетсак-чи.

Тожиматота. Тўранинг жонини оласану беги-чи. Бошқалари-чи? Заводда ҳам шу кўргилик-да! Заводда хўжайин йўқ, дейсанми? Оқ тўнғиз, қора тўнғиз — бари бир тўнғиз — бари бир тўнғиз-да!

Бўри. Ҳе, мўйсафид! Заводда маслаҳат бор; бир ёқадан бош чиқариш, деган гап бор; мана бунақа темир мушт бор.

Йўлдошбой. Урозали ҳам худди шуни уқтирган, қария!

Тожиматота. Айтганларинг рост бўлса, нега анқайиб юрибсан? Юрагингда ўтинг бўлса, бирини эмас, барини ур, ҳа! Агар муштинг чидамаса, мана сўйил!..

Йўлдошбой. Ҳасса керак бўлади, ҳали. Бу-ку ўнтамизни ола хўкизнинг ўлигига олмаяпти, лекин мен ҳам юзта тўрани онамнинг ўлигига садақа қиламан! Ҳа! Қани, юринг!

Шошилганча Наврўзбек чиқади.

Наврўзбек. Ҳой! Ҳой, юзи қоралар! Ҳазилми бу ёки чин? Тўхта, қаёққа борасан? Бебошлар!

Утабҳожичиқади.

Утабҳожичи. Етим ўғлон асрасанг, оғзи бурнинг қон этар, деганлари шу!

Иўлдошбой (дадил). Қоч йўлдан, қон бўласан!

Иўлдошбой, Бўри, Очил ва Тожиматота кетадилар.
Наврўзбек ва Дўснат бир-бирларига тикилиб қоладилар. Ҳамма
хайрон.

Иккинчи кўриниш

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Уша катта кўча, ўша ғиштин бино — қизил ўқчилар полкининг қароргоҳи. Дарвозада қоровуллар, икки ёнда икки замбарак. Қўрғон ичида ҳарбий машғулот, ўқтин-ўқтин дўмбира овози. Дарвоза очиқ, лекин қоровуллардан бошқа ҳеч ким кўринмайди. Уткинчилар ҳам дарвозага бир қараб қўймай ўтиб кетмайдилар. Баъзиси бепарво, баъзиси тежанг, баъзиси хайрихоҳ...

Қароргоҳ эшигининг биринчи зинасида, қоровулдан бирироқда ҳарбий кийимда Мели турибди. Ўқтин-ўқтин кўча бошига қараб қўяди. Ичкаридан хуш мўйлов Бўри жиддий тусда чиқиб келади.

Бўри. Мели! Кўча бошига бориб тур ва айт: қароргоҳ олдига отдан тушиб келмас экан, қайтиб кетаверсин. Буйруқ шу!

Мели. Отдан тушмай иложи борми? Ярашаман деган одам сал бўйин эгиб келаверсин-да.

Бўри. Ярашайлик деяётган — биз томон. Бошқа иложимиз йўқ ҳозир.

Мели. Ярашмай ўлайлик ундоқ бўлса... (Кетади.)

Ним олифта, ним чапани, беписанд, чопони елкасида Дўснат чап томондан куйлаб келади.

Дўснат:

Айланаман, ёрларим,
Ургиламан, ёрларим.
Ҳо, бу тоғларда ким ётган...

(Бўри тикилиб турган томонга қараб.) Анавини қаранг!
(Яна куйлайди.)

Ҳо, ёнбошига тош ботган.

(Кўз қирида тагин Бўрига қараб қўяди, лекин Бўри бепарволигини сезгач, бурилиб, уни энди кўраётгандек.) Э, шу ердамисан, Бўри? Қалайсан? (Бўри индамагач, хит бўлиб.) Ассалом алайкум, жаноби Бўри ибни Ҳамро! (Икки букилиб.) Саломатликлари, кайфлари? (Тагин хит.) Нега якка қайрағочдай қаққайиб турибсан, хў?

Бўри. Нафасинг мунча совуқ, бекзода? Важоҳатингга қарасам, тўрт боланинг отасидайсану (*бошига ишора қилиб*) эс борми ўзи?

Дўсмат (*чўнқайиб ўтириб*). Э, эс қолдими, Бўри, эс? Лекин важоҳат важигга ишинг бўлмасин, ҳа! Нима, Шўроларнинг бизга дахли йўқми? Меҳнаткашмиз, нима дейсан? Қўлимиз қадоқ. (*Яна тажаниг.*) Таралла бедод вақтим, нима дейсан? Ўўлдошбойнинг айтипти-ку, даври-даврон; ҳа! (*Бўри ўқрайиб қарагач.*) Нима, тагинг бўш демоқчимисан? Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам қил устидасан. Эҳтиёт бўлинг, Бўривой, узилиб кетади. У ёғи тўппа-тўғри жаҳаннам!..

Бўри. Нега фигонинг фалак тагин? Жўна-э!

Дўсмат. Нима, оғзимга қулф урмоқчимисан, миршабликни ким қўйибди сенга? (*Ўзга оҳангда.*) Элчи келармишми, Бўрибой, омон-омон, дегин?

Бўри. Ҳой, елим!

Дўсмат. Бўривой!.. (*мазах қилиб.*) Ҳў, валламат! Мунча жеркавердингиз? Ё манави чалакам-чатти усти бош... Нима, мен ҳам кийиб олавераман-да, азбаройи худо!

Бўри. Мақтанма, товуқ!

Дўсмат. Оббо... Ҳа, майли, хизмат шунақароқ, дегин-да. Лекин дўстликни унутганингга қойил эмасман, Бўривой. Ота-онанг ўлса ўлсин, қадрдонинг ўлмасин. Аммо-лекин, Бўривой, менга қара, каттангга айт, жуда сара йигитман-да, қўлимдан иш келади. Айтиб қўй, ҳа-ми?

Бўри. Керак бўлса ўзинг айт.

Дўсмат. Айтасан, дедим, айтасан! Бўлганим шу! Қимсан, Дўсмуҳаммад Шодмон ўғли, не-не сиру асрордан бохабар ўғлон! Ҳа-ҳа! Ўзим-ку бир жамоага ҳам бек, ҳам дархон. Лекин, валламат, ниятим катта! Судралиб юраве-рамизми?

Бўри (*жиркангандек*). Эсиз жамоа! Э, бас қил-эй! Сенда инсоф йўқ!

Дўсмат. Инсоф? Туриш жойини кўрсатиб қўй менга! Майли, лекин, ҳа!.. (*Ўзга оҳангда.*) Элчи келармишми, Бўривой?

Бўри. Ҳе... Куйдирги!

Дўсмат бир чеккага бориб ўтиради. Кўча томондан Болта келади.

Болта. Қелишяпти.

Бўри (*Болта келган томонга қараб*). Епиримай, мунча савлат?

Очил. Қаққайишини қаранг-а!

Бўри. Худди Худоёрхон тахтга чиққани келаётгандай!

Дўсма т (*ўрндан туриб, безовта*). Ия, анави-ку! Ҳа, анави-да. Анави-чи?

Болта. Мунча бўғиласан?

Дўсма т. Ҳа, хўп! (*Бақрайиб.*) Ҳа, нима дедик, хўп-да! Хўп демай иложимиз қанча!

Унг томондан шопу шалоп таққан Наврўзбек, Козлов, Ҳамдамгов кирадилар. Енларида Мели.

Наврўзбек (*тавозекор*). Сал кечикдик-да. (*Керилиб.*) Сулҳ тўғрисида мунозара юргизмоқлик ниятида... Тўртинчилар қароргоҳига...

Бўри. Бу ер қизил ўқчилар полкининг қароргоҳи!

Мели. Эгардан тушинг, бек!

Наврўзбек. Э, каттангни чақир, сенга ким қўйибди?

Бўри. Сизни ким чақирди ўзи?

Наврўзбек. Ҳой, йўл берасанми, ёки?..

Бўри (*дарвозани кўрсатиб*). Марҳамат! (*Фижилиб.*) Бош устига! (*Букилиб.*) Фарғона пешкаш! Қадамларига ҳасанот!

Наврўзбек, Козлов ва Ҳамдамгов кириб кетадилар, орқаларидан Бўри. Дарвоза олдида одамлар тўпланиб қолади. Шивир-шивир ва имо-ишоралар.

Дўсма т (*кимга қаратилганлиги номаълум*). Ҳа... Юзингга кунжара чиққур!

Бўри қайтиб чиқади.

Очил. Бопладинг, Бўри!

Бўри. Қўяманми? Эшагига яраша тушови! Кундузи элчи-ю, кечаси...

Дўсма т. Судралиб юраверамизми?

Тожимат ота (*одамлар орасидан*). Нима гап ўзи?

Мели. Ярашмоқчи эмиш.

Тожимат ота. Бунинг маъноси нима?

Бўри. Найранг!

Дўсма т. Бўлди, деса-чи?

Бўри. Шундай дермикан-а?

Мели. Бўлди, дейдиган одам шопу шалопини манави ерга уйиб, бизники номаъкул, демасмиди?

Дўс м а т. Сайранг, ҳа, сайраб қолинг!..

М е л и. Қайси гўрдан чиқиб келдинг сен? Зах еган илондай тўлғанасан-а!

Т о ж и м а т о т а. Мунча питирлайсан? Багри эзилган фуқаро гап сўраб турипти бунда.

Д ў с м а т. Мен нима деяпман? Мен ҳам гап сўраяпман-да. Судралиб юраверамизми?

О в о з л а р. Ярашса, ярашгани тузук-да.— Улар бўлсак, ўлиб бўлдик-ку.— Ярашгани тузук.— Отамнинг хунини тўласин бу жаллод!— Шу бугун кечаси Водилни талашди-ку.— Шу бугун кечаси?— Ҳа, шу бугун кечаси.

Б ў р и. Ҳамдамгов бўлса, кеча Йўлдошбойни Уртақишлоқда тутмоқчи экану кеч қолибди сал. «Лашкари ислом саркардаси ғози Шермуҳаммад баҳодир Йўлдошбойнинг боши учун юз тилла тикдилар. Йўлдошбой қишлоқма-қишлоқ юриб, юртни бузяпти. Динимизга раҳна соляпти. Қани, ким топиб беради?» деб ҳаммани сўроққа тутибди. Пахта эккан сенмисан, деб анча одамни калтаклабди.

Т о ж и м а т о т а. Қаранг-а! Битта бошнинг баҳоси ҳам юз тиллага чиқибди-я! Йўлдошбойнинг боши-да!

Чап томондан узун шинель ва шлём кийган, новча, елкали Йўлдошбой кириб келади.

М е л и. (Йўлдошбойга ёндашади). Ўзингни бир чекага ол, анавилар кўрса...

Й ў л д о ш б о й. Кўрса нима? Қўшчилар ранси аскар бўлмайди, деган гап борми? Бу чакмаңни ҳазилакам ўйлама, ҳикмат кўп бунда! Ё чаккими? Кўнглинг алғов-далғов-да, Мели! Хўш, чумчуқдан қўрққаннинг тариқ экканини кўрганмисан, ҳеч?! Нима гап, яна ким менинг қонимга ташна! Кимнинг арпасини хом ўрибман?

Ҳовлидан дўмбира овози эшитилади.

Чал, гумбурлат, ҳа! Юрақларига титроқ тушсин! Балли, Бўрибой, босмачиларнинг элчисини шундай қарши олмоқ керак! Гап усти-бошда эмас, Мелижон!

Яна шовқин.

О в о з л а р. Пахта экканини бир четдан кириб турса, дон эксак йиғиб олса, нима қилайлик ахир?— Нима, ота-бобо касбу коридан кечайликми?— Бу қандай зўравонлик?

Қуйвор, мени, ҳой, юзбоши!— Оласим бор менинг, қуйвор, дейман!— Ҳой, отбоқар! Ясовул!..

Халқ дарвозага ёпишиб келади.

Тожиматота (*ҳассасини ерга уриб*). Тўхтаг! (*Ҳар кимга бир тикилиб.*) Кимнинг оладигани йўқ босмачида? Белинга қилич осиб, майдонга чиқсанг ўласанми? Ёв қочганда ботир бўлиш осон! Нега хўмраясан, йўнмаган таёқ! Босмачининг найранги кўп: бугун омон-омон, эрта тагин сурагай қиргин! Элак сўрашга ҳам оғиз керак. Сениз-менсиз ҳам топилар гаплашадиган, сени қара-я. Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб кир-да, ноинсоф! Олтовлон ола бўлганда, оти ўзиб, соврун олган бормиди? (*Қўлини силкиб.*) Кўп сўз туяга юк!

Йўлдошбой шинель ва шлёмини ечиб, Болтага узатади, дўппи кияди. Юпқа одми тўн ва яхтакда ўша Йўлдошбой пайдо бўлади.

Йўлдошбой. Балли, ота! Ҳар қалай, катта отсиз-да! (*Кулги.*)

Овозлар. Йўлдошбой-ку!— Ҳа, Йўлдошбой!

Йўлдошбой. Халойиқ! Босмачининг каттаю кичик, косибу деҳқоннинг жонига теккани рост! Оғир вақт, хатарли вақт! Лекин шовқин-сурон билан шаҳар олармиди! Ётиғи билан гаплашайлик-да!

Овозлар. Ҳалиям ётиғи билан гаплашиб бўлмадикми?— Бўладиган гапни айтинг.— Йўлдошбой, оҳ тортиб ўтираверамизми?— Токай ваъда?

Дўсма т. Йўлдошбой-ю, Йўлдошбой.

Мели. Еқмайдими?

Дўсма т. Нимаям дердик, қандини урсин!

Тожиматота. Йўлдошбой кўпчиликка қарашли йигит. Кўпга кесак отма, қўлсиз қоласан!..

Дўсма т. Қўлсиз? Унақаси туғилган эмас.

Тожиматота. Тавба. Ҳе, нокас!

Дўсма т. Қариганда сўфи бўлибсиз-да! Нима Йўлдошбой, бошларинга кўтараверасанлар! Ер бериб қўйдими, сув бериб қўйдими? Гап ҳаммаси, гап! Ол-ҳа, олавер! Сизга — юз таноб ер, сизга — бир ариқ сув, дархон! Сизнинг хотинингиз йўқ шекилли, сизга — хотин! Сизга ҳаммаси! Мабодо биронтаси: ерми, сувми, хотинми — керак бўлмай қолса, бизга тан! Олавер, ҳа! Судралиб юраверамизми?

То жимат ота. Қаловини топса қор ёгади, бетавфиқ! Йўлдошбой айтдими, рост деявер!

Д ў с м а т. Чумчуқ семириб, ботмон бўлибди-да...

Б ў р и. Нега ғиди-биди қиласан, ҳў қузғун!

Д ў с м а т. Қузғун! Нима, урасанми? Тилингни суғуриб олайми? Оёғингни осмондан келтирайми? (*Жазаваси тутадди.*) У жағингни бу жағингга қўшворсам, нима дейсан? (*Бўрига қўл кўтаради.*) Ўттиз икки тишингни қоқиб олсам, нима қилардинг, а? (*Бўғилиб.*) Онангни Учқўрғондан кўрсатиб қўяйми, а?

Б ў р и (*зарб билан итаради*). Бас! Менинг зарбимдан одам тирик қолган эмас!..

Д ў с м а т (*сурнади, ёқасини йиртиб, ўзини тимдалаб уради*). Вой, халойиқ! Ҳой, мусулмонлар! (*Яна Бўрига осилади.*)

Й ў л д о ш б о й (*имо билан Бўрини тўхтатади, оғир-оғир*). Оғайнилар! Босмачи ҳали қиличини қайраб турса, хонумонлар куйиб, қора кўз гўдакларнинг кунни кўча-кўйда тиланчиликка қолса-ю, бунда косиб билан темирчи, қўшчи билан бозоргон жиққа мушт бўлиб ўтирса. Кимки, қўшчилар уюшмаси, боққа кириб, косиб чўлда қолади, деган бўлса, бекор айтибди. Игво! Қўшчи деганда, тепа сочи тик бўладиган косиб эмас, деҳқон эмас, бошқалар! Шўролар ҳаммамизга бирдак: пешана терингни тўкиб, меҳнат қилу қандингни ур! Замон шунақа! Ё босмачига қўшилу оға-ининг қонини ич, ё босмачининг жазосини беру тинчи, бола-чақангга бош бўл; кун кўр. Юртбузар оз эмас! Ахмоққа — тўқмоқ қилишмоқчи, аммо қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам қинғир! Замон шунақа!

То жимат ота. Умрингдан барака топ!

Й ў л д о ш б о й. Хўш, киши ўзини қачон алдабди, қачон ўтга солибди? Йўқ, алдамайди Шўролар! Еримиз ҳам бўлади, давлатимиз ҳам. Қўшчилардан ҳайиқманг, қўшчи ҳам одам, бугун юпун бўлса, эртага бут! Қўшчининг давлати — елкасидаги кетмони! Косибнинг давлати — уйдаги дастгоҳи, бигизи, сўзани, бўёғи, қолипи, шони!

О в о з л а р. Бор бўлинг, Йўлдошбой! — Барака топинг! — Кам бўлманг! — Умр кўринг!..

Й ў л д о ш б о й. Хўш, можаро нега? Юрагида чўғи бор йигит бўлсанг, келавер бу ёққа! Агар ростакам хуррият десанг, келавер. Бешотар топилади-а, Бўри?..

Б ў р и. Топилади, Йўлдошбой ака!

Й ў л д о ш б о й. Бирлик — бойлик. Елғиз отнинг чанги чиқибдими? Ботир топганини барча баҳам кўрса-ю, бахил топганини босиб еяверса, ёруғлик бўлармиди? Белда бел-

боғ борми, келиб қолинг!.. Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан!

I-овоз. Мен.. Ёзинг! Мамажон!

Иўлдошбой. Ия, лум-лум Мамажон!

II-овоз. Мени ёзинг, ака! Турғунали!

Иўлдошбой. Бўрибой, бошланг.

III-овоз. Мен, Бўтавой!

Дўсмаат. Ҳа, бор. Пишириб қўйибди сенга!

I V-овоз. Ёзинг мени, Қўчқор!

Овозлар. Ёзинг: Бегмат!— Норбой!— Малла!— Ботирбек!— Ортиқбой!

Иўлдошбой. Ҳа, яхши!

Дўсмаат (бировага). Судралиб юраверамизми?

Тожиматота. Уят-э! Ирғайнинг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани!

Дўсмаат. Мени ҳам ёзармикан деяпман-да?

Мелли. Бор-э, тошингни тер! (Кулги.)

Дўсмаат. Ёлғиз отнинг чанги чиқибдимия!

Тожиматота. Чанги чиққан билан донги чиқибдимия?

Дўсмаат. Тойча деб, хўрлайверманг, эрта-индин от бўламан.

Бўрни. Садқайи от! Ҳой, қирчанғи! (Кулги.)

Мелли. Бунча кўтарам бу сўйилгур. Ҳа, чуҳ! (Кулги.)

Иўлдошбой. Эрта, майли. Индинга кеч қоласан! Бўйнингни эгиш қўлингдан келса, бу ҳам инсоф, бу ҳам ботирлик!

Овозлар. Бор бўлинг.— Барака топинг!— Кам бўлманг!— Хўп йигит экан-да!..

Иўлдошбой. Лекин қарга қарғанинг кўзини чўқи-маслиги ҳақ! Бу оғир йўл, жонини тикканлар киради. Бу кунлар ҳам ўтар. Кейин, қолган кўнгилни олтин билан ювиш қийин бўлади. Тайёр ошга баковул, етим қизга ясовул биздан нари юрсин! Тўдадан ажрамайман, тўрга тушмайман, деганлар, кел бу ёққа! Этик билан сув кечамиз, сувлиқ билан сув ичамиз, лекин рўёбга чиқамиз — дерканмиз, деганимиз деган! Гап битта, оғайнилар!

Овозлар. Барака топ! Айтганинг келсин!— Қани, шундай бўлса!— Гафлат босган экан!— Миямизга қуйиб қўйди-я, азамат!— Дард кўрмасин! Отасига раҳмат, эй!— Сен ўзинг гапир!— Бутун Фарғона меҳнаткашлари номидан гаплаш, Иўлдошбой!

Чироқ ўчиб ёнади. Қароргоҳда каттароқ хона. Икки томонда — ҳовли ва кўча эшиклари, қаршида — деразалар. Узун стол ва курсилар.

Командир Бажан, Урозали, Гончарук, Давлатёр, Утабхожи улар қаршисида Наврўзбек тўра, Ҳамдамгов, Козлов, бошқа курсиларда халқ вакиллари, ҳарбийлар.

Иўлдошбой. Мен ўртоқ Бажаннинг фикрига бутунлай қўшиламан. Сиз, жаноби Козлов: «Не кун солдинглар Туркистон бошига?» дейсиз. Тўғри! Эркимиз қўлимизда. Лекин, сиз тағин оёқ ости қилмоқчисиз! Сиз кимни қўлламоқчисиз. Сиз ахир ўз қўлингиз билан қанча мусулмонни бўғгансиз? Сиз тож тўғрисида қайғурасиз! Наврўзбек тўра бўлса...

Наврўзбек. Ҳа, ҳа! Сулҳ эвазига истиқлол!

Иўлдошбой. Истиқлол!!

Бажан. Шермуҳаммад сардор мактубида бундай шарт йўқ. (*Истеҳзоли.*) Бу улуг элчилар эса, истиқлол, деб жар солмоқда!

Иўлдошбой. Улуг элчилар-а!

Наврўзбек. Элчига ҳурмат!

Иўлдошбой. Соғ-саломат чиқиб кетсангиз, шукур денг, бек!

Козлов. Ўз ота бекларингизнинг юзига оёқ босяпсиз. Чучварани хом санаяпсиз! Булар сизнинг дасисангиз қурбони.

Бажан. Хўш, жаноб, амирга кўз тутяпсизми? Ёки Анненков билан Дутовгами? Яхши биласизки, Россияга йўл очик! Яхши биласизки, Туркистон халқлари ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишга ҳуқуқ олди. Бу чинакам тенглик. Ҳа, ҳа! Мен тўқиганим йўқ. Бу Лениннинг сўзи. Ленин айтдими, демак, ҳақиқат! Туркистонга Фрунзе келяпти.

Козлов. Қул бўлиб туғилган — қул бўлиб ўлиши керак!

Иўлдошбой. Тушингизни сувга айтинг!..

Наврўзбек. Урисга сотилган банда!

Иўлдошбой. Ўзингизни соддаликка солманг! Урис эмиш. Нима қилибди ўрисга? Урис ўз ерига ўзи хўжайин ҳозир. Манави ўрис билан анави ўрис ўртасида ер билан осмонча фарқ бор! У қон ичганда, сиз кўзимизнинг ёғини егансиз. Биз бир коса ёвғонни бўлиб ичаётган, похол тўшақда бирга ухлаётган, биз билан бирга ўлиб, тирилаётган ўрисдан жирканармидик?! Йўқ! Асло! Қонимиз бир бўлмаса, йўлимиз бир, ниятимиз бир! Бундан кейинги тўй-томошамиз бир!

Паранжида О на х о н киради.

Онахон. Қўйворинг, дейман! Уша! Отамни ўлдирган ўша! Уйимизга ўт қўйган ўша! (Суришиб, юзидан пардаси тушади. Жўн кийинган, сочлари тўзиган, ярадор, оламда мисли йўқ ҳусндор қиз. Ҳамма анг-танг. Ўз ҳолидан ўзи хижолат чекиб, юзини икки қўли орасига олади ва бедармон деразага суюнади, нафас ўтмай, сирғаниб беҳуш йиқилади.)

Наврўзбек. Сен қанжиқ, ҳали ҳам тирикмидинг?

Иўлдошбой. Онахон!.. (Қизнинг бошига келади.) Айтинг, бек! Шу мусулмон қизнинг гуноҳи нима? Бас! Бўлди! Кўршерматга бўйин эгадиган Фарғона йўқ... Бориб айтинг жанобингизга!

Наврўзбек. Яраш йўқ!

Бажан (ҳаммага бир-бир қараб). Яраш йўқ. Лекин ўйлаб кўринг. Совет ҳукумати ким астойдил таслим бўлса, гуноҳини кечади, ҳа! Фурсат бор ҳали, кейин пушаймон бўласиз, тақсирим!

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

ҚУЗҒУН

Шаҳар чети. Соғ бўйи. Тожимат ота ҳовлиси. Олисда тоғлар. Ёз кечаси. Д а в л а т ё р ва У т а б ҳ о ж и кирадилар.

Д а в л а т ё р. Ҳеч ким йўқ! Ҳамма уйқуда.

У т а б ҳ о ж и. Фалокат гирдобида қолдим. Армонлари сийнамда қолди. Ўз қўлим билан бердим, бор-йўғимни...

Д а в л а т ё р. Берганингиз дуруст.

У т а б ҳ о ж и. Йўқ! Мен чидолмайман, Давлатёр! Тарс ёрилиб кетаман.

Д а в л а т ё р. Бари бир олишади эрта-кеч...

У т а б ҳ о ж и. Ёрилиб ўламан.

Д а в л а т ё р. Сал тушинг, ҳожи, деворда ҳам қулоқ бор. (Пауза.) Сиз ҳам Ҳамдамговдай қилсангиз ўласизми?

У т а б ҳ о ж и. Хўш?

Д а в л а т ё р. Бутун ерини қавму қариндошига хатлаб берибди, уч йилга...

У т а б ҳ о ж и. Ундан кейин?

Д а в л а т ё р. Уч йилгача ким бору ким йўқ. Амир жанобларидан келган хатда ҳам шу маслаҳат.

У т а б ҳ о ж и. Ким келтирибди?

Д а в л а т ё р. Ҳамдам ўзи.

У т а б ҳ о ж и. Ё, олло!

Д а в л а т ё р. Амир, биздан норози. Ландовурсизлар, дебди. Дам ғанимат, кулини кўкка совур, дебди. Кечиксаринг аҳволингизга вой, дебди.

У т а б ҳ о ж и. Ўзга тўн кийинглар, деди амир, кийдик-а? Қизил бўлинглар, деди амир, бўлдик-а? Кўршерматга озиқ, пул, одам беринглар, деди амир, бердик-а? Бир-бирлаб қонларини ичинглар, деди амир... Худога шукур, ичяпмиз-а? Хўш, нечун ҳолимизга вой?

Д а в л а т ё р. Ози!

У т а б ҳ о ж и. Нега шумшайиб юрибсанлар бўлмаса?.. Ургатасанлар, холос! Буз, ёқ, совур сен ҳам!..

Д а в л а т ё р. Ҳақимни қўймайдман, ҳожи! (Пауза.) Бугун шаҳарга ўт қўйсақ...

У т а б х о ж и. Ут қўйсақ?
Д а в л а т ё р. Жим! Қелишяпти. Яширинайлик!

Улар кетадилар. М е л и югуриб киради.

М е л и. Тўхта, Тўхта, дейман! Қим у?

Б о л т а киради.

Туф!.. Туф!.. Сенмидинг? Кўзим илиниб кетибди.

Б о л т а. Нима бало, бу ёққа айланиб қолибсан ёки...
(Пауза.) Йўлдошбойдан дарак борми?

М е л и. Ярим кечадан ўтганда келибди. Анави бостир-
мада. Ухлаяпти. Мен соқчилик қилиб турибман.

Б о л т а. Нега соядай эргашиб қолдинг унга?

М е л и. Кўряпсан-ку, кундузи қишлоқма-қишлоқ, кеча-
си бизнинг ёнимизда. Биз отишсак-отишяпти, биз ўлсак —
ўляпти. Бажан командирнинг буйруғи шунақа!

Б о л т а. Лекин, ошна, жонга тегди бу такасалтанглик.
Йўлдошбойингда лафз борми ўзи? Ё ана-мана билан ўлиб
кетамизми?

М е л и. Тўрвангни елкангга илу жўнаб қол, бўлмаса
подангни боқ! Нима, Йўлдошбой учун кирганмисан бу
йўлга?

Паст томондан Д ў с м а т куйлаб келади.

Д ў с м а т. Айланаман, ёрларим, ўргиламан, ёрла-
рим...

М е л и. Оббо, қаёқдан келди бу шилқим?

Д ў с м а т. Ҳо, бу тоғларда ким ётган!

М е л и. Тўхта!

Д ў с м а т. Ҳо, ёнбошига тош ботган.

М е л и. Йўл бўлсин? (Милтиқ ўқталади.)

Д ў с м а т. Озиқ келтирдим мен. Ҳа. Судралиб юравера-
мизми?

М е л и. Шуни айтмайсанми? Ут! (Орқасидан.) Ҳар ма-
қомга йўргаламай ўл-э!..

Кетадилар. Мели кетган томондан тугун кўтарган О с т о н б у в и ва
ёш аскар А д о л б е к киради.

О с т о н б у в и. Қани, мана бу ерда ўтир.

Адолбек ўтиради.

Манавини ич, манавини е. (Олдига қовоқ шўрва, зоғора
қўяди.) Она сути оғзидан кетмаган қўғирчоқдай йигитча
отишиб-чопишиб юрганини қаранг! Ҳе, шўрим!

А долбек (зоғорани ушатиб). Бирам ширинки... (Хайл суради.) Онам бечораям: «Ҳой, қўғирчоғим, кўзмунчоғим, ошинг совиб қолди, зоғорангни еб ол», дегучи эди. (Оҳ тортиб куйлайди.)

Онамдай меҳрибон қайда,

Отамдай ғамгузор қайда?..

(Уйга кириб-чиқиб юрган Остонбувиға.) Биласизми, бу Йўлдошбой аканинг қўшиғи. Мен яшириниб туриб ўрганиб олдим. Яна бир қўшиғи бор. Ҳалиги... (Ўзга овозда.)

Олмадан отлар қилай,

Гул баргидан хатлар қилай...

Узоқда милтиқ товуши янграйди.

Вой, ўлай!..

Остонбуви (ҳайрон, Адолбекка тикилиб). Болам, нима бало? Сен... Тавба!

Адолбек (саросимада, дудуқланиб). Артистман, хола, артист... (Кулади.) Биласизми, бири қўрбоши, бири тўртинчи бўлиб, саҳнада ўйнашади-ку... Тарс-туре, панг!..

Остонбуви, Туф!.. Туф-эй!.. Мен ўйлабманки... Бирам нозиксан... (Пауза.) Отасига овқат элтиб берай. Чой дамлаб қўйдим, олиб ич! (Кетади.)

Адолбек. Ҳар куни бир ўламан, тангрим, не кунга қолди бошим... (Чой ичади.)

Онамдек меҳрибон қайда,

Отамдек ғамгузор қайда?..

Ташқаридан овоз. Дўст!

Адолбек. Вой ўлмасам... (Сакраб туради.)

Девордан Дўсма т сакраб тушади.

Дўсма т. Салом бердик. Зап ўғлон эканми? Бай-бай. (Ендашади.) Эсиз аскарлик!..

Адолбек (тиссаланади). Яқин келма, отиб ташлайман.

Дўсма т. Уҳў... Нега ҳазар қиласиз?

Адолбек. Қоч! Уволингга қоламан.

Дўсма т. Вой, ўзим қурбонинг бўлай... Оббо... биламан... Очилбекнинг учирмасисиз-да. Адолбексиз-да.

Адолбек. Нима? Чолни кўрсанг, бувам дейверасанми? Сениям биламан. Сен ўша сувга чўкмас, қорда тўнгмас... (Милтиқни ўқталиб, эшиккача олиб бориб қўяди.) Сен ўша калтак ўтмас, ҳа, юзингни ел егур!..

Дўсма т. Хўп, дедик-ку, хўп! (Кета туриб.) Бўйним-

дан ос, қўлимни боғла! Остонанда ётай... Судралиб юра-
веранизми? (Кетади.)

Адолбек (аламига чидолмай ўксиб-ўксиб йиғлайди).
Бошингни егур! Шилқим!

Остон буви. Нима бўлди! Тавба! Аскарликни ким
қўйибди сенга? Нима ўзи?

Адолбек. Э, хола! Анавини кўрмайсизми!

Остон буви. Ҳа, биронтаси ҳазиллашгандир-да. Еш-
сан. (Синаб.) Яхши кўрганинг борми, қиз: севганмисан?
Отаси ҳам... (Пауза.) Неча базмлардан ўзим олиб қолган-
ман. Эрта-индин ўзинг ҳам ип узадиган бўласан. Эркак
халқи шунақа.

Адолбек (кулиб). Э, хола, кўрқаман.

Остон буви. Қани юр, пастга тушайлик, отаси ҳам
ёлғиз, эшикни ёп!

Кетадилар. Чап томондан Д ў с м а т киради.

Д ў с м а т. Айланаман, ёрларим, ўргиламан, ёрларим...

У т а б ҳ о ж и ва Д а в л а т ё р кирадилар.

У т а б ҳ о ж и. Дайдиб юрибсанми ҳалиям?

Д а в л а т ё р. Айтган эдик-ку... Милтиқ уч марта отил-
ганда... Оллоҳу акбар! Қеч қолмайсанми?

Д ў с м а т. Ҳали дунёдан умидим бор, хўжам!

Д а в л а т ё р (тўппонча ўқталади). Ё борасан, ё...

У т а б ҳ о ж и. Қани, мулла Дўстмуҳаммад Шодмонбек
ўғли!

Д а в л а т ё р. Сенинг қўлинг эмас, болшавойнинг қўли.
Қиёмат куни мен жавоб бераман.

У т а б ҳ о ж и. Озиқ ортаётган киши бўласан, кейин ўт
қўясан! Қани!..

Д ў с м а т. Эй... яратган!.. Менинг қўлимдан келмайди,
ахир!

Д а в л а т ё р (итариб). Жўна! (Утабҳожини билан ке-
тади.)

Елкасида жувори, Адолбек ашула айтиб келади.

Адолбек. Бу тоғлар баланд тоғлар,
Қўрбоши йўлин боғлар,
Севганим аскарликда,
Айрилиқ бағрим доғлар.
Сой келур, сомон келур,
Соёси равон келур,

Севганим аскарликда,
Ой бориб, омон келур.

Шовқинлаб гапирганча Қорасоч киради.

Қорасоч. Вой, севинчи беринг, севинчи! (*Қучоқлаб ўнади.*) Сув олай, деб сойга тушсам... (*Адолбек бепарво.*) Вой, нимага суюнмайсиз? Ўз кўзим билан кўрдим. Оломон ўраб олди, денг. Очил акам бўлса, кўзлари шу ёқда. Вой, опајон-эй, «Ёр-ёр»ни ўзим айтаман.

Адолбек. «Ёр-ёр»га ҳали узоқ, Қорасоч! Кўнгил қургур бир бало сезгандай.

Қорасоч. Қўйинг. Доим шунақа. Қани, айтиб беринг, келса айтаман, девдингиз-ку, келинг!

Адолбек. Майли, юринг, айтиб бераман.

Ичкарига кириб кетадилар. Тонг белги бермоқда. Олам уйқуда. Йўлдошбой киради. У хаёл қучоғида.

Йўлдошбой. Одамзод чидайвераркан ҳали ҳам. Бало устига — бало, қазо устига — қазо мингашяпти. Қаҳатчилик устига-устак бўлди. Бечора юрт. Кўкрагингга энди ел тегай деганда, тагин олағовур! Булар — туғилаётган кун юзини тўсмоқчи. Янги кун туғиляпти. Чинқириб, оламга янги кун туғиляпти. Туғилиш қонсиз бўлмас эмиш... (*Ўйланади.*) Аммо бу йўлдан қайтган ҳар нима бўлсин! (*Ўйланади.*) Шайтонга ён берма, Йўлдошбой. Қаддингни расо тут! Шу аламдийда элнинг ҳам тўю томошали кунга етганини кўрарсан. Уксима, Йўлдошбой, оламга ингганинга билан янги кун туғиляпти. Туғилиш қонсиз бўлмас эмиш... (*Пауза.*) Тожимат отадан хабар олай-чи.

Кетади.

Қишлоқи кийимда Ҳамдамгов, кетидан Утабҳожива Давлатёр кирадилар.

Ҳамдамгов. Питирламанг, хўжам. Хатга жавоб! (*Ғижиниб.*) Латтасиз!

Утабҳожива. Нега акиллайсан, ҳе теват? Сен кимсану...

Ҳамдамгов. Қимман? Бешариқ беги бўламан. Мана, амирнинг ўз муҳри! (*Қоғоз кўрсатади.*) Айбим шартта гапирганимми? Рост-да. Нима? Битта бетавфиқнинг қони шунча мушкул бўлдими? Гап десанг қоп-қоп. Тагин кечаги аслзодалар, юрт эгалари, бир-бирлаб жонингни олади, большавой.

Д а в л а т ё р. Овозингни ўчир, Ҳамдамгов! Қаердалигингни биласанми?

Ҳ а м д а м г о в. Ҳе, қўрқиб бўлдим. Улим ҳақ! Менга ўнғайми? Бугун бу ерда, эртага у ерда. Йўл-йўлакай одам ўлдир, от ўғирла, тўн алмаштир, ҳалакка!.. Қани ваъда, қани ёнғин? Қани Йўлдошбойнинг боши? Қўзғолон қани? (Пауза.) Менга нима? Қумга кўмган тўрт юз англиз берданкам бор.

Д а в л а т ё р. Ҳой, Мирза Ҳамдам, беғлар беги!

У т а б ҳ о ж и. Дўснат уддасидан чиқолгани йўқ. Тутқич бермас бало. У ҳам бугун бу ерда, эртага у ерда.

Ҳ а м д а м г о в. Бугундан қолса кеч. Қўлларингдан келмас экан, дашнақлар билан битишиб, ўзим бажарганим бўлсин!

Ташқарида оёқ товуши.

Д а в л а т ё р. Қоч, ҳой! Осмонга учасанми, ерга кирасанми, товонда қорангни ўчир. Дашнақ ҳам шай. Турк зобитлар аламини биздан ололмай армонда. Биламан.

У т а б ҳ о ж и. Ўзинг ўт қўй, паҳлавон!

Ҳ а м д а м г о в яширинади.

Д а в л а т ё р (ўзга оҳангда). Ҳар кимнинг гапига қулоқ солаверманг! Қизил аскарлар — халқимизнинг таянчи!..

Б а ж а н кирди.

Б а ж а н. Хўш, ишлар қалай? (Кўришади.) Яна биров бормиди?

У т а б ҳ о ж и. Ҳа, ўткинчи, қишлоқи... Ишлар дейсизми? Ишлар жойида. Буюрса тинчий деб қолдик.

Д а в л а т ё р. Қизил ўқчилар шаънига ҳамма жойда олқиш ёғмоқда.

У т а б ҳ о ж и. Айтмоқчи, ошлиқ келди. Йўллар ҳам жимиб қолгандай.

Й ў л д о ш б о й кирди.

Д а в л а т ё р. Қаёқлардасиз? (Йўлдошбойга тикилади.)

Й ў л д о ш б о й. Мени танимаяпсизми, хўжам?

Д а в л а т ё р. Йўғ-э... (Тиш орасидан.) Кун сайин яхши кўрадиган бўлибман. Кўрмасам, соғинаман. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Лочинсиз-да. Кеча йўқ эдингиз шекилли? Бошингиз тошдан бўлсин, ўғил бола!

Иўлдошбой. Синамаган отнинг сиртидан ўтмасдингиз-ку? Нима бўлди?

Давлатёр. Кўнгилдан кўнгилга йўл бор, Йўлдошбой. Кўпга кесак отмай, кўмувсиз қолмай, деб кирганмиз бу йўлга! Аччиқ-чучугига бардош қиламиз, деб кирганмиз, Йўлдошбой! Инқилоб, дедик, инқилоб қариганда қўлимиздан тутар, кўкрагимиздан итармас...

Иўлдошбой. Ҳа, албатта. Қосов узун бўлса, қўл куймайди. (Пауза.) Эксанг — ўрасан, дейдилар.

Давлатёр. Ҳм... (Бармоғини тишлайди.) Икки ёрти — бир бутун... Қўлни беринг, ошна... (Қўлини чўзади.)

Олисада, кетма-кет уч дафъа ўқ узилади.

Овозлар. А?.. Бу нима бўлди?

Бажан. Эҳтиёт бўлинглар.

Овозлар. Жой-жойларингга! — Ҳозирлан!

Иўлдошбой. Қузгун ҳамиша кечаси авжига чиқади. Дарранданинг ови ҳам кечаси. Кўршерматнинг ёруғ кунда ўнгирдан чиқишга юзи йўқ.

Олисада шаҳарга ўт кетади.

Утабҳожини. Оллоҳу акбар! (Юзини беркитиб.) Ҳа, дўзахи! Ҳа, ҳароми зинда! (Ўннга ўтади.)

Унинг орқасидан Давлатёр кетади.

Иўлдошбой (бетоқат). Ҳой, сув! Сув! (Югуради.)

Олдида Ҳамдамгов чиқиб келади.

Ҳой, сув! (Ялт этиб қарайди.) Қимсиз? Бир жойда кўргандайман. Қани, сув очайлик! Кетмон борми?

Ҳамдамгов (анг-танг). А, кетмон топайми?.. (Қўли ханжар дастасида.)

Иўлдошбой. Ҳой, сув! (Кетмон ола чопади.)

Шовқин-сурон, милтиқ садолари.

Ҳамдамгов (деворга суяниб). Бу одамга жон керакми ўзи? Шу қадар бепарво, ҳа, кофир! (Мўлжалга олади. Уқ овози. Қўлидан калта милтиқ учиб кетади.)

Утабҳожини кўринади.

Утабҳожини. Қочмайсанми? Адолбек дегани отди сени. Ҳў, ана!

Ҳамдамгов. Дўстмуҳаммадинг кўринмади, ўзим ўт қўйдим. *(Кўлини кўрсатиб.)* Бўни қара!
Утабҳожин. Қоч, қоч! *(Кетади.)*

Шовқин солиб гапириб келаётган Остон буви киради, Онахонга кўзи тушиши билан ҳайратланади.

Адолбек. Ҳой! Кимсан? *(Пастга тушаётган Ҳамдамговни кўради.)* Наҳотки, шу деҳқон бўлса? Уқ ўтмас хилидан-ку. Тўхта, ҳой! *(Уқ узади.)* Буниси тегмади! Панага ўтди. *(Уқ овози. Елкасига ўқ тегиб йиқилади. Шлёми тушиб кетади, бу Адолбек эмас, Онахон.)*

Шовқин солиб гапириб келаётган Остонбуви киради, Онахон кўзи тушиши билан ҳайратланади.

Остон буви. Вой, сен қиз бола экансан-ку. Вой, бўйгинангдан гиргиттон бўлай. Вой, қўқиндигинг бўлай!.. *(Юзига сув сепди. Лекин елкасидан қон оқаётган беҳуш Онахонни ўзига келтиролмайди.)* Ҳой, отаси! *(Алаҳлаётган Онахоннинг устида парвона бўлади, бошини тиззасига олади.)* Вой, шўрлик қиз!

Очил ва кетидан Тожиматота чопиб киради.

Очил. Онахон! *(Тиз чўқади.)* Сенмисан? О, аскар қиз эй! Кўзингни оч! Мен... Очил!..
Тожиматота. Табиб... Табибга чопинг!

Раста ёнмоқда. Милтиқ садолари. Шовқин-сурон.

Онахон *(кўзини очди)*. Йўлдошбой ака тирикми?
Очил. Тирик! *(Кўтариб олади.)* Сени табибга ўзим олиб бораман!

Онахоннинг боши йигит елкасида.

Иккинчи кўриниш

ХАТ

Сахро. Қорасовуқ. Қум тепалари. Узоқда қадимий қалъа хароба. Ҳарбий чодир олдида бир талай аскарлар: ўзбеклар, турклар, руслар... Бир чодир олдида Гончарук ва Дўстмат тиззасига қоғоз қўйиб, бир нима ёзмоқда. Бошқа чодир с. да Мели ва Болта.

Гончарук *(ижирғаниб)*. Белимдан қор кечиб ўсман, бироқ бунақанги заҳар совуққа биринчи дуч келиш

Суяк-суягимдан ўтиб кетяпти-я! (Дўсма тга.) Биласанми, ўрмон. Қора ўрмон. Мана шунақанги бўрон. Озгина отиб оласану бало ҳам урмайди, юраверасан.

Дўсма т. Биладан, биладан. Рабочикка ҳам борганман.

Гончарук. Қумнинг учинини қара. Қорнинг учқуни ҳам йўқ-а? Лекин борганинга ишонмайман.

Дўсма т. Борганман. Сибирдан ҳам қочганман. (Пауза.) Бухоро дарвозасининг ўнг қанотини мана шундай ушладим (Кўрсатиб.) отиб юбордим. Кейин ҳуррият, ҳуррият, деб...

Мели. Ёлғончига тонг отмас эмиш. (Чиқиб кетади.)

Гончарук. Ўзбекнинг шу мақолига қойилман. (Дўсма тга.) Фрунзени кўрганинг ҳам ёлғон, ошна!

Дўсма т. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил! Мана доғозим! (Кўрсатади.) Кўзинг ўтса ўқи! Сени қара-ю.

Гончарук. Уҳу! Босмачининг тўртта йигитини тутиб бердим, деб... Ўзлари тавбасига таяниб, яроқ топширгани кўраётган экан-ку.

Дўсма т. Сўз суякдан ўтади, ҳой Гончарук!

Гончарук. Йўғ-э... Ё мақтанчоқсан, ё шайтонсан. Ҳамдамгов ҳам шундай дер эди: «Нима дейсан, Бухорода бўлганман, Фрунзени кўрганман!» Қайси бирингга ишонай?

Дўсма т. Нима? Ҳамдамгов?!

Гончарук. Нима ёзясан!

Дўсма т. Уйга дуойи салом. Золим босмачининг кунини доноғлиқ, битга бойқуш уясин қолди, ўшани ҳам бузсак, кейин уй-уйга, деб ёзясман.

Гончарук. Ростданми?

Дўсма т. Рост бўлганда қандай.

Чодирдан Бажа н чиқади.

Бажа н. Қарсиллайди-я! Тўрт кундан бери бош кўта-ролмасак, офтоб юзи кўринмаса, бу қандай бўлди?

Болта. Шундай, ўртоқ Бажа н. Дашт, дейдилар, борса — келмас дашт... Қиши — қора бўрон, ёзи — гармсел. Дунди дўзахнинг озини шу даштда. Суягимиз шу ерда қолиб қолмасан, дейман.

Бажа н. Ниятингизга етманг! (Гончарукка.) Иссиқ мингларми?

Гончарук. Иссиқ-ку ичдик. Лекин дон ҳам, сув ҳам қолди. Отлар тўрт кун бўлди сув ичгани йўқ, ем кўргани йўқ. Саксовул кемириб ётибди.

Мели киради.

Мелни. Уртоқ командир, хунук гап... Қалъада амир бор эмиш...

Гончарук. Амир?

Бажан. Ёлгон! Амирнинг тоқати бормиди бу ерга келиб, тентак! Амир Кобилда... Чойфурушлик қияпти!

Мелни. Қудуқ бошида ўз қулоғим билан эшитдим. Кечаси зиёрат қилгани боришганмиш.

Бажан. Ёлгон! Унчалик гўл эмас амир! Қримда рус тўраларига базм тузганда, подшо берган эполетларни тақиб, хонимлар билан ўйинга тушганидан, тинимсиз шароб ичганидан хабаринг борми? Бухорода эса, салла ўраб, чопон кийиб, халқ олдида, пиёда, Хўжа Баҳовиддин зиёратига борганлигини биласанми? Ҳа, гўл эмас... Ёзда бир келгани маълум. Қани, юр-чи. *(Мели билан чиқиб кетади.)*

Дўсма т. Босқин. Босқин! *(Қурол олади.)*

Очил киради.

Очил. Ҳовлиқма! Бу томонда босқин йўқ!

Гончарук *(қараб)*. Ёрдам келяпти, довдир. О, Йўлдошбой!

Йўлдошбой киради. Ҳаммаси билан қучоқлашиб кўришади.

Йўлдошбой. Соғ бормисан, Очил! Саломатмисан, Гончарук!

Очил. Ўзинг қалайсан? Қандай шамол учирди, хўш?

Йўлдошбой. Тошкентда эдим, катта мажлисда бўлдим. Кейин Туркфронт штабига кирсам, эшелон келаётган экан, артистлар ҳам бор. Мен ҳам бирга келавердим.

Гончарук. Биз ҳам соғиндикки...

Йўлдошбой. Уртоқ Бажан бардамми? Э, гап кўп. *(Ўтиради. Дўстлар қуршаб олишади.)* Гап кўп. Москвадан хат келди. Мана ўзбакиси ҳам ёнимда. Лениннинг хати. Жумҳурият бўлармиш. Ер деҳқонларга хатланиб берилармиш. Тағин шундай гаплар. Бу жумҳурият Шарқда қудратли куч бўлади, машъал бўлади, деб ёзибди Ленин. У киши айтибдими — бўлгани!

Очил. Жумҳуриятнинг нимаси тағин? Ҳозир жумҳурият эмасми?

Йўлдошбой. Э, ука, ҳар ким ўз юртига, ўз ерига, ўз мулкига хўжайин бўлади. Мана, туркман, мапа, қирғиз, мапави ўзбек, мапави тожик...

Очил *(тушунгандай)*. Уҳў!

Шамол оҳиста тина боради. Офтоб кўринади. Бажан кириб келади.

Бажан. Йўлдошбой! *(Қучоқлашиб кўришади.)*
Ишлар қалай?

Йўлдошбой. Иш тахланиб ётибди!

Бажан. Буни қаранг, Йўлдошбой, шамолнинг тешиги-га тош қўя келдингизми, дейман. *(Кулишади.)* Келишингиз билан офтоб ҳам...

Йўлдошбой. Сал бўлмаса, йўлдан адашиб кетардик. Яхши бир туркман оқсоқолига дуч келиб қолдик. Бўлмаса, ҳар юз фарсахда бир манзил. Қудуқда сув йўқ.

Бажан. Ё сув йўқ, ё музлаган, ёки заҳар қотилган бўлади. Сахро мўъжизалари.

Йўлдошбой *(Бажанга тугунча узатади)*. Сизга, ўртоқ командир. *(Аскарларга.)* Сизлар учун эса, бир дунё егулик ва чеккулик. Ана карвон!

Бажан. Нима экан? *(Ечиб папирос олади.)* Ҳў, «Дукат!» Қани чекнинг! *(Улашади.)*

Ҳамма чекади. Мели киради.

Мели. Ўртоқ Бажан, қалъа қўзғалиб қолди! *(Йўлдошбойни кўриб.)* Ия, ия, сиз ҳам!.. *(Сўзи оғзида, қучоқлашади.)*

Бажан. Қеча кутган эдим. Постларни айланиб чиқинг! Гончарук, кечқурунга аччиқ шавла!

Мели ва Гончарук чиқиб кетадилар. Чолғулар кўтарган артистлар кирадилар, саломлашиб ўтирадилар, аскарлар тўплана бошлайди. Онахон киради, Йўлдошбойни кўриб, аввал тисланади, кейин ўзини тутиб, аскарларча салом беради, кўришади.

Онахон. Салом, Йўлдошбой ака!

Йўлдошбой. Соғ бормисан, синглим?

Бўри *(важҳати кулгилик Шоди пакана билан кўриша туриб)*. Э, қўлинг тиззанга тушиб юрибсанми, ошна? Ҳали ҳам тирикмисан? *(Кулги.)*

Йўлдошбой. Чўчитманглар, тўқайга қочиб кетади тағни. *(Кулади.)*

Бўри. Ёнғоқ пишиғига бор-ку ҳали. *(Кулги.)*

Шоди пакана. Зап йнгитсизу, лекин ҳали ҳам алифни калтак деб юрибсиз-да. *(Кулги.)*

Бўри. Ҳа, башарангдан топилмагур! *(Кулги.)*

Йўлдошбой. Орқа этакни бошга илманглар дарров. *(Кулги.)*

Шоди пакана *(Йўлдошбойга)*. Сабру тоқатингизга қойилман-да. Қирқ кун янтоқ емай, сув ичмай, дашти Қарбалодан ўтиб олдингиз-а! *(Кулги.)* Э, сизга гап йўқ. Бу

силкинса, сенга юк чиқади, Бўривой. (Кулги.) Буни шамол учирса-чи, анавини осмонда кўравер! (Кулги.)

Бўри. Ҳа, қонқусгур-а! (Бошқа томонга.) Ҳаром ўлгурни қара, ағдарма шотини ағдариб қочай, деб турибди. (Кулги.) Буни минсанг, оёқсиз қоласан. (Кулги.)

Шоди пакана. Номи шарифларини жа билиб қўйишган-да. Ужар! Минг чўқисангиз ҳам, ўтмайман, деди-ми, тамом. Ҳала қилавериб, чўпингиз синади. (Кулги.)

Бўри. Е, жонивор, е! Манзил узоқ, доволар баланд, йўл хатарли! (Кулги.) Манавинисининг афтини кўринг, чилланг чироқ кўрганми? (Кулги.)

Йўлдошбой. Шумғия, тақсир, шумғия! Ерингизда шумғия пайдо бўлибди, эҳтиёт бўлинг, босиб кетади. (Кулги.)

Шоди пакана. Оғайнилар! (Йўталиб.) Ташвиқот поездида келганларни таништиришга ижозат! (Йўталиб.) Манави санъаткорларнинг беги! Сайловсиз бек! Машҳур қозонган уста Турди...

Йўлдошбой. Бек сайланармиди, хушрўй йигит? (Кулги.)

Бўри. Олабўжи денг! (Кулги.)

Шоди пакана. Ҳар қалай каттаси. Ҳеч ким буни катта қилган эмас, лекин катта дорга осилгани-осилган. (Четга.) Қоринини ёрсангиз, алиф чиқса ўлай! (Кулги.) Ашула айтганда, нега ҳанграяпти, дейсиз. Лекин ўргатганда, бало. Шогирди кўп. (Четга.) Эҳтиёт бўлинг, тепворади. (Кулги.) Ўзи унча-мунча куй-пуй ҳам тўқийди, оти нима эди, ҳалиги... ҳа, бастакор! Лекин нотани кўрсатсангиз, хитойча хатингни танимайман, деб қулогини қимирлатади. Ҳаммаси бошда: отам замонидаги мақомларни андак ажибужу қилиб, мен тўқидим деса, нима чора? (Кулги.) Ўттиз уч томошага етгулик мақом бошида. Газет ўқиганини кўрган эмасман. Анкетага бўлса, «бастакоррр» деб ёзади. Қаёқда ўзи ёзади дейсиз? Мен ёзиб бераман. (Кулги.) Мана бу — найчиларнинг пири. Ўзи эшиб чалади-ю, ўргатмайди, қурумсоқроқ. Асли ўзи Маллахон замонидан қолган кўса. Туки йўқ. Биронта шогирди ҳам йўқ. Бахил, кашанда, кўшанда, гушанда ва кушанда. Сал кайфи бўлса, наво чалади, ухлаб қоласиз. Кайфи йўқ бўлса, ўн саккиз қишлоқнинг хўрозига сўз бермай, гийқ-гийқ... (Кулги.) Номи шарифлари...

Болта. Томоша бўладими?

Шоди пакана. Ҳозир-да... Манавиниси устози кулли, қўшнаёй. Табаррук одам. Асли зебо пари тухумидан. «Шодиёна»ни мендан ўтказиб чалма, деб, Ашурали меҳтардан умрбод хафа. (Кулги.) Мана буниси — булбули

гўё. Ҳзи танҳо. Овозини баралла қўйса, Бадахшонга етади. Қулоғингизда парда борми, эҳтиёт шарт. Яъни, қорию қурро, тиллари бурро, ҳамма гапга урро-урро... Ҳозир труппамиз томонидан «Эшвой».

Аввал музика, кейин «Эшвой», «Мард қолур майдон ичинда», ижро этилади. «Балли!», «Дўст», «Кам бўлмаг!» садолари. Айни авж пайтида Мели кириб, Бажаннинг қулоғига пичирлайди.

Бажан (*сакраб туради*). От!
Мели. Ҳой, от келтиринг!

Ҳамма қўзғалади.

Бажан. Отланинг!

Акс-садо узоқлардан келади: «Отланинг!» Дам ўтмай, отиш-чопиш садолари, от кишинашлари.

Шоди пакана. Мана сенга томоша!
Иўлдошбой. Бу ҳали-бери тугайдиган томоша эмас.
Шодибой, чодирга кириб, дам олинг.
Шоди пакана. Дам олинг?!

Уста турди. Э, қурол берсин бизга!
Иўлдошбой. Жуда соз! Анави ерда қурол! (*Бир чеккани кўрсатади.*) Боринг!

Санъаткорлар кетадилар.

Онахон (*жанг шовқини келган томонга қараб*). Анавини қаранг! Очилли қаранг, доим ўзини ўтга уради. Вой! Қуршовда қолди. Иўқ... Ур! Ҳа, балли! Уҳ, отдан учиб тушди! (*Шошқин қурол оли югуради.*)

Иўлдошбой. Онахон! Эҳ, аттанг! (*Шошиб чодирга киради, яланғоч қилич тутгани ҳолда чиқади.*)

Чодир орқасидан эгри қилич кўтарган Ҳамдамгов кўринади. Иўлдошбойга ташланади. Қиличбозлик.

Ҳамдамгов (*ириллаб*). Қўлимга тушдингми!
Иўлдошбой (*зарб уради*). Ҳа, ўлат!

Ҳамдамгов ағдарилиб тушади. Иўлдошбой жанг бўлаётган томонга кетади. Милтиқ кўтарган Шоди пакана ўта туриб, Ҳамдамговга қоқилиб тушади.

Шоди пакана (*у ёқ-бу ёғига ўтиб*). От ўйини полвонсиз қолибдими? Ия, жони бор-ку ҳали.

Бўри соқоли ўсган, қалпоқли Наврўзбекни судраб киради.

Бўри. Ёмон олишар экан бу хунаса! *(Шоди паканага.)*
Сенмисан, мирза? Ол-а! Ёз! Мана қуроллари. Болтавой
икковимиз тутдик. Отини айтмаяпти. Лекин итдай олишар-
кан. Оту анжомига қараганда...

Қайдандир Дўсма т пайдо бўлади ва чақмоқ ургандай гаранг бўлиб
қолади.

Дўсма т *(дудуқланиб)*. Бунинг жонини ол, бу расво
одам!

Бўри. Ўзингга қийин. *(Дўқ қилиб.)* Сенинг нима
шинг бор, ўзинг ҳам тутиб кел, қани!

Дўсма т новлож кетади.

Наврўзбек. Қўлимни бўшатинглар. Яроғим йўқ!
(Бошини қуйи солади.)

Бўри. Ия, даҳани бор-ку, хўш, кимсан?

Иўлдошбой киради. Қиличини артади. Наврўзбекнинг қалпоғини
олади.

Иўлдошбой. Уҳў! Салом алайкум, қалайсиз,
бек?

Бўри *(тикилиб)*. Бек? Ё тавба! *(Ёқасини тутади.)*

Наврўзбек. Мен ўз ихтиёрим билан... *(Тугилиб.)*
Агар хоҳласам...

Бўри. Анавини қаранг! Ўз ихтиёри биланмиш! *(Ке-
тади.)*

Иўлдошбой. Пайти ўтмадимикан, бек?

Наврўзбек. Мен айбдор эмас, Фарғонани сотган
мен эмас. Мен...

Иўлдошбой. Сиз ёқдингиз. *(Ҳамдамговни кўрса-
тиб.)* У сотди, шундайми? Ё аксинчами?

Уста Турди биттасини судраб киради.

Уста турди. Оллоёр дегани шу бўлса керак!

Наврўзбек йиқилиб, ер ўпмоқчи бўлади.

Оллоёр *(Наврўзбекка кўзи тушиб)*. Уят! Қимга саж-
да қиляпсиз?

Бажа н киради.

Б а ж а н. Аҳа!.. Жаноблар! Жаноблар!

О л л о ё р. Чўлдурамай, билганингни қил-э! Сендан омонлик сўраб турганим йўқ! Дин деб, улус деб...

И ў л д о ш б о й. Қаллакесарнинг важини кўринглар! Сиз Хоразм жаллоди эмасми? Сизнинг шопу шалопингиз инглизники эмасми? Сизни қутуртирган Бухоро олтини эмасми? Улус эмиш!..

Н а в р ў з б е к (*Жонҳолатда ер ўпиб*). Тўхтанг. Тўхтанг! (*Бажаннинг оёғига ёпишади.*) Мен айтаман, ҳаммасини айтаман. Ҳаммасини мана мен биламан. Ким, нима, қаерда, қачон — ҳаммасини биламан.

Б а ж а н. Олиб чиқинглар!

А с и р л а р н и олиб чиқиб кетадилар.

(*Четга қараб.*) Ия, у кимни кўтариб келяпти?

Б ў р и киради.

Б ў р и. Худди қалъа ёнида... Абжақ... боши йўқ... Би-лишимча, бу Мели.

И ў л д о ш б о й. Мели? (*Чиқиб, қайта киради.*) Мели!..

Ҳамма шўёмини олади ва бошини қуйи солади.

Муродимга етдим деганда... (*Пауза.*)

Ҳангоми навбаҳори гул аз бўстон жудо,
Ёраб, мабод ҳеч кас аз дўстон жудо...

(*Бошини қўллари орасига олиб, ўксиб-ўксиб йиғлайди. Ҳеч кимга сездирмасликка уринади, лекин эплай олмайди.*)

Б а ж а н. Гончарук қани?

• Аскарлар жим. Боши танғилган О ч и л ва О н а х о н кирадилар.

О ч и л. Гончарук оламдан ўтди. Мени ва Опахонни ўлимдан қутқазади-ю, ўзи... (*Бошини қуйи солади.*)

О н а х о н. Йиғлаясизми, Иўлдошбой ака?

Б ў р и. Мели ҳам!

Онахон юзини қўллари орқасига олади.

И ў л д о ш б о й (*бошини кўтариб, кўз ёшларини артиб, дадил*). Булар инқилобнинг асл йиғитлари эди, жумҳуриятнинг асл ўғиллари эди, қизил мерганлар!

Учинчи кўриниш

ВАТАНФУРУШ

Қадимий қалъа, дарё бўйи. Қора совуқ. Эски мадрасанинг ўрта хонаси. Ени — минора ва мадраса томига кўтариладиган қоронғи эзнапоя. Уймакор ва оғир эшик аҳёнда гичирлаб қўяди. Хона ичида, гулхан атрофида Пирмуҳаммад арбоб, Жунайдохон, пастроқда Кўршермат, нарироқда Сайдалихўжа ўтирибди. Хонтахтада турфа ноз-неъмат ва ичкилик. Хона унча ҳашаматли эмас, бироқ гиламлар ёзиғлик, товоқ-қошиқ ҳаммаси кумуш ва олтиндан

Жунайдохон (босиқ). Хўш, баҳодир! Ундан сўнг? Келишингиз боиси? Не жин урди сизни? Ё хижолат ва афсусли?

Кўршермат. Йўқ, сардор.

Жунайдохон. Сардорнинг неси? Мен бу палла Ховар замин ҳукмдориман.

Кўршермат. Шундай, улуг ҳукмдор. (Пауза.) Ҳа... Хижолат ҳам... Лекин остонаи олийларига етиб олгунимча... Тоғ, чўл, ҳар манзилда пистирма, ҳар бекатда ғов. Йўл-йўлакай йигитларим тўп-тўп ғойиб бўлади, денг. Эй, сардор...

Жунайдохон (ўқрайиб). Баҳодир қочар эмушму?

Кўршермат (ниҳоят бўғилиб, тупугини зўрға ютиб). Дўппи тор келса, қочар эмуш.

Жунайдохон (ял этиб қарайди-ю, лекин қаршисида ўлимга бепарво Кўршерматни кўради, Пирмуҳаммад арбобга маъноли кўз ташлаб, у бош чайқаганини кўраркан). Хўш, ғозий, болшовойлар юртингизда не қилмоқда? Сиз элчи ҳам юборгансиз чоғи? (Қуйиб ичади. Пирмуҳаммадга ҳам узатади.)

Пирмуҳаммад овқат билан машғул, лекин қулоғи динг. Нарироқда Сайдалихўжа ҳам диққат, дам ўтмай қуйиб ичади, борган сари кўзлари бежо.

Кўршермат. Ҳа... Шундай, сардор.

Жунайдохон яна хит, тўппончасини ўйнаб ўтиради.

Болшавойлар балойи азим. Бу юртда нима қилаётган бўлсалар, у юртда ҳам айнан ўзи. Гаҳ деса бас, қора оломон қўлларига қўниб сайраяпти. Ул деса — ўлади. (Ютиниб.) Тили узун, дегани деган. Талон-тарожлардан кейини (бошини қуйи солиб) фуқарода ишонч қолгани йўқ бизга. Айб ўзимизда. Сўзимизда субут бўлмаса... (Пауза.) Қуллар, қулбаччалар қўли баланд.

Жунайдохон. Эй, гозий... Тавба дегулик! Вақт бор ҳали. Бармоқ чайнашда не маъни? Шайтоннинг бўйни узилсин!

Пирмуҳаммад. Қуллар, қулбаччалар тумшугига бурундук урғаймиз ҳали. Бу тоифа ҳаргоҳ бир бош кўтариб, боз тақдирга тан берадиган тоифа. Дини ислом бор ахир бу оламда. *(Пауза.)* Мовароуннаҳр ота-бобонгиз мулки, баҳодир!

Кўршермат. Эй тақсир! Не-не дини ислом устунлари қора оломон фойдасига ривоят битиб берапти. Дини ислом...

Жунайдохон *(Пирмуҳаммадга бир қараб, кейин)*. Ё сиз ҳам болшавой айғоғимисиз? Бошингизни кўтаринг, гозий! Қилич қайда, қамчи қани? Топшириб келдингизми ё? Қалбингизда зарра умид қолганми ўзи? Бу — ҳамма устига келган офат.

Кўршермат. Яъжуж-мажуж офатидан хатарлироқ.

Жунайдохон. Мусибат чоғида нола қилмоқ...

Пирмуҳаммад. Заифа иши!

Жунайдохон *(Пирмуҳаммадга)*. Баттарроқ, эшоним, баттарроқ, яъни ғар иши бу!

Пирмуҳаммад. Туғи ислом дарёнинг бу тарафида иш бергай, Ҳирот вилоятида мусулмони комил ва исломга муҳлис турк қабилалари... найман, қўнғирот, мангит, кенас... Эҳ-э... Ачиб ётибди! Шаҳаншоҳи Эрон ҳам йўқ эмас. Тағин кўчкинлар, қочқинлар...

Сайдали *(асабий)*. Қабила дағил, афандим, қабила дағил... У бир буюк миллат. Шимол саҳроларидан — Русия яйлаларина қадар чўзилмиш... Бизим буюк боболаримиз юрду... Олами ислом... Турк юрду...

Пирмуҳаммад. Ҳовва... Буюк! Лекин лаъли Бадахшон тоғ сийнасидан осонлик билан олинмас эмиш. Бас, шундай экан...

Кўршермат. Ҳей... Жаноблар! Сиз айтган толлар кескиб кетяпти. Ит эгасини қопяпти. Сиз айтган буюк миллат: мен ўзбек, мен қирғиз, мен қозоқ, мен туркман, тағин нима балолар деб наъра тортяпти. *(Пауза.)* Риштаки узилганми, уланган билан бари бир ўрта тугун... Тугунни бўлса, ҳар эринмаган еча олади, ҳар ўткинчи улай олади.

Пирмуҳаммад. Ўзбеклар... ўзбеклар... *(Тишини ғичирлатади.)*

Сайдали *(Кўршерматга қараб)*. Пек тушқун... Жаноблар! *(Гандираклаб.)* Турк қавмлари... Дунёда ҳукмронки бор, ё турк ва немис! Ҳатто рус подшоҳлари сингирларида немис қони гупурмийшдир. Ҳиндистонда, Афғонистон-

да, Шарқий Туркистон ва Бухорон шарифга дориссалтанатлар турк жаҳонгирларининг тахти тасарруфида ўлмиш, афандим. Буюк Олмонияда таҳсил кўрмиш ватан фидойилариданам. Миллат гафлат гирдобинда... Мудроқ қалблари миллий туйғу ва ғурур уйғотажагим. Жаҳид оғайниларда... (*Ҳансираб ўтиради.*)

Пирмухаммад. Ажаб порлоқ хаёллар. Фақат амалсиз сўз афсона, афандим. Яроқсиз илм ва... (*Сайдалидан жирканиб*) ва сиҳатсиз тириклик — фойдасиздир, афандим!

Илмийки амалнинг нишони йўқдур,
Бир жасаддирки, жони йўқдир.

Эсингиздами?

Сайдали. Уқубат зиндони бу, ғурбат биёбони бу. Хаёл сайёди тафаккур тузоғида... Фикр наққоши хаёл лавҳига қанот суратини чекмоқда. Орзу майдони кенг. Аммо умид саҳни қора. (*Бориб ўтиради, тагин ичади.*)

Жунайдхон (*тўппончасини йўнаб*). «Мевасиз дарахтни кесиб ташламоқ гупоҳ эмас», дердингиз, пирим?

Пирмухаммад. Шитоб хатар гирдобига дучор қилгуси, азизим!

Жунайдхон (*Кўршерматга*). Хўш, ғозий, ўғрилар посбон бўлмиш, ғайри динлар сорбон бўлмиш юртингизда қулбаччалар не қилмоқчи? (*Ичади.*)

Кўршермат (*бўғилиб*). Сафсатадан бери, шароб-хўрликдан нари, ақли бошларида, ўзлари бек, ўзлари ҳукмфармо, эрталари ёруғ, шундай...

Жунайдхон (*дарғазаб*). Не афсоналар... (*Қуйиб*.)
Ичинг!

Кўршермат. Шундай. (*Олиб ичади.*) Душман тадбир тизгинини оқилона тутибди.

Жунайдхон. Хўш, ғозий, бу Ёўлдошбой деганлари не тоифадан хуруж қилибдир, не одам?

Кўршермат (*ўта хит*). Оҳ, деса, оғзидан олов учади, уҳ деса бурнидан бўрон пайдо бўлади. (*Ўзини чақиб, тинчигандай маст.*) Бургутдай беомон, наҳангдай қўрқинч. Зийрак ва хатарнок ёв. (*Пауза.*) Қўй оғзидан чўп олмаган одам.

Жунайдхон. Хўш, бу қўй оғзидан чўп олмаган одам сизни қандай қилиб Ховар заминга ҳайдаб солди?

Пирмухаммад. Қурбонликка чолмоқлик, ҳмм, тўғри жаҳаннамга жўнатмоқлик душвор бўлдимми?

Кўршермат (*баттар хит*). Азроилга дуч қилган эдим, буни қарангки, Азроил салавот айтиб, ер тағига қочди-я.

Жунайдахон (*қуйиб*). Ичинг. Азроил ёнида Азозил йўқмиди?

Кўршермат. Бу борада ўзидан сўранг.

Жунайдахон (*эшонга*). Эшак гўшти — гўшт бўлмас, пирим. (*Даргазаб*.) Ичинг! Қани, Азроилни келтиринг ҳу-зуримизга ҳозир. Кўриб қўяйлик!

Кўршермат чиқиб кетади.

Пирмуҳаммад. Бу одамда қут қолмабди.

Кўршермат ва Дўсмат кирадилар. Дўсмат икки букилиб паст-роқдан жой олади.

Кўршермат. Азроил.

Жунайдахон (*ҳайрон*). Сиз? Дўстмуҳаммад...

Дўсмат. Ҳа, тақсир. (*Тили куйгандай*.) ...Шодмонбек ўғли.

Пирмуҳаммад. Йўлдошбой дўзахнинг калласини келтиргандирсиз?

Дўсмат. Йўқ, тақсир. Бошим гаров. Осий бандаман. Шундоққина ёнида, орқасида пайдо бўлдим неча марта, ханжар дастаси қўлимда. Бир қадам. Бир нафас. Шайтон: «Ур!» дейди. Раҳмон: «Ўласан!» дейди. Шундай қарадиму аъзойи баданим шал бўлса, нима дейсиз. Лекин бу сафар олий фармонга мунтазирман.

Пирмуҳаммад. Азроил эмиш! Бу ўзи! Азроил қи-личига сазовор банда.

Дўсмат. Йўқ тақсир. (*Бош уради*.) Бола-чақам қо-либ кетди.

Жунайдахон. Бас! Дўсти нодон яхшилиги — душма-ни доно шарридан баттар, пирим!

Дўсматга сичқоннинг ини минг танга, жуда безовта.

Сайдали. Буюк турк юрду, жаноблар, буюк турк...

Жунайдахон (*кесиб*). Бизга Ховар заминдан қиммат-роқ юрт бўлмас, пирим.

Кўршермат. Оҳ, Фарғона замини, ўзимга муяссар бўлгай, омин!

Дўсмат (*бир чеккага*). Бизга нима қолди? Баракал-ла. Бўлишиб оляпти шекилли булар. Судралиб юравера-мизми?

Пирмуҳаммад (*Кўршерматга*). Балли. Бу борада аслаҳа ва олтиндан ғам еманг. Мен иелом учун, турк учун жон аяган эмасман. Фақат... (*Дўсматни кўзи билан излаб*.)

Ҳой, Азроил, Фаргона заминида ишонгулик киминг қолди?
(*Кўршерматга.*) Хўш, ғозий?

Д ў с м а т (*санқиб тушиб*). Бунисининг дағдағаси бугун ҳаммасиникидан баландроқ.

К ў р ш е р м а т. Йигитлар наздимда таслим бўлди. Лекин тоғда-тошда ўн-йигирма санқиб юргани бор чоғимда.

С а й д а л и. Кучук йўлбарслар.

Д ў с м а т. Катта йўлбарснинг аҳволига қаранг. (*Бўғилиб.*) Нима, сен катта йўлбарсмисан?

С а й д а л и. Бу не густохлик? (*Уқ узади.*) Кучук. (*Яна интилади.*)

Д ў с м а т. Ия, жин чалганлар ўртасида қолдим шекилли. (*Зинага қочади.*)

Кўршермат ҳам хавотирда.

П и р м у ҳ а м м а д (*Сайдалини тўсиб*). Майдан олинг, ҳей. Доим ўқингиз хато кетади-я. Бу буюк мамлакатда сизга ҳам замин топилар, тахт топилар... Фақат...

Ж у н а й д х о н. Кўз чиқармоқчи бўляпсизми сиз?

Эшик очилиб, икки барра қалпоқли ч о в у ш қўли . боғлиқ Ҳ а м д а м - г о в н и итариб олиб киради.

Ж у н а й д х о н. Бу ким?

Ч о в у ш. Болшавой сарҳанглардан.

Ж у н а й д х о н. Баракалло! Оти, зоти, насаби, касби?

Ч о в у ш. Сарҳанг.

С а й д а л и. Юзбоши дагилки?

Ч о в у ш. Мингбоши, афандим, ўққа тутмай, қилпч солмай, қўлга олдик. Қопқонга тушди-да, ахир. Якка ўзи бир човутда ўн кишининг бошини еди чамамда.

Ж у н а й д х о н. Жаҳаннам қаърига юбормадингларми?

П и р м у ҳ а м м а д. Сабр, азизим (*Чарм халтасини очиб, бир сурагга разм солади, кейин.*) Сиз... ўша Ҳамдам Ҳақназар ўгли эмасми сиз?

К ў р ш е р м а т (*бошини кўтариб*). Худди ўзи.

Д ў с м а т (*аланглаб*). Ия... Ҳамдамбуқа-ку. Э, бундан ёруғлик чиқмайди, тақсир. Болшавойларга ўтиб кетган эди, биламан.

П и р м у ҳ а м м а д. Сиз Утабҳожии ва Давлатёрхўжани ҳам яхши биласиз, шундайми?

Ҳамдамгов жим.

Д ў с м а т. Э, бу катта болшавой. Бухорога биринчи от қўйган шу, тақсир. Буқа дейдилар, ҳўкиз ҳам дейдилар,

гов дейдилар бунн, тақсирим. Шоҳига илса бас, дўзахга меҳмон бўласиз. (Тагин тисланади.)

Пирмухаммад. Сиз озгинмисиз, паҳлавон? Сиздаги аслаҳалар... (Пауза.) Қайда? Амир хати... (Жунайдохонга.) Қўлларини ечтиринг.

Жунайдохон (ҳайрон). Бу ахир... (Бурилиб.) Бўшатиинг.

Ечишади.

Пирмухаммад. Омондасиз, паҳлавон. Хўш, аслаҳалар.. (Човушларга «Чиқинг» дегандай имо қилади.)

Човушлар кетнади.

Хамдамгов. Утабҳожиди!

Дўсмаат. Э... Тагин ошиғи олчи-ку. Баракалла. (Яна тисланади.) Судралиб юраверамизми?

Пирмухаммад. Тўғри сўзланг. Қурол ўзингизда. Сиз ноилож болшавойга таслим бўлгансиз. Лекин оламга машҳур баҳодирсиз. Лондонда ҳам маълумсиз. Бошингиз омон баҳодир, сизни Фарғона салтанати кутмоқда.

Кўршермат ўзини йўқотади.

Кўршермат. Эй, гумбази даввор! Бир кездеги мадраса, меҳроб. Бугун шаробхона ва бозор. Замин савдоси, салтанат савдоси...

Пирмухаммад. Бойқушдай хўнг-хўнг қиласан-а?

Кўршермат (бир четга). Садқаи дини ислом кет! (Қийналиб.) Кошки болшавойга ўз пайтида таслим бўлсам. Бош уриб келган кишим шайтонларнинг домласи. Куним қизил бош билан ғайри динга қоладими-я?

Жунайдохон. Ғазабимдан кўрқ, ҳей.

Кўршермат. Фарғона заминини ерга уряпсиз. Нархи паст кетяпти. Бухоро ва Хоразм олтини камлик қиляпти чамамда?

Жунайдохон. Фарғонангни пишириб е!

Пирмухаммад. Сиз олтинсиз қолдингиз шеквли, ғозий? Олинг! (Ҳамён ташлайди.)

Кўршермат. Э, қуллуқ! (Олмайди. Аста чиқаётиб.) Эй, чархи фалак!

Пирмухаммад (Ҳамдамговга). Утиринг, баҳодир. Сиз болшавойларга туппа-тузуккина яқинсиз. Большавой сизнинг қадрингизга жуда етади. Бизга эса қадрдон дўстсиз. Майдан олинг! (Жунайдохонга.) Большавой офати бу йингит!

Жунайдохон (май қуйиб). Олинг!

Пирмухаммад. Шаддод йингит. (Ҳамдамговга бури-
либ.) Аслаҳа ва салтанат пойи қадамнигиздан садақа!
Сизга берилган у аслаҳалар-чи?

Ҳамдамгов. Қумда. Қўмиб қўйганман.

Пирмухаммад. Баракалло. Жаноблар! Йўқолмиш
дўст, сардор, мирза Ҳамдам. (Ҳамдамговга.) Демак, сиз
яна ўз йўлингиздан, яъни биз айтган йўлдан кета оласиз,
кетишга шайсиз. Йўллар очиқ, майдон кенг! Олинг, жа-
ноблар, майдан олинг. Аммо ҳаттул-ҳаракат. (Пауза.)
Бундан сўнг қирмизи тўн киясиз. Ҳа, бу сизга ўргатгулик
гап эмас. Фақат томирларига чатишиб олинг, қонига қў-
шилинг, батамом қуритинг. Сиздай диловар кам келади
бу дунёга... Олинг!

Ичадилар. Дўсма т шошқин, қоронги зинадан тушади.

Дўсма т. Анавилар босиб келяпти. Қочинг, тақсирим!

Тўс-тўполон.

Сайдали. Ёлон! Ёлон!

Жунайдохон. Ўққа тутинглар! (Кетаётиб.) Юринг,
паҳлавон.

Ҳамдамгов ҳам чиқиб кетади. Дўсма т йўлакда ғойиб бўлади.
Давлатёр кириб келади.

Пирмухаммад. Э... Келдингизми, хўжайи калон.
Давлатёр (ҳайрон). Қайда? Жаноби...

Пирмухаммад (бемалол ва шошилмай салласини
олиб қўяди, чопонини ечади.) Уша мен ўзим... (Бу ярим
ҳарбий кийимдаги инглиз жосуси.)

Давлатёр. Жаноб! Жаноб! Сиз бугал пирлик либо-
сида. Вожаб!

Пирмухаммад. Шундай Хўжайи калон, ортиқ фаҳм
этгандирсизки, очиқ жангдан умид йўқ. Сўнгги тирак — шу
Жунайд қароқчи, лекин бундан сўнг умид фақат сиздан.
Сиз етук одамсиз.

Давлатёр. Жаноб!

Пирмухаммад. Гап қисқа. Большевиклар барча
ерларни мулкдорлардан босиб олиб, ялангоёқларга бўлиб
бериш арафасида. Отабекларни битта-битталаб жонидан
жудо қилгуси ёки Сибирга ҳайдагуси. Ота-боболарингиз-
нинг муқаддас тупроғини оёқ ости қилгуси. Ҳаракат қи-
линг. Вақт қиёмат кўпригидай нозик ва бурро. Ич-ичига
сингиб кетинг. Ич-ичидан чиритинг. Ўзбекми, қозоқми,

туркманми, қирғизми — бўлиб-бўлиб ташламоқчи. Бўлиб-бўлиб бошингизни емоқчи. Бўлинмаймиз, деб туриб олинг. Коммуна тузишмоқчи, тушунасимиз? Ҳа. Коммуна дегани — жирканч бир дунё. Товуқдан бошлаб, жуфти ҳалолингизга қадар ўртага тушади. Мусулмонларга ана шундай деб тушутирсин югурдақларингиз! Худди шундай деб! Бош қўшинг, қўзғолон кўтаринг, сергак бўлинг... Сал сездими, бас. Номингиз ўчади-кетади. Аёв йўқ бу большевикларда. Ана шундай, хўжайи калон, бўлиб-бўлиб ташлаиш арафасида турибсизлар.

Д а в л а т ё р. Бўлинади, жаноб, сўз йўқ. Ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, бошқалари ҳам: «Бизни ўрис инглиз оёғи остига тушишдан сақлаб қолди, ўрисга балли, Ленин замонасида ҳар қайсимиз ўз тилимизда сўзлашайлик, ўз мактабимизда ўқийлик, ўз эркимизга эга бўлайлик», дейишяпти, жаноб.

П и р м у ҳ а м м а д. Ўз эрки эмиш... Эркини кўрсатиб қўямиз ҳали. Ўзбеклар... Ҳамиша йўлимга тўсиқ бўлиб келди бу урушқоқ улус. Менинг алоҳида ҳисоб-китобим бор бу ўзбекларда. Ҳа, шундай. Мен-ку Ҳиндистонни тартиб олдим бу пандавақилар қўлидан, лекин Афғонистонга оёқ босишимни ўн йилга кечиктирди бу ўзбеклар. Қонимни тўкди ўн йил... Менинг отам ўзбек мерганининг ўқига учди, устихони афғон тоғларида қолиб кетди. Россияга йўлимни тўсган ҳам ўшалар. Қизиқ. Ғариба бир халқ... Темурланг ўз қондоши султон Боязидни оёқ ости қилиб, Европани асоратдан қутқазиб қолганига ақли еттимикан шунча аср ухлаб? Яна ўша Темурланг ўз қон-қардоши Тўхтаминнинг Олтин Ўрдасини кунфаякун қилиб, Россияни мўғул ва татар истибдодидан қутқариб қолганига фаҳми етдимикан ҳозир? Афғондаги ўзбек уруғлари эса Туркистонга ва Россияга юришимда тоғдай тўсиқ бўлди, тоғдай! Тушуниш қийин бир халқ, хўжайи калон, тушуниш қийин бир халқ бу ўзбек. Мен бу ўзбекни, яъни сизнинг севимли халқингизни ҳинду кунига солишни қандай истардим! Мен фақат отамнинг ўчини эмас, барча инглиз зодагонлар ўчини олмоқчиман, Буюк Британиянинг ўчини олмоқчиман.

Д а в л а т ё р (бош эгиб). Жаноб!

Д ў с м а т (зинадан тушиб). Хўжам!

УЧИНЧИ ПАРДА

Биригчи кўриниш

КАЛИНИНИНИНГ КЕЛИШИ

Бухоро. Ҳашаматли саройда ёруғ ва нақшин кенг хона. Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар жумҳуриятининг биринчи қурултоғи кўнлари. Турли одамлар ўтиб туришибди. Саҳна олдига яқин жойда Акмал Икромов ва Йўлдошбой Охунбобоев суҳбатлашмоқдалар.

Икромов. Э, қўшчилик-кўланчилик ҳашам эмас. Йўлдошбой ака, тарих юзидан ўчиб кетади бу гап. Ўзингиз айтардингиз-ку: бугун — юпун, эрта — бутун. Кечаги қўшчи — бугун юрт каттаси бўлиб кетса, ажаб эмас.

Йўлдошбой. Сиз ҳам жуда ошириб юборасиз-да, ўртоқ Икромов. Менга-чи, жиндек ер бўлса-ю, суяк-суягини синдириб, жигар-бағрини эзиб чопсам, гуллатсам, қойил қилсам бўлди!

Икромов. Қойил қилишингиз турган гап! Қурултоғ бу ахир. Кўпчилик: сен бизга бошчи бўл, қўлингдан келадими, деса — йўқ дейсизми? Ўйланг-а! Бутун ўзбек ерлари бир жумҳурият бўлса, бутун ўзбек уруғлари бир ёқадан бош чиқарса! Ҳў... Тушингизга кирганми?

Йўлдошбой. Тушимга-ку кирганмас. Лекин кўнгил қурғур армон қилардики...

Икромов. Ҳа, ҳа! Ҳамманинг армони. Бутун ўзбек халқининг армони. Ўртоқ Ленин айтган. Бу жумҳурият Шарқда қудратли кучга айлана олади, деган-а!

Йўлдошбой. Олтин сўзлар! Фарғонада мен оёқ босмаган ер, мен ёнбошламаган тепа оз бўлса керак. Ҳаммасини кўрдим, елкада кетмон билан юрдим. Лекин бир парча ерга зор кетмончилар қанчадан-қанча! Ер-сув. Катта оқсоқолга ўзим бир арз қилмоқчиман. Фарғонани гуллатиб юборсак!

Икромов. Э, у киши қидириб юрган эди боя сизни!

Йўлдошбой. Ростданми?

Икромов. Лекин энди тагин ўқинишга тўғри келади.

Йўлдошбой. Йўғ-э! Бизга шу савод етади.

Икромов. Тўғри келмайди, ака! Сиз аввало фирқа аъзосисиз.

Иўлдошбой. Шунақаку-я.

Икромов. Шунақа. Лекин фақат Фарғона эмас, бутун жумҳурият юки елкага тушади. Сен Фарғона, сен Хоразм, сен кенагас, сен манғит... Иўқ, тўғри келмайди, ака! Бутун бир жумҳурият!

Иўлдошбой. Ваҳма қилаверманг!

Болта киради.

Болта (*нақшлар ва жиҳозлардан кўз узолмасдан*).
Ҳай, ҳай! Турниш-турмуши олтин-а!

Иўлдошбой. Болтабой!

Болта. Э, Иўлдошбоймисиз? (Кўришадилар.) Тушимми, ўнгишми?

Иўлдошбой. Сарпо қутлуг!

Болта. Қуллуқ!

Онахон пайдо бўлади. У ҳам ҳаммаёққа ҳайрат билан боқади.

Иўлдошбой. Ҳў, Онахон!

Онахон (*чошиб келади*). Салом, Иўлдошбой ака! (*Ҳаммалари билан кўришади*.)

Иўлдошбой. Очилбек қалай?

Онахон. Тузалапти. Эрталаб бориб келдим. Сизни соғинибди.

Иўлдошбой. Тўй яқин денг, бўлмаса? Бизни ҳам чақирасизми?

Онахон (*қизариб*). Бўлмасам-чи! Тўйбоши бўласиз.

Бажан пайдо бўлади, честь беради. Ҳамма кўришади.

Бажан. Қалайсиз, Иўлдошбой? Қалайсизлар? Болтабой, дейман, сарпо роса ярашибдимми?

Болта. Ҳарбий уст-бошни ҳам қозикқа илиб қўйибман, ўртоқ Бажан!

Бажан. Ҳа, унутиш керак эмас!

Иўлдошбой. Болтабой унутадиган йиғитлардан эмас!

Бажан. Мана шу тинч кунлар, тинч меҳнат, тўю томошалар доний бўлсин деган йиғит аскарликка ҳамиша шай туради!

Болта. Бўлмаса-чи! Қачонки, кел, десаңгиз, ҳозирманда, ўртоқ Бажан!

Икромов. Ана, оқсоқол келяпти. Ўзингизни тутинг, белбоғ борми?

Иўлдошбой. Белбоғ-ку бор-а! Лекин бояги ҳазилни ўйинг!

Ҳаммалари ўрниларидан турадилар.

Онахон. Калинин!
Болтабой. Калинин? Уша-я? Ленин юборган киши-я?!

Михаил Иванович Калинин киради.

Калинин (ҳамма билан кўришиб бўлгач, Йўлдошбойга ёндашиб). Йўлдошбой Охунбобоевич Охунбобоев. Хурсандман. Сиз чинакам халқ ўғлисиз. (Кўзойнагини олиб, яна тақади, ўтиради.)

Йўлдошбой бир нима демоқчи бўлади, лекин тутилади.

(Йўлдошбойнинг елкасига қўл ташлаб.) Айтинг!

Йўлдошбой (сал тавозекор). Охунбобоев... дедингиз-а, оқсоқол! Асли онам қўйган отим — Йўлдошбой. Кейин Йўлдош малай, бора-бора Йўлдошбой, дейишадиган бўлди. Сиз эса отамнинг отини ҳам қўшиб айтдингиз.

Калинин. Шундай. Биринчи қурултой: Хўш, нима деган сўз бу биринчи қурултой? Бугун янги бир давлат биносининг гиштини қўйдик, деган гап. Бу — янги бир Совет Республикаси барпо қилдик ва давлат қурилшини бошладик, деган гап! Мен истардимки, бўлажак Совет давлатининг пойдевори жуда бақувват ва мустаҳкам бўлсин! Тўғрими, ўртоқ Икромов?

Икромов. Шундай, Михаил Иванович!

Йўлдошбой. Ҳа, ҳа! Оқсоқол. Ҳазилакам эмас. Биринчи гишталар. Бақувват пойдевор.

Калинин. Гап пойдеворда!

Йўлдошбой. Зилзилалар, тошқинлар... Ҳазилакам эмас. Бутун бир жумҳурият. Унинг ери, суви, эрки, обрўйи, шаҳарлари, қишлоқлари, йўллари, давлати, халқи, ҳақ-ҳуқуқи, маърифати, саводи... Э-ҳа...

Калинин. Ҳа, ҳа! Эрки, саводи. Мана, ўртоқ Икромов айтсин, мен ҳам академик эмасман, Охунбобоевич. Тинмай ўқияпман. Одамзод кўлидан қочиб қутуладиган мўъжиза йўқ. Тилсимлар очилади одам кўлида. Мана, ўртоқ Ленин. Олинг. (Китоб беради.) Сизга мендан биринчи армуғон. Уқинг. Қайта-қайта ўқинг. Билағон одам. Чинакам устоз.

Йўлдошбой (қабул қилади). Раҳмат! (Кўлини кўкрагига қўяди.) Уқийман, албатта. Қўлимдан қўймайман, дилимга жо қиламан. Қишлоқимиз-да. Тўғаноқ кўп. Сув талашади, ер талашади. Лекин кетмонга қолганда, бизнинг халқ... Мен айтаман: ҳой, қачонгача қашшоқлик? Қашшоқман, деб мақтанма, чорванг ҳам бўлсин, богинг-бўстонинг,

ханпангда доинг, хазинада пулинг, томингда беданг, тўйинг-томошанг...

И к р о м о в. Доҳиймиз Владимир Ильичнинг ҳам орзу-си шу-да!

К а л и н и н. Ҳа, ҳа! Меҳнаткаш халқ! Меҳнатни севмоқ — одамзоднинг олий фазилати. Биз учун меҳнатнинг ҳамма тури қадрли-қимматли. Паст нав ёки юқори нави йўқ. Бизнинг мамлакатимизда гишт терувчи меҳнати ҳам, олим меҳнати ҳам, агроном меҳнати ҳам, санъаткор меҳнати ҳам шарафли, ҳаммаси зарур.

И ў л д о ш б о й. Шундай, оқсоқол! Ҳаммаси!

О н а х о н. Лекин бизда аёллар меҳнати...

К а л и н и н. Ҳа, ҳа! Шарқда, айниқса ўзбек ўлкасида, революцияга қадар ўзбек деҳқонлари деҳқон ба ўзбек миллати сифатида оёқ ости бўлиб келган бўлсалар, ўзбек аёллари — деҳқон сифатида, ўзбек аёли сифатида ҳам, умуман, аёл сифатида оёқ ости... Ҳа, ҳа! Аввало, уқтирмоқ, кейин юзини очмоқ, кейин меҳнатга, ҳунарга, касбга етакламоқ, давлат ишига етакламоқ. Э-ҳе, Охунбобоевич.

И ў л д о ш б о й. Шундай, оқсоқол.

К а л и н и н. Баъзи чалакам-чатти сайёҳлар ёзган сайёҳномаларга кўзим тушди: «Самарқанд яқинида, одамга жуда ўхшаган маймунлар овлаш мумкин... (Кулги.) Ҳарорат даражаси 95!» (Кулги.)

И к р о м о в. Нега дарёлар қайнаб кетмайди, денг? (Кулги.)

К а л и н и н. Шунинг айтиши. Кейин: «Ёввойи итлар ҳар қадамда, ҳар сўқмоқда учраб туради...» Биттаси нима деб ёзибди денг: «Самарқандда фақат пахта, қовун, шафтоли эмас, ҳатто ипакни ҳам экиб ўстириш мумкин». (Кулги.) Ипакни-я! Йўқ, мен кўрдим. Бақувват мамлакат! Ҳамма нарса бор. У-ҳў, севсанг арзигулик тупроқ.

И ў л д о ш б о й. Арзигулик, оқсоқол!

К а л и н и н. Ҳа, ҳа! Бироқ ҳар ким фақат ўз қишлоғини, ё ўз шаҳрини ватаним деб ўйласа, бу — тор. Мен истардимки, ҳар бир ўзбек узоқ Архангельскдаги ё Грузиядаги олис қишлоқни ҳам ўз Ватаним деб, севадиган бўлса... Гап шунда!

И ў л д о ш б о й. Тушундим. Ака-ука, ота-боладай меҳрибон бўлмасак-бўлмас экан, ўртоқ Калинин!

К а л и н и н. Ҳа, баракалло! Барча меҳнаткаш оташин ватанпарвар бўлгани яхши. Лекин қуруқ ва мавҳум муҳаббат, қуруқ ва мавҳум ватанпарварликнинг умри оз. Саминий бўлса, вафоли бўлса, умри узун бўлади! Биламан: сизда, ўзбек халқида ғайрат, ҳамият зўр. Ўзбек халқи мағрур халқ. Яна бир айланиб келсам, янги маданият са-

ройлари, янги шаҳарлар... Янги экинзорлар, социалистик экинзорлар...

И ў л д о ш б о й. Меҳмон бўласиз, ўртоқ Калинин, азиз меҳмонимиз бўласиз. Менинг боғимда.

К а л и н и н. Ҳа, ҳа! Сизнинг боғларингизда!..

И к р о м о в. Ҳа, янги боғларимизда, янги уйларимизда, янги тўй-томошаларимизда.

К а л и н и н. Машина, механизация керак сизга! Советлар фақат бойлар зулмидан қутқариб қўя қолмайди, меҳнатни ҳам енгиллаштиради.

И ў л д о ш б о й. Ҳа, даққионусдан қолган омов, бўйинтуруқдан безор юрт! Ўт омов керак бизга!

Қўнғироқ эшитилди.

К а л и н и н. Қани, маслаҳатга кирайлик.

И ў л д о ш б о й. Қани, сиз олдин юринг.

К а л и н и н (қўлини сиқиб). Халқ сизга ишонади. Мен жуда кўп суҳбатларда бўлдим. Жуда аён: партия ва халқ ишончини оқлашингиз керак бўлади. Жумҳурият юки елкага тушади. Уддасидан чиқасиз, ишонаман!

Иккинчи кўриниш

ПРЕЗИДЕНТ

Иўлак. Пиллапоя. Юқорида Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар жумҳурияси Марказий Ижроия қўмитаси раисининг қабулхонаси ва кабинет. Чапда яна эшиклар. Қабулхонада котиб телефон билан банд. Пастда Д ў с м а т.

К о т и б. Бухоро! Бухоро! Бухороми? Ўртоқ Баротали? Шариф бобонинг келишларига рухсат. А? Ҳа... Миср пахтаси ҳақида. Ҳа, хайр.

Д ў с м а т. Биз ҳам кираверсак бўлармикан бу даргоҳга? (Тисланиб.) Юрагим дов бермаяпти. Иситмам тутяпти-я.

Пиллапоядан кичик саллали, очиқ юз, ола чопонини қўлтўқлаган Ҳ а қ н а з а р алпонг-талпонг тушиб келмоқда.

Д ў с м а т. Ассалом алайкум.

Ҳ а қ н а з а р (ҳайрон). Кимсан? (Ноиллож кўришиб.) Омонмисан? Мол-жон омонми? Не қилиб юрибсан?..

Д ў с м а т (тусмол билан). Хў... Эсингизда борми, ҳув...

Ҳ а қ н а з а р (эслаёлмай). Хўш, не дейсан?

Д ў с м а т. Янгам қалай? Фарзанд кўрдингизми?

Ҳ а қ н а з а р. Фарзанд бир қўра! Юрт отасига арз билан келган эдим. Қудуқларим қуриб кетяпти. Қўйларим сувсиз қоляпти. Лекин совлиқлардан эгиз қўзилаётгани оз эмас. Қирқ минг қоракўл, ҳазил эмас!

Д ў с м а т. Буни қаранг! Керак бўлса боқиб ол, дебсиз-да?

Ҳ а қ н а з а р. Жин урганми буни? Қаердан сув чиқинини айтиб берди, эй сўтак? Хўв, тўп жийда борғу, чимлик сой ёнида. Ушанинг кунботар тарафидан қазинг, деди, ҳа! Чопон ёпди устимга, эй!

Д ў с м а т. Кескисини чўзинг.

Ҳ а қ н а з а р. Қирга чиқсанг, қўзи берарман.

Д ў с м а т. Қирга чиқсанг? Эҳтиёт бўлинг, чопонни бўри чайнаб кетади.

Ҳ а қ н а з а р. Бангимисан? Бўрига олдирадиган ит йўқ бу ерда!.. Ажабтовур сипо сартга ўхшайсану гапинг тахир-а?

Д ў с м а т. Буни қаранг! Тахир билан чучукка фаҳми етибди!

Ҳ а қ н а з а р (*қўлини силтаб*). Кучала еган жойингга бориб тиришгин-э! (*Кетади.*)

Д ў с м а т. Буни қаранг-а! Зўравоннинг эрки бор тошдан булоқ чиқарса! (*Ўйланиб.*) Қирсаммикан?

Тепадан кекса рус хотини тушади.

Д ў с м а т. Здравска, мамаша!

К а м п и р (*ҳайрон*). Салом. Қимсан? Бажанни танийсанми? Аскар бўлганмисан?

Д ў с м а т. Ҳа, албатта!

К а м п и р. Андрей Бажанни айтяпман, менинг ўғлим бўлади.

Д ў с м а т. Э, анави-ку, ўша-да! Бажан ҳали ҳам бор, денг?

К а м п и р. Қамоқда. Тухмат! Ёмонлар балосига қолди. Улим хонасида ётибди.

Д ў с м а т. Отилади, денг?

К а м п и р (*ўзини ўнглаб*). Туф, туф-эй!.. Ҳе, тилингга тирсак чиққур! Мана, оқ қоғозини олдим. Қамаганларнинг ўзлари тузоққа тушди. Охунбобоевич ўзи қўл қўйиб берди. Ҳа, ҳа. (*Кетади.*)

Тепадан Шоди пакана тушади.

Дўс м а т. Бу бақалоқ нима деркин?
Ш о д и п а к а н а (*ўзича*). Ҳазилакам эмас! Беш юз минг сўлкавой-а!

Дўс м а т. А? А? Битта ўзингга-я! Салом? Беш юз минг? (*Қўл чўзади*.)

Ш о д и п а к а н а (*ноилож*). Бир сўлкавой кам эмас.

Дўс м а т (*ёқасини тутиб*). Хазина, дейман, Амир Те-мурникидан ҳам зўрми, дейман? Битта ўзингизга беш юз минг!

Ш о д и п а к а н а. Эй, хабарингиз йўқми? Қиссани кў-тоҳ қилсам, янги театр қурмоқчимиз, Дўсбой!

Дўс м а т. Томоша, денг?

Ш о д и п а к а н а. Ҳар қалай дялимизни тушунади-да. Тўғри, беш юз минг берилсин, деса бўладими? (*Кетади*.)

Дўс м а т. Ҳотамтой денг? Қозончининг эрки бор қай-дан қулоқ чиқарса...

Тепадан Д ў с а н тушмоқда.

Кўришай ҳам демайси-а? Шошқинроқ кўрипасиз?

Дўс а н (*бепарво*). Эй, жўра! Бир бало келди Афғонис-тон томондан. Офтоб юзини тўсади. Ёнгинни кўрганман, зилзиладан хабарим бор, лекин бундақангги офат...

Дўс м а т. Нима ўзи? Яъжуж-мажуж келиб қолмадим и устингизга?

Дўс а н. Баттар! Чигиртка. Шофиркон, Қонимех, Воб-кент, Фиждувон. Хуллас, ернинг юзи, куннинг кўзи! Ҳар қайси тўрғайдай. Ўт қўйдик, сув қўйдик, қилмаган чора-миз қолгани йўқ. Ҳуркмайди ҳам, қочмайди ҳам. Бошидан тушса, этагигача шипириб чиқади-я!

Дўс м а т (*бўшашиб*). Шунақа демайсанми? Самар-қандга ҳам келар ҳали?

Дўс а н. Эси пастмисан? Шу бугун осмонда учиб кета-диган бўлдик, ҳа! Осмондан дори сепармишмиз, дори! Ту-хумини қуритармишмиз битта қўймай!

Дўс м а т. Ҳали, учаман, денг! Ёпирай! Судралиб юра-верарканмиз-да.

Дўс а н. Ишқал осон бўлди, жўра! (*Кетади*.)

Дўс м а т. Қираверсаммикан? Менга-ку бирон қаттиқ сўз айтган эмас. Барн бир юзига қарагани юзим йўқ. Бир бало бор бу одамда. Судралиб юраверамизми? (*Пиллапоя-дан юқорига чиқа бошлайди*.)

Чироқ ўчиб, ёнади. Раис кабинети.

Йўлдош Охунбобоев қоғозларни кўздан кечириб, телефонни олади.

И ўл дош бой. Мадёрмисиз? Ҳа, мен. Қалайсиз? Ҳа, анави Бекбой деганингиз қанақа одам? Қанақасига тузук? Шаҳарнинг хўжайини мен ўзим, қўлимдан ҳамма иш келаверади, дебди-ку! Ҳа, бир бечора хотинни тўрт боласи билан ўтирган уйдан ҳайдаса! А? Ҳа, биламан, Гончарук, Қорақумда ҳалок бўлган. Худди ўзи. Чора кўраман. Э, кўйинг, қўлидан ҳамма иш келадиган бўлса, бизни ҳам ўтирган жойимиздан кўчириб юбормасин тағни? (Кулади.) Яхши, натижасини менга билдилинг! (Телефонни қўяди.)

Котиб киради.

Котиб. Фаргонадан келдим, деб турибди бир чол. Кирса майлими?

И ўл дош бой. Ким экан?

Котиб. Тожиматман, дейди.

И ўл дош бой. Тожимат ота? Қани чақиринг!

Котиб чиқади. Тожмат ота киради. Куюқ кўришади.

Тожимат ота. Соғинсан, болам! Тузукмисан? Бардаммисан?

И ўл дош бой. Ўзингиз, мўйсафид, тетикмисиз? Бувим қалай? Хўш, қандай шамол учирди? (Кўнғироқ чалади.)

Нафас ўтмай, котиб чой, нон, мева-чева олиб киради.

Тожимат ота. Болам, дов кўтаргани келдим.

И ўл дош бой. Дов?

Тожимат ота. Ҳа!

И ўл дош бой. Нима гап?

Тожимат ота. Катта бўлдим, деб Самарқандда ўтираверасанми, болам? Юртни айланиб юрсанг, бўлмайдимми? Дарахт экканга, жиндак боғи борга солиқ тушяпти. Токзорларни қирқишяпти. Гап сўрасанг: марказнинг буйруги — пахта керак! Ҳа йўқ, ҳув йўқ, улоқ чопма, қовун экма! Палак ёзган полнизларни чоптириб... Э, болам! Тўғри, пахта юртимизнинг обрўйи, давлати, юрт шу билан тирик, ота-боболар касби кори. Аммо... Ер-сув қўлга тўлиқ тегмаяпти. Муштумзўрнинг ошиғи ҳалиям олчи. Бало марказда эмиш...

И ўл дош бой. Тўғри, мўйсафид! Мева еган бола чиройли бўлади. Бақувват бўлади, эсингиздами. Уртақишлоқ-

да... Уткинчи бир дарвиш тиқиб кетган таёқдан ўсган чинор-чи? Ҳали ҳам дарвиш чинор! Бу дунёда неча бек, неча хон ўтди. Номин қолдими? Йўқ, қолгани йўқ! Дарвишнинг номи қолди!

Т о ж и м а т о т а. Шундай, болам.

Телефон жипринглайди.

Йўлдошбой. Ҳа, лаббай. Охунбобоев эшитяпти. Салом, салом, ўртоқ Икромов. Яхши. Ҳа, Марғилонда ипак масаласи ҳал. Ўзим бориб келдим. Ҳукуматимизнинг обрў-йини тўкканлар бор. Ҳа, берасини бермабди. Марказқўм бюросида қўйилишини талаб этаман... Ўзим маъруза қиламан шекилли. Ҳа, Москвагами? Йўқ, бўлмайди бормасам! Сиз ҳам! (*Кўнғироқ чалади.*)

К о т и б киради. Пиллапоядан О н а х о н чиқиб келмоқда.

Ўртоқ Тўланга хат ёзинг, яхшиси телеграмма беринг. Галла кетди, деган маънода. Ўртоқ Жияналига ҳам шундай денг.

К о т и б. Хўп. Ўртоқ Бадалбоева эшикда.

Йўлдошбой. Кирсин, айтинг.

Кўлида паранжи, чиммат ўроқлик О н а х о н киради.

О н а х о н (*Тожимат отага*). Бардаммисиз, ота? Бувим соғмилар?

Т о ж и м а т о т а. Қуллуқ. Очилбек қалай?

О н а х о н. Раҳмат, соғ. Зап келибсиз-да.

Йўлдошбой. Паранжи кўтариб қолибсиз, тагин паранжига ўралмоқчимсиз, дейман, Онахон?

О н а х о н. Э, ота! Болтабойгаки сўзим ўтмаяптими, кимга ўтади! Ўзини ҳам судраб келдим.

Йўлдошбой. Шунақами? (*Паранжига қараб.*) Чақиринг!

О н а х о н чиқиб, Болта билан бирга киради.

Б о л т а. Салом, ота. (*Кўришади.*) Тетикмисиз, қария?

Т о ж и м а т о т а. Ўзинг соғмисан, болам?

Йўлдошбой. Келинчак очиқ эди-ку тўй куни, Болтабой?

Б о л т а б о й (*тутилиб*). Ҳали ҳам очиқ.

Йўлдошбой. Ҳа, биламан, уйда очиқ. (*Жиддий.*) Уялмайсизми? Ёш келинчак... Ҳеч эиндонга тушганмисиз?

Б о л т а б о й. Йўғ-а!

И ўлдош бой. Онахон, паранжини ёпинтиринг!

Онахон паранжини Болтанинг бошига илади. Қўнғироқ.
К о т и б киради.

Бу опамни ўртоқ Одиловага бир учраштириб келинг!

Болтабой бурниб ирозилик билдирмоқчи.

К о т и б. Юринг опа, юринг! (Чиқади.)

Болтабой унинг орқасидан ноплож чиқиб кетади.

И ўлдош бой. Қойил, Болтабой. (Кулишади.)
Онахон. Зап иш бўлди-да, ота. (Кулади.) Шу аҳвол-
ни хотини кўрса эди!

Тожимат ота (кулиб). Қаттиқ ҳазиллашасан-да,
болам.

И ўлдош бой. Ҳаддим сиғади, отахон.

К о т и б билан паранжили Болтакирадилар.

Болта. Ҳе, уф!

И ўлдош бой. Хўш, мирза, айлантирдингизми?

К о т и б. Бу опамнинг қадамлари бежороқ, ота, қоқила-
верар экавлар. (Чиқиб кетади.)

И ўлдош бой. Қани, Онахон, шу опамни бир озод-
ликка чиқаринг.

Онахон (паранжини олиб). Эй, мунча терлаб кетиб-
сиз?

И ўлдош бой (қўл узатиб). Паранжидан қутулишин-
гиз билан табриклайман.

Болта (қўл бериб). Э, ота, мен аёл киши эмасман-ку.

И ўлдош бой (жиддий). Аёл киши эмассизу ҳар ҳол-
да табриклайман. Мана шунақа бўлади, Болтабой, сиз хо-
тишингизни уйга қамаб қўйсангиз, кимдан ўпка қилайлик?

Болта. Кечирасиз, ота.

И ўлдош бой. Утиринг, Болтабой. (Онахонга.) Хиз-
мат?

Онахон. Сизни қурултойимизга чақириб келдим.

И ўлдош бой. Ўртоқ Икромов билан маслаҳатлаш-
дингизми?

Онахон. Йўқ.

И ўлдош бой. Ҳовлиқасиз-да, синглим!

Онахон. Йўқ, дермиди ўртоқ Икромов? Қатнашмасангиз бўлмайди, қатнашасиз!

Йўлдошбой. Қатнашганда нима? Ҳаммаси паранжилк-да!

Онахон. Ҳамма гап шунда, ҳали декрет чиқариб берасиз.

Йўлдошбой. Ҳовлиқманг! Декрет билан битадиган иш эмас бу!

Онахон. Бутун Ўзбекистон аёллари номидан, халқ номидан талаб қиламанки...

Йўлдошбой. Азизим, нега халқни ўртага соласиз? Халқ билан бу ҳақда ким гаплашибди? Халқ номини пеш қилишга ким ҳуқуқ берибди бизга? Маслаҳатлашмасдан-а? Мана, ўзингиз айтинг, яхши қиз, ўзингиз билан гаплашмай туриб, сизни куёвга бериб юборсам, унармингиз? Йўқ албатта! Халқ! У-ҳў! Битта эмас, мингта эмас — халқ! Аввал кенгашмоқ, розилашмоқ керак. Декрет қочмайди, синглим!

Онахон. Бўлмаса, нега келин бувимни очдингиз?

Йўлдошбой. Ҳа, барака топинг. Аввал масъул ходимларининг хотинлари очилиши керак. Чўри бўлгансиз. Сизга хўжайин, уйимда ишлаганингдай кейин юзингни очиб юравер, дер эди-я! Ният бошқа! Биз очмоқчи бўлсак, дод соляпти. Тўғри, қўрқмаймиз, лекин андак кенгашиб кўрайлик. Кўпи кетиб, ози қолди.

Котиб киради.

Котиб. Наврўзбек деган киши кирмоқчи.

Йўлдошбой. Наврўзбек? *(Пауза.)* Чақиринг!

Тожиматота. Уша Наврўзбекмикан? Ҳаром тукингга садқа қил-эй. Тирикмиди ҳали ҳам?

Йўлдошбой. Тирик. Ҳар кунни бир ариза.

Онахон. Вой яшамагур, вой имонсиз!

Йўлдошбой *(хайрон турган котибга)*. Чақирмай-сизми?

Котиб. Хўп. *(Чиқади.)*

Сўлгин, қариб қолган Наврўзбек киради, кавушини ечиб, эшик олдида қўл қовуштириб туради.

Наврўзбек. Ассалому алайкум.

Йўлдошбой. Келинг берироқ, қани!

Наврўзбек *(лол)*. Худо обрўй берибди, Йўлдошали, улуг бўлибсан. *(Оёғига йиқилади.)*

И ўлдошбой. Туринг. (*Турғизиб қўяди.*) Утиринг. (*Жой кўрсатади.*) Хизмат, бой!

Наврўзбек. Хизмат... йўқ, йўқ, йўқ. Зиёрат, зиёрат қилгани келдим.

И ўлдошбой. Самарқанд пешкаш! Лекин мулк масаласида, ер масаласида...

Наврўзбек. Тўғри сенга келдим, Иўлдошали, узоқ йўл... Умрим оз қолди. Ерни нима қилай? Бизга бундан буёқ ер таги тинч бўлса бўлгани! Андак ҳунар ўрганиб олдим, шу бўлади.

И ўлдошбой. Қандай?

Наврўзбек. Сават тўқийман.

И ўлдошбой. Соз! Жуда соз! Узоқ йўлдан келдим, денг? (*Кўнғироқ чалади.*)

Котиб киради.

Бу киши узоқ йўлдан келибди. Сават тўқишни ўрганибди. Муҳтож. Айтинг, харажат беришини.

Котиб. Хўп. (*Чиқади.*)

Наврўзбек. Мартабанг яна баланд бўлсин! Мени сийласанг худо сийласин сени.

И ўлдошбой. Бўлди, бек!

Наврўзбек чиқади.

Онахон. Сурбет! Қайси юз билан оёқ босди бу даргоҳга-я?

Котиб киради.

Котиб. Москвадан телефон. (*Чиқади.*)

И ўлдошбой (*телефонда*). Москва! Москва! Михаил Иванович! Салом! Қуллуқ. Тетикмисиз ўзингиз? Ҳа, бизга бундан буёқ кўпроқ трактор, электр чироги, фабрикалар керак! Текстиль! Ҳа, хабар олиб турибман, Михаил Иванович. А? Яна икки минг? Эҳ-ҳа, яна икки минг! Қуллуқ. Омон бўлинг! (*Трубкани қўйиб, Тожимат отага қараб сўзлайди.*) Қаер билан гаплашдим, мўйсафид. Бошингизни кўтариброқ юринг, падар! Яна икки минг трактор келадиган бўлди. Бу — қирқ минг от кучига баробар куч деган сўз, ҳа! Ҳар кимга биттадан трактор бериш қийин. Лекин бир жумҳуриятда йингирма икки минг трактор, комбайн! Ахир ўйланг, битта ҳам йўқ эди-я, битта ҳам! Гам еманг,

падар! Муродга етасиз. Ерли ҳам бўласиз, сувли ҳам. (Онахонга.) Декрет ҳам бўлади! (Уйланиб.) Онахон, падарни машинага ўтқазиб, бизнинг ҳовлига олиб боринг. Очилбекни ҳам чақиринг.

Онахон. Сиз-чи?

Иўлдошбой. Мен бўшаганда.

Онахон. Юринг, ота! (Тожимат ота билан чиқиб кетади.)

Телефон жиринглайди.

Иўлдошбой (трубкани олиб). Ҳа, салом. Кенгаш? Қачон? Мен гапиришим керакми? Йўғ-е? Ҳа, хўп-хўп! (Трубкани қўяди, қўнғироқ чалади.)

Котиб киради.

Маорифчилар кенгаши бўлармиш, гапиришим керак экан. Гапираман ҳам. Мирза, шу тўғрида ўртоқ Ленин нима депти экан? Ҳа, тўртинчи жилдини олиб келинг!

Котиб. Хўп. (Чиқаётиб). Бўривой келмоқчи.

Иўлдошбой. Майли. Маорифчилар... тоқзор... паранжи... сават... трактор... (Уйланиб.) Бало марказда эмиш...

Котиб В. И. Лениннинг китобини қўйиб, чиқиб кетади.

Ҳмм... (Уйланиб.) Бало марказда эмиш. Битта эмас, ўша ўн саккиз. Ҳе, менга деса, юз ўн саккиз бўлмайдим! Ғам ема, ўртоқ Охунбобоев, юрак тозами, йўл тўғрими, бало йўқ! (Уйланади.) Сув бошидан лой оққан эди-я! (Пауза.) Нуқул Бухоро ва Хева бозорларида сотилган қуллар ҳақида эслайсиз. Гап! Уша қулбаччаларга ёруғлик беришга кўнглингиз йўқ. Ер-сув беришга тоқатингиз йўқ. Лекин кўлингиздан келади, жаноб! (Пауза.) Яна ўша кунларни кўмсайсиз. Ҳа, ҳа! (Асабий.) Ҳисобини олган борми! Еттисув далаларида, қирғиз тоғларида, Фарғонада, Зарафшонда соядай теңтираган қашшоқлик, ўлат! Агар бу тупроқда тўкилган кўз ёшларини жамлаш мумкин бўлса, шу қум саҳроларини ариқсиз ҳам, дарёсиз ҳам сугориш мумкин эди-я... (Пауза.) Йўқ, мансаб гадоси эмас, муддаоси унда чиркинроқ! Даҳшатлироқ!

Пиллапоядан Давлатёр чиқиб келмоқда.

Қаддингизни расо тутинг, Иўлдошбой, ўпқонлардан

Хатлаб ўтмоқ, тўлқинларда тик турмоқ пайти! (Ленин китобини очади.)

Д а в л а т ё р киради.

И ў л д о ш б о й (қуюқ сўрашиб). Маорифчилар кенгашидан хабарингиз бўлдимми?

Д а в л а т ё р. Бевақт! Яна янги алифбо можароси.

И ў л д о ш б о й (мулойим). Нуқул маданиятдан гапирасизу янги алифбога ҳушингиз йўғ-а!

Д а в л а т ё р. Ҳаммасининг вақти бор ахир.

И ў л д о ш б о й (мулойим). Шу масалада ўртоқ Ленин нима дегани эсингиздами? (Пауза.) Янги алифбо — Шарқда инқилоб! Ҳа!

Д а в л а т ё р. Биламан. Гап бунда эмас! Э, бу юртни жаҳолатдан бир кунда қутқармоқ иложи бўлса эди...

И ў л д о ш б о й. Халқ билан ўзим гаплашаман. Рост, тушунмаслик бор. Тунов куни таниш бир чол ҳам шунақа, вақти бор, деб қолди. «Қани, умрингда бир керилиб қўл қўйганингни биласанми? Ўн беш йил ўқиб, имом бўлишга вақтинг бормиди?» дедим. (Кулади.) Нима дейди, денг: «Э, Иўлдошбой, ўн беш йил мадраса тупроғини ялаган имомимизнинг ҳам хати йўқ». (Кулади.) Бас, шундай экан, болаларимизнинг келажагига зомин бўлмайлик-да.

Д а в л а т ё р. Оврупо шу кунги маданиятга етиш учун неча асрлик йўл ўтган, ўртоқ Охунбобоев, биз эса бир йил, ё бир ҳафтада...

И ў л д о ш б о й (мулойим). Ўз кўзимизга ўзимиз кул сепмайлик, хўжам! (Пауза.) Тушунтирсак, бас. Халқ сўзимиздан чиқмайди, йўқ! Тугал саводли бўлади, ҳа!

Д а в л а т ё р. Халқ — пода. Ҳайдасангиз — кетаверади. Бироқ биёбонда кема юргизмак осон. Дарё устида пойга чоптирмоқ осон, аммо сизнинг ўйлаганингиз мушкулот, таги йўқ!

И ў л д о ш б о й. Таги бор. Илоннинг ёғини ялагансизку. Пролетарнат қўлимиздан тутганми, бўлди! Ҳаммаси бўлади. Сизга ўқитаётганим йўқ, мулласиз, фақат эслатдим.

Д а в л а т ё р. Тўрт кун пахта заводида юк ташиш билан пролетар бўлиб қолдим, деяписизми? Бизнинг мамлакат — деҳқончилик мамлакати, кўзингизни очинг. Сиз бободехқонсиз!

И ў л д о ш б о й. Бободехқон ва коммунист!

Д а в л а т ё р. Нима, биз коммунист эмасми? Сиз эшикма-эшик юрганингизда, инқилоб деб жар солган, банди зиндон бўлган, маориф ва ёруғ кун деб...

Иўлдошбой (*гапни бўлиб*). Бечора жадид. Меҳнаткаш бозоргон. Қўйинг, тақсир. Сиз ҳеч қачон коммунист бўлган эмассиз ва бўлолмайсиз!

Д а в л а т ё р. Бўлолмайсиз? (*Ўрнидан туриб кетади.*)

Иўлдошбой. Иў-ў-ў-ўқ! Ичингиз қалтироқ!

Д а в л а т ё р (*асабий*). Фитна булутидан бало дўли ёғиб турган бир пайтда... (*Ўзга оҳангда.*) Сиз жавобгарликни сезмаяпсиз. (*Яна ўзгароқ оҳангда.*) Халқ қўзғалса...

Иўлдошбой (*гапни бўлиб*). Ваҳима қилманг!

Д а в л а т ё р. Капитализм қуршовидамиз ахир, ўртоқ Охунбобоев. Эртанги кунни ҳам кўра билиш керак. Уруш бўлиши турган гап. Урушда эса, Оврупо... бақувват! Биз, ахир, оз халқ! Қачон бўлмасин кимгадир сиғинмоқ...

Иўлдошбой (*гапни бўлиб*). Э, ўтиринг! Тўнингизни ҳар кун бир ўзгартирасиз-а! Оврупо эмиш. Бизни Осиё ёввойилари, деган ўша сиз айтган Оврупо эмасми? Нега, халқим десангиз, ҳақоратга чидайсиз? Сиз маданий бўлсангиз, нега ота-боболарингизнинг обрўйини ерга урасиз? Нега ҳадеб йўлга тўғаноқ бўласиз, назария тўқийсиз, аврайсиз! Дўппи тор келса, тавба қиласиз, тўрт кун ўтмай... (*Қўл силтаб.*) Токай ўйин? Йўқ, афандим, коса тўлди! Сиз сотқинсиз! Сиз жумҳуриятни сотмоқчи бўласиз. Жуда арзон! Мана, олинг, сотаман. Ҳа-ҳа! Фарғона, Зарафшон, Бухоро, Хоразм... арзон сотаман!.. Э-ҳе, афандим. Боғлар, янги ариқлар, экинзорлар, анҳорлар қанча-қанча янги ер, заводлар, янги ариқлар, комбинатлар ва дунёда энг меҳнаткаш етти миллион халқ... Олинг, афандим, нақд олтин керак эмас, баъзи насия ваъдаларга ҳам... Хужайинларингизнинг ота-боболари тўқайларда теңтираб юрганда, шу азиз тупроқда Мирза Улуғбек расадхона қурган-а, мендан ҳам яхши биласиз, афандим. Эсиз, сизни ўқитиш учун кетган олтинлар!..

Д а в л а т ё р. Ахир, мен...

Иўлдошбой. Қўйинг!.. Ғирромсиз, ноинсофсиз, нонкўрсиз, догулисиз, ҳезалаксиз, афандим!

Д а в л а т ё р. Гаплашамиз ҳали. (*Жаҳл билан чиқиб кетади.*)

Иўлдошбой. Гаплашамиз, ҳа!

К о т и б киради.

К о т и б. Раиси жумҳур президент ҳазратларига кирсам, деб турибди биров.

Иўлдошбой. Ким ўзи?

К о т и б. Германияда таҳсил кўрганман, деяпти-ку. Имомзодаман, деяпти.

И ў л д о ш б о й. Мен ҳазрат ҳам эмас, у ҳазрат ўйлаган раис жумҳур президент ҳам эмасман, ҳазрати раис жумҳур бўлганимда қабул қиларман! Йўғ-э... Банд экан, деб кўя қолинг.

К о т и б. Хўп!

И ў л д о ш б о й. Ҳа, айтмоқчи, аэродромга телефон қилинг. *(Телефон жириглайди.)* Ким? Йўқ! Кетяпман. Шу бугун учаман. Москвага, ҳа, Марказий Комитет чақиряпти. Ҳа, ўртоқ Акмал Икромов ҳам, ўртоқ Файзулла Хўжаев ҳам, мен ҳам!..

Учинчи кўриниш

БИРИНЧИ ФАРМОН

Кекса Самарқанд. Ҳукумат уйи олди. Кўча ва хиёбон. Эрта кўклам, те-
раклар ва чинорлар орқасида қадим минораларнинг азамат жуссалари
ва ҳафтиранг гумбазлар ярқирамоқда. Биноларнинг баланд пештоқида
алвон байроқлар. Шаҳар сипо ва тантанали вазиятда. Тўрда қулоч
етмас икки устун, зина ва катта эшик. Икки томонида ўзбек ва рус
тилларида «Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар жумҳурияти Марказий
Ижрония Қўмитаси» деган лавҳалар.

Чап томонда — кўкаламзорда гўдаклар юмалашмоқда. Чекка-чек-
када ҳар хил вазиятда ўтирган талай одам. Эшикдан ҳам турли ёшда
ва хил-хил кийимда одамлар кириб-чиқиб турибди: кўк саллали
с а м а р қ а н д л и к л а р, чўғирмали чоллар, паранжили ва паран-
жисиз аёллар, қўшчилар, деҳқонлар, ҳунармандлар;
темир йўлчилар, комсомоллар...

Зиғанинг ўнг ёнида — баландроқда, ярим ҳарбий кийимда, мана мен
деган вазиятда, қўлини белига тақаб Бўри турибди.

Кўча томондан Д ў с м а т кириб келади. У Сўлгин, ўйчан. Ҳали ҳам
чопони елкасида. Лекин аввалги гўшнолиги йўқ.

Д ў с м а т *(хиргойи қилади)*. Айём муборак, ҳой... Суд-
ралиб юраверамизми?

Б ў р и *(қайрилиб)*. Ия! Ҳў, урса кўпар. Ҳў, рўдапо!
Яна қайси гўрдан пайдо бўлдинг?

Д ў с м а т. Э, Бўрибой, бормисан! Зап йигит бўлибсан-
ми? *(У ёқ-бу ёғига ўтиб.)* Эҳа!.. *(Ўзга овозда.)* Афв умумий,
ошна, афв умумий!.. *(Уҳ тортиб.)* Йўлдошбойнинг
тахтга минибди-да! Яна қанақа тахт дегин... Фаргона, Хо-
разм, Самарқанд, Тошкент...

Б ў р и. Ҳой, бадбахт! Оғзингни юм! Афв умумий ҳар
қун бўлавермайди, ялмон! Сени афв этган ким ўзи?

Д ў с м а т *(чўнқайиб ўтиради)*. Нима дейсан, қўл қўй-
ган мен эмас, ўша Йўлдошбойнинг! Уша қўшчидан чиққан
ярим пошшо. Зап қипти-да! Ҳў, эсингда борми ёнгин? Рас-

та ёнғини-чи... Тўғри, ўт қўй, дейишган, ҳа! Лекин ура қочганман... Беш-олти кун сўроқ бердик-да! Оқландим, бўлди! Оғзининг ели экан, Бўрибой!.. Нима? Сенга кўча тор қолдими? Юрсам юрибман-да, бир девона. Девона камми Самарқандда? (Пауза.) Айланиб-айланиб қозигим-ни топиб олдим. Бўрибой! (Пауза.) Тавбамга таяндим. Йўлдошбойга айт, юкиниб келибди, дегни. Умидим катта! Бир жамоани ётқизиб турғизган кишиман.

Бўри. Ҳой, шўр тумшуқ! Сенда андиша борми? Эс борми?

Дўсма т (бўзариб). Яна сўрайди-я! Андиша қаёқда, Бўрибой, андиша! Андишаси бор одам шунақа судралиб юрармиди?

Бўри (ижирганиб). Одам туққан ерига қайтармишу ит тўйган ерига. (Дўсма тга.) Ҳой, сен ҳам бир парча ерни тебратиб, ҳалол нон есанг, ўласанми?

Дўсма т. Э, қайси бурчакка қадам босма, мўр-малах одам. Ер йўқ. Ё Бухорои шарифга кетеаммикан? Қоғоз ёздириб берасанми, Бўрибой? Лекин зап йингит бўлсан-да!

Бўри (бетоқат). Бўлди. Ҳой гумроҳ, бўлди! (Четга.) Урганган кўнгил ўртанса қўймас экан-да!

Дўсма т. Айтмайсанми? Бўпти айтмасанг! (Эшикдан кириб-чиққанларга разм солади.) Бай, бай, бай! Бошига қозон тўнкарибдимми? Манглайи қоралардан-ку!

Машина гудоги. Ихчам ва чиройли қоракўл попоқ, асл костюм кийган, ўйчан Давлатёр чарм папка кўтариб киради. Ўта туриб Дўсма тни кўради.

Дўсма т (қўли кўкрагида, кўзлари ерда, таъзимкор). Ассалом... («Алайкум»ни айтолмай тупугини ютади.)

Давлатёр. Э, тирикмисан, Дўстмуҳаммад? (Бўрибойга бош силкиб ўтади.)

Дўсма т (орқасидан). Не қилайки, тирикман, қирқ йил қирғинга бардош бераман шекилли, хўжам!

Узоқларда ноғора товуши, сурнай садоси.

Буниси нима бўлди?

Унг томондан Очил ва Онахон кирадилар.

Бўри (олдиларига чошиб келади). Табриклайман!
Очил. Мен ҳам. Ия, анави Дўсма т-ку! Уҳў, хўш? Қалайсиз?

Дўсма т. Қалайманми, кумушманми, ҳалиям билмайман, Очилбой.

Бўри и. Эсингни йиғ. Дўсма!т!

Ноғора, карнай, сурнай садолари яқинлашмоқда. Саҳнага одам тўлмоқда.

Бўри (Онахонга). Тўй, денг!
Очил. Ҳаммамизнинг тўйимиз-да, Бўрижон ака!
Дўсма!т. Мунча ишшаяди булар, оғзининг таноби борми?

Бир чеккадан Тожиматота ва Остонбуви пайдо бўладилар.

Онахон. Онажон... Вой, онажон!
Очил. Тожиматота! (Дўстлар қуюқ саломлашади, ҳол сўрайади.)
Тожиматота (Остонбувига). Мана, онаси, Йўлдошбой шу ерда туради. (Бўрига.) Мунча одам! Самарқандда ҳар кунни ҳайитми, деймап? (Очилга.) Ё сизнинг тўйингизми?

Очил. Ҳаммаси, ота. Бугун катта тўйимизнинг бошла-ниши!..

Эшикдан Охунбобоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқа раҳбарлар чиқиб келадилар. Йўлдошбой очиқ кўкрак, янги тўнда. Халқ олқишлайди.

Тожиматота. Йўлдошбой!
Йўлдошбой. Тожиматота, тетикмисиз, бардамми-сиз? (Қучоқлашиб кўришади ва ўпишади.)
Остонбуви (тўлиб-тошиб). Йўлдошбой! (Оёғига йиқилади.)

Йўлдошбой. Буви! (Дарров кўтариб олади.) Бувим ўрнига бувим бўлган табаррук аёл! Бу нима қилганингиз!
Остонбуви. Улуғ бўлибсиз, болам, юрт отаси бўлибсан, юрт сўраётганмишсан...

Йўлдошбой. Эй, шўрлик! Қелинг! (Пешонасидан ўпади.) Ахир, сиз менинг оёғимга йиқилсангиз, мен ерга кириб кетмайманми? Сиз — онасиз! Ғариблик кунлардаги она, туққандан зиёдароқ она. (Кейин халққа эгилиб, зинага чиқади.) Уртоқлар! Умидингизни, ишончингизни оқлашга жоним гаров. Менинг қўлимга давлат муҳрини бергансиз! Ўзбек халқи — рўёбга чиқди, ҳа! Улкан гап! Лекин ўзбек халқини уруғлардан миллат қилган ким? Парчалардан бир бутун қилган ким? Жумҳурият қилган ким? Ким армонларни юзага чиқарган? Ленин фирқаси!

Олқишлар.

Овозлар. Ленин! Ленин фирқаси!

Йўлдошбой. Уртоқлар! Катта йўлга энди тушдик, бу йўл узун, мушкул, аммо ёруғ йўл! Бизни бу йўлдан ҳеч ким суриб чиқаролмайди, чиқариб кўрсин! Бу йўлда юрган, бу йўлдан тоймаган муродига етади, огайнилар!

Бўри кичкина пўлат сандиқни олиб келади. Очиб қўлига муҳр олади.

Мана, ўртоқлар, бугун мана шу қутлуғ муҳр ўз қудратини кўрсатади, у менинг қўлимда. Бугун мен, сизнинг хоҳишингизга мувофиқ, биринчи фармонга қўл қўяман. Бу фармон — бутун ерлар ишлаганники, бутун сув ариқ чиқарганники, деган фармон.


Шодлик хитоблари, овозлар, олқишлар.

Мана!.. (Қоғозни очиб, қўл қўяди.) Қўл қўйдим; «Йўлдош Охунбобоев». Мана, муҳр босдим: Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар жумҳуриятининг давлат муҳри!.. Ер ишлаганники, сув ариқ чиқарганники! Ҳа, Ашурали меҳтар! «Шодиёна»ни олинг! Ўзбек халқи биринчи шодиёнасининг гулдуриси бутун Шарққа сурон солсин! Салом алайкум, бахтиёр юрт!

Хитоблар, олқишлар. Музыка садолари, қийқириқлар, ўйин, қўшиқлар...
Йўлдош Охунбобоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев халқ ичига аралашиб кетадилар.

1946—1976

НАСРИЙ ШЕЪРЛАР



ҚИШЛОҒИМДАН УТАР БЎЛСАНГ

Тоғ тарафда бирин-кетин тўрт тегирмон. Қишлоқ ўртасидан оқаётган сув ўша тегирмонларни юргизиб, пишиб, кўпириб келади. Сахро томонида Бойбалх. Бу шундоқ тепа. Қадимги шаҳар ўрни. Рўбарўда пахтазор, пастда полизлар. Қишлоқ олма боғлари билан ўроғлиқ.

Қишлоқ ўртасида катта йўл. Шу йўлдан ўтар бўлсанг, гашналикни қондирмоқ учун ариқдан сув ичма. Сувда фақат юз-қўлингни чай, салқинлаб ўтириб нафасингни ростла, кейин хоҳлаган эшик зулфини шиқиллат. Қим чиқса ҳам «чанқоқман»,— дегин, бас. Сенга ё заранг косада муздек гўжа, ё қатиқ, жа бўлмаса айрон тутишади. Ғариб жонингга симириб ол. Тағин тўла коса олиб чиқишида, қонмасанг. Кейин сўрига чорлашиб, дастурхон ёзишлари турган гап, нон-чой, қаймоқ ва кулчатай.

Тағин қатиқ тутган келин ё бобойга пул узата кўрма. Бу қишлоқда сут, қатиқ ҳеч қачон пулга сотилган эмас. Айб. Агар пул узатсанг, қатиқ тугул айрондан ҳам қуруқ қолгайсан, норози кўзларнинг ғазабига дуч бўлгайсан ёки ошкора шундоқ қарғиш олгайсан: «Ҳа, бетингни ел егур!»

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг, боболаримнинг эзгу удумларини оёқ ости қилмай ўтавер. Агар бу сенга ёқмаса, қишлоқлик ва дағаллик бўлиб кўринса, бир зум ҳам тўхтамай жўнаб қол — ҳей, кўк айрон сотиб кун ўтказган йўлчи!

* * *

Агар полизга қайрилсанг, хоҳлаган чайла ёнига боргин, ит вовулдаса эътибор бермагину, сергак бўл, итнинг қопмайдигани бўлмас эмиш..

Қаршингга ё қорамағиз ўғлон, ё жиккак кампир чиқиб келгуси. Фақат қишлоқиларга хос жилмайиш ярқираб туради юзларида. Ғарам тагида саҳар узилган қовунлардан иккитасини келтириб, лаганда талқон, сўк, нон, қатлама — барини олдингга қўйгуси ва қўлларини кўкрагига босиб: «Олинг!»— дегуси. Бундан ортиқ иззат керакми йўлчига!

Босволдини сўясанми, қорақовунними, ўзинг биласан, ардоқлим. Босволдини сўйсанг, нон бўктириб егин. Мунақасини жаннатда ҳам топа олмайсан! Тағни пул узатиб юрма. Қаллангга ўша қовун ё бир тоғора пўчоқ тушади, олчин тўқмоқ хавфи ҳам йўқ эмас. Бу қишлоқда ҳеч қачон қовун пулга сотилганмас. Меҳнаткаш инсон иззатини хор қилма — ҳой тер тўкиб кўрмаган ўткинчи!

* * *

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг ва мабодо қўниб кетар бўлсанг, сени кечқурун даврага чақиришлари аниқ. Қизлар ҳам, келинлар ҳам бўйдоқ йигитлардек шўх. Лапар айтишади, дотор чалишади, ўйин тушади. Гали келганда сен ҳам бор ҳунарингни тўк, дариг тутма. Кўз сол: бунақа ўйинлар, эҳтимолки етти ухласанг — тушингга кирмас. Шундоғам қизларки, ҳазилга — ҳазил, лапарга — лапар, ҳозиржавоб. Жонга ларза солгудек кўзлари бор. (Жон бўлса агар) Олмадек пишган бўй қизлар, паридек келинлар булар. Тағин шўхликларини енгилтакликка йўйиб, биронтасига бежо имлаб қўйма, қитиқлаб қўйма, ё пул кўрсатиб юрмагин. Ўша зум оч биқинингдан тепки ейсан. Агар шу тепки билан қутулсанг — хўп, бўлмаса бу фақат бошланиши. Йигитлар сенинг юзингга қурум суркашиб, қирчағи эшакка тесқари миндиришиб, оёқ-қўлингни танғишиб, эшак сийроғини тилиб, аччиқтош жойлаб, катта йўлга солиб юборгуси. Сийроғи ачишган эшак шундоғам йўрғалайдики.. йўрғалаш ҳам гапми, чопқиллаб кетади — тойчоқдек. Йўлакай бирон киши қутқариб олар, деб умид қилма. Эшак пайсалламай, шу чопганича сени Чимкент бозорига, ола кетгуси. Бора-боргунча (бир қўним йўл) пашшами, сўнами — тўғри келгани талайди сени. Бирон қўнгли бўш мўйсафидга учраб қолсанг, раҳми келса: «Ҳа, турнингдан топилмагур!» — деб, чилвирларни қирқиб ташлар, бўлмаса, шу кетганича кетганинг...

Бу қишлоқда қизларнинг малак жилмайишлари ҳеч қачон пулга сотилган эмас. Қишлоғимнинг эзгу туйғуларига кеккайиб қарагувчи бўлсанг, бир зум ҳам тўхтама, нари кет, йўлчи!

Туркистон
1964, июль

ШАЙДОЛИК

Қора денгиз бўйида, хилватроқ сайилгоҳда мен тош жинниси бўлдим бир вақт. Гап бундоқ: ҳар кун тонг отар-отмас ҳамма денгиз бўйига тушади, илиқ ва тиниқ мавжларда қулоч отади. Салқин ва кўкимтир мавжлар бизни кутгандек, бизга кўз тутгандек, қуёш селларида ёниб-товланиб, эркалангандай бўлади. Шундоғам ёқадики...

Бир бошқирд ёзувчиси бор эди, жуда шўх, улфат ва латифачи, ҳаммани кулдиргани-кулдирган. Лекин баъзида у қирғоқдаги қумдан, тўлқин келса ирғиб, тўлқин қайтса сирғиб ётган қумлардан тош излаб қоларди ва узоқ, зерикмай тош терарди. Бундай пайтларда у ёнидагини ҳам кўрмас, гунг, хаёли фақат тошларда... Қандоқ тошлар, десангиз-чи! Ушоқ тошлар! Кўк, яшил, феруза ранг, қаҳрабo ранг, оқ, қора, ёқут ранг — тиниқ, ялтироқ... Кейин у ҳовучи тўла тошларни ҳаммага кўрсатади:

— Манави мрамор парчаси, манавида ёқут зарралари бор, манависи аниқ қаҳрабo, манависини қаранг — асл тош бу!

Кейин мен ҳам ушоқ тошга ўч бўлиб қолдим, чўмилиб чиққандан кейин қирғоқдаги қумга чўзилиб, ушоқ тош излайдиган бўлиб қолдим. Худди сатранж ўйинидек хаёлингни олиб қочади. Қандоқ чиройли тошлар! Ҳар қайсиси бир тарих ўзи, асрлар китобаси! Қайдам, қайси зилзила, қайси тоғ қулашидан ёдгор бу ранг-баранг тошлар! Замонларнинг тинимсиз тўлқинларида бир-бирига урилиб, сурилиб, синиб, бўлакланиб, кўзлар овунчоғи бўлиб ётишибди бунда. Чинакам чиройли. Ҳа, ҳа, ҳар бири бир гўзалнинг узугига кўз бўлса арзийди булар. Қуёшга тутсанг — қуёш кўринади орасидан. Шундоқ шаффоф ва тоза. Излаганим — излаган. То биров чақириб кетмагунча қирғоқда қолардим. Шундай қилиб, ушоқ тошларга хумор бўлиб қолган эдим мен. Тош жинниси деманглар, ҳей! Эҳтимол, энг тузуқ сатрларим, (агар бўлса) шу жинниликда туғилгандир...

Ҳозир гуллар барала очилган пайт. Ҳовлимда ҳам, кўчаларда ҳам, томоша боғларида ҳам, йўлларда ҳам, дала-ларда ҳам гул. Мен гулни гўдакликдан ардоқлайман. Гулни яхши кўрмаган одам бўлармикин?! Қушлар ҳам яхши кўришади. Тонг отмай гул ва гулзорлар устида чарх уриб, чирқиллашмасди-да, бўлмаса!

Лекин ҳозирги гул севишим сал бошқачароқ. Бўш пайтларим гул кўйида ўтади, холос. Кўчада дуч келаманми, йўлда кўраманми, боғда учраб қоламанми — ҳайтовур гулдан кўз узолмайман, сира-сира. Худди чақалоқдай эркалагим келади, силагим келади. Ҳар нозик баргидан ўпич олгим келади. Ҳидлаб тўймайман. Гир-гир айланишимни кўймайман. Гўё мен гул жинниси. Қаранг: пушти, қирмизи, оқ, нофармон. Рангларга ном топиш ўнғай дейсизми? Гулчилардан сўраб билмасак — мушкул гап. Бари нозик, ярқирок, хушбўй, жимир-жимир. Еноғида қулгичи бор сулувлардек ҳамиша жилмаяди гуллар... Гулларга гиргиттон юрарканман, ҳаёлимга Қора денгиз бўйидаги тош жинниси бошқирд дўст ва ўзимнинг ҳам ўша жиннилимим эсимга тушди. Лекин ҳозир-ку, мен гул жинниси. Гуллар бор бўлсин, ҳе, гуллар... Қанийди, фақат майдонларда, боғлардагина эмас, шаҳримизнинг бутун бўш жойлари, йўл ёқалари, жами кўча бўйлари, қаровсиз майдонлар — бари гул бўлса, гулзор бўлса! Биров узмаса, синдирмаса топтамаса, увол бўлмаса. Гул қарғиши ёмон бўлармиш боболардан эшитганман. Гул топтаганларни кўрсам, қарғиш тегсин, дейман.

Мен ҳозир шундоқ. Гул жинниси деманг. Эҳтимол, энг тузук шеърларим, агар бор бўлса, шу гул жинниси бўлган пайтларда туғилгандир. Ҳа, гул шайдоси мен. Лекин ёш ўтгандаги шайдолик ўзгача бўлар экан: антиқароқ, теранроқ...

1964

КИСАВУР

Бир гал тикилинч трамвайда, менинг ўнг томонимда оқ жужун энгиллик, келишган йигит турганини кўрдим. Менга кўзлари билан салом бергандай бўлди. Хаёлимда ҳеч нима йўқ, биронта олифтадир, деб ўйладим. Лекин сал ўтмай, чап чўнтагимда жонлик бир нима қимирлагандай бўлди. (Кичиклигимда тузоққа илинган қушни бобомдан яшириб, чўнтагимга солардим, худди шундоқ типирчилаб қоларди.) Нимайикин, деб қарадим, ҳамён йўқ. Сурилиб эшикка яқинлашиб қолган эканмиз-да! Ҳалиги жужун уст-баш киймиш йигитга қарадим. Ранги бўзроқ, кўзлари лўқ... бўлгани шу деб бақрайганича қараб турар эди.

Шу воқеадан сал ўтмай, уйимга бир қаламкаш келди, радиода «шигир» айтувчилардан. Нуқул назариядан гапирар, замонага оҳангдошликдан, оригиналликдан, инсофдан гапирар эди. Кейин шеърини ўқиб кетди. Буниси ҳам худди радиода ўқиганидек, кўчирма эди, ҳайрон бўлдим, нима ҳам деймай? Билиб ўқияптими ёки ёдаки бўлиб ўз-ўзидан унинг шигирига кўчиб қолганми? Мен жуда ғалати ҳолда, қора тер босиб, дудуқланиб, юзига кўз ташладим. Юзида, жиндек бўлсин, уят белгисин кўрнимас, ранги бўз, кўзлар ўта ҳаёсиз...

Кисавур ва шеър ўгрисининг фарқи йўқ, бўлса ҳам оз унинг ҳам, бунинг ҳам қалби қашшоқ ва саёз.

1964, май

ЖИГАРЛАР

Катта дарвоза олдида қўш карнай, қўш сурнай, қўш чилдирма, қўш ўйинчи — қиз ва йигит. Ялла авжида. Давра кенг, одам гуж... Сурнай садоси, чилдирмаларнинг така-тумлари шундоғам ёқимли, шундоғам жарангдор, оламни гумбурлатиб, осмон қулоғини қом'атга келтиргандай.

Нима гап ўзи? Ошиқ ва маъшуқ қовушадиган оқшомми бугун? Ё олтин тўйми? Ё йнгирма йил бедарак кетмиш аскар йигит эшикдан келиб кирди-ю, ўшанинг суюнчисига бўлаётган шодиёнами? Ё армонли бир ота соқолига оқ тушганда фарзандлик бўлдимми?

Йўқ, анчайин гап. Бу — меҳри тошқин ота авлод, она авлод ўзбек шоирларини кутиб олмоқдайди, ўзбек шеърининг обрўйини шодмон куй қанотларида кўкка кўтармоқдайди. Дарвозада соч-соқоллари қордек, асосиз, нуроний бобо турибди. Чинордек бобо...

— Хуш келибсиз, соғинган эдик, — дейди бобой.

Юзларида ним кулгилар, кундуздек ёруғ, жилвалик. Кўзлардаги меҳр оловлари чақмоқ чаққандек, қучоқлар ҳам кўкрақларидек ва юракларидек очиқ. Бу анов-манов тўй эмас, минг йиллик жигарларнинг ўз жигарларини ёдга олиши, излаб келиши... Суюнчини қаерга қўйишини билмай, гангиб қолган эди одамлар...

*Сайрам,
1965*

ҚИЗАЛОҚ

Саккиз яшармикин ё ўн? Қошлари попук, кўзлари тонг-юлдузидек пирпираб турибди. Ўзи ҳам яланг оёқ, тупроқ кечиб юрибди. Усти боши ҳам ўйин боласига мос, кирроқ. Узун киприкларида чанг. Юзи ҳам ювуқсиз. Ҳозир қувлашмачоқдан бўшагандир, балки. Лекин, кўрки ҳам кўзларидаги юлдузлардай, чанг ва кир орасидан барқ уриб турибди. Беарво. Шу гўдак ёшдан жон офати бўлишини билмайди-да, бу қизалоқ. Епирай, бунинг эгачиси қандоғикин?

*Манкент
1965*

ЖИЙДА

Ҳовлимизда қорашўрик, ғайнолу, сут олма, олуҳирот анча эди, шулар орасида бир туп жийда ҳам бўлар, қулоч етмас нуқра япроқ, бобомнинг бобосини кўрган нон жийда..

Онам ҳамиша шу жийда тагида бир нима тикиб ёки ямаб, ун қориб ё хамир кесиб ўтиргани ҳамон кўз ўнгимда. Агар мен бирон шўхлик қилсам, шу жийда тагида туриб, қўлини янар эди. Агар бирон хуш юмуш қилсам, шу жийда тагида олқиш олар эдим. Қўни-қўшни, амма-холалар ҳам шу жийда тагида гурунглашарди..

Айниқса гуллаганда — ёпирай, бунинг ҳиди! Ҳеч гулда бунақанги ҳид бўлмас. Пишганда-чи? Ҳовли юзи ялтироқ ёқут доналарга тўлиб кетар эди. Мазаси-чи? Епирай, нондай тўқ, ширин, шифолик. Онам халта-халта қоқлаб олар эди ёз бўйи.

Мен ҳовлимга бордим, болалигимда кўрганларимдан ёлғиз шу жийда қолибди.— Тарвақай, ғадир, чийроқ, қадимгидек. Мен жийда ёнига келиб, тиз чўкдим ва ғудир пўстлоқларига пешанамни қўйиб пичирладим:

— Онажон..

*Манкент,
1965*

РАҚС

Шодибна бундоқ чалинсин-да, рақс бундоқ бўлсин-да. Ингит ўйнаяпти, биронта хотинчалиш ҳаракат топиб кўринг-чи, йўқ, ҳаммаси эркакча, мардона ва ўйинга ёпишиб турибди. Кетмон чопяпти, қилич силтаяпти, ўроқ ўраяпти, тош қулатяпти, отда учаяпти, тўғон боғлаяпти, қанор орқалаяпти — ҳаммаси шундоқ устакорона. Шундоғам ўйнаяптики, асти қўяверинг.

Қиз-чи? Биронта ҳаёсиз ҳаракат, ўринсиз имо, ё кўк-рак ва ё қуйруқ силкиш йўқ. Юзида пишган олма қизиллиги ёки тонг шафақлари ўйнамоқда. Қадамлар енгил, қўллар қуш қанотларидек учағон — сув оляпти, пилла узаяпти, атлас тўқияпти, пахта теряпти. Бутун кўрки ва тенгсиз сиймосида ички бир шарм ва одоб. Устозига балли!

Сайрам
1965

ПИЛЛАҚАШ

Бўй қиз, париваш қиз, пиллақаш қиз. Ҳамиша қувноқ, ҳамиша қаҳқаҳа... Кулгичларининг келишгани-чи... Қандай бахти баланд йигитнинг қўрагига бош қўяркину, уининг кўрки бўларкин?

«Пилла мўлжалимдан икки баравар мўл бўлди,» деяпти.

Кўз олдимга ялтироқ кумуш хирмон келди. Негаки, ҳамма эгачилар ва мана шу кўҳлик қиз тенгдошлари ёппа икки баравардан тўккан бўлсалар, хирмон бўлади-да.

«Бу йил жужун кўп тўқилади, дедим хаёлимда,— мен ҳам бир жужун энгил буюрсам...»

*Поп,
1965*

ҚОЧ, ҒАФЛАТ!

Деразам тагига икки туп ёсуман кўчати тиккан эдим бурноғи йил. Бу кўклам шундоқ яхши келдики, унинг нозик ва пурқудрат нафасидан икки туп гул киши билмас ўсиб кетди. Қўл чўзсанг етмайдигандай, шохлари мўл ва қиттак-қиттак барглар... Эшитгандимки, булбул кечаси билан сайрармиш, ғунча очилишини кутармиш, лекин тонг отарда чарчаб, уйқу элитармиш ва ғунча очилишини кўролмай, шу зайил умри армонда ўтармиш. Лекин, ҳали атир гул очиладиган вақт эмас, булбул қўшиғи ҳам ҳали йўқ. Бироқ ёсуман ғунчалаб турибди, боғлам-боғлам майда ва кўкиш, самовий ранг ғунчалар... Очилай деб турибди. Бинафшадан сал кейин очиладиган гул-да, ўзи. Бинафша ва қизғалдоқлар очилганига анча бўлди. Ҳар кун ғўдакларнинг қўлларида, қизларнинг кўкракларида, чолларнинг қулоқларида, келинларнинг чаккаларида кўряпман.

Бироқ, дала сайрига вақтим йўқ-да, ҳозир. Мен шу деразам тагидаги икки туп ёсуман бутасининг ғунчаларига хуморман, шу ғунчаларнинг очилишини бир кўришга зорман. Бу кеча ҳам сайраб, сергаклигимни қайраб, мен ҳам бетиним ўқиб, ўлан тўқиб, тонгга давур уйғоқ ўтирдим. Ҳовлимга чиқсам, тонг чинакам белги берибди. Юлдузлар бир-бир сўнмоқда. Кўклам ели олис Чотқол этакларидан ялпиз ва чучмомаларнинг ҳидини элаб ўтмоқда. Кўкракларимни тўлдириб нафас олдим ва тагин дераза тагида ўтириб, гул бутасига кўз солдим. Епирай, очила қолса-чи!

Йўқ, ухлаб қолибман. Кўп сайраганман шекилли-да. Ухлаб қолибман. Ҳар кун шундоқ. О, бечора булбул! Тақдирингга ахир тушундим мен... Лекин мен ўжарроқман. Ғунча очилишини кўраман. Ғафлат, қоч мендан! Яхшилик кўрмайсан, деяпман-ку... Қоч!

Тошкент
1967, 26 август

ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ

Қалб тўғрисида

Боболарим хоки уйқаш-қуйқаш эзгу тупроғим! Эй, ўз-лигимга, ўзбеклигимга кўзгу тупроғим! Қайдан бу балойи ногаҳон, қайларда эди ниҳон? Қаҳрингми, дағдагангми, наҳот бунча титраб-қақшасанг? Наҳот шу жазавангда меҳри дарё онага ўхшасанг? Не ўзи? Ер тагида титанлар жангги бормиди, ўша титанлар ер устида шунча бузғунликка зормиди?

Алл элим, бошингни тик тут, бу мушкулотдан ҳам боболардек тик ўт! Бошингга юз баттар кунлар тушгани эсингдами? Не офатлар доғ солиб, кунинг мотамга қолиб, қайғуларинг устма-уст жўшгани эсингдами? Бу гал ҳам бало ўтиши аниқ, доғ солса ҳам кетиши аниқ...

* * *

Узинг бошпанасиз ва танг кунларда ҳам меҳмон қайгусини егапинг, бир майизни қирққа бўлганинг — азалий одамийлигинг... Балого бардошинг ва мардона минг ёшинг — абадий одамийлигинг... Сенга чўзияган кўмакчи қўллар бесаноқ. Бошингни тик тут, бу қўллар дўст қўллар, қадоқ қўллар, сенга қарздор қўллар, ҳамдард ва иноқ...

Украина далаларида, белорус ўрмонларидаги қурбонларинг ва болажонларинг...

Зилзиладан не-не хоналар қулаши, тупроқ титраши турган гап, ер дарз кетиши ҳам мумкин. Лекин сенинг инсоний ғурур лиммо-лим қалбинг титрамаса — бўлгани. Сенинг чинакам дарё-дарё нур лиммо-лим қалбинг дарз кетмаса — бўлгани!

Тошкентимсан

Табиатнинг сирли кучлари қўзғалиб қолди Тошкент тагида. Бўронми бу, суронми бу, қўзғолонми бу, ғойиб оломонми бу? Табиатнинг бевақт ва ёввойи ўйинлари тинч кечаларимга қутқу солди Тошкент тагида...

Саратонда шаҳар осмонида сур булут сузади-я, саратонда қўққис қора совуқ, қора шамол ҳукм юргизади-я! Итларнинг ҳуриши ё гавмушларнинг мўнграшлари — юрак узгудек шум. Гўдакларнинг кўзларида тагсиз қўрқув — гўдакларнинг тўсат хўнграшлари — тош қалъаларни бузгудек сирли ва мавҳум... Ғариб оқшомлар бир-бир ўтмоқда, ҳар оқшом нечоғлик ваҳима ва нотинч туйғуларни орқалаб кетмоқда.

Бугун кимнинг ити увларкин, кимнинг хонаси қуларкин? Вадаванг дилга сиғармиди? Елғондан ишшайма, бедаво бўжи! Мен биламан, сенинг тарзинг — ҳамма вақт аксинг! Кўзларга тўғри боқа бил, ҳамиша қалбакилик ахир айб-да, ҳар қалай бу фалокатлар бир қадар илми ғайб-да...

Тошкентимсан. Тошкент бўлганда ҳам бошкентимсен, неча-нечаларга нону ошкентимсен, эртаги кун тагин қуёшкентимсен. Бошларни юксак тутайлик, бу дўзахий азоблардан ҳам танти ўтайлик!

Чодир

Чодирда яшаяпман, деб ўксинма. Қадим-қадимлардан қолган бошпана-ку, бу ахир. Чайлада яшаяпман, деб ўксинма. Замон-замоналардан мерос оромгоҳ-ку, бу ахир. Шоҳлар ҳам чодирда кун кечиришибди, саркардалар ҳам, жангчилар ҳам, чўпон аждодлар ҳам, кўчманчи аждодлар ҳам... Чодирда яшаяпман, деб хўрсинма. Эртага кошоналар тагин ўзимизники, қоқиндиқ!

Мунг

Онамнинг сочлари қоп-қора эди.. Боланг қайтмас бўлди, боланг ўлди, деганларида — онам сочларини ёйиб ташлабди. Ушандаги юлдузсиз кечалар — кечалар эмас, менинг онамнинг менинг ҳасратимда ёйилган қора сочлари...

Ҳозир кечалари уйқусизмен. Ер қаъри ҳар гал юрак ёргудек гувиллаб қолганида, вайрон маҳаллалар тагин хувиллаб қолганида мен шаҳримни кезаман ва дил-дилдан сезаман: оқ тун эмас, бу онагинамнинг сочлари шаҳар устида ёйилиб ётибди... Жуда қариб кетибди-я, шўрлик!

Дарвозаси

Дарвозаси йўқ, равот, деб ўйлабмидинг шаҳримни сен, ҳей қочоқ ва шармисор? Дарвозаси вайрон равот

эмас, талай-талай аждодлар умрини тиккан шаҳар бу...
Не-не уйларнинг қулаганига куймайман, ўшаларни ўзим
саранжом қилиб, янгисини улгурмаганимга куяман, —
дейди Тошкент бобо,— бари бир бу тупроқни минг йилги
севги билан севаман,— дейди Тошкент бобо...

Қулаганлари, қачон бўлмасин, қулар эди, негаки, не-
гизлари бўш эди, омонат қўш эди...

Бу шаҳарнинг нонини еб, қочишни кўзлаган тубан
зот! Тезроқ жўнаб қол! Дарвозаси йўқ эски равог эмас
сенга бу Қутлукент!

Бинокор

Адасдан, озар юртидан, армадан, ўрол этаклари-
дан... Тагин кўп олислардан — бари уста, бари бино-
кор, кўмакчилар! Ленин замонасига хос ҳашар-да бу.
Оғайнилик бундоқ бўлибди! Оғир кунда дўст ёнига чина-
кам дўст келади...

Бино кўтарилмоқда. Ҳар ғиштда тангилик ва юрак меҳ-
ри бор, худди пўлат пойдевор... Бинокор, ким бўлмасин,
сенга қалин ва ҳамдард инсон. Отасига балли! Бу бинода
сен яшагунг, балодийда Тошкент.

1966, 5 июнь

ЖИГАРБАНД

Соғ бормисан, эй қучоғи қуёш ҳароратли, меҳнати бир олам, доврugi бир дунё, девкор ўзбегим! Кел, кўришайлик. Сени соғиниб келдик, суюк ва тансиқ дийдорингни кўргали келдик.

Тетик бормисан, эй шеърият ва ўлан ўлкаси, санъат бешиги, жаҳондай қадимий табаррук тупроқ! Эй, Навоий-дек ўлмас устоз дostonларига ранг ва жило бермиш, Бобиршоҳ газалларига борса келмас элларда ҳам қудрат ва зиё бермиш, Машраб ва Ҳабибий, Яшин ва Манноф Жалол, Ҳалимабону ва Асад Исмат ўғли каби буюк сиймоларнинг она алласидек қиммат ўлкаси, киндик қонлари тўкилмиш бобо юрт, она тилим! Ҳам ишчи, ҳам бободехқон, ҳам кончи, ҳам мўжизакор боғбон, ҳам пиллакаш, ҳам қора мой булоқларининг кўзини очишга қодир, париваш ва баҳодир, ўхшаши кам алп элим! Кел, кўришайлик! Сенга ўзбек қаламкашларининг дил-дилларида барқ урган фарзандлик қутловларини ва яхши тилакларини, қаламкашлик бобида қарздорлик туйғуларини олиб келдим. Қабул эт, эй балодийда, тоғ бардош, азамат, оқ момиқ ўлкаси!

Меҳнатинг бир олам, дедим ҳали. Шундоқ! Сенинг азминг ҳам, бардошинг ҳам, сен босган одимлар ҳам алпларларга хос. Сенинг тўйинг ва томошанг ҳам, сенинг заҳмат ва маҳоратинг ҳам алпларга хос! Жондош жумҳуриятимизнинг фаҳрисан, тантилик ва ўктамлик, одамийлик, пешана тери ва мўлчилик-кўлчилик наҳрисан, десам юздан бир мақтовимни айтган бўламан, холос.

Эй тошқин дарёларга биринчи бўлиб жилов сололган, фалокатларга эртақдаги паҳлавонлардек қалқон бўла олган, чинакам забардаст ва чўнг диёр, сенинг ҳар кунинг бир китоб, ҳар соатинг бир қисса ва қўшиқ. Сенинг салобатинг қаршисида бош эгаман, қутлуғ ва бебаҳо Ватан парчаси! Не дейин! Ҳамиша юзинг ёруғ, белинг бақувват, давлатинг дарё, сахийлигинг юз Ҳотам лол қолгули, доврuginг ҳамиша давронга ярашиқ бўлсин! Ҳамиша бахт ва қут бўсағангдан нари кетолмасин. Сенинг ҳамиша қувноқ ва бардам бўлишингга, ҳамиша ғолибона кулишингга, ҳамиша қўшиқларда жаранглаб туришингга, ҳамиша аср одимларини ойларда босишингга ва илғорлик байроғини юксак чўққиларга осийингга тилақдошман, кўзим қорачиги, жигарбанд Андижон!

1967, 26 август

КУЛ БУИИДА

Бир тўп сулув чўмилмоқдайди. Епирай, кўзлари нечоғлиқ чақноқ ва фусункор. Бўйлари нечоғлиқ расо, беллари бир тутам, кўкраклари қалқигани қалқиган, балқигани балқиган...

Бир тўп сулув чўмилмоқда. Бемисол гуландомларни кумуш мавжлар жон-жон деб оғушига олишади ва шодиёна чалишади. Мавжларнинг кумуш ўланлари кўл бўйлаб кўм-кўк осмонга учишади, мавжлар сулувларни беармон қучишади.

Бир тўп сулув чўмилмоқда. Бир тўп сулув ўртасида сен кундуздай ярқираб турибсан, Кунтуғмиш!

Қора сочлар, қўнғир сочлар, заркокиллар, қўй кўзлар — не-не сулувлар ўтаверсин сенинг ёнгинангдан. Сенинг кўркинг ҳаммасига ёруғлик бағишлагудек тўлғунтўкис... Сен бугун жуда ҳам бўлакчасан, шўхсан. Сен бугун шундоғам куляпсанки...

Жаранглатиб кул, аёвлим, сен кулсанг — олам ёруғликка тўлади, сен кулсанг — бутун мавжудот кулади, Кунтуғмиш!

Бир тўп сулув чўмилмоқда. Мен қумдаман: қум қучоғидаман, бошимда ўроғлик сулгим. Кўзимда кул ранг кўзойнак. Кўзойнаксиз қарасам — жамолинг кўзимни тиндирмасин деб қўрқаман!

Бир тўп сулув чўмилмоқда. Янгроқ ва ғуборсиз кумуш қаҳқаҳалар тубсиз кўк тоқида жаранглаб турибди. Мавжлар беармон, зумрад мавжлар бугун бахт даврини сурибди.

Сенинг қаҳқаҳанг ажралиб эшитилади менга, аёвлим! Қаҳқаҳанг қўшиқдай... Кул, яйра, қулоч кер, қувон, суюклим! Сен сулувлар жамолига ёруғ сочгудай сулувсан, Кунтуғмиш!

* * *

Оқшом тоғлардан сирғалиб тушмоқда, ҳадемай тоғларнинг қораси олислаб кетади, кўлда фақат мавж... Бу

кунларда бебошвоқ ел йўқ. Кўл осойишта, қирғоқ ғавғосиз...

Мана, ҳадемай кўл юзи тағин жимир-жимирга тўлиб кетди. Юлдузлар чўмилмоқда, бир-биридан сулув, бир-биридан шўх, бир-биридан нозик, ваъдакор, сеҳрли...

Мавжларда тўп-тўп юлдуз чўмилмоқда, ўртада ўн тўрт кунлик тўлин ой... Мен олисдан қарадим ва ўйладим, наҳотки кундуз кўрган сулувлар кечаси тағин чўмилишмоқда. Агар шундоқ бўлса, тўлин ой тарзида юзаётган ўзинг эмасмисан, аёвлим? Шундоқ... Кечаси тўлин ойда ёруғ ва жозибатор ҳам ўзгинангсан, аёвлим. Мен олис қирғоқдан жамолингга хумор-хумор тикиламан ва камолотинг қаршисида эгиламан, суюклим!

*Иссиқ кўл,
1968, 17 август*

АГАР МЕН...

Эшиккўл этагида қадимги бир жангчининг қабрини топишибди. Кафанигача олтин эмиш. Ханжари, этиги, қиличи, дубулгаси, энгил-боши, қўйинг-чи, косаси, пиёлагасигача қуйма олтин, тобути ҳам...

Бу бизнинг боболаримизнинг боболарига хос бурунги ер таги сағаналаридан. Номдор ва салтанат эгаларидан бирининг сағанаси. Қабр ичида устихонга боғлиқ ва ёнма-ён тўрт юзга яқин ўликка кераклигу кераксиз олтин буюм санашибди. Еттинчи асрга қадар қўмилган ўлик — саҳройи йигит, жангчи. Ё ўн саккиз, ё йигирма уч йил умр кўрган, холос.

Агар мен мангулик уйқуга кетар кун бирон буюм ола кетиш эрки берила қолса...

Не олиб кетаркинман?

Энг аввал ҳовлимдаги оқ гулларнинг бир ҳовуч атри;

Кейин Ҳалимахоним авжида Навонийнинг ўша бир сатри;

Устоз Ойбек бермиш ўша бир қалам;

Олис ғурбатлардан қайтганимда, онамнинг қабрини тополмаганим важдан суяк-суякларимга сингган ўша қирқ йиллик алам;

Суйгулимнинг тирноқ юзидеккина сурати ҳам;

Нозим Ҳикматнинг денгиз сувларидай мовий кўзларидаги ўша мунг, ўша учқун, бир сўз билан айтсам, унинг хаёлимдаги армонли сийрати ҳам;

Бир ғужум Фарғона узуми;

Самарқанддаги йигитлик базми;

Қозоқ қимизидан бир кўза;

Тошкент денгизидан бир кўза;

Ҳеч бўлмаса ўша Олатов яйловида қимиз ичган занг кеса;

Ўша унутилмас ўғринчи бўса;

Оқсоқ бобо сағанасидан ложувард гишт синиги;

Улганда ҳам отини аташим ноҳўя бировнинг кўзлари-
даги тубсиз меҳрдан киприкчаси ва тиниғи;

Андижон адирларида битган ғўзадан бир лўппи ча-
ноқ ҳам...

Тағин нима? Бўлди шекилли. Йўқ, онамдан қолмиш
ягона эсдалик — кичкина парқу болиш — тобутимда бо-
шимга қўйилса-ю, ўша болиш тағига партия дафтарчам
қўйилса...

Улгандан кейин бирон буюм олиб кетиш эрки берил-
са, мен шуларнигина ола кетишни истар эдим. Лекин
ҳали ўладиган тентак йўқ, гап шунда...

1970, июль

ТҮЙХАТЛАР, ХОТИРАЛАР



Тўйхатлар

УЛУҒЛИК

Анча бўлди. Мирзачўлда, катта боғ ўртасидан эшик-чалқиб оққувчи улкан сув бўйида чоллар суҳбатига аралашиб ўтирардим. Кўк чой ачиғу суҳбат қуюқ, дастурхон кузнинг ўзидай тўкин, кеча чарогон. Радиодан етилмаган бир ўсмир овози келар эди: «Ҳа, азаматлар! Ерда бир мисқол ҳам қолмасин, териб олишлар. Пахта бойлик...» ва ҳоказо. Чоллардан бири аппарат овозини ўчириб, соатига қаради-ю, шошилиб яна бураб қўйди. Радио тўлқинларида Юнус Ражабий қўл остидаги мақомчилар ансамбли ижросида қўшиқлар жаранглаб кетди. Ҳаво сеҳргар овоз мавжларида тўлғанар; диллар эриб оққундай талпинар, олам гўё фақат шу ёқимли куй оғушида титрар эди. Чақчақлашиб ўтирган давра ҳам жим қулоқ солар ва хаёллар парвозда эди. Қўшиқ тугагандан кейин:

— Отанга раҳмат! Барака топ! Умринг узоқ бўлсин, Юнусвой!— дер эди бири кетидан бири. Суҳбат аёғида оқсоқоллардан энг кексаси бундоқ деди:— Оғзидан она сути кетмаган тирранча ҳам ҳар кун радиодан: «Ҳа, тер. Бўла қол! Узинг яхшисан!» дей берса, ранжир экансан. Гапида хато йўқ, тўғри. Лекин... Биз-ку, экканмиз, тикканмиз, тер тўкканмиз. Териб олиш зарурлигини наники билмасак? Ундан кўра мана шундоқ ашулангни жаранглат! У ёғини қўйиб бер бизга!— деди. Ўзга бири:— Ахир ҳар кун бригадир ҳам, раис ҳам шуни айтади-да! Шу важдан кўнгилга тегар экан!— деди. Мен боя радио овозини ўчириб қўйганда ҳайрон бўлган эдим, маънисига энди тушундим.

Дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрсам, чоллар ҳақ. Уринсиз кўп вақиллагандан, ўринли бир айтган яхши. Чарчоқ дилларга эса Юнус Ражабий музыкаси давондаво!..

Эсимда бор. Классик музика эшитиш қатоғон йиллар ҳам бўлди. Эмиш бу сарой музикаси... Бу билан ғаламислар халқни ўз мулки, ўз диди, ўз тарихи, ўз гўзаллигидан бездирмоқчи, маҳрум этмоқчи бўладилар-да. Бездиришга ҳей уриндилар-ку бўлмади. Бўлдиролмас эдилар ҳам. Юнусвой оға турткиларга чидаб, кўз нурини, вақтини, билимини аямай, битталаб, зарралаб эсдан чиқаёзган, ботқоқда қолган гавҳар доналарни йиғиб, ювиб-тараб ипга териб, тагин халқ хазинасига топшира олди. Чоллар бежиз олқиш айтмабди-да:

— Отасига раҳмат!

Эмиш шарқда ярамас бир одат бор. Давлатманд, агар фарзанди ноқобил бўлса, олтин-кумушини ерга кўмиб кетар экан. Қимёгар, агар шогирд ноқобил бўлса, билим сирларини унга билдиришдан воз кечиб, ўз кўнгида олиб кетар экан. Бу бор гап. Афсона-ю, афсона эмас. Ноқобилга раво кўрмаслик бор гап.

Юнусвой ака умр бўйи зарралаб, Хоразму Бухоро, Фарғона-ю, Сурхонда йиққан дунёга бергусиз гавҳар тўла хазинасини ўз халқига, ўз даврига, ўз фарзандларига қўш қўллаб тутиб турибди. Негаки, у дилдан билди, имони комил: даври етук, фарзандлари қобил, халқи хазиналарга арзигулик, аслида хазина ўша халқиники! Шу жиҳатдан Юнусвой оғанинг меҳнати қаҳрамонна! Ҳа, чиннакам қаҳрамон шу меҳнаткаш, камтар Ражабий.

Камтар-да... Улуғлик ҳам нақ шу камтарлигида... Етмиш ёш меҳнаткаш учун ўрта довоп. Узоқ йиллар дилимизни янги наволар билан тўлқинлатавер, устоз! Чоллар ҳақ:— Барака топ. Ҳамиша чўққида бўл, оға!

ЮЛДУЗ

Комил Нўъмон ўғли Яшин — халқимизнинг энг қобил ва комил фарзандларидан бири. У аввало йирик ёзувчи, йирик арбоб, қолаверса, депутат, аллома, редактор, қаламкашларнинг одил етакчиси. Бугун у Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Унинг кўкрагида бугундан бошлаб Олтин Юлдуз ярқираб ёниб туради.

Комил Нўъмон ўғлини мен ёзувчи сифатида биламан. Йигирманчи йиллардаёқ, биз пионерликдан комсомол сафига ўтган йилларда, у ёш авлоднинг севимли ёзувчиси, сочма шеърлари ва инқилобий драмаси билан доврў солган эди. Кейин у тамом драматургияга ўтиб кетди. Лекин ҳамма драмаларида шеърятга содиқлик қолди, ҳамма драмаларида чинакам шеър мавжи ва жараиғи очиқ-ойдин...

Комил Нўъмон ўзи драматургиямизнинг юлдузи! Драматург деганда кўз ўнгимизга, буюк Ҳамзадан кейин, у келади. Унинг драмалари қадам-бақадам, зина-базина юксалиб, томошабин дилида ўчмас из қолдирган. Унинг ўзи ҳам қадам-бақадам, зина-базина юксалиб, чиниқиб, ўсиб-улғайиб, томошабин олқишига сазовор бўлган қалам заҳматкаши. Ҳа, олқишга сазовор!.. Бу ҳазилакам меҳнат эмас. Бу ҳар томонлама етуклик деган сўз. Одамларни билиш, ҳаётни билиш, ҳаётнинг ич-ичига сингиб кетиш, совет воқелигидан ҳамиша бохабар ва ўшаи коммунист кўзи, коммунист қалби билан баҳолай олиш, ҳаётни санъаткорона тасвирлай олиш ҳазилакам гап эмас. Бу фазилатлар — фақат етакчи ёзувчига, замон ва халқ олдида ўз масъулиятини қалбдан сезган коммунист қаламкашга хос фазилатлардир. Мен унинг ҳар асарини ўқиганимда ё сахнада кўрганымда, катта ижодий меҳнат меваси эканини дилдан ҳис этаман ва ҳар янги асари унинг ўз ижодида, совет драматургиясида янги поғона бўлганини тушунаман, томошабинлар билан бирга қойил бўламан.

Комил Нўъмон халқ ҳурматини қозонган, пок қалб, ёзувчиларнинг инсофлик ва одил етакчиси, у партиявий принципларга оғишмай амал қилгувчи, бутун ўзбек адабиёти учун куйгувчи етакчи. Бу жиҳатдан у ўлмас Ҳамид Олимжон ва устоз Ойбек савиясидаги билағон, уфқи кенг, юз ўлчаб бир кесадиған, ҳар бир қаламкашнинг қалби ва қобилиятидан бохабар, ҳар бир қаламкашнинг қадри ва мавқеидан воқиф етук етакчи. Комил Нўъмон ўғлининг айниқса, Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлиги совет комитетида раислиги ва шундоқ мураккаб вазифани маҳорат билан удда этиши ҳам, оддий қаламкаш сифатида, менинг юрагимда ғурур туйғуларимни тўлқинлантириб туради, бу фақат ёзувчиларнинг ишончи эмас, партия ва халқ ишончи. Комил Нўъмон ўғлининг меҳнати, фазилати мўл. Санаб ўтирмайман. У бугун Қаҳрамон. Шу улуғ номнинг ўзиёқ унинг бутун қиёфасини гавдалантириб туради.

Унинг қаҳрамонлиги узлуксиз ва самарали, оламга татирлик меҳнатдан, тиниб-тинчимай яратганидан, бедор

кечаларда тўкилган кўз нурлари, оқ тонглари қаршилаб, тўккан манглай терларидан... Бу юксак унвон — Олтин Юлдуз етук ўзбек маданияти ва адабиёти учун берилган юлдуз!

Комил Нўъмон ўзбек халқининг фахри, обрўси, ҳурмат-иззати. Халқим қатори, минглаб китобхон қатори мен ҳам чексиз қувончдаман: «Комил Нўъмон, юлдуздай ярқирай-веринг!» дейман.

1974

УЛКАНЛИК

Ш. Р. Рашидов ёлғиз улкан сиёсий арбоб ва доно етакчи сифатидагина эмас, балки улкан қалам заҳматкаши сифатида ҳам ўта қадрли, ўта ардоқли. Мен бу бадний сўз санъаткорини биринчи шеърларидан биламан. Биринчи шеър китобини ҳам яхши биламан. Негаки, мен муҳаррир бўлган эдим. Неча йил ўтди — ў-ҳў! — қирқ йилдан ошиғроқ вақт. Бу йилларда Ш. Р. Рашидов Улуғ Ватан урушида қатнашиб, қон тўкиб, қон бериб, ўлимлардан қолиб, қайтиб келди. Кейин мен уни Фарҳод ГЭС қурилишида Самарқанддан келмиш қурувчилар бошлиғи сифатида кўрдим. Кейин «Қизил Ўзбекистон» газетасида редакторлик рутбасида ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис рутбасида кўрдим. Кейин Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси, кейин Ўзбекистон ўзак комитети котиби бўлди. Бу йиллар — бу рутбаларда Ш. Р. Рашидов ҳаёт ва қурилишларнинг қайноғида — марказида турди. Бу йилларда унинг ўзи ҳам, қалами ҳам чиниқиб, ўткирлашиб, очилиб, теранлашиб, нафислашиб, мазмун ва жозиба касб этиш билан банд бўлди.

Ш. Р. Рашидовнинг оташин публицистикаси ҳам, адабиётшуносликка оид ўта зарур мақолалари ҳам, бадний асарлари ҳам, адабий сиёсатга доир чиқишлари ҳам ўта замонавий, ўта бурро, ўта зарур меҳнат тарзида гоят машҳурдир. Бу даврда ёзилган романлари ҳам ўта ҳаётий, ишонгули, эргаштириб кетишга қодир асарлардир. Негаки, бу романлардаги образлар, одамлар ҳеч ҳам ясама ва уйдирма эмас. Ҳаммаси ёзувчига кўпдан-кўп таниш, маълум одамлар ва образлардир. Унг — яъни ижобий қаҳрамонлар ҳам, терс-яъни салбий образлар ҳам ёзувчига неча марта дуч бўлган ва ипидан-игнасигача аён кишилардир. Воқеалар ҳам шундоқ. Ҳаммаси ҳаётий, кўрганда дарров эсга тушадиган, типиклашган, таниш, ҳаёлотдан холий воқеалардир.

Менга бир китобхон сифатида Ш. Р. Рашидов асарларидаги шеърият жуда жондош ва қадрли. Ёзувчи Шеъриятга содиқ қолгани менга ўта маъқул ва қадрли. «Қашмир қўшиғи»ни айтаман. Бу ахир юксак шеър мисоли-ку! Романларда ҳам бу гўзал шеърият асар танобини тортишда ҳозир бўлгани менга ғоят маъқул ва тушунарли. Табиат манзаралари ва тиниқса одамларнинг ички дунёсини очиш маҳалида, севги тасвирларида сочма шеър ажаб кўмакчи. Ш. Р. Рашидов романларида бу усталик билан ўз ўрнида пайдо бўлади.

Мен яхши асарни қадрлай олгучи бир китобхон ва қатордаги қаламкаш сифатида Ш. Р. Рашидовдан — унинг асарларидан ҳаётни ўрганаман, ижобий образдаги одамларга ҳавас қиламан, салбий образлардан нафратланаман. Негаки, мен айни ҳаётга аралашадиган йилларимда ўтроқ ҳаёт кечирганман-да. Мен Ш. Р. Рашидов асарларини ўқиганимда ҳаётдан нечоғлик орқада ва қолақлигимни тушунаман.

Азиз Ш. Р. Рашидов! Мен Сиздай улкан қалам устасига, улкан сиёсий арбоб ва коммунист-етакчи, ленинчи-етакчига қутлуғ олтмиш ёшингизда янги ижодий омадлар тилайман — янги асарлар кутаман, энг кераклиги умрзоқлик ва соғлик тилаб қоламан.

1977 йил, 29 октябрь

ХАЛҚ ДИЛИНИНГ КЎЗГУСИ

Ёзувчи зиммасига ҳамма даврлар, ҳамма замонлар ҳам оғир ва жавобгарлик бурч юклаб келди. Мен том маъносигаги ёзувчи тўғрисида гапиряпман. Тарихимизда тилга олгулик қаламкаш борки, ҳаммаси чин маъноси билан давр фарзанди, халқ ўғли, халқ дилининг кўзгуси ва жарчисидир. Абдулла Қаҳҳор ўшандек қалам эгалари сирасидан ўрин олган ёзувчи.

Муҳандис — ўз ишига етук, жамиятда ардоқли киши, кимёгар ҳам, ўқитувчи ҳам, дурадгор ҳам, чилангар ҳам, наққош ҳам, гулчи ҳам... Ҳаммаси ўз ишига етук, ўзга билан иши йўқ. Ёзувчи-чи? Ҳа, ёзувчи деярли ҳаммасининг дилини, дидини, орзусини, характерини билмоғи шарт. Акс ҳолда, сохта, чалакам ва умри калта гап бўлади. Абдулла Қаҳҳор қаламга олган ҳаёт лавҳалари, характерлар, тимсоллар, тўқнашувлар ва айниқса тил ишонгулик, реал ва ибрат олгулик, эсда қолгулик, чинакам санъат асарларидир. Шу жиҳатдан оғиз тўлдириб айтсак ярашгулик, заргар, пурҳикмат, билгич ёзувчилардан бири Абдулла Қаҳҳор — фахрлансак бўлади!

Абдулла Қаҳҳор ҳикоянавис, қиссанавис, романчи, драматург сифатида донгдор. Лекин мен уни шоир ҳам дердим. У танлаган мавзулар, уларнинг ижроси, яхлит ва хилма-хил одамлар, уларнинг ички дунёси, табиат манзаралари, ўринли романтик оҳанглар, ранглар — шеърдир. «Ўтмишдан эртаклар»идаги Умаралининг ўлимини эсланг: отанинг бир зумлик телбаланиш моменти, исён, томир-томирларидан титраб кўтарилган наъра, она мусибати бу парчанинг ўзи тугал бир дoston. Вазнсиз, қофиясиз, лекин юксак шеърдир. Даҳшат бу! Ўтмиш нечоғлик қора ва шаддод экан-а! Қайтиб келмасин ўшандoқ кунлар!— дейди ҳар китобхон. Бу кунларимиз қадрига етадиган бўлади китобхон. Санъат бу! Чинакам усталик ва устозлик...

Абдулла Қаҳҳор устоз сифатида талай асл наср ёзувчи ёшларга етакчи. Лекин мен, ундан ҳам кўпроқ шоирларга устозлигини биламан ва бу қаттиқ қўллик, ёш адабиётчиларимизнинг чинакам устози билан фахрланаман.

Абдулла ака! Соч оқлигига парво қилманг. Қирчиллаган пайтингиз бу! Янги асарларингизни бесабр кутувчилардан бири мен. Излаб топиб ўқувчилардан бири мен.

Узоқ яшанг!

1967

АДИБНИНГ БАХТИ

Назир оғанинг етмиш ёши қувончли ҳодиса — китобхон учун, қаламкашлар учун...

Мен Назир оғани ўттизинчи йиллардан биламан. У пайтларда мен Самарқандда институтларда ижтимоиёт ва адабиётдан дарс берардим ва онда-сонда иш билан Тошкентга келардим, ўшанда Ҳамид Олимжоннинг Обсерватория кўчасидаги уйида Назир оға билан талай-талай учрашганман. У вақт ҳозирги Пушкин номидаги истироҳат паркнинг кунботиш томонидаги стадион томоша боғи эди: Ҳамид ва Назир оға билан ўша боққа тушганим, адабиёт ҳақида узоқ сўзлашганларим эсимда. У вақтларда адабиётда мафкуравий кураш авж олган пайт, замонавий, юксак бадий асар яратиш ҳар бир совет қаламкаши учун энг эзгу бурч эди. Биз шеърятда уринардик, Назир оға драматургияда меҳнат қиларди.

Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида мен Тошкентга кўчдим, ўшанда ҳам Ҳамид уйида Назир оға, Раҳмат Мажидий ва Анқобойларни талай учратганман. Суҳбатлар

ҳамиша адабиёт равнақи, ижодий меҳнат ҳақида бўларди.

Назир оға Ватан урушидан қайтгандан кейин насрга аввалгидан кўпроқ кўнгил берадиган бўлди. Турсуной ҳақидаги очеркни катта меҳнат — пешана тери деб биламан. «Тарих тилга кирди» драмасынинг янги нусхаси ҳам катта меҳнат. Айниқса, Назир оға кейинги ўн йил унумли қаламкашлардан бири бўлди. Унинг «Кўрган-кечирганларим» асари диққатга сазовор. Бу — чинакам минг бир лавҳадан қурилган яхлит ва ёрқин ҳаёт. Асарнинг лирик қаҳрамони қаламкашнинг ўзи. Қишлоқи ўсмирнинг то улғайиб, ҳаётда ярқироқ бир сиймо бўлиб минбарга кўтарилгунча босган йўли китобхон кўз ўнгидан ўтади. Ишонгулик ва шу вадан эргаштиргулик. «Кўрган-кечирганларим» билан «Наврўз» асарлари Назир оғанинг камолотидан ва қаламкаш сифатида маҳоратидан дарак берувчи асарлардир. Бу камолот ва маҳорат, шубҳасиз, узлуксиз меҳнатдан дунёга келди. Баъзи ёзувчи қалами бурро бўладию ҳаётдан олис бўлади, ёзгани беумр. Баъзи ёзувчи ҳаётий ва лекин маҳоратдан олис бўлади, ёзгани беумр... Назир оғанинг сўнгги асарлари — «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз» ҳаёт манзаралари ва қалам меҳнатининг бирлигида туғилмиш асарлар эканига имоним комил, бу бирликда ҳикмат мўл. Ана шу бирлик асарнинг умрзоқлиги ва замонга зарурлиги, деган гап. Муҳандис (албатта, зиёли) ўз ишини билади, тупроқшунос ҳам, кимёгар ҳам, электрик ҳам. Лекин ёзувчи (агар ўшалар ҳаётини қаламга олса) ҳаммасининг дилини, аъмолини, эртасини, хаёлини билмоғи шарт. Акс ҳолда, асар тутуруқсиз ва чалкаш чиқиши турган гап.

Назир оға қалам меҳнатига умрини бағишлаганлардан. Мен китобхон сифатида Назир оғага қутлуғ етмиш ёш кунда ҳамиша ҳушвақтлилик, умрзоқлик ва энг муҳими, ижодий унумдорлик, ижодий омад тилайман!

1975

АЛЛОМА

Иззат Султон — кўп қиррали ижодкор. У шеър ҳам ёза олади, насрга ҳам уста, бақувват драматург, бақувват арбоб, лекин дарҳол кўзга ташланадиган қирраси — олимпик — алломалик. Аллома бўлганда ҳам анов-манов аллома эмас, забардаст ва ёрқин...

Илм унда туғма ва ўткир сажия эканлигига шубҳа бўлмиши мумкин эмас.

«Адабиёт назарияси» китобини эслайлик. Нечоғлик ўз

вақтида дунёга келган ва талай-талай аниқликка интизор, ташна ўқитувчилар йўлини ёритган китоб эди. Бу китоб ёш қаламкашлар учун ҳам, умуман ёш авлод учун ҳам янгилик бўлди, етакчи бўлди.

Иззат Султон драмалари юксак савияда, «Бургутнинг парвози»дан «Фидойи» гача эсда қолгулик. Драматургияда ҳам ўта етук қаламкаш Иззат Султон томошабин қалби тўридан ўчмас жой олган асарлар авторидир. Усталик шу даражада: драма ҳам, опера либреттоси ҳам, киносценарий ҳам бирдек қўлидан келади. Бундай дўндириб ёзадиганлар оз. Ушаларнинг олдинги қаторида Иззат Султон бор...

«Навоийнинг қалб дафтари» деган китоб ўктам аллома-мизнинг кейинги асарларидан бўлиб, шу даражада маъни ва мантиқ тифиз, узоқ меҳнат оқибатида дунё кўрган, умри узун илмий асардир. Бу китоб бутун бир давр кўзгуси, бутун бир давр қомусидек салмоқли ва мазмундор.

Бу китоб устоз Ойбек қаламига хос, ўша оламга машҳур романидан кейин улуғ Навоий ҳақидаги энг самимий, замонга оҳангдош ва фахрлангулик меҳнатдир. Айни вақтда улуғ бобога фарзандлик туйғуси тўлиб-тошган ёруғ қалб қўшиғидир. Нечоғлик ёрқин ва фусункор китоб.

Иш мактабида тарбияланиб, илм чўққиларига зинама-зина юксалаётган, билим ва маданиятимизнинг кўрки даражасидаги заҳматкаш алломага, йирик қалам соҳибига, замондошимга, ардоқли дўстга мен ҳам ташна бир китобхон ва қатордаги қаламкаш сифатида ҳамишалик омад ва умрзоқлик тилайман. Янги асарлар кутиб қоламан.

1971

ЎЗБЕК АДАБИЯТИНИНГ ҚАЛИН ДУСТИ

А б д у л л а Т о ж и б о й!

Сен инсон зотига севинч бағишлай оладиган шоирсан, сенинг шеърларинг Олатов этакларида, Эшиккўл қирғоқларидаги чаманлардек юз ранг, атирлик эпкинда чайқалгучи жимир-жимир чечаклардай дилни маст этади. Сен бутун дилинг, борлигинг, бор-йўгинг билан Ватанга, инсонга фидойи қалам эгасисан.

Инсон чириллаб-ингалаб дунёга келади. Озми-кўпми умр кўради; биров судралиб умр кечиради, биров ҳаётнинг аччиқ-чучугига чидаб, курашиб, тер тўкиб, ҳалол нон еб ва одамзод учун арзигулик бир эсдалик қолдириш армонида уриниб умр кўради. Сен ўшандоқ ўғиллардансан, сен ўшандоқ — юртингга фидойи қаламкашлардансан.

Қадим Оқмачит шаҳрида, дарё ёқасида сен туғилган, қамиш капани кўрган им бор. Сенинг тенгдошларинг билан суҳбат қурганим бор.

— Ҳа, Абдулла бизнинг куйчимиз-ку, — дейишади. Дарҳақиқат, сен севикли юртинг ва юртдошларинг куйчисан. Замон ва ёруғлик куйчиси. Сен ҳозир яшаб турган Олмаота марказидаги ҳовли, икки қаватли оқ уй, гулзор — сенга юрт ҳурмати дир. Сен фақат шоиргина эмас, олимгина эмас, арбоб ҳамсан. Қурултойларда чигил масалалар ечи мида қўл кўтаришга ҳақли арбобсан. Бу ҳам меҳнатингга яраша юрт ҳурмати.

* * *

Бу кунларда бутун Қозоғистон бўйлаб сенинг номинг янграмоқда. Кўмир конларида, яйловларда, мактабларда, дорилфунунларда, клуб саҳналарида сенинг шеърларинг ўқилмоқда. Бу бизнинг ҳам севишимиз, Абдулла. Бу ахир, шеърят тўйи. Демак, бедор кечаларинг, манглай теринг беҳуда кетмабди. Чаккаларингга барвақт тушган оқ тола лар беҳуда кетмабди.

Қозоқ адабиёти ва маданияти хазинасига қўшган дурдоналаринг саноғи қирқ. Айтишга осон. Қирқ китоб. Сен улкан сўз санъаткори. Тийран ғоявийлик, бой мазмундор лик — сенинг қирқ китобингга хос хислат дир. Сен фақат ўз юртингдагина эмас, қардош жумҳуриятларда ҳам, олис элларда ҳам донгдор қалам эгасан. Довруғинг баланд. Сенинг қирқ китобинг халқчил, халқ дилига, халқ ҳаётига чамбарчас боғлиқ. Халқчиллик ва партиявийлик, Ватанга фидокорлик ғоялари сен яратган асарларда ёрқин ва ка молот поғоналарида.

Сен устоз Ойбек билан қалин дўст эдинг ва забардаст Ғафур Ғулом билан ҳамиша ҳазилкаш эдинг. Бизнинг пешқадам қалам эгалари билан ҳамишалик борди-келдинг бор. Сен бизнинг адабиётимизга ва биринчи галда Навоийимизга ошиқлардан бирсан. Кузатиб борасан. Кенгашлар айтасан. Камолотимиздан чексиз қувонасан. Яқинсан-да.

Абдулла, сен нағз қозоқ шоирсан. Сенинг ёзганларингда қозоқ тили, қозоқ қалби, қозоқ характери, қозоқ табиати, йилқичи ва ғаллакор, кончи ва геолог, куйчи ва ёш олим, қорли чўққилар ва яшил тоғ оралари, зилол шало лалар ва сўнгсиз қумлоқлар ўз тасвирини топгандир. Бу ни ўзбек китобхони сенинг таржима шеърларингда аён кўради. Сен нағз қозоқ шоири бўлганинг учун ҳам бутун қардош халқларга сеvimлисан, тушунарлисан. Ардоқли-

ан. Чунки, ўз халқининг чинакам куйчисигина ўзга халқларга сеvimли бўла олади. Яъни, сен интернационал шоирсан.

Мен сени кўпроқ шоир сифатида танийман, ўқийман, қадрлайман. Шунинг учун кўпроқ шеъринг устида сўз юритяпман. Бир кез Жамбулнинг 100 йиллигига борганимда, Олотов этагида, булоқ бўйида ўтириб ҳордиқ чиқарар эдик. Уша даврада ўтирганлардан анчаси ҳозир йўқ. Абдулла, сен ўша булоққа ўхшайсан. Тиниқсан. Қирғоғинг чаманзор. Чанқоқ қушлар, оҳулар туш пайти сувингни ичиб, яшил тўқайларга кетишади. Йўқ, сен ўша булоқ те-тасидаги чинорга ўхшайсан. Соябонсан. Япроқларинг ора-лида сайроқни қушлар макон тутати. Бақувватсан. Томирларинг ернинг қат-қатида. Йўқ, сен тикка тоғсан. Этакларинг — яйловлар, шошқин сувлар. Сен турган жойдан ҳаёт ва табиат кафтда тургандай аниқ кўринади. Йўқ, бари бекор. Сен булоқ ҳам эмас, чинор ҳам эмас, инсонсан. Уша ардоқли, заҳматкаш инсон.

Олтмишга қадам қўйдинг, бу ҳазилакам доvon эмас. Лекин сен бу доvonга қуруқ кўтарилмадинг, юкинг оғир ва қимматбаҳо. Сен, менинг ўйлашимча, нағз яратиш палласига ўтдинг. Чаккаларингда оқ излар бору, лекин ўзинг чинордай тик ва бақувватсан. Ҳамиша қирчиллаб юравер. Оловли ўланларинг жаранглайверсин, қўшиғинг ҳеч ҳам тинмасин. Қўшиқларингдан ҳамиша замон ва замондошларинг завқини аллалагувчи оҳанглар оқаверсин. Мен сенинг ўзбек юртидаги китобхонларинг дилидаги яхши тилакларни ифода этипман, эй Тожибой чолнинг азалат ўғли, халқ ўғли, замон куйчиси, ўзбек адабиётининг қалин дўсти ва Қозоғистондаги тарғиботчиси, бизнинг тенгдош, севикли Абдулла!

1969

КУЙЛА, ЖИГАРИМ!

Сирбой эллик ёшга кирибди... Бундай қарасак, бундан эллик йил муқаддам, яъни Лениннинг улуғ туғи остида халқларимиз бирлашиб, қутлуғ ҳаётга қадам қўйган маҳалда дунёга келибди, Сирбой иним. У халқларимизнинг улуғ дўстлиги, қон-қардошлиги бошланган кун билан тенгдош экан.

Бу қандай бахт!

Ота-онаси уни Сирбой деб аташларида ҳам кўп маъно бор.

Сир сўзининг бир маъноси — дарё. Яъни Сирдарёдай кенг ва гўзал, теран ва ардоқли деган маънони беради.

Менимча, Сирбойнинг исми СИР деган сўзнинг сўнги маъносидан олинган бўлса ажаб эмас. Унинг шеърлари бамисоли Сир тўлқинларидай тиним билмас тошқин шеърлар. Сирбой шеърлари ўзбек китобхонларини мафтун этади. Айниқса, унинг «Туш пайти» деб номланган китоби Ўзбекистонимизда машҳур.

Сирбой қон тўкиб, Ватанимизни босқинчилардан ҳимоя қилган шоирлар сирасига киради: унинг шеърлари баъзан арслондай наъра тортиб, ҳужумга чорласа, баъзан Олмаотанинг тиниқ булоқлари каби шилдираб оқадди. Сирбой шеърлари кўркем, тасвирга бой, эсдан чиқмас ҳолларга тўла. Унинг нағз қозоқи шеърлари азалдан ўқувчиларнинг севиқли ўланларига айланган.

Мен ўзининг эллик ёшига қадам қўйган, дарёдай тошқин шоирга узоқ умр, баракали илҳом тилайман. Қозоқ халқининг улкан куйчиси, кўп яша! Мен учун ҳам ардоқли, ҳам суюкли Сирбойга ҳазил тариқасида баъзан бундай дейман:

Сирбоймисан?
Жирбоймисан?
Меҳри дарё
Бир боймисан?
Кўнгли тоза
Нурбоймисан?
Пур илҳомли
Пир боймисан?

Менинг билишимча, Сирбой бундан кейин ҳам жирга бой, нурга бой бўлаверади.

Толмай куйла, шоир!

Менинг дил-дилдан айтган тилакларимни қабул қилгайсан,

Омон бўл, бағрим!

1972

Хотиралар

АЛП СИЯМО

Йўлдошбой ота Охунбобо ўгли — ўзбек халқининг чинакам қаҳрамон фарзандларидан бири, чинакам коммунист, инқилоб, янги тузум, янги замон байроқдорларидан бири ва юксак мансабига чинакам лойиқ давлат бошлиғи эди. У Ленин мактабига хос курашчи ва улкан арбоб эди. Унинг халқ ичидаги обрўсига ва доврўғига тараф йўқ эди. Довруғи дунёга кетган одам, деган халқ ибораси, менимча, Йўлдошбой ота таърифи ва сифатига тўла мос иборадир.

Марғилонлик мардикор, аравакаш, қарол, жафодийда ва хор бир меҳнат ўғли — жумҳурият раиси даражасигача кўтарилиши ҳеч кимнинг тушига кирганмикин? Ҳа, туш ҳам гапми! Меҳнаткаш одамзод ўзига дарддош, тўғри ва жўмард ҳукмдор, яхши бошлиқ ҳақида армон қилар, эртаклар тўқиб, қўшиқларда куйлар эди. Ленин замонасидаги мўъжизалардан бири ҳам ўша армоннинг рўёбга чиқиши бўлди.

1929 йили мен Йўлдошбой отада шахсий котиб бўлиб ишладим. Котиб битта мен эмасдим, мен тўртинчи эдим. Биринчи шахсий котиб Ҳамид Азимбоев деган хушбичим татар йигити бўлиб, йўл-йўриққа етук одам эди. Қабулхона ўшанинг эркида эди. Уша вақтнинг ҳам билгич, ҳам саводли ходимларидан эди. Тагин Фулом Исмоилов деган самарқандлик шоп мўйловли йигит бўлиб, у Ота номига келган аризалар ҳисобини олиб ўтирар эди. Ахир, ҳар куни Ота номига даста-даста хат келар эди-да. Ҳаммасини ўқиб чиқиш учун бир одам улгуриши маҳол эди, баъзан хат ўқиш ва қисқа мазмунни Раисга етказиш учун котиблардан ташқари бошқа бўлинмалардан ҳам ўртоқлар жалб қилинар эди. Учинчиси Аҳмад Шораҳмедов эди. Тўртинчи мен эдим. Мен кўпроқ янги алифбе (Ота янги алифбо қўмитасининг раиси эди) масаласида; баъзи мақолалар иншосида, умуман, маданият ва адабиёт масалаларида Отага қарашар эдим. Ва шу бобдаги топшириқларни ба-

жарар эдим. Ундан ташқари, Ота билан учрашувларни, суҳбатларни, сафарларни матбуотда ёритиб турар эдим. Ота ҳақида, йиғинларда чиқишлари, ташаббуслари, фикрлари, ҳаёти ҳақида хабар ва очерклар ёзиб борар эдим. Шунингдек, Ота билан ҳар куни рус тилидан машғулотлар ўтказиш ҳам менинг зиммамда эди.

Йўлдошбой ота халқ орасида энг обрўли, продаси зўр, жуда оқ кўнгил, хушмуомала, ниҳоят камтар, меҳнаткашга жонкуяр, ўрнида беаёв, ўрнида кўнгилчан, жуда зийрак, жуда ҳушёр, жуда доно, фидоний, дилкаш, деҳқончилик илмида аллома даражасида билагон, чин маъносида халқчил инсон ва туғма чечан етакчилардан эди. Қуввайи ҳофизаси ҳайрон қолгулик ёрқин ва айнимас одам эди. Кўп ғазал, дoston ва масалаларни ёд билар ва ўрнида ишлатар эди. Бир кўрган одамани қирқ йилдан кейин ҳам таний олар эди.

Мен Тошкентда ўлка ўзбек эрлар билим юртини тугатгандан кейин, комсомол йўлланмаси билан Самарқандга (ўша вақтда пойтахт Самарқанд эди) ишга бордим. Биринчи китобим чиққан эди. Езувчилик ишқи дилимни тугал эгаллаб олган палла эди. Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасида ишлаш ёш қалам тебратувчи сифатида мени аввало довдиратгани, лекин бари бир жуда қизиқтирганини яширмайман.

Ўша йили Фарғона водийсида, нечундир, ипак режаси тўлмай қолди. Ўзбекистон Марказий партия комитети бу ҳолни бартараф қилиш вазифасини Йўлдошбой ота зиммасига қўйганини мен шошилиш сафарга тайёрланаётганда билдим. Ярим тунда, чамаси, ўн киши Ота билан бирликда дрезинда (темир ғилдиракли, темир йўлда юришга мосланган авто) жўнаб қолдик ва тонг маҳали Марғилонда ҳозир бўлдик. Ота ёнида ўша чигалга тегишли комиссариатлардан вакиллар бор, Олтинбеков деган доимий соқчиси ҳам бирга.

Шундай қилиб, эрта билан Марғилон шаҳрига тушиб, Ўрда тагига келиб, сўрилик чойхоналарнинг биридан жой олдик. Сал ўтмай айлана чойхоналар, майдон, ён кўчалар ғуж-ғуж одам бўлиб кетди. Тепароқда чой ичиб ўтирган Ота ёнига дам-бадам чоллар, ўрта ёшли қўшчилар, кoсиблар, аравакашлар келиб, ҳол сўрашар, дийдор кўришганларидан хушвақт. Давра борган сари кенгаяр эди. Сал ўтмай аския, чолғу, ашула бири-бирига уланиб кетди. Шаҳар маркази тўй тусини олди. Майдонда ўйин ҳам баравж. Бир вақт Ота ўрнидан турди, ҳамма сув қуйгандай жим бўлди, ҳамманинг кўзи ва қулоғи Отада эди. Ота аввало қўлини кўкрагига қўйиб, халққа тагин салом бериб,

гўё она шахри олдида фарзандлик таъзимини бажо келтириб, кейин салмоқ билан гапга тушиб кетди.

Ота ўтмиш жафоси ҳақида, Шўролар ҳукуматининг халқпарварлиги, Ленин йўлининг бахтга етаклаши, эртаги куннинг яна тўқ ва ёруғ бўлиши аниқ эканлиги ҳақида, эски дунё сарқитлари, душман унсурларининг янги дунё қуришимизга халал бераётганлиги ҳақида, ҳали камчиликлар мавжудлиги, ҳали навбат келмаган ишлар талайлиги ҳақида сўзлар эди.

— Хўш,— деди сўзининг охирироғида Ота,— пиллага қандоқ бало тегди бу йил? Шўролар ҳукуматидан нега аяб қолдинглар пиллани? Қим сизни чалғитган ўзи? Важи борми?

Нафас ўтган йўқ, сўрига бир кекса кўтарилди-ю, кўкрагига муштлаб кетди. Ота бориб кексанинг қўлидан тутди:— Гапиринг-да!

Нуроний кекса айтганлари тахминан шундоқ эди:

— Самарқандга кетдингиз биздан хабар олмай қўйдингиз, ҳей! Қурт тутдик, топширдик ҳам. Лекин манови ноинсофларингиз бизга тегишимизни бермай куйдирапти. Тагин уйларимизни тинтув қилишди, зада қилишди, нори-зо қилишди, безор бўлдик-ку. Кўзингизга куйдирги чиққурларни қара, хў ана, уялмасдан ўқрайишиб туришибди-я! Мана мен икки қоп пиллани хў Ёзёвондаги суви қуриган қудуққа ташлаб қўйганман. Мана, ўзинг келибсан, дардимни айтдим. Текинга десанг ҳам ҳозир олиб келиб, ҳукуматга ўтказаман, Шўролардан аяйдиганимиз йўқ, болам! Ёмонлар даккисидан асра, хўрлатма бизни, ҳа!

Маълум бўлдики, пилла топширувчиларга берилиши зарур чой, ширинлик, ипаклик ва газлама босиб қолинмоқда экан. (Ўша вақтда ҳамма нарса танқис ва ўлчовлик эди-да!) Охунбобоев ёнида борганларнинг бирига нимадир пичирлади, холос. Сал ўтмай майдондан милиция олдига тушган тўртта дўкончи ўтди ва шунинг кетидан Ўрда тагида тўрт жойга катта тарозу қурилди-ю, пилла қабул қилиш қизиб кетди, дўконлар эшиги очилди ҳам. Юзларда ёруғ бир шодонлик, кўзларда эртаги кунга умидворлик ярқираб кетди. Меҳнаткаш халқнинг ўз ўғли, ўз оқсоқолидан кўнгли тўлганлиги жилмайишларда, Фарғона водийсига хос қадим ўзбекиё салом ва ширин суҳбатларда намоён бўлди. Ўша кунни мен Отанинг халққа нечоғлик яқин ва ардоқли эканини, халқ билан тили ҳам, дили ҳам бир эканини илк гал Марғилонда кўрдим ва қойил бўлдим.

Ўша кун кеч оқшом Ота ва ёнидагилар Марғилон чеккасида бир қўшчи ҳовлисига бордик (оти эсимда йўқ, дафтаримда ҳам йўқ). Ўша кечаси ҳалиги қўшчининг тўйи

(уйланиш) бўлди, сигирлик бўлди (кўпдан буён кам харажатликдан, қўли калталигидан унашиб қўйган қаллиғини ололмай юрган экан-да!). Бутун харажат юз эллик сўм бўлди. Бу жумҳурият Раисининг жўмардлиги. (Ўзига хос фонддан ўрнида ишлатар эди Ота. Ҳар йўлга чиққанда даста-даста пул олиб чиқардик. Жуда ёрдамга муҳтожларга улашар ва халқ Шўро ҳукуматига дуою олқиш айтиб қолар эди.)

Тонготарда Ота: жўнайлик, деб қолди. Кимдир ҳозир поезд ўтмаслигини айтган эди, Ота: юраверинглар, бир гап бўлар, дрезинга бекор жавоб берибмиз-да, деди-ю, бекатга бошлаб қолди. Марғилон бекатида, ҳамма ҳайрон, нима қилар эканмиз, деган хаёлда турардик. Ота бекат бошлиғини чақириб: бизни Андижонга етказинг, деди. Бошлиқ, яқин орада поезд ўтмайди, лекин паровоз бор, деди шекилли. Ота: майли, паровозни тўғриланг, деди. Ҳаммамиз паровозга тушиб, хайрлашиб, жўнаб кетдик. Кун кўтарилган пайтда Андижонда бўлдик. Қандайдир, Ота келишидан хабар топиб, тумонат одам қарши олди. Бекат майдонидан — меҳмонхонага қадар одам эди. Андижон ҳам тўй тусини олган эди, бу ерда масала митингсиз ҳал бўлди. Ундан Наманган, кейин Қўқонга келдик. Тўрт кун ичида Фарғона водийсида пилла режаси кутилгандан ортиқ бажарилганлиги, Отанинг азмкорлиги, тадбири, обрўси, бурролиги, халқ қалбининг нозик торларини жаранглатишга қодир, уста арбоблиги ҳануз-ҳануз эсимда. Отанинг энг қалтис ва чигал паллада ўткир табибдай халқ ичида пайдо бўлганига ва халқ дардига даво топганига гувоҳ бўлдим, кўрдим, уқдим, гурур туйғусида тўлқинланиб юрдим ҳам.

Ота одатда эрталаб хизматга ҳаммадан олдин келар эди. Кейин соат 8 да бутун хоналарни айланиб чиқар эди. Бирор одам кечикса ё хизматга келмай қолса, қаттиқ уялтириб, яна такрорланса қўлига паттасини тутқазар эди. Бир кун Бекчонтой деган бўлим бошлиғи хизматга кечикиб келди. Жуда ҳурматли, ўз ишига пишиқ одам эди. Лекин Ота чақирганда титраб қолди, беваж кечиккан экан-да. Ёлғон гапириш қўлидан келмас эди. Барибир Ота кўзларидан билар эди. Узр сўради, кап-катта одам қора терга тушиб, узр сўради-я! Ҳаммадан кечирим сўради у. Ота юмшаб айтди: «Марказий Ижроком дейдилар. Олий маҳкама, сиз шу ерда улкан мансабдасиз. Сиз шундоқ қилсангиз, бошқалардан не умид? Ахир мой айниса туз сепишади. Хўш, туз айниса — нима солайлик, ўйланг-чи!» Бекчонтой шу-шу ишдан кечиккани йўқ.

Ота номига келадиган бесаноқ конвертлар ва телеграм-

Алар ичида баъзан ўлимга ҳукм этилган бировнинг ари-заси ҳам бўларди. Ота бундай вақтда ўта жиддий тус оларди. Махфий бўлим бир соат ичида ўша ҳукм этилмиш одам ҳақида Отага тўла маълумот етказар эди. Шунга қараб, гоҳ у ёқли, гоҳ бу ёқли ҳал этилар эди. Албатта Ота кўп вақт, иложи бўлганича, қонуи сиғдирганича ўлимни қамоқ билан алмаштиришга буйруқ берарди. Бир кун Аҳмадали Эрали ўғли деган одамнинг аризаси келди. Ота ўша номни эшитганданоқ: «Бекор қилинг!» деди бўлим бошлиғига. У ҳам иккиланмай, дарҳол ҳукмини бекор қила қолди, кейин маълум бўлдики, Аҳмадали ота-бобосидан батрак бўлиб, заминдорлар тухматига қолиб, ўшалар қилган жиноятга, сал бўлмаса, йўқ бўлиб кетар экану, Отанинг Аҳмадалини бир кўрганлиги ва эсининг бутунлиги, синфий сезгирлиги беғуноҳни ўлимдан олиб қолди. Бундай воқеа ўқтин-ўқтин яхшилик билан тугалар эди.

Йўлдошбой отанинг Самарқандда Уртут кўчасидаги ҳовлисида дастурхон устида ҳар куни камида ўн қўноқ ҳозир эди. Булар жумҳуриятнинг ҳамма бурчакларидан келгувчи аризалар бўлиб, ҳар қайсиси камида бир ҳафта ётиб, Самарқандни тўқис зиёрат қилиб, айланиб, кейин ишқалини битириб кетар эди.

Отанинг биринчи шахсий котиби Азимбоев ҳам (оиласи билан), мен ҳам ўша ҳовлида турардик. Оқшомлар ҳам аризаларни қоғозга кўчириш, ўшани қайси комиссариат орқали ҳал қилиш билан ўтар эди. Юрт отаси ҳамма вақт юрт иши билан банд, ҳамини юрт қайғусини егувчи, юрт хизматидан чарчамас, биллуриш пок, юртга келган балога кўкси қалқон коммунист, кеккайиш тушига ҳам кирмас улуг қалб эгаси эди. Катта-кичик бирдек: Ота, дер эди. Отадан норози бўлиб кетган одам йўқ эди, фақат мулкдорлар, зўравонлар, аслида терс одамлар дакки еб кетишар эди.

Йўлдошбой ота ҳаммадан олдин деҳқон эди. Самарқанд чеккасида, дарё бўйида у ўзи ташкил этган ва ўз оталиғига олган бир ўтроқ хўжалик бўларди. Бу кам ерлик ё бутунлай ерсиз хўжаликлардан қурилган эди. Ҳар жума кунини Марказий Ижроком ходимлари, битта қолмай, Ота билан ўша хўжаликка чиқардик. Ўша вақтда ҳали гўдак қизалоғи Хайри ва ундан кичик Қаримберди ўғли ҳам бирга бўларди. Ота қайсидир қўрбошидан ўлжа тушган оқ бўз тулпорни қўшғилдирак енгил аравага қўшиб, сайр этиб борар эди. Биринчи бўлиб енг шимариб, ишга тушар, кетмон чопар эди.

Ер тўқайлик бўлиб, битта-битта очилар, тўнкалар қўпорилар ва йил сайин кенгаяр, йил сайин тажриба ва ма-

лакаси ошар, атрофдаги қишлоқларга ибрат-ўрнак бўлар эди. (Ҳали колхоз йўқ маҳал эди-да!)

Ҳар вақт бирор мақола ёзиши ва ё мактаб, ё зиёлилар, ё қурувчилар ўртасида гапириши керак бўлса, Ота:— Ўғлим, шу масалада ўртоқ Ленин нима дептиякан, қараб кўринг-чи?— дер эди. Мен ҳам дарров топишга ҳаракат қилар эдим. Жуда хушвақт ва рози бўларди Ота.

1925 йили, Тошкентда «Билим юрти»да тузилган ёш кашшофлар уюшмаси Охунбобоев номида эди. Вожатий ҳам аввал Жавлон Раҳмон (таниқли маърифатчи, машҳур педагог), кейин Олим Аминий бўлди (ҳозир улкан олим). Йўлдошбой ота шу уюшмани оталиққа олгани махсус Тошкентга келган эди: «Мана, бугундан ҳамманг менинг ўғлим бўлдинглар, яхши ўқинглар», деган эди. Бизга усти бош, кийим-кечак, байроқ, дўмбира олиш учун минг сўм берган эди. Минг сўм катта пул эди у маҳал! Ушанда мен ҳам Ота олдида, ниманидир, ёд ўқиган эдим, ҳам музыка тўғараги қатнашчилари билан «Ражабий I» куйини ижро этган эдик. Саҳнада биров чуваклик, ўзгаси ялангоёқ, биров камзулда, биров кўйлакчан ўтирардик. Камчил вақт эди-да. Ушанда бир кўрган Ота, 1929 йили, яъни тўрт йилдан кейин, ўзга кийимда, ўзга қиёфада мени дарров таниб: «Ўғлим» деди, синфдошларимдан анчасини, ном-баном, қайга юборилганидан хабар олди.

Ота ҳақида асарлар яратилмоқда. Мен ҳам анча йиллар меҳнат қилиб, бир драма ёздим. Лекин булар Отанинг жуда мазмунли, жуда ҳикматли ҳаётини ва қаҳрамонликларини ёритишда қатралар, холос. Сўнгги нафасигача ленинчи, инсонпарвар, коммунистик ғояларга содиқ, гавҳардай бегубор, маъракаларда ташаббускор, тўйларда тўйбоши, халқ ҳашарларида етакчи, талай комбинат ва саройлар негизига биринчи ғишт қўйган, талай янги дарёлар очишда биринчи кетмон урган, ярим асрлик оғир йўлда, оғир курашларда байроқдорлардан бири, чинакам халқ ўғли, халқ Отасининг унутилмас сиймоси ҳамиша дилимиз тўридадир.

1967

ҲАЁТ МАКТАБИ

Устоз Айний энг камтар, энг оддий ва лекин паҳлавон ҳам забардаст қалам эгаларидан. У билан мен талай кўришганман ва суҳбатларидан ғоят баҳраманд бўлганман.

Каттақўрғон денгизи қурилиб битган, руҳан кўтаринки кунлар эди. Бир тўп ёзувчилар билан денгиздан қайта-

ётиб, Самарқандга тушдик. Оғир жанг йиллари эди, Улуғ Ватан эрки, бутунлиги учун машаққатли жанг йиллари...

Чеккароқ кўчаларнинг биридан эшакда бир мўйсафид келаётганини илғадик. Шом пайти эди. У йўрға жонивор устида ўз хаёлларига фарқ келаётибди. Ботаётган кун шафақларида унинг хаёлчан сиймоси ва Шарқ мўйсафидларига хос бақувват жуссаси олисдан кўриниши биланоқ ҳаммамиз уни танидик ва пешвоз бўлдик. Устоз колхоздаги танишлари билан суҳбатлашиб келаётганини айтиб, тагин йўлга тушди. Уша вақтда устознинг моторлик йўрғаси ҳам бор эди. Лекин у мотамсаро оғир кунларда ярқироқ моторлик йўрғада юришни, эҳтимол, ўзига эп кўрмагандир. Эҳтимол, шу қадимий ва ғарибона йўрғада ўтилган йўллари эслаб, кўча чангитиб келгандир. Мен бу камтарликнинг жиндак сирини Хайём рубойларини (ўзбек тилида) таҳрир қилганимда, Рудакий ғазалларини таҳрир қилганимда, Фирдавсий «Шоҳнома»сининг биринчи китобини таҳрир қилганимда, Рудакий ҳақидаги фильмни таржима қилганимда фаҳм қилгандек бўлдим. Устоз Айний ҳаёти ҳам, асарлари ҳам, бундай қараганда, оддий, лекин унинг тагида теран фалсафа ётади. Ута оддийлик ҳам теран фалсафа ва улуғлик белгисидир. Мен бир китобхон ва жўн қаламкаш сифатида устоз меҳнати қаршисида бош эгаман.

Устоз асарлари оғир ва ёйиқ, лекин теран ва азамат бир дарёдек оқиши жим, салмоқли, тагида олам-олам куч ва хазина ётади. Устоз Айний шундоқ дарёлардан.

У қаламкаш учун ҳам, муҳандис учун ҳам, олим учун ҳам, колхозчи учун ҳам, бир сўз билан айтганда, меҳнаткаш дунё учун ибрат мактаби, ҳаёт мактаби, уринчоқлик ва топагонлик намунасидир.

1977

ШИНГИЛ ЭСДАЛИКЛАР

Йигирманчи йилларнинг ўрталари эди шекилли. Мен Тошкентда Улка ўзбек эрлар билим юртида ўқир эдим. Дарсдан кейин юқори синф талабаларига эргашиб, шаҳардаги биронта кутубхонага борардик. Атоқли икки кутубхона бор: бири ҳозирги Навоий номидаги кутубхона, ўзгаси эски шаҳардаги «Турон» кутубхонаси. Озарбайжон ва Татаристонда нашр этилган китоблар ўша вақтда ҳам кўп бўларди. Абдилла Шоиқ, Урдубодий, Олимжон Иброҳимов, Фотиҳ Амирхон, Тақташ ва ҳоказо... Қўлга тушганини қўймай, ўқиб чиқардик. Ташналик. Уша кунларда тўсатдан «Ўтган кунлар» майдонга келди. Бу романнинг нашр этилиши чақмоқдек таъсирли бўлгани эсимда. Ҳам-

ма ўқигиси келар, лекин бутун бир мактабда бир нусха, у ҳам қайсидир ўқитувчиники...

Дарс вақтида юқори синф талабаси (мактабни ўша йили битирувчилардан) — менинг ҳамқишлоғим Рауф Бойжонов бир нима ўқиб ўтирганига кўзим тушди. Танаффусда бориб муқовасидан дарров билиб олдим: «Ўтган кунлар». Ўша дақиқадаёқ ўтина бошладим: «Сиздан кейин ўқиб олсам, майлими?» У ноилож бошини кўтариб, жилмайиб қўйди: «Кезакка ёзил. Биров дарсга кирмай, кундуз ўқиса, ўзгаси кечаси». Бир ойдан кейин менга навбат келди. Мен Жавлон Раҳмон, Илёс Фозил (ҳозир атоқли ҳаким) дан кейин ўқидим. Китоб анча эскириб қолган эди. Бари бир берилиб ўқидим, керилиб ўқидим... Бутун билим юрти ўқиб чиққан эди. Ҳаммада бир ички ғурур, хушвақтлик ҳукмрон эди. Ҳамма ўша романдан бир нусха олишга интиқ эди. Биринчи ўзбек романи туғилган эди-да...

Кейин мен ҳам ўша романга эга бўлдим. (Бир нусха.) Қишлоққа олиб бордим. Энг хушвақт кунларимда ҳам, нохуш кунларимда ҳам ўқиганим-ўқиган.

Мен таътилдан қайтар чоғимда ўша нусхани қишлоқ ўқитувчиси Қўчқор оға Шодибек олиб қолди. Уйлайманки, ўша нусха ҳозир ҳам Қўчқор оғада. У киши барҳаёт, пири бадавлатлардан...

* * *

Уттизинчи йилларда ёзувчилар боғи Инжиқободда (Тошкент четида) эди. Бир байрамда Абдулла Қодирий ёнида Оқил Фани (адабиётчи эди, ҳозир ҳаким) билан ўша боққа чиқиб борди. Абдулла Қодирий бу вақтда таниқли ва ҳурматли адиб. Китоб кетидан китоб яратаётган вақти. Мен мажлисларда олисдан томоша қилардим, холос; суҳбатда юзма-юз ўтирмагандим. Бир дарахт тагида Оқил Фани билан ўтирган Абдулла ака Қодирий ёнига лаш-лушимизни кўтара Усмон Носир ва мен бориб қўшилдик. Кейин ўзга ёшлар келиша бошлади. То умум дастурхонга чақиргунга қадар қисқа суҳбат — қаламкашнинг кўп нима билиши зарурлиги устида борарди. Юздан бирини ташлаб олиш, танлай билиш устида борарди. Абдулла ака шеъримздан ҳам бохабар экан. Ҳамид Олимжон ҳақида гапириб: «Ақлли шoir» дегани шу кунгидек эсимда...

* * *

Нима бўлди-ю, Усмон Носир билан Абдулла аканинг ҳовлисига бордик. Мен «Аждар» деган поэмамни кўтариб борганим эсимда. Усмон Носир шеърларини ола борганди. Абдулла ака бизни очиқ юз билан, ўта самимий қарши олди ва ҳовли ўртасидаги сўри (кўшк)га эргаштириб бор-

и. Ҳовли кўм-кўк, гуллик ва мевалик — салқин. Усмон гапга уста ва дангал эди. Чой устида ёдаки шеър ўқий кетди. Суҳбат устига Аъзам Айюб келди; у ҳам жим қулоқ солар эди; баъзан юзи ёришиб кетар, чиройли кўзларида ва юмалоқ бугдойранг юзида нимкулги ёруғлик сочар эди. Абдулла ака: «Кўп ўқинг, бўтам!» деди Усмонга. Аъзам ака қўшиб қўйди: «Молодая гвардия» шоирларини ўқунг!»

Мен «Аждар»ни ҳали ҳам (тўрт гал тузатдим) Абдулла ака айтган даражага кўтардимми, йўқми — гумоним бор.

* * *

Абдулла Қодирий жаҳон билгич, жаҳон камтар, хуш суҳбат ва бори-йўғи, бутун сажияси сиймосидан аён, бир гапли, ўзига ўта ишонган, забардаст қаламкаш эди. Оддий кийинар эди, бутун адабиётимиз учун куйинар эди...

1974

КОММУНИСТ ҚАЛАМКАШ

Сотти Ҳусайн — энг аввало, йигирманчи йилларнинг бошларида комсомол, умуман, ёшларнинг қувноқ, тadbиркор, топқир ва йирик етакчи (вожак) ларидан бири сифатида таниғлик сиймо. Бора-бора у қайноқ қалб қаламкаш — ўтқир журналист, кенгроқ маънода саводли, маданиятли, замонасининг етук арбобларидан бири бўлди. Сотти Ҳусайн аралашмаган соҳа кам — илмга ҳам, адабиётга ҳам, санъатга ҳам бепарво қараб туролмас эди. Аралашар-қуралашар, билганини ўртага ташлар, билмаганини билишга тиришар-тирмашар, ахтарар ва топар — тиришқоқ ва тиниб-тинчимас феъли атвори бор эди. Ҳамиша хушчақчақ, аскияга мойилу уста, ўрнида энг яқин дўстини ҳам аямас — тўғри сўз, шунингдек, ўрнида ўта куйинчоқ, қўллаб-қултиқлашга ҳаммавақт шай, сезгир ва мунис қалб эгаси ҳам ўта уринчоқ, ўрناق олгулик инсон эди.

Мен Сотти акани Ўлка ўзбек эрлар билим юртига (Тошкент куранти қаршисндаги бино) ўқувчи бўлиб ўтган йилдан танийман. Билим юртининг олди — Инқилоб хиёбони, кун чиқиш тарафида — томоша боғи (ҳозирги Горький номида), чап томонида — қозоқ билим юрти (ТошДУнинг аввалги биноси), бекатга қараб кетган тарафда — Тожик билим юрти, Пушкин кўчасида — Татар билим юрти (ҳозирги «Болалар дунёси» ва ҳашаматли тураржой биноси ўрнида), пионерлар саройи қаршисида Наримонов

номидаги ўрта мактаб ва Ўлка қизлар билим юрти бўларди. Умуман, мактаб бармоқ билан санарли эди — Урдан нари Улуғбек ва Зебинисо номида мактаблар борлигини билардик. Шунингдек, Уқчида Қ. Маркс номида ўрта мактаб ва Бешёғочда мен ўқиган «Алмаи» номида иш мактаби...

Мактабларни эсга олганим бежиз эмас. У паллада сиёсий ва маданий чора, йўл-йўриқларнинг деярли ҳаммаси шу билим ўчоқларида амалга оширилди, кейин оммалашар эди-да. Сотти Хусайн Урта Осие коммуниверситети (СаКУ)да (Ҳозирги Ўзбекистон партия тарихи институти биноси)да таҳсил кўрар ва билим юртида ҳар жума оқшоми ҳафталик сиёсий ахволдан лекция ўтказар, яъни бизнинг мактабга боғлиқ эди. У туппа-тузук нотик ҳам эди-да.

Ҳали шарқий чегаралар нотинч, ҳали босмачилик туғал бостирилган эмас, ҳали мактабларда ҳам нону ош ўлчовлик, ҳали юпунлик баравж палла, лекин қайноқ, бардошлик, эртанги кун умидлик ва ёруғ экани аниқ палла эди. Шарқий чегарадаги «қизил таёқлар», лақайликларнинг ботирликлари ҳақида Сотти Хусайн мақолу латифалар қўшиб, шуидоқ содда ва ёниқ сўзлаб кетар, вақт қандай ўтгани билинмас, ағрайиб ўтирардик. Лекциядан кейин музика ва ялла тўғараги томоша кўрсатар ё савол-жавоб кечаси...

Билим юртида музика тўғарагидан бошқа драм тўғарак, муқовасозлик, чувакдўзлик, темирчилик, дурадгорлик тўғараклари бўларди. Кўнгил очиш кечаларида «Уйғон, уйғон Туркистон!» ва бошқа шарқияларни айтардик. Раҳбар — юқори синф ўқувчиси Жавлон Раҳмон эди. Пионер тўдаси тузилгандан кейин у киши вожатий бўлди. Гап шундаки, Сотти ака ҳаммасидан бохабар: келар, кўрар, маслаҳат ва ёрдам берар эди. Усиз кеча кам ўтарди. Билим юртида музика тўғараги раҳбари Юнус Ражабий, драм тўғараги раҳбари Наби Ғани (кейинчалик — атоқли кинорежиссёр) эди. Билим юртида тайёрланган томошалар («Фарғона фожиаси») Свердлов театри сахнасида қўйилар эди ҳатто. Сотти ака билим юртидаги ўқитувчилар билан ҳам иноқ эди. Масалан, атоқли адабиётшунос Сайдолим Шарафуддин билан айрилмас дўст ва Қаюм Рамазон билан ҳазилкаш, Абдураҳмон Саъдий ва Холбек Қўлдошлар билан суҳбатдошлиги ҳамманинг кўз ўнгида. Билим юртини олдинроқ битирган Яҳё Ғулом (аллома), Аҳрор Музаффаров (аллома), Олим Амний (аллома), Мирзакалон Исмоилий (адиб), Ирисбек Назаров (пири бадавлат), Шермат Мақсуд (олим), Мели Жўра (қаламкаш), Илс Фозилий (шифокор), Дада Ражабий (педагог)

ва қатордошларим, синфдошларим, Исоқ Раззоқ (партия ходими), Собир Муҳаммадий (драматург), Воҳид Валиев (педагог), Раис Бозорбой (совет ходими) ва биздан кейин битирган Маъруф Ҳаким (ёзувчи), Илёс Муслим (шоир), Соатали Мақсудий (қонуншунос), Тўлқин Рустамов (ёзувчи), тагин фахрланиб тилга олсам арзигулик талай ўртоқлар борки, Сотти Ҳусайини унутишларига ишонмайман. Айниқса, у катта йўлга етаклаб чиққан ёш қаламкашлар асло унутмас! Билим юрти ҳазилакам мактаб эмас эди-да. Уқитувчиларнинг кўпчилиги чинакам билимдон, тажрибали, талабчан, тамом демократик кайфиятдаги ёши улуғ рус педагоглари эди. Ҳаммаси деярли ўзбек тилида ўқир, ёзар, сўзлашар эди. Совуқ хоналарда ярим кечагача дарс тайёрлаб, ҳамиша беш баҳо олишга уринар ва олар эдик ҳам. (Мен алжабрдан ҳам беш баҳо олардим. Дафтарларим бор). Сотти аканинг билим юртига меҳр қўйиши бежиз эмас эди-да. Бу мактабда ҳам келажакда ҳамма соҳада ишлашга қодир ёрқин талантларни аниқроқ кўрар эди у.

Сотти Ҳусайн САКУни тугатиб, синфдошлари билан Ленинградда олти ой заводда ишлаб келди. Шундай анъана. Дастгоҳда ишлаганлиги, ётоғи, емакхонаси, ишчилар ҳаёти ҳақида бизга навбатдаги лекциясида тўлиб-тошиб айтиб бергани ёдимда. Албатта, кўпроқ гап улуғ инқилоб бешиги ҳақида, Смольний ҳақида, «Аврора» ҳақида, Ленин ҳақида бўлди. Ленинградни тушда кўрадиган ҳолга тушдик.

Кейинроқ Сотти Ҳусайн «Ёш ленинчи» газетасига муҳаррир бўлдию, билим юртидаги ёш қаламкашлардан ҳам газета атрофига тўплаб олди. Шу ваддан газета қизиқарли ва талаш эди. Ёшлар қизиқадиган ўзак масалалар ёритилар эди-да. Мен ҳам адабиёт бўлимида жамоат иши тарзида ишлардим. Эпақага келтириш мумкин бўлган шеър ҳикояларга қалам уриб, редакцияга топширардим, сўзсиз, жуда кўп қисмига жавоб ёзишга тўғри келарди. Билим юртидаги деворий газеталар («Ёш куч» ва «Шапалоқ») бетида бақувват шеър ҳикоялар пайдо бўлар, Сотти Ҳусайн «Ёш ленинчи»га ўшаларни тўла кўчириб босар эди. 1926 йили «Ёш ленинчи»да менинг ҳам биринчи шеърим пайдо бўлди. 1928 йили биринчи китобим («Шуълалар қўйнида») ёруғлик кўргани эсимда. Биринчи китоб сочмалардан иборат эди. Ҳаммаси билим юртида ёзилиб, Жавлон Раҳмон томонидан кечаларда ўқилган (чиройли ва таъсирли ўқир эди-да!), кўпчиликка маъқул машқлар эди. Сотти аканинг сўзбошиси билан ёруғлик кўрган бу тўплам адабиёт соҳасида кўп тортишувларга сабаб бўлди. Сотти Ҳусайиннинг ҳам, менинг ҳам қулоғим тинчимай

қолди. Мен бу ўта зиддиятли тортишувлар мазмунини кейинроқ англаб олдим. Сотти Ҳусайн ҳақ бўлганлиги адабий жамоатчиликка равшан. Шу вайдан гапни чўзиб ўтирмайман.

Сотти Ҳусайн ташаббуси билан қаламкашларнинг «Кўрмана» сарлавҳали тўплами ёруғлик кўргани ҳам катта ҳодиса бўлгани ёдимда. «Ҳозирги воқелик бадний асар учун илҳом беришдан ожиз!» деб айюҳанинос солганларга бу тўплам: «Кўр, мана!» маъносида бўлганлигини Сотти Ҳусайн фахр билан адабий йиғинларда такрорлагани эсимда. Бу ахир «Еш ленинчи» ёнидаги адабий тўғарак тўплами эди-да. Адабий тўғаракни эса Сотти Ҳусайн бошқарар, ҳамиша машғулот пайти тўғарак тўрида Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Сайдолим Шарофиддинов, Аъзам Айюб, Сайдғани Валиев, Фафур Фулом, Абдулла Уразий, Санжар Сиддиқ кабилар ўтирар эди. Еш қаламкашлар бу йиғинларга жон деб келишар ва фахрланишар эди. 1929 йили Сотти Ҳусайн тўрт ёш ёзувчи учун саёҳат уюштирганлиги ҳам эсимга тушди. Туркменистон тупроғидан ўтиб, Ҳазар денгизи орқали Бокуга бордик. Озарбайжон ёзувчилар уюшмасида аввало Сулаймон Рустам ва Миржалоллар билан танишдик, шеърлар ўқишдик. Кейин Жаъфар Жабборли уйига бордик, у бизга чой қуйиб, қаҳва қуйиб, кейин гижжақда ажойиб куй чалгани, кейин Сулаймон Рустам ҳаммамизга «Аламдан — нашъая» деган китобидан тақдим этгани ёдимда. Денгиз сайрига борганимиз, шаҳардан четдаги боғ сайрига борганимиз, «Коммунист» газетаси редакциясида бўлганимиз ҳам шу бугунгидек эсимда. Ҳамма суҳбат марказида Сотти Ҳусайн бўлар, ҳамма гап адабиёт ва санъат устида кетар эди. Кетиш вақтида китоб дўконидан Нозим Ҳикмат қаламига хос «Гунаши ичанлар туркуси» китобини, муқовасида ҳазрати Навоийнинг дарвишона сурати чизилган «Фарҳод ва Ширин» достонини — Ҳусайн Бойқаро ғазалларини ҳам олдик. Бокуда нашр этилибди-да. Кейин йўлимиз Қозонга тушди. Қозонда Ҳасан Тўфон, Қутуй, Аҳмад Исҳоқ, Маннур, Фабдирахмон Минский каби ёзувчилар билан кўришдик. Дарёда кездик. Урмонда кездик. Шаҳарда кездик. Ундан Москва ва Ленинградга ўтдик. Айниқса Ленинградда кўпроқ кездик. Албатта, бу саёҳат кўзимни очгани, ақлимиз ва олам ҳақидаги тушунчаларимизни бойитгани ҳақиқат. Асарларимизга маъни киргани ҳақиқат. Мен Боку комиссарлари ҳақида, Эдил ҳақида, Москва ҳақида, Ленин ҳақида сочмалар ёдим — ҳар қалай ёмон бўлгани йўқ. Озарбайжон ва татар ёзувчиларининг асарлари билан Тошкентдаги «Халқ кутубхонаси» ва «Турон» кутубхонасидан таниш эдик. Ўзла-

рини кўрдик. Сотти Хусайн рус тилини қийиб, чертиб га-
пирар ва кўп ўқир, бизни рус китобларига даъват этгани-
этган эди. Албатта, аста-секин катта рус адабиёти дунёси-
га ҳам кириб олдик, баҳраманд бўлдик. Мен ҳатто таржи-
ма машқлари бошладим.

Сотти Хусайннинг уйи Қалдирғоч маҳалласида эди. Бу
ҳозирги «Правда Востока» кўчасига қатордош кўча —
«Шарқ» меҳмонхонасининг ўнг томони. Бу кўчада талай
ўзбек зиёлилари ҳаёт кечиришар эди. Бир ҳовлининг тў-
рида даҳлиз ва залдек катта хонада Сотти Хусайн турар,
хона кўп вақт «кўк кўйлак» қатнашчилари билан тўлиб-
тошар эди. Бу труппа эски шаҳар ишчи-ёшлари учун то-
моша кўрсатар эди. Акрам Қодирий (қалами бурро эди)
ва мен шу труппа учун ашула, лапар ёзардик. Сотти Ху-
сайн ўзи ҳам ёзар эди. Чунки у ишчи ёшларга биздан
яқинроқ, улар ҳаётига етук — улар қулфи дилини очишга
қурби етар эди. «Кўк кўйлак» труппасида ҳозирги олим-
лардан Шарифахоним Абдуллаева (Сайдолим Шарафид-
дин домланинг умр йўлдоши). Гулсумхонимлар ҳамиша
олқишларга сазовар шўх лапарлар билан танилганлари
эсимда. Демокчиманки, «Кўк кўйлак» ҳам Сотти Хусайн
ташабусларидан бири тарзида тарихда қолди.

Сотти Хусайн жамоат ишига ёшларни дадил тортар
эди. Билим юртидан ҳам корхоналарга боғланган ўртоқлар
оз эмас эди. Асосан, савод масаласи. Мен ҳафтада ўқиш-
дан кейин уч кун Бешёғочдаги қушхона клубига қатнар-
дим. Ун кишига савод ўргатардим. Ўша ўндан тўртовлон
астойдил ўқиб-кетди. Биттаси ҳатто Тошкент обком секре-
тари ҳам бўлди (Турғунов). Мендан ёши улуг эди-ю, ҳар
кўрганида сўрашиб, «домло» дерди.

Шота Руставели қаламига тегишли «Йўлбарс териси
ёпинган паҳлавон» асарининг биринчи таржимасини уюш-
тиришда ҳам Сотти Хусайн жонбоз бўлди. Грузиядан тўлиқ
сатрма-сатр таржимаси ила шоташунос олим Чичинадзе
Тошкентга келди. Йўлдош отанинг боғида (ҳозирги ёзув-
чилар боғига девордош) туриб, таржимонларга маслаҳат-
гўй бўлгани эсимда. Асарнинг ўша ўндан ошиғроқ таржи-
мон қатнашган нусхаси Сотти ака сўз бошиси билан нашр
этилган эди.

Сотти Хусайн бош бўлган ё туртки берган хайрли иш
оз эмас. Ҳазрат Навоий ҳақида илк илмий асар Сайдолим
Шарафиддин қаламига хос. Лекин унинг дунёга келишида
Сотти ака илтимослари, ўтинчлари оз бўлган эмас. Нуқул:
«Сеннинг қўлингдан келади, ёзгин!» дер эди у.

1977, январь

Ғафур Ғулом тўғрисида айтилиши керак бўлган сўз ва хотира шу қадар мўл ва ранг-барангки, уларни бир эпақага келтириш, бир ипга чизиш учун вақт керак! Мен ҳар гал Ғафур Ғулом ҳақида ўйлаганимда, юксак бир доvon қаршисига келиб тўхтаган йўлчидек ўзимни лол ва ҳайрон сезаман. Қаранг, йил кетидан йил айланиб келаётибди. Вақт шундоғам югуряптики...

Худди тунов кунни ё ўтган ҳафта нашриётдами, ёзувчилар уюшмасидами ёки дўст-ёр даврасидами у билан гурунглашиб, чақчақлашиб ўтиргандай бўламан, унинг суҳбати саратонда сой шаббадасидай сарин, унинг билгичлиги кўз илгамас уфқ, ақли ва диди дарёдай тинимсиз, теран шоирона, унинг кенгашлари доноларга хос, унинг умр йўли ўзи бир китоб...

* * *

...Москвада, архивларда ишлаётган эдим. Тошкентдан: «Иzzат Султон билан Қирғизистон ёзувчилар қурултойига етиб боринглар», деган мазмунда телеграмма олдим. Демак, Иzzат Отахонович ҳам Москвада. Ахтариб, ўзим турган меҳмонхонадан топдим. У мендан олдин бохабар ва шай экан. Кечаси Москвадан тўғри Фрунзега учдик ва эрталаб қурултой очилишига етиб бордик. Лекин...

Не чораки, дўстлар дийдори ҳам, қурултой ҳам татигани йўқ. Чунки, сўрашиб бўлар-бўлмас, ҳамма бизга кўнгил айтиб, таъзия билдириб, қайғудошлик туйғуларни изҳор эта бошлаган эди. Биз гангиб қолдик. Ишонини оғир, ишонмаслик иложи йўқ. Улим қандоқ ногаҳоний, қандоқ бебошвоқ! Ҳай, аттанг!.. Қаламкаш дўстларнинг тасаллобахш сўзларида, мунгдош кўзларида ўша аттанг ифодаси очиқ-ойдин. Негаки, Ғафур оғани билмаган ва уни дилдан ҳурмат қилмаган ёзувчи кам. Қурултойда эса, ҳамма қардош республикалардан ёру биродар бор эди-да! Биз гангиб қолган эдик. Ҳа, шундоқ. Уша замониёқ Тошкентга кўнгироқ қилдик, қайтишга ижозат сўрадик. Лекин: «Қурултойни ўтказиб келинглар», деган кўрсатма бўлди.

Мен қурултойда ўтирар, лекин хаёлимда Ғафур оғани сўнги йўлга узатувчилар орасида, бош солиқ, бемаҳал ажалдан ранжида, шаҳар кўчаларидан ўтиб борардим. Мен ғойибона у билан видолашмоқдайдим. Кўз ўнгимга унинг дев қомати, ўлмас сиймоси келар, қуйма ва жарангдор сатрлари ёдимга келар, бағримни ғурур туйғуси қоплаб олар, дилимни бир нима жизиллатар ва бирдан унинг ўз

дўстлари, тенгдошлари тўғрисида ҳам Хўжа Насриддин номи билан боғлиқ латифалари эсимга тушиб, ҳамма гапни унутиб, қаҳ-қаҳлаб юборишдан ўзимни зўрға тутиб қолардим.

* * *

Ғафур Ғулум қалам меҳнатида ўхшаши кам, ўтроқ, бедор, тоғон дов инсон эди, дов шоир эди. Янги дунё шеърятининг бешиги бошида турганлардан бири, ўзбек шеърятини поғонама-поғона жаҳон минбарига кўтарганлардан бири Ғафур Ғулум бўлади. Унинг шундоқ шеърлари борки, улар ҳар қайсиси ўзича бир давр, бир дунё, бир кашф, бир санъат, бир чўққидир. Ғафур Ғулум етакчи шоир, устоз шоир. Унинг созида фақат Ғафурга хос жаранг, фақат ўзига хос авж, фақат унга хос барқ бор, йўсин бор. Шеърятда Ғафур Ғулум мактаби ҳам ҳозир саналган фазилатларнинг бирлик нуқтаси, авж нуқтасидир. Ҳа, филдай чўнг, чинордай чайир, чидамлиликда қайроқтош, билимлиликда аллома ва қаламкашликда шоири замон эди Ғафур оға! Ҳар қалай анов-манов тўрт қаламкаш бажаргудай асар тахлаб кетди-да! Тўрт қаламкаш зўрға бажаргудай шеър, ҳикоя, поэма, қисса, ҳажв ва таржималар, тағин очерклар, мақолалар, адабий ўйлар...

Эсда қолгулик, давр овози деса арзигулик шеърлар (ҳеч бўлмаса, «Соғиниш», «Сен стим эмассан», «Бизнинг кўчада ҳам...», «Вақт» каби), ундан олдинроқ битилган «Кўкан»дек поэмалар, Машраб, Атоий, улуғ Навоий ҳақидаги мақолаларни эслайлик. Мен китобхон сифатида, оддий қаламкаш сифатида ёндошяпман, таҳлил эмас, тадқиқ эмас. Ҳа, асар талай, тахт-тахт. Ғафур оға тағин шунча асар яратиши мумкин эди-ю...

* * *

Қалбан бадавлат, маънавий дунёси бой одам эди Ғафур Ғулум. Суҳбати сахий, жондош, «Туркни туртмасанг билмас» мақолига амал қилгувчи, яъни вақти-вақти билан ўзидан кичикларга туртки ва маслаҳатни аямас бир фазилати бор эди. Нечоғлик кўнгилчан ва дилкаш бўлса, ўшанчалик довуллоқ, ҳам ғазабли, ҳам қаҳрли эди. Ёш боладай ишонувчан, жангчидай беаёв. Қим бўлмасин, қусур ва нодонлигини юзига айтар ва ўзи ҳам, ўз навбатида камчилигини пайқаб қолса, (одам камчиликсиз бўлмас эмиш) узр айтар, шундоқ мард ва ўзбаки танти эди. Унинг шу салобат, шу мақом авжида туриб, ўзидан кичиклардан илтижо билан кечирим сўраганларини кўрганман. Унинг шу сало-

бат, шу мақом чўққисиди туриб, ўзидан кичиклар ижодини кўкларга кўтарганини биламан. Ғафур Ғулом катта адабиёт йўлига етаклаб чиққан қаламкаш оз эмас!

* * *

Мен Ғафур Ғулом билан талай гурунларда, тўйларда, йиғинларда, ҳашарларда (халқ қурилишларида), сафарда ва меҳмондорчиликларда бўлганман. У ҳаётни билар, одамларни билар эди, адаб ва удумдан тўла хабардор, шеваларни билар, қардош тилларни билар, туркман дуч келса — туркман, татар учраса — татар, Нозим Ҳикмат келса — турк, қозоқ рўбарў бўлса — қозоқ, тожик даврасида — тожик, Алексей Сурков кўриниб қолса ё меҳмон бўлса — рус... Нечоғлиқ мунис, нечоғлиқ мушфиқ, дилкаш, ҳозиржавоб, хуштаъб, хушчақчақ, ҳазилкаш, (ҳаммаси ўз ўрнида) суҳбатни қойилмақом, сидқидил дўст... «Сўзни айтгин уққанга, жонни жонга суққанга» таъбири Ғафур Ғуломга, шубҳасиз, тегишли, тўла тегишли. У билан бир гал суҳбатдош бўлган қўноқ (ким бўлмасин) кейин ҳамма вақт суҳбатини қўмсаб юарди. Лекин ўринсиз ва ноҳақ унинг гашига теккан одам, ножўя, беваж уни камситган одам (ким бўлмасин) унинг ғазабига дуч бўлар, балоларга гирифтор бўлар, тавбасига таянар...

У қўйдайд ювош, кийикдайд ҳуркак, лекин қаҳри қис-таганда, (ё алҳазар!) ярали йўлбарсдайд беомон... Не-не саёз, хашаки, таттихўр, адабиёт кошонасини булғамоқ ва текин нонхонага айлантирмоқ қасдига тушганларни Ғафур Ғулом шармисор қилгани рост гап. Адабиёт кошонасини муқаддас даргоҳдайд қўриқлай ва ардоқлай олганларнинг бири Ғафур Ғулом экани рост гап.

* * *

...Шундай қилиб, Олмаотага Абай юз йиллигига келиб қолдик. Улуғ Ватан уруши тугаб, мамлакат енгил нафас олаётган йиллар эди. Тўйлар, саналар тагин авжида... Поезддан устоз Ойбек, Ғафур оға, профессор Абдурахмон Саъдий ва мен туриб келдик. Биздан олдинроқ Ҳоди Зариф, Фозил ота келишибди. Бекатда бизни қозоқ ёзувчилари кутиб олди. Мухтор оға устоз Ойбек ва Саъдий билан овора бўлиб қолди. Собит оға тўғри бизга қараб келмоқда... Ғафур Ғулом йўл-йўлакай вагон деразаларидан яшил тепаларга, водийларга, сойларга тикилиб, хаёл суриб, ўз ўйларига фарқ бўлиб, ҳорғин ва карахт тушаётганидан воқифман. У эҳтимол Турксиб қурилган йўлларни, йўл қу-

рувчиларни, ботирларни эслаётгандир... «Бу йўллар кўп қадим йўллардир» сатри билан бошлангувчи ўша оламшумул шеър ахир шу йўлда ёзилган-ку! Уйчан, индамас Фафур Фулом бекатга тушишданоқ бутунлай ўзгариб, ўз аслига келди-қолди. Мен ағрайиб турардим. У тағин тетик, қувноқ, кўзларида ним кулги...

— Мен Фафур Фулом бўламан, — деди у ўқ узгандай дадил ва ифтихор оҳангида. Собит оға ҳам бўш келгани йўқ:

— Мен Собит Муқон бўламан, — деди у ҳам қарийб шу оҳанг, шу вазнда. Иккови биринчи кўришишдаёқ бири-бирини дилдан таниб олгани, қалин дўстлик шу лаҳзадан бошлангани эсимда. Икки алп қаламкаш, шу лаҳзадан бошлаб, икки қондош халқнинг иноқлиги ва жон аямас дўстлигининг қуламас ва ҳамиша тирик ҳайкалларига айлангани кўз ўнгимизда. Фафур оға ўз ўрни ва ўз салобатини теран фаҳм этган шоир эди ва бу унга гоят ярашар эди. Собит оға ҳам худди ўшандоқ...

Кечқурун тоғ этагидаги ҳукумат боғида — ажойиб боғнинг кенг саломида бутун республикалардан келмиш меҳмонлар тўкин дастурхон атрофига тизилишиб ўтирар, меҳмоннавоз қозоқ дўстлар хизматда... Ҳамма сархуш... Ахир қозоқ халқининг азамат фарзанди, алп шоирнинг юз яшар тўйига тўпланган-да бутун мамлакат. Берди оға шу ерда, тўрда устоз Ойбек, Сергей Бородин, Аҳмад Яриқай, Сильва Капутикян, Россия ва Украина, Грузия ва Озарбайжон — ҳамма халқнинг қаламкашларидан бор. Фафур оға ҳам тўрда. Унинг иккинчи бўлиб қадаҳ кўтаргани ва қозоқ халқининг шарафига шеър бағишлаб, алёр айтгани эсимда: «Қазилик ва қўзилик, қизлик ва қимизлик қозоқ жигар соғлиги учун оқ ичайлик!» деди у ва қаҳқаҳа янгроғи салон шифтида соз чалди.

Фафур Фулом шеърида донмо тутилмаган тимсол топганидай, латифагўйликда ҳам ўта оригинал. Унинг ҳар латифаси суҳбат мавзуга мос ва янги бўлар, дўстлар юмалашиб қолар эди. Уша биринчи оқшом суҳбат тонг отгунча чўзилиб кетди. Ҳамма бир-бирини соғинган ва дийдоридан рози, ундан рози, у гўё дўстларни сеҳрлаб қўйгану, ўзи ўз сеҳрини томоша қилар, айниқса биз ўзбек ёзувчилари ҳақли равишда ўз Фафуримиз борлигидан ғурурланардик. Устоз Ойбек ҳам, Ҳоди ака ҳам, Саъдий ҳам, борингки, мен ҳам. Эрталаб Сергей Петрович Бородин Фафур оғага ёндошиб, шундоқ дегани шу бугунгидай қулоғимда:

— Фафур, сен шу кеча икки романга жой бўлгилик латифа айтиб ташладинг-а! Оббо сен-ей!

Бу ўша Бородин, Шарқни тушунгучи ва қадрлашга қо-

дир, биз Ватан уруши қизиган паллада Москвага борганимизда¹ ва ҳар кун фронт учун уч-тўрт йўла радио орқали шеър ўқиган кунларда, «Правда» саҳифасида «Гафур удивительный», деб Гафур Фулом ҳақида мақола ёзган Сергей Бородин...

Гафур ака камтарликни ҳам жойинга қўярди, ҳа!

— Майли, латифачиликдан оз-моз хабаримиз бор,— деди ва шу ерда тагин биттасини дўндирди-ю, Сергей Петрович, юмалаб қолди. Гафур Фуломнинг етуклиги, билим уқининг кенглиги, қобилиятининг кўп қирралиги, адаби ва назокати, одамийлиги, гавҳарлилигига давралар қойил бўлгани ҳаминша ёдимда.

Гафур оға ва Собит оға дарров дўстлашиб кетган эди, иккови деярли ажралмас, бирга ўтирар, бирга сайр этишар, суҳбат битмас, дастурхон атрофида ҳам ёндош. Завқу шавқ, қаҳқаҳа бир-бирига уланиб кетар, суҳбат кети ғазалхонлик — Абай шеърларини ҳар ким ўз тилида ўқир, кейин ўз шеърларимизга навбат. Икки забардаст қаламкаш — Гафур Фулом ва Собит Муқон дўстлиги нечоғлиқ самимий, нечоғлиқ беғубор, нечоғлиқ одамий, нечоғлиқ қуйма эканлигига ҳамма гувоҳ ҳозир. Собит оғанинغ Гафурни излаб тез-тез Тошкентга келиши ва хонадонидан хабар олиши, қабрига бориши, ҳар гал кўз ёшисиз эслолмаслигини ҳамма билади, кироийи дўстлик шундоқ бўлса!

* * *

Профессор Саъдий, Ҳоди оға, Фозил ота ва мен бериқда ўтирган эдик. Зиёфат авж пардаларда. Май ҳам хилма-хил, қимиз ҳам етгулик. Профессор сал қизигандан кейин алёр айтмоқчи бўлиб, ўрнидан туриб кетаварди.

Маълумки, Абдураҳмон Саъдий қирқ йилга яқин олий ўқув юртларида адабиётдан дарс ўқитган киши. Адабиёт ҳақида биринчи дарслик ҳам Саъдий қаламига мансуб. Ундан бўлак илмий ишлари ҳам талай. Абай ҳақида ишқилоб бошларида ёзган тадқиқоти ҳам бор. Гафур Фулом уни ҳурматлар, ота-боладай қалин ва ҳазилкаш эди. Бу оқшом ҳам профессор қизиброқ қолган эди. Гафур оға тўрда ўтирарди. Бир кез дастёр қиз менга икки буклоғлиқ қоғоз ташлаб ўтди. Очиб ўқисам, Гафур оғадан: «Мавлоно Абдураҳмон Саъдий Тибтарига айтинглар, хап

¹ 25 киши эдик. Ёзувчилар ва санъаткорлар — устоз Ойбек, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Зулфияхоним, Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Ашрафий, Абдуқодир найчи ва бошқалар.

Ўтирсинлар». Қоғоз араб алифбосида. Мен дарҳол қоғозни Ҳоди Зарифга узатдим. Ҳоди оға ўша замониёқ профессор жиловини қўлга олди.

Эрталаб Яриқай (машҳур татар шоири) бизга ёндошиб, (у ҳам сезгану ноқулай аҳволга тушган экан-да) Фафур Гулом ҳам эшитгудай товушда шундоқ деди:

— Абдурахмон абзи тугул, абдираған абзи.

Фафур ака изма-из жавоб берди шоирга:

— Абдираған бўлсаям, абдирамаған бўлсаям ўзимнинг абзийим.

* * *

... Қозогистон бугдойзорларидан ўтиб, Қарағандага бораётган эдик. Йўл-йўлакай кўллар, чаманзорлар, дўнглалар, сойлар, ўзанлар. Онда-сонда тўхтаб, экинчиларга «Ҳорма, бор бўл!» қилиб кетмоқдайдик. Машинада Фафур оға, Ғабит Мусреп, Ғали Урмон ва мен. Машина кетидан йигирма чоғли машина келмоқда. Дабдабали карвон. Қозогистонда ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги кетаётган кезлар. Сўхбат кириб-чиқмаган кўча қолмади чоғи. Кулдик ҳам, ўйлашиб ўтирдик ҳам. Бир пайт Ғали Урмон енгил нафас олиб деди:

— Тағин йигирма дақиқалик йўл қолди. Қарағанда яқин.

Фафур оға сўраб қолди:

— Қарағандада ҳам ўзбеклар борми?

— Нега бўлмасин,— деди Ғали Урмон,— ўзбек йўқ жой борми ўзи дунёда!

— Кўпчиликми? Кўмир қазинадими улар ҳам?

— Йўқ,— деди Ғали Урмон.

* * *

... Улуғ Навоий юбилейига тайёргарлик кезлари эди. Москвадан Владимир Державин, Лев Пеньковский каби таржимонлар келишгану Навоий достонларининг таржимаси бошланган эди. Лев Пеньковский, негасир, нашриёт билан келишолмай қолгани, қайтиб кетмоқчи бўлгани ўша куннёқ Фафур оғага ҳам маълум бўлди. Ёзувчилар уйда Лев Пеньковский учраб қолди. Фафур оға уни излаб келган бўлса керак, дарров гап қотди:

— Веь ты — потомок Наваи,— Лев Пеньковский бир зумда ўзга тусда ярқираб кетди, оғзи қулоғида:

— Фафур ака величает меня — потомком Наваи. Я останусь!

Шундан кейин Ғафур Ғулом ва таржимон бошлашиб нашриётга кетишди, шарт-шароит таржимон кўнглидагидек бўлди.

* * *

Ғафур Ғулом феълү атворида турланиб туриш ошкор эди. Шу зарралар — шу шингил ҳангомалар ўзи бир рисола бўла олади ва нақ Хўжа Насриддин номига боғлиқ латифалардек.

* * *

Улуғ Ватан уруши тугай деб қолган йили эди чамамда. Ғафур Ғулом ёзувчилар уйида дуч келиб, бизни уйига олиб кетди:

— Арафа кунлари-ку,— деди у,— эрта-индин ҳайит келади. Биринчи январь ҳам бўсағада. Юринг, бир байрам шеър ёзайлик,— деди у. Кетдик — Собир Абдулла, Уйғун ва мен. Қор шундоқ ёғмоқда, олам оқ шойи рўмолда. Қалин қор яхши кўклардан даракчи. Тўртовлон янги йил ва эртанги зафар ҳақида шеър ёзишга бел боғладик. Мазмун ва шакл аниқ. Рубоий. Албатта Ғафур оға онабоши. Аввал ҳар ким ўзича ёзиб, чизиб, тузатиб, кейин бир ипга тиздик. Аввал Собир Абдулла котиб бўлди у чарчаган маҳал котиблик менга ўтди. Ғафур Ғулом ҳаммага лақаб тўқиганидек, мени ҳам бу илтифотидан четда қолдирган эмас.

— Чўвир от,— деди менга,— адабиётимизнинг чўвир отисан. Кўчир, ула, қўш, оқла — эпақага келтиргин.

Учови толиқиб, ухлаб қолишди-ю, мен чўвир отлиқ қилиб, кўчирдим, оқладим, эпақага келди. Қантдек шеър бўлди. Янги йил кечаси мен тўртовлон номидан радиода ўқидим. Дарров қўнғироқ — дўст-ёрга маъқул. Эртаси «Қизил Ўзбекистон»да пайдо бўлди — ярқираб пайдо бўлди. Уша шеър ҳам Ғафур оға архивида бўлиши турган гап. Ишонаман.

* * *

— Турсун ўғли,— деди бир кун ёзувчилар уюшмасида Ғафур оға (янги дарёлар очиш — ҳашарлар авж йиллар эди-да),— сув ҳақида ёзганларнинг дуруст. Лекин сен «Қонқус» воқеасини эшитганмисан?

— Йўқ,— дедим мен.

— Эшит бўлмаса.

Ғафур оға, ўша оғир ҳикояни хўрсиниб-хўрсиниб айта кетди. Тили нақадар рангли, бадавлат. Қандоғам фожиали бир ҳаёт лавҳаси! Мен шу ҳикоя таъсирида «Қўзи»ни ёздим, унга маъқул бўлганидан кейин нашрга узатдим.

... Ҳали ҳам бор ўша ер,
«Қонқус» экан дашт номи,
Сўзлайди бўзлаб шоир,
Гоҳо суҳбат айёми.

Бу сатрлар ўша «Қўзи»дан Ғафур оғага бағишланган сатрлар. У яхши тушунарди ва мен кўпчиликка ўқиганимда, маъқул дегандай бош снлқиб, жилмайиб қўйгани ёдимда.

Бир гал мен Хоразм ва Қорақалпоқ сафаридан қайтиб, ёзувчилар уйида адабий кечага қатнашиб қолдим. Кечани бошқариб ўтирган Ғафур Ғулум бир маҳал менга қараб:

— Турсун ўғли,— деди,— борми янги гап. Уқи!

Мен минбарга кўтарилдим ва «Аму қирғоқлари» шеъримни ўқишга тушдим. Шеър тугаганда, бундоқ қарасам, Ғафур Ғулум қаршимда турибди. У менга қўл чўзиб, қутлади. Шоир учун бундан ҳам зўр дилдорлик ва илтифот бўлмас!

Ғафур Ғулумни унутиш қийин. У ҳақда қанча ёзсак, тагин нимадир етмагандай. Нуқтага яқин келдим. Ғафур Ғулум етмиш ёшда. Унинг ҳали замон-замон яшашига ишончим комил. У ўзбек халқининг ўлмас ўғилларидан. Ҳамид Олимжон вафотининг бир йиллигида ўқиган марсиямда шу сатрлар оғага етиб борганини кўзларида чақнаган учқунларда кўргандим:

...Йўлбарсдай ўкириб келади яёв,
Ўзингдай билагон, ҳақгўй, дил чўғли,
Ўзингдай дилкашу, довқалб, беасёв,
Ғулум оқсоқолнинг ўт нафас ўғли!

1973, апрель

ДУСТ ВА ЗАМОНДОШ ҲАҚИДА

Ҳамид Олимжон подир истеъдод эгаси эди. Қониди, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма зукколик, шонрона сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён. Пешанасида ва йирик

кўзларида эса, улуғлик очиқ-ойдин эди. Билмагани оз, ўқимагани кам, ҳар нарсадан хабардор, чин маъноси билан ўқимишли қаламкаш эди. Шу жиҳатдан у катта-кичик олдида, ўз тенги арбоблар олдида, олим ва фозиллар, ёзувчилар олдида ардоқли, ҳурматли эди. Унинг йирик адаблигига, билим уфқининг кенглигига, улкан арбоблигига бир сўзлашган одамда шубҳа қолмас, айтгани икки бўлмас, вожиб ва бажарилиши зарур гапдай қабул қилинар эди. Чунки у билиб, ҳар томонлама сарҳисоб қилиб сўз ё маслаҳат айтар, шунинг учун ҳар гапи буйруқдай бажарилар эди. Ҳамид аввало ўзига талабчан, кейин ўзгаларга талабчан эди. Ҳақиқатдан, бундай қараганда, ўзи майнараст бошлиқ ё қурдош, ўзига қарам эмакдошга ё дўстига қандай қилиб, «майни ташла!» дейиши мумкин? Ҳамид ташидан ҳам, ичидан ҳам бирдек маданий, қалам меҳнати кундалик ҳаётига, юрак уришига сингиб кетган етакчи эди. Қаламкашликда-ку адабиётнинг ҳамма турида (очерк, публицистика, ҳикоянавислик, драма, таржима ва бизга энг қимматлиси — шеърда) у жавлон этишга қодир эди. Шу билан бирга адабиётшунослик, фольклоршунослик, чинакам арбоб бўла олишдек фазилатлари ҳам бор.

Аввал уни ғойибона танир эдим. Мен у вақт Тошкентда Ўзбек эрлар билим юртида ўқиб, «Ёш ленинчи» газетасида ҳам комсомол топшириғи тарзида бўлим мудири бўлиб ишлардим. Газета редактори Сотти Ҳусайн ўрам-ўрам шеър уҳюяларни келтириб ташлар эди. Мен ўшаларни ўқиб, саралаб, қалам уриб, газетага тавсия этар эдим. Ҳамид Олимжондан келган шеърлар ҳамма вақт саралар ҳисобига кирар, қалам уришга ҳам ҳожат бўлмас, у кўпроқ уч-уч туроқда тўққиз ҳижжалик тизмалар машқ қилар — комсомол ҳақида, аёл озодлиғи ҳақида, кўклам, қишлоқ табияти, дарё бўйи ва Москва ҳақида ёзар эди.

1929 йили билим юртини битириб, комсомол Марказкоми йўлланмаси билан Самарқандга бордим ва ўртоқ Йўлдошбой Охунбобоевга тўртинчи шахсий котиб бўлиб ишга тушдим ҳам Педакадемияда ўқий бошладим. Самарқанд у вақт марказ эди-да. Йўлдошбой ота Ўзбекистон Марказий Ижрокомининг Раиси, айни замонда, Янги алифбо комитетининг ҳам раиси эди. Мен президентнинг маориф ва маданият, матбуот ва адабиётга тегишли топшириқларини бажарардим ҳам ота сафарлари ҳақида очерклар ёзардим. Ҳар куни ота номига келган юзлаб хат қўлимдан кечар, ҳар кун юзлаб одам тақдир кўз олдимдан ўтар. Жавоблар ота имзоси чекилган тегишли кўрсатмалар

билан бутун жумхурият бўйлаб таралар, қанча-қанча одамларнинг мушқули осон бўлар эди. Президент қабулхонасидан одам оёғи узилмас эди. Ҳовлиси ҳам меҳмондан холи қолмас, ҳар куни ўнлаб олис музофотлардан келгучи аризачилар, таниш-билишлар ота дастурхони атрофида туз татишар, гурунглашар, суҳбат, аския авж олар эди. Кунларнинг бирида Педакадемия (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) хиёбонида Ҳамид Олимжон билан танишдим.

Хиёбонда, чинор тагида Ҳамид билан бодрингхўрлик қилдик. Самарқанд бодринги ҳам ўзга сабзавот меваларидек саратон тафтини олади ва тами танглайда қолгудек бўлади. Шу-шу биз деярли ҳар кун саломлашадиган, бора-бора шеър ўқишадиган ва маслаҳатлашадиган бўлдик, «Молодая гвардия» шоирларини таржима қилишадиган бўлдик.

Ҳамид Олимжонга Михаил Светловнинг машҳур «Гренада»си жуда ёқар, уни ниҳоятда чиройли ўқир эди. Кейинчалик шу шеърни чиройли таржима ҳам қила олди. Сўнгра унинг майли ва рағбати бутунлай Маяковскийга кўчди. Уша вақтда Нозим Ҳикматнинг «Қуёшни ичганлар қўшиғи» китоби пайдо бўлган эди. Биз уни тўла таржима қилдик. Абдулла Алавий муҳаррир бўлди. Лекин у шеърлар кундалик газета ва журналларда эълон этилган бўлса-да, не сабабдандир, китоб ҳолида нашр этилмай қолиб кетди. Абдулла Алавий оз ва соз ёзгучи зўр шоир эди. Кўп ёшлар унга эргашгани эсимда. Шаҳар четида бир боғи бор эди. Ойдин, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Баҳром Иброҳим ва бошқалар дам олиш кунлари шу боққа боришар, баъзан мени ҳам ола кетишар эдилар. Адабий суҳбатлар жуда қизиб, баҳсга айланиб кетар эди. Ҳамид бу баҳсларда ҳаминша ҳужумкор, чигил вазиятлардан эпчиллик билан чиқиб олар, баҳс ва нутқ маҳоратини эгаллаб борар эди. «Қизил қалам» жамияти баъзан шеър кечалари уюштирар, бу кечаларда Ҳамиднинг овози алоҳида жаранглар эди. Ҳамид Олимжон шеърни шундай маҳорат билан ўқир эдики, эшитган одам мафтун бўлмасдан иложи йўқ; урғу, оҳанг, йўналиш, авж — ҳаммаси ўрнида. Ҳамма унга тан берар эди — Боту ҳам, Алавий ҳам, Айний ҳам.

Ойдин опани мен Тошкентда танирдим. Уйғун акани ҳам. Уйғун у вақт Луначарский асарларини мутолаа қилар эди. Давраларда сипоҳ, кам гап. Ёшлар ва қизлар ўртасида лирик шеърлар билан машҳур эди. Уни Алавий ва Ҳоди Тоқташга издошдай билардик. Кейинроқ Гафур Фулом ҳам Самарқандга келди.

Ҳамид Олимжон билан тез-тез театрга ҳам борардик.

Театрда баъзан Акмал Икромов бизни ёнига чақирар ва ҳол сўрарди. У жуда камтар ва маданий киши. Адабиётни севгани суҳбатидан равшан эди. Уни Педакадемия қаторида бўлиб, ишга пиёда ўтар. Соқчисиз ҳамма жойда ҳозир, катта-кичikka бирдек суҳбатдош эди. У кўпроқ нима ёзаётганлигимизни сўрарди. Бир куни: «очерк ёзинглар!» деб бизни Йўлдошбой ота ёнида Фарғонага жўнатди. Кўклам экиш маъракаси эди. Асосан, Қувада бўлдик. Пахта мустақиллиги учун курашнинг қизгин палласи. Фарғона ўша вақтда ҳам чинакам гўзал диёр эди! Ҳамид хиргойи қилгандек ҳадиб: «Кўм-кўк, кўм-кўк...» дегани-деган. Бу сафардан кейин унинг машҳур «Бахтлар водийси» шеъри дунёга келди. Мен ҳам шу сафар таъсирида «Барат» ва «Жанг» деган поэмаларни ёздим.

* * *

...Ёмғирли кунлардан бири. Ҳамид мени Ёзувчилар уюшмасига чақириб: «Деҳқон саройидаги бахшилардан хабар олгин!»— деди. Мен у ёғини сўраб ўтирмадим. Гапдан жиндай хабарим бор эди. Эски шаҳарда, бозор пинжида Деҳқонлар уйини сўроқлаб кетдим. Йўлакай «Правда» мухбири Муханов менга йўлдош бўлди. Бахшилар турган хонага кирдик. Қишлоқи чакмонларда, дўмбираларини деворга суяб, талай ёш ва қарилар ўтиришарди. Биз улар билан танишдик: Абдулла шоир — паҳлавон жуссалик, нуроний. Фозил ота — жиккак, чўққи соқол одам экан. Ислом ота — узун бўйлик, шўх. Бола Бахши — қорамағиз, коса кўзлик, торга жўр айтаркан. Бахшилар ҳолини сўраб-билиб, бирга чойхўрлик қилиб жиндак дўмбира эшитиб кейин улар ҳолини Ҳамидга келиб айтдик.

Усмон бахши Маматқулдан «Давлатли турмуш» ва «Сталин ҳақида» деган термаларини кўчириб, қалам уриб, Ҳамидга топширдим. Қосонсойлик Холиқбой бахши «Алпомиш»ни куйиб айтар экан, Фозил ота ижросидан ўзгачароқ, жўшқинроқ, югурикроқ. Хоразмдан келган Қурбон ота бахшидан ҳам кўра қўшиқчи бўлса керак. Бола бахши кишини илк пардасида боғлаб олади, зўр бахши, ёқимли, мардона.

Эртасига Ёзувчилар уюшмасида улкан учрашув бўлди. Деярли ҳамма пешқадам ёзувчилар ҳозир эди. Бахшилар навбат-банавбат дostonлардан парчалар, термалар ижро қилишар, ҳамма онг-тонг қулоқ солар, таҳсин айтар эди. У вақт ёзиб олгувчи аппарат йўқ, қўлда кўчиришга тўғри келарди. Тил ва адабиётдан келишган ўртоқлар улгурганча ёзишиб олишарди. Умуман бу учрашувлар адабий ҳаракат-

чиликда янги гап, баҳор эпкинидай дилга саринлик ба- гишловчи бир кучга молик янгилик эди. Албатта бахши- ларга ўқрайиб ё кеккайиб қарагувчилар, «Дўмбирасини дингиллатиб юра бермайдими булар далада?» дегувчилар ҳам йўқ эмас эди. Шу важдан Ҳамид Олимжон, ҳар учра- шувдан кейин албатта сўз айтар, бахшиларга ҳурмат ва қадр зарурлигини уқтирар эди. Бахшилар айтганларини оқизмай-томизмай кўчириб қолиш, нашр этиш ҳақида қай- та-қайта гапирганлари эсимда. Бу учрашувларда Ҳоди За- риф, Буюк Қарим, Сотти Ҳусайн, Яшинларнинг қатнаш- ганлари ва сўзлаганлари шу буқунгидай ёдимда. Ёзиб олишда мен ҳам қатнашиб турганман. Ҳатто Фозил отани уйга ҳам олиб бордим, яхши суҳбатидан талай баҳраманд бўлдим. Мен-ку бахшиларни гўдаклигимдан эшитганман, лекин Абдулла шоир ё Фозил отадақаларни биринчи учра- тишим эди. Шундан кейин ҳар йил бахшиларни пойтахтга бир чақириш, гурунг ўтказиш анъанага айланиб қолди. Уша учрашувлар беиз қолгани йўқ. Ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академиясида бой оғзаки адабиёт хазинаси борлигидан фахрланаман. Бу меҳнатда Ҳамиднинг улуши катта эди...

...Фозил ота ҳар келганда янги уст-бош қилиб берар эди. Фозил ота ва Исломо шоир билан ҳазилкаш, сирдошдан ҳам яқин эди. Бола-чақаси, йигитлик шўхликларидан гапга ту- тар эди. Менимча, шу суҳбатларда у бахшиларнинг сўз ха- зинасига қўл солгандай эди, бир кун Ҳамид айтди:

— Фозил отани эшитдингми? Мол йиғаётган эмиш. Бу аҳволда бор-йўғидан ажралиб қолади-ку. Ахир ҳар хўжа- ликда қанча мол бўлиши кераклиги наҳот отага ноаниқ бўлса... Увоқ моли юздан ошар эмиш.

Мен айтдим:

— Уша ўзбакилик.

— Ёш хотин оламан!— деб ҳазиллашган эди тунов кун. Бу гапи ҳам рост шекиллик.

— Биласиз-ку. Чорвадор бойиса — қўшоқ-қўшоқ хотин олармиш, шаҳарлик бойиса — қават-қават уй солармиш.

— Уй солгани маъқул эди. Ҳали ҳам ертўлада яшар- миш.

Кейин-кейин бориб Фозил ота оқ уйлик бўлди. Бу бора- да Ҳамиднинг тушунтиришлари ва ўша туман раҳбарлари билан кенгашлари бекор кетгани йўқ.

Бахшиларни Ҳамид нечоғлик қадрлар эди. Фақат ҳа- ёти, тирикчилиги, эртаси билан эмас, улар оғзида айтила- диган терминлар ва дostonларнинг бўғзида қолмасдан тў- кис ва тўғри ёзилишига, халқ мулки сифатида адабиёт ха- зинасидан ўрин олишига жон куйдирар эди. Бахшиларни Ҳамид ўқимишли шоирлардан баланд қўйса қўярдики, паст

қўйган эмас. Унинг «Алпомиш» достони устидаги бир олим ҳам муҳаррир сифатидаги меҳнати асрий олқишга сазовор меҳнатдир. Алпомиш ва умуман оғзаки адабиётимиз — боболаримизнинг маънавий давлати. Неча юз йиллар ур-сур, ола тўполон, кўч-кўч, қирғин ва чигал можароларда дилдан дилга, ёддан ёдга кўчиб, дўмбирага жўр, ҳафталаб куйланувчи дostonлар нечоғлик асл, нечоғлик ёрқин, нечоғлик жондош ва ғурурланса арзигулик!

Ҳамид оғзаки адабиёт бойлигимизга чинакам ватанпарвар, халқчил бир зиёли сифатида қарар, фольклоримиздан ижодий ўрганганларнинг ҳам биринчиларидан «Ойгул ва Бахтиёр», «Семург»ларни эслайлик. Ҳамид ижодидаги табиий соддалик ҳам оғзаки адабиётни теран билиш ва севиш мевасидир, унинг шеърларида ва умуман ижодида жумбоқ ва чигаллик йўқ даражада. Ҳақиқатда шеърда тумтароқлик, жумбоқнамолик, ўринсиз кўп нуқталар ва бақироқлик — ожизлик белгиларидир. Шу билан бирга, фикран саёз, қуп-қуруқ, беранг, жўн, соддалик ҳам ожизлик аломатидир. Ҳамидда оғзаки адабиёт таъсири фақат ва фақат ижобий из қолдиргандир. У шу каттакон хазинанинг вориси эканлигини ва шу хазина дурдоналарини авайлаб, ардоқлаб, замон зебига айлантиришни жуда эрта ва чуқур фаҳм этганлардан. Шу вайдан Ҳамид Олимжон ўзи ҳаёт кезида нечоғлиқ халққа таниғлик, суюмлик бўлса йиллар ўтган сайин тағин суюмлироқ, тағин довруқлироқ. Бунинг сирларидан бири унинг ясамаликдан, бадҳазмликдан холи, уста заргар меҳнатига хос соддаликни эгаллашидир. «Куйчининг хаёли» ё бўлмаса «Дўмбиранинг мақтов»ни олайлик. Нечоғлик юксак шеър! Соддалик мана шундоқ бўлса, қуйма бўлса, мана шундоқ бамаъни бўлса қанийди ҳамма вақт... Оғзаки адабиёт хазинасини очишда Ҳамиднинг меҳнати борлиги унинг илмий ишларида ҳам, нутқларида ҳам, шеърларида ҳам, дostonларида ҳам билинади. Оғзаки адабиёт образлари, бахшинамо ифода ва тасвир, бахшинамо парвоз, мақол ва ҳикмат жуда кўп. Ҳамидни ўзгалардан ажратиб турувчи омиллардан бири ҳам менимча шу жиҳатдир.

Ҳамид оғзаки адабиётимизни ва уни ташувчи бахшиларни хўжа кўрсинга улуғлагани йўқ. Дилдан, дилнинг теран ўринлардан улуғлай олди.

«Дўмбиранинг мақтови»даги баъзи сатрларни кўчираман:

Сўз бошлайин энди яхши, ёмондн,
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.
Сен қўлимда, кезиб ўтдим жаҳондн,
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Сендан ҳеч бир мумкин эмас совишим,
Сен тоғларда кезган чориқ кавушим,
Сенинг билан баланд бўлди товушим,
Билагимнинг зўри бўлган дўмбирам.

Ё бўлмаса «Куйчининг хаёли»дан манави сатрларни эс-
лайлик:

«...Куй кўпдир, қўшиқлар шу осмонни
Беркита олади булутлар қадар,
Куй кўпдир, қўшиқлар миллионча жонни
Қўзгата олади муҳтарам падар!
...Куй айтар булутлар ичидан инсон,
Куй керак мардона, жувон ҳаётга.
Куй айтар лочинлар ўлкаси — осмон,
Ота, қўшиқ айтган етар муродга!»

Нақадар нафис, равон, бахшиёна ва теран! Халққа на-
қадар яқин, эслагулик, таъсирбахш ва жарангдор. Бу ик-
кала шеърда Ҳамид Олимжоннинг умуман оғзаки адаби-
ётимизга дил ҳурмати, қола берса бахшиларга фарзандлик
дили янграб турибди. Бу иккала шеър фақат улуғ бахши-
ларга ҳурмат ифодасигина эмас, балки ватанга, халққа
ошиқлик ифодаси ва тўлқинли шоир қалбининг адабиёти-
миз уфқларида қолган янгроғидир.

* * *

...Ҳамид Олимжон ўта ҳозиржавоб, замонга ўта оҳанг-
дош, ватандошлик туйғуси юксак шоирлардан. Улуғ Ватан
уруши ҳақида биринчилардан бўлиб шеър айтган Ҳамид
бўлди. Ўша кунлари у Болтиқбўйи республикаларининг би-
рида эди. Уруш бошланиб қолди. Ҳамид ўша ёқдан шеър
битиб келди («Ғалаба қўшиғи»). Шеър даҳшатли жанг ҳа-
қида ҳайқириқдай қалдироқли эди. Ўхшатиш ва мантиқни
эсланг: калхатга қарши лочин парвози, бўрига қарши шер...
Фашизм қузғун ва илон, абжақ бўлиши аниқ. Бу ғазал жа-
рангида ва мағзида узоқни кўролгувчи теран ўйли, негизи
бутун, ақли бутун, ўктам инсон тик туради.

Мен ўзга бир шеърнинг ёзлишидан хабардорман. Ҳа-
мид Олимжон уруш бошланган пайтда, ҳам Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмасида раис, ҳам опера ва балет театрида
директор эди. Менга бир кун шундоқ деди:

— Операга ишга ўтгин. Ҳозир опера томошасидан ҳам
кўра қўшиқ керак. Жанговар қўшиқ.

— Куним банд-ку,— дедим мен,— нашриётда редактор-

ман, радиода адабий эшиттириш бошлигиман, Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи...

— Биламан,— деди Ҳамид,— тўртинчи вазифанг театрда адабий эмакдошлик бўлади. Кечқурунлар келасан, репертуарларни тамом сафарбарлик изига сол.

Мен ўйланиб қолдим. Тўрт вазифа. Ҳамид бўлса яна:

— Мен операга директор бўламан деб ўйлаганмидим. Бажараяпман-ку. Драма ҳам ёзаман. Давр талаби бу!

У мени сафарбар этди, театрда ҳам ишлай бошладим. Янги қўшиқлар ёздим, кўп таржима қилдим ва ўзгаларни бу ишга тортдим. Ҳамид Олимжон авторлар коллективи билан «Ўзбекистон қиличи» деган драма ёзди, машҳур «Муқанна» ҳам ўша кезларда дунёга келди.

Ҳамид Олимжон ҳар кун эрталаб театрга келар эди. (У вақтда опера ҳозирги Свердлов номидаги бинода эди.) Бутун ёшу қари санъаткорлар — Музаффар ота ҳам, Ашрафий ҳам, Қорн Ёқуб ҳам, Қарим Зокиров... Горький номидаги боғда ҳарбий машқ ўтар эди. Ҳамид ҳам машқ устида ҳозир бўлар эди. Оғир, жиддий. Шундай кунларнинг бирида у менга янги шеър ўқиди, бу ўша «Қўлингга қурол ол!» шеъри бўлиб, жангвор чақириқдай жарангдор ва қуйма эди. Уша кун Ҳамид бу шеърни боғда машқ устида санъаткорларга ҳам ўқиб берди, кейин матбуотда пайдо бўлди. Бу шеър концерт программаларида ва радиодан қайта-қайта ўқилар, мактаб саҳналарида ўқилар ва жуда машҳур шеърлардан бири бўлиб қолди. Ҳамид тинимсиз ёзар эди. Бирин-кетин янги шеър, янги балладалар дунёга келар, уларда бемисол жанг даҳшатлари, қон ва қурбонлар, оғир мусибат, совет жангчиларининг тенгсиз баҳодирликлари ўз тасвирини топар эди. Энг зарури бу шеърлар совет одамларида ёвга чексиз нафрат ва ғазаб туйғуларини алангалантирар, эртанги ғалабага тўлиқ ишонч бағишлар эди.

Бир кун Ҳамид Олимжон менга бундай деди:

— Ҳар сўз устида ўйланиб ўтиришга вақт етмаяпти. Бу шеърларга урушдан кейин сайқал бераман.

Бу унинг ўша-ўша камтарлиги, ўз шеърларидан доимий норозилиги. эди. Тўғри, у бундан яхшироқ, жарангдорроқ ҳам ёза олар эди. Лекин улгуриш керак эди-да. Бари бир бу шеърлар уста ва тўғри кўзлагувчи мерган шеърлар эди.

Давр шеърлари эди.

Ахир «Сен туғилган кун» ҳам, «Россия» ҳам, «Жангчи Турсун» ҳам, «Роксананинг кўз ёшлари» ҳам ўша уруш даври шеърларидан-ку. Қандоқ бақувват, ўз ўрнида ва ўз вақтида айтилган шеърлар. Булар ҳаммаси улкан халқ дилдан чексиз изтироб, мотамсаролик, айна замонда қаҳрамонлик ва эртаги зафарга имони комил қасидалардир. Бу-

лар ҳаммаси чинакам ватанпарвар, ҳозиржавоб ошиқ шоир яратган, улкан ватандош фидойи бир қалб яратган асрий шеърлардир.

...Ҳамид Олимжон биринчи қадамларидан шеърда шиорбозлик билан сира-сира келишолмас, қуруқ жаранг-журуннга тоби йўқ ва сўнги нафасигача шу принципга амал қилган шоир. Ҳамид Олимжон шиорбозлик ва қуруқ тизмаларга қарши ўз вақтида ўт очган шоирдир. У шеърда маза ва ранг тарафкаши, шеърнинг сут ва қондек инсон юрагига синга олиши ва инсон юрагини жизиллата олиши тарафдори. Бу ўринли ва чинакам партиявий жанг тарих бетларида бор ва ўчмас, кишини лол қилгулик, миннатдор қилгулик кучи бор ҳануз...

Негаки у йилларда шиорбозлар, аравани салт олиб қочувчи ўртоқлар анча-мунча эди ва улар Ҳамидга вақти-вақти билан тепки ва тухмат ёғдирганлари тарих бетида қолди.

— Йўлдан тойдинг!— деб бақирешар, аслида ўзларининг бесаводликларини ва ландовурликларини беркитишмоқчи...

Ҳамид аввало саводлик қаламқаш, билим уфқи тонг қолгулик кенг, адабиёт назариясини сувдек ичган қаламқаш, партиявий принципларга етук ва содиқ қаламқаш. Шу вайдан чалакам-чатти ўртоқлар (бу тоифа оз эмас ҳозир ҳам!) аччиғидан бурнини тишлашар, тажаанг бўлишар...

Поэзияда чинакам шоирлар бор, яъни ҳалол ва оғир риёзат меваси бўлмиш, янги гап бўлмиш шеър ёзувчилар бор, ҳам кўчириқ ботқоғида қолганлар бор. Одатда кўчирмачилар ҳамиша кўкракларига уриб, бақириб-чақириб: «Мен ёздим!» дейишади. Гўё қайдан кўчирилганлигини китобхон билмагандек. Бутун ижоди нусха кўчиришдан, ўхшатмадан, ўзга асил шеърнинг соясидан иборат қаламқашлар поэзиямизнинг илгарилашига тўғаноқдир. Улар биронта янги тимсол, янги қофия, янги ибора, янги сўз, янги ифода топишга уринмайдилар, бу масалада парвойи фалак. Ҳамиша янги сўз ё тимсол, тема пайдо бўлди — бас, худди катта бувисининг эри ё поччаси шайлаб қўйгандек ила қочишади, зигирдек ҳаё йўқ.

Уша вақтда ҳалигидек — ҳозир зикр этилгандек, қуқуруқ, сур кўчирмачилар ва ичган булогини инкордан тоймас қалам юритувчилар ҳайтовур етгулик эди. Ҳамид булардан жирканар эди. «Гадолигича қолди шундай бой замонда!»

Гап қалб қашшоқлиги, кўтарамлиги, уятсизлиги ҳақида эди, албатта. Бундай шоирлар кўр ё шол эмас, тўқсон

тўққиз мучаси бутун, олифта, чиройлик, лекин пешона тери тўқишга тоқати йўқ! На қардош адабиётлардан хабари бор, на етакчи рус адабиётидан, на форс, на араб адабиётидан... Булар ўз адабиётимизни ҳам изчил ўқиб боришдан бош тортишар, писанд эмас гўё... Вақт йўқлигидан эмас, шундоқ ҳаромхўрликка ўрганиб қолганларидан... Улар одатда энг популяр бўлади, тўйларда нутқ сўзлашига суяғи йўқ, қаламкашлар номидан оломонни қутлашга уста ва шеър ўқишни ҳам ўрнига қўйгучи бўлади. Бир талай латифа ёдлаб олган бўлади. Навоий ва Атоийдан, Машраб ва Ойбекдан ёдлаб олган бўлади, ўрнида ишлатишига шубҳа қилманг. Беҳабарроқ даврада замон шоирларининг энг яхши шеърларини ўзиникидек ўқишларига гумон қилманг. Шундоғ ҳам келиштириб ўқишадики... ўзиникидек! Одатда колхоз бошлиқлари, район раҳбарлари, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам ўшаларни етакчи шоир деб ўйлашади. Шу вайдан ҳурмат ва доврўғ ҳалигидақа!

Ҳамид булардан жирканарди.

...Қишлоқдан икки елкасида қатиқлик челақ кўтариб, соқоли мошкичири, нуруний бир одам, содда бир қишлоқи келяпти. Олдидан силлиққина ва чечангина сур йигит чиқиб келади ва иккала челақни сотиб олади. (Улгуржи) икки челақ қатиқдан (қаймоғи олингандан кейин) ўн челақ айрон пайдо бўлади, айрон сотилади, чўнтақ тўлади. Юқорида зикр этилган кўчирмачиларнинг сур йигитдан фарқи кам. Кўчирмачи ҳам, ўхшатмачи ҳам ҳалиги нонсофнинг ўзгинаси...

...Мен эрталаб радиокомитетга ўз хизматимга келдим. Радиокомитетнинг биноси Инқилоб майдони бурчагида, ҳозирги телефон марказида эди. Қимдир:— Ойдин опа айтдилар, тезда Жуковский кўчасидаги тез ёрдам касалхонасига борар экансиз!— деди. Юрагим орқага тортиб кетди. Юз хаёлда ўша жойга етиб бордим. Дарвозага ёндош, эски черков биносида Ҳамид Олимжон ётар эди. Кўзлари юмуқ, оламдан беҳабар. Ёзувчилар қатор туришар эди: Ойбек оға, Ойдин опа ва кўпчилик. Ёзувчи Шароф Рашидов печкага суялган ҳолда йиғлаб турарди. Зулфияхоним кейин келди, Ҳамиднинг катта синглиси ҳам. Зулфияхоним йиғлаб, фиғон чекиб эшикдан кириб келди, вожаб, Ҳамиднинг кўзлари очилиб кетди. Умримда бундай ҳайрон бўлмаганман.

* * *

Йиллар ўтган сайин унинг сиймоси ярқирамоқда, унинг улуғлиги, бурролиги, замон ўғли эканлиги, поклиги, қоби-

лияти, одамийлиги тўлиқлик ва ойдинлик касб этмоқда. Унинг шеърлари йиллар ўтган сайин жаранглироқ эшитилмоқда ва ҳамиша жаранглагуси!

1971

БИР АСРНИ ҚЎРГАН ШОИР

Мавлоно Зокир Ҳабибийни мен қарийб қирқ йилдан бери биламан. Демак, қирқ йилдан бериги ёқда мен унинг ғазалларидан завқ оламан, қойил бўламан. Уша вақтда, яъни урушдан илгариги йилларда Ҳабибий домла филармонияда адабий эмакдош бўлиб ишлар эди, мен ҳам адабий эмакдош эдим. У вақтда филармония битта йирик ансамблдан иборат, созчилар ҳам, ашулачилар ҳам, раққосалар ҳам тугал шу ансамблда эди. Репертуар гоаят паст савияда эди, гоаявий ва бадийий жиҳатдан замон талабига жавоб беришга қодир ғазал оз эди. Ҳабибий домла битта-битта ўша ўпирилишни тўлдирар, томошабин жонига теккан арзон, ярамас, ножўя, норасо, гоаявий ва бадийий ғариб қўшиқлар ўрнига янги, замонабоп, тўлақонли, халқ кутгандай гўзал ғазаллар ёзар эди. Секин-секин шу йўсинда репертуар тозалана, янгилана борар эди. Тушкун, ғамноқ, хурофий ғазаллар ўрнини аста-аста қувноқ, умид ва ишончга тўлиқ, ёрқин замон мадҳиялари эгаллай бошлади. Ҳабибий қўшиқ учун янги ғазаллар яратганларнинг ҳамиша олдида бўлди ва ҳозир ҳам шундоқ.

Мен айниқса Фарғона канали қурилишида Ҳабибий илҳомининг ўта жўш урганлигини шу бугундай эслайман. Неча чақиримларга чўзилган қурилишда ўнлаб халқ ансамбллари ҳар оқшом базм дегулик томошалар кўрсатарди. Ҳаммасида деярли Ҳабибий ғазаллари айтилар эди. Ҳабибий канал бўйлаб кезиб юрар ва янги қўшиқлар яратар эди.

Кейин Улуғ Ватан уруши даврида ҳам, Навоий юбилейига тайёргарлик даврида ҳам Ҳабибий ғазал ёзишдан тинмади, ҳали-ҳануз ўша жўшқинлик, ўша оригиналлик, ўша замонавийлик, ўша халққа хос соддалик, тил тозалиги ва образлар ёрқинлиги. Ҳабибий ғазаллари ҳамиша халқ хаёл қилгандай, халқ ўйлагандай жарангдор ва ўз вақтида тунёга келади.

Ҳабибий — аср кўрган шоир. Юзга қараб кетаётган, секин қирчиллама йиғитдек бардам бобо шоирга мен ғалга оз-моз тушунгувчи сифатида ўз ҳурматини билдираман, юракдан олқишлайман, янги ғазаллар кутиб қоламан.

1976 йил октябрь

ИСЛОМ ОТА ҲАҚИДА

Ҳамид Олимжон Ёзувчилар союзига раис бўлган йилларда халқ шоирлари — бахшилар Тошкентга тез-тез келиб туришар эди. Уша вақтдаги ўтиришларда, йиғинларда мен ҳам қатнашар эдим.

Ҳамид Олимжон Фозил шоир билан ота-боладай яқин эди. Пўлкан, Абдулла шоир, Бола бахши, Исломо ота билан ҳам чиқишар эди.

Исломо ота узун бўйлик, қора қош ва ўйчан қора кўзлик, елкадор, қизил мағиз, шўх, дилкаш ва улфат шоир эди. Аскиядан ҳам бохабар эди.

Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом, Комил Нўъмон, Ҳоли Зариф ва қатордош бахшилар даврасида энг қувноғи ва топқир, ҳозиржавоби Исломо ота эди. Одатда шеърлари замонга, дўмбирага жўр («Дўмбирам», «Улфатхон», «Бор бўлсин бизнинг Ватан!», Тинчлик бўлур барқарор», «Қолхоз чўпони» сингари кўп термалари, шеърларини айтяпман) ўқилар эди.

Бахшилар ичида босиқ ва салобатли ўқийдиргани, одатда паузаси кўп шоир Фозил ота эди. Исломо ота шўх чалар, шўх ўқир эди ва ҳамиша кўзларида сузгинлик ва қувноқ учқунлар сачраб турар эди.

Термалар ўқишда Пўлкан шоир ҳам, Бола бахши ҳам Исломо отага тан бергани ва даврада қойил қолгани эсимда.

Исломо шоир севги термаларини дўндириб ўқир, ҳеч кимсаникига ўхшамас ўн олти, йигирма сатрлик тугал шеърлар ўзга-ўзга оҳангларда даврани қизитгани ва жуда хурсанд этгани эсимда.

Исломо ота кичик давраларда адаб доирасидан бир қадар четроқ термаларни ҳам шу даражада шўх ва ўйноқи ижро этар эдики, эшитганлар кулгидан ўзларини тия олмай, юмалаб қолар эди. Ҳатто бу Исломо отанинг ўзига ҳам нашъа қилар, бутун гавдаси билан силкина-силкина узоқ кулгувчи эди.

Эсимда. Ана шундай давралардан бирида Ҳамид Олимжон, Комил Нўъмон ўғли Яшин, Пўлкан бахши ва мен ҳам бор эдим. Пўлкан бахши ва Исломо ота бир-бирига қарши ўтириб, шундоқ термаларни чунонам айтишдики...

1976

ПУШКИН ЮРТИДА

Шундай қилиб, Александр Сергеевич Пушкин юртига — доҳий шоир ҳузурига — чинакам ва ўлмас шеър даргоҳига келиб қолдим.

Пушкин куни... Шеърят куни... Қандоқ қуйма ва теран маъно касб этиб турибди бу икки сўз!

Қадим Псков шаҳри, унинг айланаси — Михайлов қишлоғи — кўллар, ўрмонлар, улкан дарёлар, ўтлоқлар, қадимий монастирлар, қалъалар — мана шоирнинг гўдаклиги ўтган эзгу диёр, эзгу тупроқ...

Шу эзгу тупроқда, шу яшил сўқмоқларда шоирнинг изи бор, хотираси бор. Йўқ, у гўё нақ мана шу тепа ёнидан ўтиб, ану ўрмон бағридаги мовий кўл бўйида олисларга кўз тикиб, шу тупроқда туғилмиш бир парини кутгандай, у ҳануз шу ерларда юргандай...

Русиянинг шимолига хос, ўхшаши кам табиат, яшил ёз боши, оқ булут карвонлари, илиқ ёмғир, тоза ҳаво — ҳаммаси: «Шоир тирик!..» дегандай.

Ажойиб, фусункор табиат! Мана шундоқ жаннатосо табиат қучоғида шундоқ алп шоир туғилади-да!

Псков Русиянинг энг қадим қалъаларидан бири. Бу шаҳар — музахона шаҳар. Ўнлаб ғишт истехком, учинчи асрдан қолмиш монастирлар, черковлар, ўзга ёдгорликлар — улуг шоир асарларига ранг ва мазмун бермиш обидалардир.

Пушкин, кейинроқ, Петербургдан сурилган йилларда, энг яхши асарларини шу тупроқда, шу жаҳонга тенг табиат бағрида яратгандир. Шу сабабдан бу тупроққа ҳар йил шу ойда, яъни июнь ойида бесаноқ шеърят ошиқлари, Пушкинни дилдан севгучилар келишади ва шоир яшаган диёр, у ётган қабри зиёрат қилишади. Шу вадан иттифоқ миқёсида шеърят куни ҳар йил Пушкин диёрида ўтказилмоқчи.

Мана, бутун бепоён мамлакатнинг бурчак-бурчакларидан Пушкин кунига — шу шеърят байрамига 65 шоир этиб келди, ҳар қайси, каттами-кичик, бир халқ элчиси: ҳар қайси Пушкин даргоҳига ўз халқининг севгиси ва Пушкиндан баҳраманд дил қўшиқларини келтиргандир. Ҳар қайси ўз халқининг куйчиси — ўз халқининг ардоқлиси...

Шулар орасида мен ҳам аралашиб-қуралашиб юрдим.

Пушкин диёрида етти кун шеър байрами бўлди. Ҳар кун, шоир орзу қилгандай, 65 тилда шеър жаранглаб турди. Псков заводларида ва фабрикаларида, мактабларда, қишлоқларда, кутубхоналарда — ҳамма ерда...

Ҳар кун мен ҳам шеър ўқидим — она тилимда ва рус тилида ўқидим. Пушкиндан қилган таржималардан ўқидим. Улуг шоирнинг ватандошлари ўзга кўп шоирлар қаторида менинг ўқиганларимга ҳам қулоқ солишди ва

чапак чалишди. Бу чапакларни мен Пушкин шеърятидан баҳраманд, юксак ўзбек совет поэзияси шарафига бўлган чапаклар деб қабул қилдим.

Михайлов қишлоғи...

Святогор монастири...

Псковда бошланган шеърят шодиёнаси — байрам карвони олтинчи кун деганда шу ерга келди. Бу ерда Святогор монастири ёнида улуғ шоир мангулик уйқусида ором олмоқда. Бутун элларнинг шоирлари Пушкин даҳосига бош эгиш учун шу даргоҳга келишган эди. Бу ерда яшил сайҳонда, ўрмон оғушида улкан йиғин бўлди. Шеърхонликдан кейин ўйин-кулгу бошланди. Бу ерда ҳам тушларда кўргисиз шеърят базми авж олди.

Кейин Пушкин қабрига гулчамбарлар қўйдик. Мен ҳам улуғ даҳо қабрига бош эгиб, айтдим:

— Салом, улуғ устоз!.. Мен ҳам олислардан келдим, мен Навоий диёридан келдим, сенга ўзбек қаламкашларидан ва она халқимдан чексиз ҳурмат ва олқиш ола келдим. Сени севамиз, устоз! Чунки шеърят боғингдан баҳрамандмиз-да. Шу вайдан, улуғ устоз, бир Тошкентнинг ўзида сенинг номингда улкан боғ, катта кўча, кутубхона, мактаб, институт бор, ҳайкалинг ҳам бор. Сенинг асарларинг ўзбек тилида худди Навоий асарларидай жаранглаб турибди. Чунки юртимизнинг энг номдор ва забардаст адиб ва шоирлари Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Усмон Носир кабилар сени она тилимизга таржима қилдилар. Сенинг асарларинг 4 жилд — чиройли 4 жилд — китоб жавонларимизнинг баланд ўрнидан жой олганлар. Шу вайдан, сендан ўта баҳраманд бўлганимиздан севгимиз жўшқин ва мангу. Сен бизнинг шеърят хазинамизда порлоқ дурдоналардан бирисан, устоз!

Мен ҳам сенга шайдо шогирдларданман ва мен ҳам таржимонингман, улуғ даҳо! Менинг шогирдлик туйғуларимни ҳам қабул этгайсан...

* * *

Шундай қилиб, бутун мамлакат Пушкин юртида ҳар йили июнь ойи бошида поэзия ҳафталигини ўтказадиган бўлди.

1967

ҚОЗОҒИСТОНДА

Қозоғистонга ҳар борганимда нимадир эсимда қолади, нимадир қалб теранларидан жой олади. Мен ўшандақа-

ларидан дафтаримга ёзиб қўяман. Баъзилари бир сўз, баъзилари бир жумла, баъзилари кимнингдир номи, қандайдир жой ё йилдан иборат. Дафтаримни варақлаганимда ўша воқеа, жой, одам кўз ўнгимдан ўтади. Ўша манзара бутун майда-чўдаси билан хаёлимда жонланиб кетади. Ўша суҳбат, ўша овозларни қайта кўргандай ва эшитгандай бўламан. Баъзиларини ўртага ташлайман бугун.

Мухтор оға зиёратида

Қозоғистонда ўтадиган ўн кунликнинг биринчи кунини гулчамбарлар кўтариб қабристонга йўл олдик. Машинада устоз Ойбек, Воҳид Абдулла, Александр Удалов ва мен. Қозоқ пойтахтининг бир чеккасида, қалин ўрмонзорда, яшиллик барқ урган бир гўшада қабристон бор. Мухтор оға Авез ўглининг панжарали қабри ҳам шу ерда. Машиналардан тушдик. Гулчамбарлар кўтарган ўзбек санъаткорлари ва адиблар Мухтор оға қабри устига келдик. Бир уй ўрнидай сайхон ўрналиб гул экилибди. Ўртада мрамр тахта. Бу мрамр тахта тагида сўз санъатининг паҳлавонларидан бири ётар эди. Гулчамбарлар қўйилгач, Ғабит Мусреп ва устоз Ойбек қабр ёнида тик туриб қолди. Бошқалар ёнма-ён қатор тизилдик. Сукунат. Бир неча дақиқалик сукунат она тупроқнинг ўзидай вазмин ва пурҳикмат эди. Устоз Ойбек дўппи тагидан тошиб, чаккаларига тушган жингалак соч бошини қуйи солиб, мрамрга тикилганича жимиб қолган эди. У ҳозир қалин дўстини эсламоқда эди...

Олмаотага биринчи боришимиз Абай 100 йиллигида бўлди. Ойбек ака, Ғафур Ғулом, Абдурахмон Саъдий, Ҳоди ака ва мен. Ушанда Мухтор оға ва Собит оғалар кутиб олди. Бизни тоғ устидаги ажойиб боққа олиб боришди ва ҳар ким алоҳида жой олди. Дўстлар, танишлар жам эди бу тўйда. Сергей Бородин, Берди оға, Сильва Капутикян — қўйинг-чи, кўпчилик эдик. Гуруннга гурунгуланар эди. Ушанда ҳамма Ғафур ака ва Сергей Петрович айтадиган латифага ўралашиб қолганда Ойбек ва Мухтор оға хиёбонда сўзлашиб юрарди. Ғафур ака бўлса шўхлик қилиб Собит ака бўйнига ёш боладек миниб олар паҳлавон Собитнинг демай кўтарар, ҳамма кулар эди. Бир кун тонг отгунча қизғин суҳбат бўлди. Грузин ҳам, озарбайжон ҳам, татар ҳам, рус ҳам топганини ўртага ташларди, бир сўз билан айтсам, бу сархуш кулги кечаси эди. Лекин ҳаммадан кўп, чертиб-чертиб жаранглагани ва тутилмаганидан айтган Ғафур ака бўлди. Шундай латифа-

лар айтардики, бутун даврада қотиб-қотиб кулар, Ғафур ака эса уст-устига айтар, илҳом билан айтар, йўл-йўлакай бир зумда тўқиб айтар эди. Бу ўша Шарқ китобларидан, ҳаётдан, тарихдан... Фақат Ғафур Ғулом бисотида бўлиши мумкин шингил ҳикматлар эди, бу латифалар... Тонг отди-ю, чойга ўтирдик. Хайрон қолгулик ҳол. Уша улкан зиёфат уйига ёндош уйдан Ойбек ва Мухтор оға чиқиб келди. Биз тонг отгунча кулдик, улар иккови тонг отгунча суҳбатда...

Президиумда ҳам иккови пичирлашиб ўтиришар, бора-бора бир-бирини бир имода тушунадиган бўлди. Бора-бора бир-бирини излаб келадиган ва борадиган бўлди.

Устоз Ойбек қозоқ халқи, қозоқ ҳаёти билан болаликдан таниш. Мухтор оға эса ўзбекка жиян. Икки халқнинг икки алп қаламкаши шундоқ қалин ва маслаҳатдош эдилар. Мана ҳозир устоз Ойбек ўз дўсти қабри ёнида оғир сукутда шу учрашувларни, тугамай қолган суҳбатларни ўйлаётгандай, тупроқ оғушидаги замондошига ниманидир пичирлаётгандай...

Ҳозир ҳар иккала устоз мангулик оғушида она тупроқ билан пичирлашиб ётишмоқда...

Ойдин кўл, қозоқ ўтовни, Ҳалимахоним

Олмаота ортда қолиб кетди. Яшил хаёбонлар, ҳашаматли тош уйлар, оқ саройлар, гулзорлар, ҳайкаллар, тоғ кўксига бургут мисол олисларга разм солиб турган Абай ҳам ортда қолиб кетди. Енгил машиналар тоғ оралаб учмоқда. Йўл эгри-бугри, лекин чиройли. Олмаота атрофидаги тоғ силсиласи яшилликка бой; сал ўтмай сой келади, жар келади. Сарвизорлар, тизза бўйи ўтлоқлар, кўзлар қувончи — тоғ чечаклари бир-бир қолиб кетади. Тушда ҳам кўришинг қийин ранго-ранг чечаклар. Қозоқ табияти, қозоқ юрти нечоғлик асил ва сеҳргар. Нечоғлик оромбахш ва дилрабо! Ҳар сарви соясида, ё арча ёнида тўхтаб хаёл сургинг келади, ҳар чечак олдида тиз чўкиб ўпгинг келади, ҳар булоқдан ҳовучлаб сув ичгинг, ҳар чўпон ўтовиди қимиз тотиб, суҳбат қургинг келади...

Ҳадемай ғизиллаб йўл ўтиб — қозоқ пойтахтидан унча олис эмас — Ойдин кўл қирғоғига етиб келдик. Ажиб кўл. Қозоқ табиятининг шоҳ асари. Мўлдираб, мавж уриб, қуёш, қучоғида ялтираб ётибди. Кўл айланаси баланд-паст тоғ. Қуруқ тоғ эмас, қалин ўрмон — сарвизор, қарагайзор, арчазордан иборат яшил тоғ.

Меҳмонлару мезбонлар кўл кўркидан кўз ололмас,

она табиат сеҳри ва қудрати қаршисида беун ўйлашар эди... Сал ўтмай жимжитликда моторли қайиқлар гуриллаши ҳавога ларза солди. Қайиқларга ўтириб кўлда суза кетдик. Суза-суза табиат томошасида у қирғоққа, икки тоғ ўртасида яшил сайҳонда тикилган қозоқ ўтовига тушдик. Ўтов жуда улкан ва кенг. Агар энг катта ўтов саккиз қанотли бўлса, бу ўн олти қанотли. Тўғриси, бу ўтов гумбазли, чанғароқлик, лекин керагасиз, атрофи очиқ, бежирим гиламларга фарқ янги бир сарой эди.

Турда устоз Ойбек, Ғабит Мусреп, Ғафур Ғулом, Собит оға, Комил Яшин, Ҳалимаҳоним, Зулфияҳоним, Абдулла Тожибоев — меҳмону мезбонлар давра олишиб ўтиришарди. Иккита тилда бирдек шеър улан ва ялла садолари кўкда, мовий Ойдин кўл аршида янграмоқда. Давра кенг, қимиз мўл, созу суҳбат эртақлардагидек назокат пардасида, адаб пардаларида янграб чўққилардан қайтмоқда эди.

Навбат Ҳалимаҳонимга келди. Ўзбек халқ термалари жаранглаб кетди. Созга жўр, тиниқ, кумушдай тоза, ўхшаши оз бу хушовоз сулув тоғ табиатига мақтовдай юракларни ўйнатиб олисларга оқар эди. Қушлар тинган, кўл тинган, меҳмонлару мезбонлар жим ва лол Ҳалимаҳонимга қулоқ солишарди, бошлар ирғалар, кўзлар хумор-хумор чўққиларга тикилар эди.

— Худой берган экан,— деди бир кекса ўрмончи,— берганда ҳам аямай берган экан.

— Мен Кулашми деб турган эдим. Тим ўхшар эканов!— деди бир чўпон.

— Кулаш-ку. Ҳа, Кулаш қайтиб келибди!— деди ўзгаси.

Ҳалимаҳоним борган сари очилиб, гўзаллашиб куйлар эди, борган сари халқ термаларининг қуйма сатрлари қонларга қимиздай сингар, завқ ва ором бағишлар эди. Мен халқ яратган қўшиқнинг мангуликдай қудратига яна бир қатла қойил бўлдим. Ҳалимаҳоним адосидаги жозибага ва табиийликка, усулдаги бетакрор ўзбакийликка қойил бўлдик. Менинг хаёлимда Ҳалимаҳону қўшиғини, теран қалбдан кўтарилган тенгсиз навони фақат шу очиқ ўтовдагиларгина эмас, фақат Ойдин кўл эмас, яшил ўрмон ва мовий осмон эмас, фақат она табиат эмас, бутун қозоқ диёри, чексиз биёбон ва яшил кўллар, тенгсиз Кўкчатов ва Қарқарали, чексиз буғдойзор ва оқ чўққилар, бутун қозоқ халқи эшитмоқда ва тебранмоқда, ҳаммаси гўё бирдай такрорламоқда:

— Кулаш тирилиб келди бугун!

Ўзбек санъати, санъаткори менинг қалбимда ҳам мудроқ фахр туйғуларимга туғён солди ўша кунни Ойдин кўл бўйида, қозоқ ўтовиди...

1971, 22 сентябрь

ОҚ ШУНҚОР

Қозоқ тупроғи шунчалар чексизки, бир вилоятидан иккинчисига бориш учун ҳаво кемасида уч ё тўрт соат учасан.

Бугун Балқаш кўли бўйига келдик. Эрта билан мис комбинатига бордик: тупроқдан, оддий, ялтироқ тупроқдан мис туғилиш мўъжизасини кўрдик. Оддий, ялтироқ тупроқни аввало тегирмонда уйиб-туйиб, унга, тўзгоққа айлантириб, сувга чалиб, атала қилиб, не-не кимёвий томизғилар қўшиб, қатиқдай уютиб, етти цехдан ўтказиб, саккизинчисида тахта-тахта мис қилаётган мўъжизакор қозоқ йигитларини кўрдик. Дўзах ҳароратида бирданига бир тонна мис сиғадиган, ўт таъсир қилмайдиган қоғозларда мис қайнар, олов ўйнар эди. Барваста йигитлар — уст-боши гарқ тер баҳодирлар, мис ижодкорлари ҳануз кўз ўнгимизда: «Агар мамлакат қазноғига ҳаммаси бўлиб бир йилда юз бўлак (фараз қилсак) яхлит мис тушар бўлса, ўшанинг етмиштаси биздан!» — дейди чаккаларига оқ тушган инженер. Унинг кўкрагида Ленин нишони порлаб турибди, унинг кўзларида улкан меҳнат коллективига етакчилик ғурури порлаб турибди. Ғурурланса ҳақи бор. Мамлакат қазноғига тушадиган ўша етмиш бўлак яхлит мис ғўла ахир етти хилда, етти рангда. Тўқ олтин рангидан то оқиш қалайи ранггача бор. Қуёшдай ярқироқ, кўзни қамаштиргудай шуъладор. Етти ва етмиш — ажойиб рақам! Менинг ёзув столим устида ўша мис мўъжизакорларидан эсдалик кичик бир ўрам мис ва қозоннинг кичик нусхаси туради. Мен шуларни кўрганда олис Балқаш мис ижодкорларини эслайман, ўзимча дейман: Зап одамларда, ғурурланса ҳақи бор. Ахир бу мис, менинг хаёлимда, қуёш бобо — сахий бобо тупроққа чочиб юборган шуълалар-ку. Инсон тер тўкиб, ўша зарраларни мис шаклида уюм-уюм тупроқдан тортиб оляпти. Ғурурланса ҳақи бор-да...

* * *

Гап бошқа ёқда... Ўша одамлар бизни кўл сайрига олиб кетдилар, кўл мисгарларнинг оддий сайилгоҳи экан-

- да. «Балқаш» деган катта кемада кўлда юздик. Сал ўтмай кема саҳнида ўзбек санъаткорлари томоша бошлаб юборди-ку. Тиниқ Балқаш осмони жаранглаб кетди. Қўшиқ кетидан ўйин ва рубоб тароналари томир-томирларда тўлқин қўзғаб, кўлда юзарди...

Мисгарлар ва балиқчилар чарх уриб ўйнашар, хаёлий бир базм чексиз шодумонлик кишини элитгудай, сархуш этгудай пардаларда жарангларди. Лекин шодиёна базмининг авж нуқтасига кўтарилган қозоқ шоираси Турсунхон Абдурахмонова бўлди. Бу ҳам шоира, ҳам жуда нозикадо қўшиқчи аёл «Оқ шунқор» («Ақ сунқари») ашуласини куйлаб юбормасинми? Кўнгироқдай овози, санъаткорона ижро ҳаммани ўзига тортиб олган, ҳамма машҳур қозоқ халқ кўшигининг сеҳру жозибасида тебранар эди. Мен бир кишида икки санъат, яъни ҳам шоиралик, ҳам ўланчилик қобилиятининг бирдай ярқираб турганига гувоҳ бўлдим.

* * *

- Оқшом бизни Балқаш балиқчилари кўл бўйига чақириниб қолди. Зулфияхоним, Турсуной Абдурахмон қизи (Зулфияхонимнинг қалин эши — дугонаси), Пиримқул Қодиров, Одил Ёқуб, Озод Шарафиддин ва мен кўл бўйига тушдик. Бизни чақирганлар қизгин балиқ овида. Қармоққа ва тўрга тушган лаққалар ва зогора балиқлар питирлашар, ҳар ўн-йигирма қадамда ловуллаётган аланга, (балиқ шўрва) кўл оқшомига ажиб бир хаёлийлик бағишлар, тўлин ой секин кўтарилиб, чексиз кўл устига кумуш йўл солган, мавжларда бесаноқ оқ тангалар ярқ-ярқ ёнар, салқин шабада сочларни тортқилар, теги-тегажоқликда тинчимас эди. Гурунг одатдагидай шеърдан бошланди. Зулфияхоним Балқаш осмонига жаранг бериб, Қозоғистонда ёзилмиш шеърлардан ўқиб кетди, ҳар ким ўз навбатида ўртага чиқар, балиқчилар ҳам ё ўйнар, ё соз чалар, даврани қизитардилар. Бу ерда ҳам авж нуқта Турсунхон санъатига насиб бўлди. У шу даражада моҳирона куйлар эдики, тасвирига ожизман. Бу булоқдай тиниқ ва оҳанрабо халқ кўшиғи ҳануз қулоғимда жаранглагандай, қалбимни жизиллатгандай.

Менинг хаёлимда Балқаш кўлининг оидин осмонида учиб юрган қўшиқ ва шеър эмас ёки энгил оқ булутлар эмас, балки халқ ардоғида оқ шунқордай баланд парвоз ўша икки шоира, жондош икки халқнинг иноқ-тотув икки шоираси...

1971 август

ЭСДАЛИКЛАРДАН

«Еш ленинчи» йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида Тошкентда икки бетлик газета бўлиб дунёга келди. (Араб алифбесида.)

Мен «Еш ленинчи» газетасига Сотти Хусайн муҳаррир бўлган йилларда қатнаша бошладим. У вақтда мен Улка ўзбек эрлар билим юртида ўқувчи эдим. Мактабда деворий газета чиқарар эдик, жуда чиройли ва мароқли эди. («Еш куч» ва «Шапалоқ»). Газетада Илёс Фозил (ҳозир улкан шифокор), Абдурайим Ғафуров (Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган), Жавлон Раҳмон (улкан педагог эди), Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Воҳид Валиев, Олим Амин (академик), Яҳё Ғулом (академик), Акрам Қодирӣ, Собир Муҳаммадий, Райим Бозорбой, Ёқуб Алиев, Исоқ Раззоқ ва бошқа кўп қаламкашлар қатнашардилар. Мен ҳам ўрганувчи қаламкашлардан эдим. Кейин мен «Еш ленинчи»нинг адабиёт бўлимига сафарбар этилганлигим эсимда. (Комсомол топшириғи тарзида.) «Еш ленинчи» ҳузурида (ғоят жанговар газета эди-да!) ёш қаламкашлар тўғараги бор эди. Тўғарак машғулотларида улкан адиблардан Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирӣ, Саидолим Шарафуддин, Ғафур Ғулом, Аъзам Айюб, Саидғани Валиев ва ҳозирги куннинг талай таниқли қалам эгалари қатнашар, ёшларни ўргатишар, йўл-йўриқ кўрсатишар эди... Мен «Еш ленинчи»га келган ўрам-ўрам шеър-ҳикояларни саралаб, эпақага келтириб, редакцияга топширар ва газета саҳифасида ёш, ўзимдай ўрганувчи қаламкашларга жавоблар, маслаҳатлар ёзиб турар эдим.

...Турли-туман шеърлар ичида Самарқанддан келиб турувчи Ҳамид Олимжон машқлари ажралиб турар ва ҳаялламай ёруғлик кўрар эди. Уттизинчи йилларнинг бошларида у «Еш ленинчи»да масъул котиб бўлиб ишлай бошлади. У ёшлар ижоди билан ўта қизиққанидан редакциянинг яхши анъаналари яна авж олди. Яъни, адабий тўғарак тағин мунтазам ишга тушиб, ёш қаламкашлар ижоди ўртага ташланиши, таҳлил-танқид, кенгаш қизиб кетди. Ҳамид Олимжон 65 ёшга тўлган кунда шуни ҳам эслаб ўтайликки, у ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлиб турганда ҳам (Улуғ Ватан уруши йилларида) ёшларнинг бундай йиғинларида Ҳамиднинг ўзи ҳамиша қатнашар, кўпинча машғулотни ўзи бошқарарди.

Машғулотлар ойда икки марта ёшларни ғоят қизиқтирган мавзуларда ўтар эди. Шу вайдан, ҳамиша залтиқин ва савол-жавоб кўп бўларди. Ҳамид Олимжон бошқа адабий тўғараклар билан ҳам қизиқар эди. У мени

САГУ (ҳозирги ТошДУ) да тўгарак машгулотларини ўтказишга юборгани эсимда. Уша тўгаракда Сарвар Азимов, Солиҳ Қосимов каби ҳозир таниқли адабиётчилар бор эди. Бу анъана ёзувчилар уюшмасига устоз Ойбек раислик қилган йилларда тагин ривожланиб кетди.

Бир воқеани айтиб ўтай. Ялангоёқ ва ўта жўн бир ўсмир хонага кириб келди ва қўлимга уч-тўрт варақ қоғоз тутди. (Ёзувчилар биносида, 1 май кўчасида.) Кўздан кечирдим. Қисқа ва янги, болалар дидига ва савиясига гоят мос жаранг шеърлар эди. Унта шеър. Ҳар қайсиси саккиз ёки ўн сатрлик. Маъқул бўлганидан қувониб кетдим: жиндак ясамали йўқ. Сўз ва сатрлар ўрнида жаранглаб турибди. У ён-бу ёнига қалам ургандек бўлдим ва Ойбек домла ҳузурига олиб кирдим. У одати бўйича бу ўсмир билан ўридан туриб кўришди-ю, у-бу сўраб ўтирмасдан, қоғозга кўз тикиб қолди ва шеърларни ўқиб чиққандай бўлди, бир сатрига ҳам қалам учи теккани йўқ. Кейин ҳол-аҳвол сўрашга тушди. Етимча экан бу бола. Шеър машқ қилиб юрганига анча вақт бўлибди. Ёддан кўп шеър билар экан. Ойбек домла литфонд бошлигини чақирди-ю, шу болани эртагача уст-бош билан таъминлашни уқтирди. Кейин ҳалиги бола билан машинага тушиб, тўғри нашриётга жўнаб кетди. Кўп ўтмай, боланинг кичик китобчаси ёруғлик кўргани эсимда. Бу — Қудрат Ҳикмат эди.

Абдулла Қаҳҳор раислик кезидаги воқеалардан бирини айтай: Самарқанддан бир йигит келди. Қўлида Ватан уруши ва ғалаба ҳақида поэма. Ўқиб чиқдим. Поэма: «Мана мен», деб турибди-ю, лекин таҳрир талаб. Мен чизиб-чизиб, қўлига тутдим ва билганимча тушунтирдим. Йигит меҳнаткаш экан. Ижод боғидами, меҳмонхонадами, ўн кун ичида тузатиб келди. Поэма ярқирай бошлаган эди. Мен тагин чизиб-чизиб, қўлига тутдим. Йигит Самарқандга олиб кетди ва кўп ўтмай қанддек қилиб келди. Мен йигитни Абдулла ака ҳузурига олиб кирдим. Абдулла Қаҳҳор ўқиб чиқди ва Мирмуҳсин (у вақтда ҳам «Шарқ юлдузи» журналида муҳаррир эди) кабинетига йўл олди. Биз ҳам орқасидан кириб бордик. Уша ерда йигит поэмасини баралла ва ҳаяжонда ўқиб берди ва журналга сўзсиз қабул қилингани эсимда. Бу йигит ҳозир таниқли қалам эгаси Душан Файзий...

Бундай воқеаларни мен анча тизиб ўтишим мумкин. «Ёш ленинчи» редакцияси ва Ҳамид Олимжон, устоз Ойбек каби ёрқин сиймолар анъанаси Асқад Мухтор ва Ҳамид Фулом ёзувчилар уюшмасига котиб бўлганларида ҳам давом этгани сир эмас. Ўзбекистон комсомоли Марказкоми ва ёзувчилар уюшмаси уюштирган ёш қаламкаш-

лар семинари ижод боғида ўтганлиги тарих эмас. Нақ тунов кунини ўтгандай. Шу куннинг Ҳусниддин, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф, Барот Бойқобил ва Охунжон Ҳаким, Нормурод Назрулло, Жамол Камол, Тўра Сулаймон, Ҳалима ва Ойдинлари, Олимжон Холдор, Азиз Абдураззоқлари, Тошпўлат Ҳамид ва Муҳаммад Алилари семинар дарсидан баҳра олганлардан. Булар кўп. Булар жумҳуриятимизнинг бурчак-бурчакларида ва кўпчилиги Тошкентда. Ҳаммасини эслолмай турибман. Семинар ва қизғин машғулотлар эсимга тушганда, суюкли шогирдларим ҳам кўз ўнгимдан ўтади ва кўзимга филт-филт ёш келади, севинч ёшлари. Кексалик аломатлари.

Машғулотлар ўта қизиқарли тузилар эди. Эрталаб, масалан, семинар қатнашчиларидан Суннатилла ҳикоялари ё бўлмаса Низомжон Парда, ёки Назир Барака шеърлари ўртага ташланарди. Ҳамма ўқиб келган бўлади. Айтилган гап ва фикрлар фақат бир ёш муаллифга эмас, ҳаммага сабоқ.

Кечқурун бирорта қаламкаш билан учрашув. Абдулла ака ёки Иброҳим Раҳим, Зулфияхоним ёки Яшин, Ҳаким Назир ва ҳоказо... Шеърят, ҳикоя ва романчилик, драматургия, болалар адабиёти, оғзаки адабиёт — ҳаммаси ҳақида машғулот ўтказардик ва ўта мароқли бўларди; негаки, гап конкрет асар устида борар, бунда назария, адабиёт билими ўша асарга чирмашиб кетар, ўша асар ёрқин кўзгуда намоён бўлар, қўша ҳоллари ҳам (агар бўлса), маймоқлиги ҳам, чўлоқлиги ҳам, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ойдин кўринар ва ёш қаламкаш теран тушуниб олар, дилдан рози бўлар, кейин тер тўкиб ишлашга бел боғлаб ҳамда янги асар туғиларди. Мен «Ёш ленинчи» ва Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги адабий тўғаракларнинг яхши анъаналарга амал қилишини ва тағин юксакроқ савияга кўтарилишини жуда-жуда истайман.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёш ижодкорларга тегишли қарорининг негизида замон талаби ва программали улкан бурч ётгани ёз кунидек ёрқин...

1975, январь

ЎЗ ТУҒРИМДА УЧ-ТУРТ ОФИЗ...

Туғилган жойим Қоратоғ этаклари — кўклам тошқинларидан лабларини ҳўллаб олгучи сойлар, қизғиш қирлар ва чексиз сайхонлар, онда-сонда бир учрайдиган музбулоқлар, тошқинлардан қолган кўллар...

Мен туғилган қишлоқнинг кунботарида қадим Туркис-

тон шаҳри, жанубда Утрор, Бойбалх харобалари, ундан нари — Сирдарё...

Минг уйлик қишлоғимиз тўрт қопқога бўлинарди: улуг қопқо, кичик қопқо, Саҳофота, Довудбобо. Қишлоқ ўртасидан Чимкентга катта йўл ўтади, қадим ипак йўли, нима учундир, қора йўл дейишади. Чингиз ёки кетма-кет қалмоқ босқинларидан кейин шундоқ аталгандир балки.

Қишлоқда, негадир, ҳалигача бир неча уруғ эсланади. Масалан: Қашқарлик, Бобой қараган, Қаламқош, Қалмоқ қараган, Яссилик, Утрорлик, Тўқли қараган ва бошқалар. Менинг уруғим Қоровулбобо... Қишлоқ ўртасида баланд ва кўламлик култепа бор; тепасидан қадим шаҳарларнинг қолдиқлари, ҳатто олис Туркистон, Яссавий мақбараси кўринади. Култепа ўртасида Темир ё Улуғбек ўрнатган ўлкан сандиқдай кўктош бор. Еттинчи бобомгача шу тепада қоровуллик қилибди. (У кезларда қишлоқ айланаси кўрғон экан-да!) Боболарим бари полвон, яъни аскар экан. Олисдан ёв кўринса, ноғора урилиб, ҳамма кўрғонга тиқилар, аскарлар кўрғон дарвозасидан чиқиб, ёв билан олишар экан. (У замонларда тез-тез жанг бўлиб турар экан-да...)

Қишлоғимизга Қоратоғдан икки ариқда сув келарди, лекин ер чексиз. Шу вайдан сув жанжаллари, ола-суронлар тез-тез бўлиб турарди. Экиннинг тури кўп: ёзлик ва кузлик буғдой, тарик, нўхат, арпа, пахта... Асосий мева — қовун. Ёспирай, у қовунлар!.. Қовунқоқи, қовунқурти, шинни қилмаган уй кам бўлади. Шунинг учун бизнинг қишлоқ лақаби — мўнди. Шаҳарга мўл-кўл шинни, қўлбола шароб мўндиларда олиб тушилганлигидан шу лақаб тўқилгани аниқ.

Тўй-томошаси ё улоқ, ё пойга, ё кураш, ё бўза билан ўтарди. Ҳатто чоллар ҳам жўра бўза ичишарди. Мачитга бўзалик уйдан киришиб-чиқишаварарди. Кўп кўрганман. Бўзани тариқдан қилишарди. Жўра бўзанинг қоидалари қотагон: биринчи қордан тўй-томоша, қорхат гайтаклари жўра бўза шов-шувлари бошланади. Чоллар бўлак, ўрта ёшлар бўлак, йигитлар бўлак. Уйлар чор харилик ва шип ўртасида туйнуклар бўлар, уй ўртасида гулхан, тутуни туйнукдан кўкка ўрлар, каттакон хумда тўла бўза, эшикнинг томонида бий, чап чомонида эшик оғаси ўтирар, давр — кундуз эшик оғасида, оқшом — бийда. Уйда қирқ йигит. Давр-эғаси, яъни эшик оғаси ё бий қанча коса ичса, ҳамма ўшанча ичиши шарт. Ичолмаган — айбдор қайт бўлади. Даврдан чиқиб кетади. Ё ов қилиб, бир нима отиб келади, ҳеч иложи бўлмаса, бир кучоқ ўтин кўтариб киради. Жўра бўзадаги биронта одам ўзга жўрага меҳ-

монга чақирилса, бийдан рухсат олади. Агар борган жойида бирон номаъқулчилик қилса, жазога тортилади. Бий буйруғи билан музлаган ариқ тешилиб, гуноҳкор устидан қирқ челақ сув қуйилганини кўрганман. Ҳеч ким уни ажратиб ололмайдди ҳам, ўртага тушолмайдди. Ҳатто мингбоши. Фақат мачитдан биронта мункиллаган чолни олиб келишса, ўша тилаб олиши мумкин холос. Бир гуноҳкор устидан йигирма челақ сув қуйилганда (қалин қор, аёз эди!), чоллар ўртага тушгани ва қутқариб олгани кўз ўнгимда. Бўза бирин-кетин қирқ уйдан ўтади. Кечаси базм. Қўш-қўғ бўлиб, кўна дунё (қўшиқ) айтишади, қўшиқ айтмаган ё ўйнамаган одам кам. Кўна дунё шу қадар мунгли, дардли қўшиқда замондан зорлик садолари, ҳасрат ва ҳикмат лим-лим...

Бўза ичдим бошга чиқди хумори,
Ёр қўйнида қолди бўйним тумори.
Ҳеч баҳона топмас эрдим боргани,
Хўб баҳона бўлди бўйним тумори.

Даричадан ой тушибди юзима,
Сендан ўзга ёр кўринмас кўзима:
Сендан ўзга ёр кўринса кўзима,
Ўлимни раво кўрай мен ўзима.

* * *

Қаршидан қор бўрайди, бунда қиров,
Ақлим билан ҳушимни олди биров,
Ақлим билан ҳушимни олса биров,
Етса молим, етмаса — бошим гаров.

Буюк-буюк тепада қуёш ўлтирур,
Йўқчилик бошимга кулфат келтирур.
Йўқ бўлиб, иту қушга хор бўлгунча,
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.

Бўзани кўп ичмангиз, кайф этади,
Барчани бирдек яратсанг нетади?
Ҳаммага қўниб ўтган пастки давлат,
Бизга ҳам тушланиб, ўтсанг нетади?

Мен бу сатрларни болалигимда эшитганман, қаранг, ҳануз эсимда, баъзан варақлаб ўтириб, ўша болалигим ўтган қишлоқ ва ўша ғариб ҳаёт кўз олдидан ўтади. Ўша кунлар мағзини чақсам, бўза ёз бўйи тиниб-тинчи-маган деҳқоннинг қишки ҳордиғи — кўнглини ёзиши ва кўҳна дунё бўзагарнинг ноласи экан, холос. Чунки қишлоғимизда тўкма гап деган йиғиллар ҳам бор эди, бу

Йиғинларда сўқим сўйилар, қазии-қарталик, норину ҳасиплик баркашлар тортилар, яъни давлатмандларга хос... У йиғинларда шаҳардан хонандалар келар, созанда-ю (қирқ кокил) аёл кийимида ўйнатилар, қийқириқ баравж ва шишалик шароблар гардун пиёлаларда айланарди. (Бўза ҳалол саналарди чамамда.)

Тилимиз дағалроқ, лекин жуда бой, оҳори тўкилмаган эртак, дoston, кўшиқ кўп. Айниқса лапар, ёр-ёр. Қовун пишиғида ҳам, кўш ҳайдаганда ҳам, кўзи боққанда ҳам, сув суғорганда ҳам кўшиқ канда бўлмас эди...

1910 йили, буғдой ўроғида шу қишлоқда туғилибман. Отам деҳқон ва чорвадор, она томондан — бобом мулла, мактабдор. Ота томондан бобом — узун бўйли, полвон жуссали, қизил юзли одам эди. Ирғий асосини тўқ-тўқ ерга уриб юрганда, ер титраётгандай. Она томондан бобом — ўрта бўйли, чарақлаган қора кўзли, қора ва чечан одам эди. Мен бир-икки йил шу бобом мактабида ўқидим. Биров дастали тахтага ёзуғли алиф, бе, те, сени қайтаргани-қайтаргани (шифтга қараб), бировда ҳафтияк, бировда чоркитоб, биров қуръон ёдлаш билан банд. Ғовур. Бобом ҳам тўрда ўтирар, ҳар кун эрталаб талабаларини бир синовдан ўтказар, кейин ўзи ҳам далоийилга тушиб кетар, ўтирган жойида мудраб ҳам қоларди. Мен кейин қишлоғимизда очилган нўғай домла мактабига ўтдим. Домламизнинг оти Асфандиёр эди, хотини Хуршида хоним қизлар мактабини юргизар эди, ўта чиройли ва ўта маданиятли хотин эди. Тўқай шеърларини ёд ўқир ва суҳбатида ҳар қандоқ терс одамни ҳам ўзига ром қилгучи куч-жозоба бор эди. Нўғай домла жиккаккина, ёқимли ва мулоим киши бўлиб, урмас-сўқмас, уялтирар эди, холос.

Тез савод олдим. Нўғай домла ҳозир ҳам тирик, давлат нафақаси олади. Умуман, чизиб ўтаменки, Туркистон ўлкасида биринчи янги усул мактаблар очган ҳам, биринчи газеталар ҳам, биринчи ҳарф терувчилар ҳам рус ва Европа маданиятининг биринчи тарғибчилари ҳам, биринчи таржимонлар ҳам татар қардошлар бўлди.

Мен ўнлаб ўшандақа фидойи одамларни биламан ва дилимдан ардоқлайман. Жуда кўп ўқувчилар қаторида суюкли ва қимматли Асфандиёр домладан мен ҳам чексиз миннатдорман.

Тошкентга 11 ёшимда келдим. Онадан уч қиз, икки ўғил эдик. Лекин ўзга уч онадан ҳам укаларим бор эди. Иккинчи онам қозоқ (Терскайлик), учинчи онам татар, тўртинчи онам ўзбек қизи эди. Ўз онам оламдан ўтгандан кейин қозоқ онам ўз боласидай менга меҳрибон бўлди.

Тўртинчи онам узатилиб келмасдан ажал тирноғида кетди. Ёш татар онам ҳали ҳам тирик.

Онам кичкина, қора, ориқ, меҳнаткаш, ўта мушфиқа, ўта мақолгўй аёл эди. Сўзи мақолсиз бўлмас эди. Бувим билан бирга турардик. Бизни гўдакликдан меҳнатга ўргатган онам бўлди.

Кейинчалик мен ҳамма оналаримдан келган укаларимга оға бўлдим. Опам йигирма беш йил тўқимачилик комбинатида ишчи бўлди, ҳозир нафақада. Укаларим қишлоғимда — совхозда, увалик-жувалик. Сингилларим ҳам бола чақали, жияним кўп...

Хўш, ота панасида кун кўриш, эс танигандан кейин оғирроқ бўлиб қолди. Меҳрибон ва тадбирли бувим ва онам ёрдамида Тошкентда ўқиб юрган амакиваччам билан кечаси қочиб кетганман. Чунки иккала бобом менинг Тошкентда ўқишимга қарши эди...

Шундай қилиб, 11 ёшимда «Алмай» номидаги иш мактабига (интернат, Бешёғочдаги ҳозирги музика билим юрти) жойлашдим. Икки йилдан кейин янги шаҳардаги Улка ўзбек эрлар билим юртига кўчдим. Иш мактабида ҳам, билим юртида ҳам ўзимиз экар, ўзимиз йўғар эдик, ўзимиз тикар, ўзимиз кияр эдик. Деярли ҳамма ҳунар ўргатилар эди. Оғир йиллар эди, то 1924 — 1925 йилларгача хўрагимиз ҳар куни икки ё уч марта бир бурдадан қора нон ва тушлик бир чўмич бўтқа эди. Иш мактабининг боғи Чилонзорда, билим юртининг боғи Кўктерақда эди. Ёз бўйи ҳамма боғда ишларди ва рангга қон, бўйга жир битиб қайтишардик. Билим юртида ўқишлар оғир, ўқитувчилар талабчан, кечалари алламаҳалгача совуқ бўлмаларда дарс тайёрлардик.

Бизни рус тили ва рус поэзияси дунёсига олиб кирган рус тили ва адабиётидан ўқитувчи В. Пальмин бўлди. У илгари шу бинодаги (билим юрти биносидаги) гимназияда дарс берган, демократик кайфиятдаги бақувват одам эди, Пушкин шеърларини, Лермонтовнинг «Исмоилбек»ини шундоқ ҳаяжон билан ўқир эдики, оғзимиз очилиб (ҳали унча тушунмасак-да) тинглар эдик.

Кутубхонада ҳам рус классиклари асарлари етгулик эди. Биз таталаб, ўқиганимиз-ўқиган. У вақтда луғат ҳам йўқ. Ҳар қалай кейин тушуниб кетдик ва севиб қолдик. Кейин шаҳар кутубхонаси ва эски шаҳардаги кутубхонага борадиган бўлдик. Татар ва озарбайжон тилида китоблар, журналлар кўп бўларди. Талашиб ўқирдик...

Биринчи шеърим 1926 йили «Ёш ленинчи» газетасида пайдо бўлди. Унгача мактаб деворий газетасида қатна-

шардим. Биринчи шеъримнинг босилишига ва ундан кейинги ўсишимга сабабчи — сеvimли ва унутилмас ўқитувчим, улкан адабиётшунос Олим Шарафутдинов бўлди. Менга чин дилдан кўмакдош, маслаҳатчи эди. Шеърларимга баҳо берувчи ҳам, йўллагувчи ҳам, китоблар келтириб берувчи ҳам, тема аниқловчи ҳам ўша эди. (У Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо қилиб сайланганда, Беларуссия frontiда ҳалок бўлгани тўғрисида хабар келди). Менинг ёзганларим дарсда муҳокама қилинар, синфдошларим ҳам менинг силжишимда қатнашгандай... Ёзганларим мактаб кечаларида, байрамларда ўқилар, радиодан ва катта йиғинларда ўқилар, баъзан ўзим ўқир эдим. Мендан ёши улуғроқ ва тажрибалироқ шоирлар ҳам бор эди албатта.

Давр қизгин ва қайноқ эди. Нима кўп — намоёиш кўп. Қор, қора совуқларда оёқда чувак, дилдираб жанггоҳ майдонига намоёишга тушардик. То жанггоҳга боргунча, ўнлаб қинғир кўча айланардик. Урда кўприги ҳам қийшиқ ва арава ўтганда силкиниб турарди. Нима кўп — чойхона кўп, нима кўп — раста... Ўша вақтдаги Тошкент билан ҳозирги Тошкент фарқи — ўҳ-ҳў! — жуда катта...

1925 йили билим юртида Охунбобоев номидаги пионер уюшмаси тузилди. Самарқанддан (Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти) ўртоқ Йўлдош Охунбобоев (биринчи президент) келиб, йиғин ўтказиб, пионерлар формасини, дўмбира, байроқ, чолғулар олиш учун минг сўм бериб кетди. Минг сўм катта пул эди!

Вожатийимиз Жавлон Раҳмон, кейин Олим Амний (ҳозир фан доктори) эди. Пионерлик энг оташин вақтимиз эди: бирга дарс тайёрлаш, шаҳардан ташқари юришлар, ўйинлар, тўгараклар, ҳунар эгаллаш... Ҳозирги куннинг жуда кўп олимлари, академиклари, сиёсий арбоблари, ўқитувчилари, санъаткорлари, докторлари, журналистлари, ёзувчилари ўша оташин пионерлик ва тиниб-тинчимас комсомол мактабини ўтган ўртоқлардир.

Комсомол сафида мен эски шаҳар ишчи ёшларининг «Кўк кўйлак» труппаси учун шеърлар (қўшиқ учун), декламациялар, бир пардали драмалар, лапарлар ёзиб бера бошладим. Бу вақтда мен рус комсомол шоирларини ўқир, ўрганар, Маяковскийга кўника бошлаган эдим.

Биринчи китобим («Шуълалар кўйнида») 1928 йили араб алифбосида босилган эди. Сочма шеър у вақтда қарийб етакчи жанр бўлиб, йиғинлару намоёишларда, митингларда, байрамларда ва радиода менинг сочмаларим ҳам қайта-қайта ўқилар эди...

1929 йили билим юртини битириб, Ўзбекистон комсомол марказкоми йўлланмаси билан Самарқандга бордим; ҳам Педакадемияда ўқидим, ҳам ўртоқ Охунбобоевга тўртинчи шахсий котиб бўлиб ишладим.

Самарқандда мен унутилмас Ҳамид Олимжон ва бошқалар билан танишдим. Янги танишлар билан бора-бора дўстлашиб кетдик. Шеър ўқишардик, тузатишардик. Уша вақтдаги машҳур рус комсомол шоирларини таржима қилишардик.

Ушандан буён институтларда марксизм-ленинизм ва адабиётдан дарс бердим. Редакцияларда, театрларда адабий эмакдош, ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, нашриётларда редактор бўлиб ишладим. Йигирма йил бўлди — Ёзувчилар уюшмаси ёнидаги ёш қаламкашлар семинарини тебратаман.

Эса борида айтиб қўяй. Яқинда мен қишлоғимда бўлдим.

Тўрт колхоз (тўрт қопқо) бирлашиб, бир улкан хўжалик бўлибди. Узоқ Арис дарёсини бўғиб, Туркистон далаларига келтиришибди. 380 гектар боғи бор. Қишлоқнинг кунчиқар томонидан ариллаб Арис оқмоқда.

Поэзия ҳаёт янгроғи эмиш... Одамзод шеърятга бешикдан ошно бўлиши афсона эмас-ку. Она алласидан... Кейин қўшиқ унинг қалбидан жой олади, кейин жумбоқлар, эртақлар — сеҳрий дунё — девлар, аждарлар, тилсимлар, жодугарлар ва ҳаммасидан устун одам. Кейин сабза мўйлов вақтида бола ўзи ҳам қофиялик сўз айтишга киришиб қолади. Кейин, Жуманбулбул дostonлари, Ойбек шеърлари ўсмирни Навоий ва Атоий, Пушкин ва Маяковский кўчасига етаклаб кетади. Эҳтимол меннинг поэзияга иноқлигим ҳам она алласидан бошлангандир:

Эркатоим қайда экан?
Асқар-асқар тоғда экан.
Асқар тоғда нетар экан?
Қўзи ҳайдаб кетар экан.

Қўзилари қайда экан?
Қўм-кўк ўтлоқ жойда экан.
Қўнар жойи — кўк булоқ,
Бўри, қашқир кўк овлоқ.

Кейин бахши дostonларига қулоқ солдим. Савод олгандан кейин қўймай ўқидим. Таржима қила бошладим: Пушкин («Танланган шеърлар», «Руслан ва Людмила», «Шоҳ Султон ҳақида эртақ», «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ»), Лермонтов («Қалашников ҳақида», «Исмоил-Бей», «Шеърлар»), Некрасов («Русияда ким яхши

яшайди»), Шевченко («Чўри»), Ш. Руставели («Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»), «Манас» (қирғиз эпоси). Г. Гейне, А. Тўқай, Абай...

Шуни чизиб ўтаманки, ҳар таржима мен учун бир мактаб бўлди.

* * *

Кўклам тошқинларидан пайдо бўлган кўл кўп бўларди: Етим кўл, Теран кўл, Чўчқа кўл, Кўк кўл...

Кўл қирғоқлари қалин қамиш ва чакалак. Бўри ҳам бўларди, чўчқа ҳам, ўрдак ҳам бўларди, тустовуқ ҳам. Кўл айланаси ва Сир бўйи ўтлоқларида қозоқ ўтовлари оқариб, кўкариб, қорайиб, саратон саробларида олисдан титраб кўринарди. Яйловда қўра-қўра қўзи, нортауялар, соғлом биялар ёйилиб юришар. Эшакдай-эшакдай теват итлар чўпонларга кўл-қанотдай, сурув атрофида парвона. Агар чўпон ҳайт-ҳайтласа борми, от устидан юлиб олишдан ҳам тоймас кўппаклар — бўрибосарлар. Чўпонғиж-ғижламаса ўтқинчи ё кўноқ билан унча иши йўқ.

Қозоқдан томирим бор эди. Етимлар уруғидан Нуракай чолнинг ўғли Жақиб. Уни онаси ва отаси эркалатиб Жақан аташарди. Жақан қишда бизникида бўлар, мен билан нўғай домлага қатнар, ёзда эса мен Жақанларникида бўлар, ойдин тунларда кўл бўйларида бекинмачоқ ўйнар ва қозоқ тўйларида айтишувлар ва бахшиларни тинглардим. Сир бўйи элатларининг номдор куйчиси Эловсиз оқинни кўп тинглаганман. Қозоқ онам тамом ўзбеклашиб кетганидан, мен қозоқ тилини ўша Жақиб дўстим овулида сувдай ўрганиб олдим ва бу менинг Абай ва Абдулла Тожибойни қийналмай таржима қилишимга негиз бўлди. Кейин ўттизинчи ва қирқинчи йилларда «Қорақалпоқ дафтар»имнинг яралишида ҳам, «Қирқ қиз» достони билан Бердақни таржима қилишда ҳам қозоқ тилини билганим ёрдамга келди.

Қардошлик темаси шеърларимнинг темаларидан бўлишига ҳам қардош тиллардан хабардорлигим шарофати, деб ўйлайман. «Қирғиз дафтари», «Қозоқ дафтари», «Туркман шеърлари» ва бошқа халқларга бағишланган шеърлар аввало тил, сўнгра ҳаётдан хабардорлигим, юрганим-кўрганим шарофатидир!

Эллигинчи йиллардан Ленин темаси ижодимда ўзак темага айланиб кетди. Кўп ўқидим, кўп ўргандим. Тарихий ҳужжатлар асосида Ленин ҳақида воқеабанд шеърлар дунёга келди... («Ленин жилмайиши», «Тўй», «Тўқсон икки», «Ленин ва Ражаб бобо» кабилар.)

Мен ҳозирги ёшларга ҳавас қиламан. Халқ адабиё-

ти, классик адабиёт, қардош халқлар адабиёти, етакчи рус ва Европа адабиёти ўз тилимизда йил сайин кўпаймоқда. Ўрганиш учун шарт-шароит шай. Ҳозир ёмон асар ёзишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Асарларимнинг уч жилди ўзбек тилида ва бир жилди рус тилида нашр этилиши ва менга халқ шоири унвони тақилиши мени янги чўққиларга ундамоқда.

Бошимга синоғлиқ кунлар ҳам тушди. Лекин ёзидан, таржимадан ҳеч қачон тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтолганим йўқ. Мендан нон ва туз аямаган, ҳам шараф бағишлаган халқимга ҳали мен кўп қарздорман.

1975

ЛЕНИНДАН МИННАТДОРМАН

Мен қишлоқиман. Қишлоқи бўлганда ҳам гирт қишлоқи. Олисдан келганман. Маълумки, Тошкент илгари ҳам худди ҳозиргидек Ўрта Осиёнинг маданият ва маърифат маркази эди. Саноат корхоналари ҳам бошқа шаҳарларга кўра Тошкентда мўлроқ эди. Демак ишчи синфи бор эди. Ишчи синфи бор шаҳар ҳаминша илғор ва етакчи бўлишига далил ҳожат эмас. Ўрта Осиёнинг ҳамма бурчакларидан илм мақсадида ҳам, иш излаб ҳам бу шаҳарга кўпчиликл келиб-кетарди.

Мен 1921 йилда Бешёғочдаги Алмай номли тажриба-иш мактабига жойлашдим. Иш мактабининг Чилонзорда жар бўйлаб улкан боғи бор эди. Дарсдан кейин ва ёз бўйи боғда ишлар эдик. Тўғриси айтсам, бу боғ мактабининг нонхонаси эди. Чунки мамлакат ҳали етим-есирларни боқишга қодир эмасди. Ўзимиз экиб, ўзимиз тикиб, ўзимиз йигиб, ўриб, туйиб олар эдик. Жўхори ҳам, мош ҳам, нўхот ҳам, ловия ҳам ўз меҳнатимиздан эди. Думбул бўлса, бас, оғзимиз тиңчимасди, пишганда ҳам мактабда ҳар кунни бир марта бериладиган бўтқага мадад эди. Айниқса, ҳар қайсиси қулоч етмас ёнғоқлар бизни тўқ тутар, қўлимиз, оғзимиз қорайиб кетар, қишга ҳам қоп-қоп олиб келардик.

Тарбиячиларимиз ўша вақтнинг илғор маданиятли, меҳрибон педагоглари эди. Мактаб директори Назрулло Иноят деган машҳур педагог эди. Мактабда тўқсон тўққиз фоиш деярли Ўрта Осиёнинг бурчак-бурчакларидан келган болалар бўлиб, кўпроғи Фарғонадан, Хоразмдан Хўжанддан, Чимкент ва Туркистондан эди. Бу мактаб даргоҳида Иззат Султон, Жуманиёз Шарипов, марҳум Абдулла Зоҳидов, шоир Эргаш Неъматулло каби талай маърифат ва маданият юлдузлари тарбияланганлар. Мен эсим-

да бориши айтдим, холос. Икки йилдан кейин мен амакиларим ўқияпган ўлка ўзбек эрлари билим юртига ўтдим. Бу янги шаҳар территориясида, САГУга (ҳозир ТошДУ) ёндош эди. Бу ерда дарслар жиддийроқ ва энг кераклиги рус тили ҳам ўқитиларди. Юқори синфларда олий математика ҳам бўлар эди. Тўрт амалдан нарисига ақли етмайдиган болалар учун алжабр сўзи нечоғлиқ сеҳр ва жозиба касб этишини тасаввур этинг. Ардоқли билим юртимиздан баландроқ, савияси юқорироқ мактаб йўқ эди, десам янглишмасман. Билим юртида ўша вақтнинг зўр адабиётшуносларидан профессор Абдурахмон Саъдий, Саидолим Шарафиддинов, Қайом Рамазон ва бошқалар дарс беришарди. Улар жуда меҳрибон ва талабчан педагоглар бўлиб, кечаси соат бирларгача мактабда айланишгани-айланишган эди. Кечқурун физика, химия лабораториялари, шахмат ва драмм тўгараклари ишларди. Совуқ хоналарда очин-тўқин таҳсил олардик. Билим юртининг Кўктеракда ҳам улкан, юриб у чеккасига етгунча киши чарчайдиган боғи бор эди. Турли-туман навли олмазор, узумзор, шафтолизор, ёнғоқзор, йўнғичқазор, пахтазор ва бошқа экин-тикинлар мактабни боқар эди.

1924 йилга келиб, емак тўлиб-тошди. Ошпаз: «Бугун тушликка нима пиширай? Ошми, шавлами, мошкичирими, лағмонми», деб сўрайдиган бўлди. Эрталаб ва кечқурун биттадан оби нон ва бир неча чақмоқ қанд дастурхонга қўйиладиган бўлди. Бировда тўп, ўзгасида чорик, учинчисида аскар тужеркаси, яна бошқасида ямоқ шим, биров қалпоқ, биров телпақда, биров дўппи, биров шапкада бўлса (яъни ярим юпун), шу йилдан бошлаб ҳаммага бир хил палто энгил-бош, скороход ботинка, бир хил бош кийим берилди. Байрамларга чиққанда то жанггоҳга етгунча ўнлаб қингир кўчалардан халойиқ бизга қараб, кўнгли тўлиб, жилмайиб туришлари ҳануз кўз олдимда. Билим юртидан ҳозирги куннинг давлат арбоблари, алломалари, кимёгарлари, шифокорлари ва тупроқшунослари, санъаткорлари ва қаламкашлари, маърифат заҳматкашлари етишиб чиққанлиги билан фахрланаман. Рўйхатга зарурият йўқ.

Мен ҳам қатордаги қаламкашман. Қўлимга қалам тутқазган шу билим юрти бўлди, ундаги юксак тарбия ва Саидолим Шарафиддинов каби устозларнинг қўллаб-қўлтиқлашлари, меҳри сабаб бўлди. Қаламкашлигимга негиз шу билим юрти бўлиши билан фахрланаман.

1929 йили билим юртини тугатиб, биров Москвага, биров Ленинградга, биров САГУга, мен эса Самарқанддаги Акмал Икромов номли педакадемияга кетдим. У ерда Ўз-

бекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси Йўлдошбой ота Охунбобоевга тўртинчи шахсий котиб бўлиб ишлар, унинг маданият бобидаги масалаларига ва матбуотда чиқишларига қарашар ҳам академияда ўқир эдим. Баъзан унутилмас Ҳамид Олимжон икковимиз унинг Ўзбекистон бўйлаб сафарларига ҳамроҳ бўлар ва унинг меҳнаткаш халқ билан суҳбатлари, учрашувлари ҳақида лавҳалар, очерклар ёзиб келар эдик. Йўлдошбой отанинг сафардаги ҳамроҳлари камида 25 киши бўлар эди.

Халқ билим ва ёруғликка чанқоқ эди, халқ ер-сувга орзуманд эди, ҳал бўлишини кутган масалалар бесаноқ, кадр етишмас. Қадам-бақадам республика илгари интилар, йил сайин янги мактаблар очилар, янги корхоналарнинг пойдеворига гишт қўйилар, янги ёруғлик ўчоқлари дунёга келар, эртанги куннинг порлоқлиги аён кўрина бошлаган эди. Ахир тўртга бўлиниб кетган, тарқоқ ўзбек халқи ерларини Ленин ва унинг партияси бутун жумҳуриятга бирлаштирган эди-да.

Агар инқилоб бўлмасайди, меҳнаткаш халқ эрк олма-сайди, заводлар ишчиники ва ер экиб-тикканники деган шиор амалга ошмасайди, агар мактаблар очилмасайди, агар мендақаларнинг кўзини очиб, бошини силаб, қўлимизга қалам тутқизмасайди, агар газета-журналлар дунёга келмасайди, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Аъзам Айюб, Саидғани Валиев, Сотти Ҳусайн, Абдулла Ўразай, Маҳаммад Ҳасан каби қалам устолари мендақа ёшларни қўллаб-қўлтиқламасайди, тўғри йўлга бошламасайди, қайдам, ким ва нима бўлар эдим? Мен ҳам миллионлаб юртдошларимдай ғарибона бир ҳаёт кечирар эдим-да! Не-не порлоқ истеъдодлар бевақт сўнганлиги, не-не қобил инсонлар ботқоқларда беном кетгани оламга сир эмас-ку?

Инсон бўлдим,

Эркин инсон, алп инқилоб даласида.

Карвон бўлдим,

Йўлга тушдим улуғ Ленин шуъласида.

Инсоф билан ўйлаб, ўтилган йўл мағзини чаққанда шу инқилоб берган чинакам бахт, янги бахтнома берган чинакам эрк, ҳақ ва ҳуқуқ, чинакам тенглик, дил-дилдан ифтихор этгулик Ватан, шундоқ Ватан учун фидойилик туйғуси, чинакам инсонга хос камолот, билим ва маданият, ёруғ келажак кимда бор ва қайда бор? Ҳеч кимда ва ҳеч қайда! Миллионлаб ватандошларим қатори бахтлиман, Лениндан миннатдорман.

1977, октябрь

АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР



Устозлар

ШОТА

Грузия халқининг санъаткор ўғли, буюк шоири Шота Руставели жаҳонга таниқли азамат сиймолардан биридир. Алл санъаткор яратмиш «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» поэмаси ўрта асрлардаги Грузия маданияти ва адабиётининг авж нуқтаси десак бўлади.

Грузин халқи ва грузин адабиётининг фахри бўлмиш бу дев қаламкашнинг умр йўли ва яшаган муҳитига оид маълумот ё ахборот, афсуски, ёзма тарихда йўқ. Яхшики ўлмас санъаткор ўз асарини малика Тамарага бағишлабди. Тамара эса XII асрнинг сўнглари ва XIII аср бошларида Грузияда ҳукмдор бўлган тарихий ҳақиқат. Руставели шоирнинг тахллуси бўлиб, айни вақтда Грузиянинг Рустави деган қадимги кентида (ҳозир ажобтовур шаҳар) туғилганига ишорадир.

Руставели чинакам буюк сўз устаси, чинакам буюк ва дардли қалб эгаси, чинакам улуғ ғоялар куйчисидир. Унинг буюклиги — ўз асарида ўз замонасининг илғор идеалларини юксак маҳорат билан тараннум эта олишида, келажакни доҳиёна кўра билишида, келажакнинг ёруғлигига кишиларда ишонч туғдира олишида, одамларни фарқ қила билишида, ёвузлик устидан эзгуликнинг галаба қилишига ишонишида ва шу ишонч билан жанг қилишидадир.

Шота Руставели ўз ўлмас поэмасидаги юксак ғоя ва фазилатлар билан давр туманлари ва давр тўзонлари оша келажакка ёруғлик соча олган сиймолардандир.

Шота Руставели яшаган замонда Грузияда майда-майда ҳукмдорлар талай бўлиб, мамлакатни бўлиб-бўлиб юборишга тиш-тирноқлари билан ҳаракат қилишар эли. Бу Грузиянинг босқинчилар панжасига енгил ва қулай тушиб кетиши учун шароит ҳозирлаши Шота Руставелига жуда аён эди. Шу вайдан «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» поэмаси мамлакатда якка ҳукмдор — одил подшо ғоясини олға суради. Руставели замонасида бу ғоя илғор саналар эди.

«Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» поэмаси аввало севги ҳам вафо қасидаси, қолаверса, мардлик ва дўстлик симфонияси, инсон закосини чуққиларга кўтаргувчи жанр-жанрлар қўшиқдир.

Малика Тамара ҳукмдорлик қилган давр — Грузия тарихида маърифат ва маданият анча юксак, тараққий парварлик ҳаракати анча устуи давр саналади. Шота Руставели поэмасининг замирида ҳам замон идеали, яъни мамлакатни тарқоқ ҳолда эмас, балки ягона ва одил бир ҳукмдор қўлида кўриш идеали ётибди. Руставели мамлакатнинг бўлак-бўлак, чакана ҳокимлар қўлида қолишига жон-жаҳди билан норози.

Инсонлар ўртасида дўстлик, инсонлик барқарор экан, инсониятга ёвузлик ёндошолмас! Мана, буюк шоирнинг ўлмас таронаси. Шота Руставели бу ёрқин доҳиёна фикрини Тариэл, Афтандил ва Фаридун дўстлигида моҳирона чизиб беролгандир. Бу уч қаҳрамоннинг ажойиб ва эса қолгулик дўстлиги энг огир кунларда, энг даҳшатли жангларда, энг олис ва кўрқинч сафарларда тобланганлиги бежиз эмас. Агар шундоқ бўлмаса, дўстликнинг мангулигига ким ишонарди! Ҳинду Тариэл, араб саркардаси Афтандил, Мулкисангсор ҳукмдори Фаридун дўстлиги, биродарлиги, иноқлиги, ўрталаридан қил ўтмаслиги — киши қойил қоладиган ва қўшиқ бўлишга чинакам арзигулик иноқликдир. Бу уч баҳодир бир-биридан жон аямас, давлат аямас оға-инилардир. Шу билан бирга, бу дўстлик негизда бир-бирини дил-дилдан ҳурмат, бир-бирига дил-дилдан меҳр ва жўшқин ака-укалик туйғу-лари ётибди. Кажет қалъасини олиш вақтида бу дўстлик тагин ярқираб кетади: уч баҳодирнинг кенгаши, бир-бири учун фидо бўлишга шайлиги, жангдаги қаҳрамонлиги — ҳаммаси тагин ўша одамий дўстлик ва иноқликнинг ҳаётий манзараларидир.

Тариэл ва Нестан-Дарижон севгиси — чинакам ўлуғ қалбларга хос севгидир, сабр ва бардош, фидойилик сўнгида насиб бўлгувчи ишонгулик севгидир. Дарижоннинг вафодорлиги ҳам юксак вафодорлик нуқтасига кўтаририлгандир. Бу вафо шу билан бирга ватанга, юртга бўлган вафодир. Юрт тақдири, юрт эрки, юрт мустақиллиги тўғрисидаги ўйлар билан чамбарчас боғлиқ вафо бу!

Кажет қалъасидаги тутқунликда ҳам, чидаб бўлмас азобларда, саргардонликларда ҳам, Дарижон фақат севгани ва туғилган юртига содиқ, ифбатли ва ҳаёли ёрқин аёл тимсолидир. Бундан ташқари, ноэмада Тинатин (араб маликаси) образи ҳам донишманд, номусли аёл тимсоли да-

ражасида юксалгандир. Шу жиҳатдан Руставели поэма-сини ўрта аср Грузия ҳаётининг қомуси десак бўлади.

Шота Руставели поэмаси Шарққа хос образлар, манзаралар, маросимлар, тўй-томошалар, урф-одатлар шунингдек, мақол ва ҳикматлар билан тўлиқ. Шу вайдан ўзбек китобхонига ҳам жуда тушунарли.

Дунё адабиёт хазинасининг чинакам гавҳар донзари-ридан бири бўлмиш бу улуғ асарни таржима қилишда менинг ҳам жиндек меҳнатим борлиги билан шарафлиман. Асар мен учун ҳам улкан ижодий мактаб бўлгани аниқ. Аввало мен умуман грузин адабиётини ўргандим. Бу конкрет Шота Руставели асарига ўтиш учун босқич бўлди. Таржимада машҳур Георгий Цагарели томонидан русчалаштирилган нусхани асос қилдик. Шунини айтиш керакки, Георгий Цагарели таржимаси шоташуносликда оригиналга эга, яқин ва оммабоп таржималардан бири ҳисобланади.

Руставели поэмаси фожиалар, даҳшатлар, мушкулликлар билан нечоғлик тўлиб-тошмасин, поэма сўнги шодиёна ва зафар. Қаҳрамонлар мурод-мақсадларига етишадилар. Бу жиҳатдан асар халқ дostonлари мотивига жуда яқин. Уч баҳодир уч мамлакат жilовини қўлида тутиб, уни обод қилишга, адолат барқарор қилиш бахтига муяссар бўладилар.

Уч мамлакат тепасида уч баҳодир ҳукмрон,
Бир-биридан хабар олур, бир-бирига меҳрибон.
Ёв юртида қўзичоқлар сут эмишга зор бўлди,
Баҳодирлар ўлкасида бўри қўйга ёр бўлди.

Замонамиз ажойиб замон-да! Умумбашарий ғояларни куйловчи ноёб асарлар, қайси халқники бўлмасин, улуғ рус тили орқали социалистик миллатлар маданияти хазинасидан ўрин олмоқда. Грузин халқининг бу порлоқ гавҳар донаси ҳам ўзбек адабиёти хазинасида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» қаторидан ўрин олди.

Грузин халқининг аял санъаткори ўзбек халқига, ўзбек китобхонига ҳам Навоийдек азиз ва сеvimли. Чунки у ҳам ўз даврининг ўғли бўлибгина қолмай, келажакни олислардан кўролган даҳо, инсон закоси, инсон қудратининг улуғ куйчисидир.

1967

САИД ИМОДИДДИН НАСИМИЙ

Сайид Имоиддин Насимий тўйи шу қадар сермазмун ва сертантана бўлдики, таърифига қалам ожиз. Жуда

кўп чет мамлакатдан ҳам қўноқлар бор эди. Тўй қардош озарбайжон халқининг етук маданияти ва шеърляти тўйига айланиб кетди. Қойил, деса дегулик!..

Насимий 600 ёшга тўлган кун, айниқса, эсда қолгуси. Неча-неча тилларда унинг шеърлари ўқилиб, санъат саройи қуббасида акс-садо берар, дилларга тўлқин багишлар эди.

Насимийни тириклай товонидан тилишган ва терисини шилишган эдилар. Торобийдек, Муқаннадек, Улуғбекдек, Машрабдек улуғ Насимий ҳам жоҳиллар, қора кучлар панжасида ўлди. Унинг етук набиралари гавҳар шеърларини олтин ҳарф билан тошга ёзмоқдалар:

Менга сизга икки жаҳон
Мен бу жаҳонга сизмасман.

Бу олов сатрлар замирида жаҳон маъно, исён, зако, ўша замондан безганлик, яъни Насимий ётибди. Насимий тўйига ардоқли аллома В. И. Зоҳидов, шоир Нормурод Назрулла ва мен қатнашдик. Мен ойнаи жаҳон, радио ва адабий йиғинларда Насимийни ўзбек тилида ўқидим.

Насимий мангу ҳаёт сиймолардандир.

1974,

ДАҲО

Бугун улуғ рус халқининг даҳо шоири, оловқалб ва исёнкор ўғли, ўлмас устоз А. С. Пушкиннинг замон синовларидан губор юқтирмай ўтолган ва замон синовларига дош беролган ёрқин асарлари, порлоқ ақлу зако-си жаҳонга тагин бир қатла кўз-кўз бўлади. Зеро унинг жарангдор ва мардона шеърляти, арслон наърасидек овози ҳам тинган эмас, тинмайди ҳам. Унинг етук ва баркамол истеъдоди, янги давр яратолган асарлари бизга ўктам ва оловли бир қалбнинг дарду алам, севги ва севинчлари, армону изтиробларини етказиб келди. Тугал бир аср, ўзга бир дунё манзаралари, даҳшатлари ҳам фожиаларини, келажакка инону ишончларини моҳирона етказиб келди. У ўз халқи ва ўз асрининг илғор ўғли, бақувват санъаткор, келажакни кўролган ва келажакка ундаган сиймодир. Пушкин поэзияси асрдан-асрга ўтиб, тилдан-тилга ўтиб, диёр-диёр кезиб — ардоқланиб, дунёнинг олис бурчакларида ҳам доврўқ олиб, ўзга ва ёт элларда ҳам инсон қалбига олов солиб келмоқда. Шу вайдан у улуғ халқнинг юксак фаҳри ва чексиз обрўйидир.

А. С. Пушкин — ўзбек ўлкасида ҳам ўта ардоқли, ўта

севимли сиймо. Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг забардаст намояндалари ўттизинчи йиллардан бошлаб уни она тилимизга таржима қилишга киришганларча ва тўрт жилдлик асарлари китобхонга етказилганлиги, кўплаб нусхаларда тез-тез нашр этиб турилганлиги сўзимнинг далилидир.

Пушкин поэзияси билан танишлигим Тошкент Ўзбек эрлар билим юртида ўқиб юрган кезларимдан бошланган. Рус тили ўқитувчимиз, айниқса, Пушкин шеърларини тўлқинланиб ўқирди, биз тўла тушунмасак ҳам оғзимиз очилиб ўтирар, кейин ўзимиз ёдлаб ўқиб берар эдик. Ўқитувчи сўзи қулоғида, хурсанд бўлар, сўз ургуларини, тўхтаб ўтиш жойларини ўргатар эди. Кейин ўзимиз таталаб бошқа асарларини ўқишга тушардик.

Билим юрти кутубхонаси ниҳоятда бой эди-да. Кейин Пушкин таржимасига мен ҳам аралашдим. Мени Пушкин шеърларини таржима қилишга мароқлантирган ва ундаган, ўша вақтда Ўзбекистон ёзувчилари союзининг каттаси Раҳмат ога Мажидий бўлди. Мен таржималаримни Москвага (у вақтинчалик ўқинишда эди) Раҳмат ога адресига жўнатардим. У зерикмасдан, вақт топиб, сатр-сатр, шеърма-шеър кўриб, тўла-тўқис маслаҳатлар ёзиб юборарди. Мен қайта-қайта тузатардим. Шундай қилиб, Пушкин шеърлари менинг таржимамда алоҳида китоб ҳолида Пушкин вафотининг 100 йиллигида нашр этилди ҳам. Йиллар ўтган сари мен тўлдира бордим, шеърлар ёнига бора-бора эртақлар ва дostonлар ҳам қўшилганлиги ва бу асарларнинг қайта-қайта улкан нусхаларда нашр этилиб турганлиги азиз китобхонга маълум. Пушкин асарлари мен учун сабоқ бўлганлиги ҳам, шу меҳнат жараёнида менинг ёзганларимга ранг ва барқ инганлиги ҳам китобхонга маълум.

* * *

Пушкин шеърларида умумбашарий оҳанглар бениҳоя кўп, шунингдек нимаси биландир, Шарққа яқинлик, шарқликка тушунгулик жаранг ҳам кўп. Бу, шубҳасиз, буюк шоирнинг Шарқ тўғрисида кўп ўқиганлигидан, Қрим ва Кавказда талай кезганлигидандир. Эҳтимол Пушкин ўзбек китобхонига шу важдан ҳам яқин ва севимлидир.

Ҳозирги замон ўзбек шеърининг барқни ва ривожиди, кўрки ва камолотида ҳам улуғ Пушкин меҳнати — улуғ Навоий бобо меҳнатидан кам эмас, буни мен дадил ва баралла айта оламан. Пушкин асарлари ўзбек тилида пайдо бўлгунча ва Навоий китоблари кўп нусхаларда нашр

этилгунча қулоч-қулоч, китобхонни зада қилгучи, безлиргучи, тутуриқсиз, ғариб «шиғир»лар нечоғли кўп бўлганлигини эслайлик. Пушкин ва Навоий баҳор қалдирғочларидек ҳавога тозалик ва яшиллик, саринлик бағишлаганликлари тарих учун сир эмас. Пушкин ва Навоий шеърятимизни Маяковский ва Ҳамид Олимжон кўчасига бошлаб келгани ҳам сир эмас. Ўзбек совет шеърятининг умумватин оркестрида ҳозир ўз тори, ўз жаранги жаҳонга маълум — ҳар қандай ашаддий инкорчи ҳам инкор этиши маҳол, исбот керак бўлмаган ҳақиқат. Гулзорга кириб қолганинда турли-туман гул товланиши кўз қамаштиргандай, бугунги ўзбек шеърятини турли-туман бўёқларда ял-ял ёнмоқда. Эсга олиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган замонларда ўзбек халқи шеърят ошиғи, ўзбек юрти шеърят ўчоғидир. Айниқса Ленин замонасида шеърят ижодкор инсон тақдири ва инсон қаҳрамонлигининг ифодаси, яъни ҳаёт таронаси бўлмоқда. Ҳаёт зиддиятларининг бирлигини топа билиш драматург учун қандоқ зарур бўлса — шоир учун шунчалик зарур ҳозир.

Қофияни қофияга уриштиришдан шеър эмас, жуда омади келганда назм пайдо бўлади. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър тимсоллар силсиласидан дунёга келади. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър замон қўшиғи, жон озиғидир. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър ўқиғувчи дилидан шундай жой оладики, уни суғуриб ташлаш қийин. Ҳақиқий шеър бой-бадавлат тил хазинамиздан чертиб-чертиб, жонон пиёладай жаранг берган сўзларнинг маржондай ўз ўрнида ярқирашидан таркиб топади. Ҳақиқий шеър рассом чизган лавҳадай ёрқин ҳаёт манзарасидир. Ҳақиқий шеър ёруғ довоиларни етаклашга қодир, замон идеалларининг ҳайқирғидир. Мана, Пушкиндан қандай сабоқ олдик ва нималар ўргандик.

Пушкин бизнинг замонда фақат рус халқининг миллий шоири эмас, балки эллар, элатлар, халқлар шоири, прогрессив инсоният шоири бўлиб қолмоқда.

Ардоқли устоз! Сенинг жаранг овозинг улуг Россиянинг янғроғи бўлгани рост. Ўзинг айтгандай:

Шикаста нафс, лекин адл соз чалдинг,
Ер худоларини мақтаганинг йўқ.

Хушомаддан йироқ ва озод қолдинг,
Ўзингни бандаси атаганинг йўқ.

Фақат озодликни мақташ бўлди машқ,
Шеърлар ёздингки, эрк учун қурбон.

Шоҳлар эрмагига туғмабди замон,
Фақат озодликни ёқлаш бўлди машқ.

Даҳо устоз!

Ардоқли устоз! Сен ҳамиша олдинги қатордасан, ҳали сендан ўрганадиганимиз кўп!

1974

УСТОЗ

Александр Сергеевич Пушкин шеърлярида ватандошлик мотивлари ҳам, табиат тасвирлари ҳам, исён ва норозилик ҳайқириқлари ҳам, ошиқоналар ҳам, ҳажвиялар ҳам фақат ўзига хос, жозибали, бурро, эса қолгулик, булоқ сувларидек тиниқ. Сунъийлик ва ясамалик улардан неча-неча фарсах йироқ. Худдий оддий суҳбатдай, оддий сўздай аниқ. Лекин унинг тагида, унинг тамалида фикр ётади, мазмун ётади. Анов-манов фикр эмас, ўткир ва чуқур ҳам зарур бир фикр, замоннинг илғор ғояси!

Эй, илк дўстим, бебаҳо жўрам!

Қор қўйнида ғуссалар кўрам —

Ҳолни ўша ҳовлимга у чоқ

Сен келганда чалиб қўнғироқ,

Розини бўлдим толедан мен ҳам.

Сибирга сургун этилган декабрист дўсти И. И. Пушкинга атаб ёзган шеъри бу. Пушкин ўз бобо мулки, Михайловское қишлоғига сургун этилганда, дўсти Пушкин уни йўқлаб келган эди ва йиғлаб кўришган эди. Бу шеър маъзида ўша учрашув, икки ғоядош дўстнинг ҳасратлари, давр фожиаси ётади. Бу шеър машҳур «Сибирга мактуб» шеъри билан бирга Сибирга, декабристларга юборилган шеърнинг нақ ўзи.

Пушкин лирикаси ҳамиша унинг ўз кечинмалари, ўз беварида ва қувғин ҳаётидан бир парча, шу билан бирга у аср янгилиги, аср садосидир. Шу нуқтага назардан «Арион» шеъри ғоят характерли. «Биз кўпчилик эдик ўша қайиқда», деб бошлангучи бу шеър улкан умр қиссаси даражасига кўтарилгандир. «Кемани оқил дарға бошқариб бораётган эди, бирдан довул босиб келди ва ҳамма сувга чўкди, фақат мен — уларнинг сирли куйчиси омон қолдим. Тўлқин мени қирғоққа отган эди. Қоя тагида ўша қўшиқларни ҳамон айтяпман», — дейди шоир. Бу Пушкиннинг декабристлар билан чамбарчас боғлиқлигини ва тасоффани (ўша исён кунини Сенат майдонида ҳозир бўлолмаган) сургундан қолгани, лекин ҳамон ўша буюк ғоя куйчиси эканлиги рамзий сатрларда содда ва қисқа тасвирлангандир. Ё мана бу «Қиш оқшоми» шеърини олайлик:

Бўрон, зулмат осмонни тутар,
Қор қуяни қилади ўйин.
Дам ҳайвондек бўкириб ўтар,
Дам гўдакдай йиғлоқи бир ун.

Эски томдан похол тортади,
Гувлаб, бирдан солади шовқин,
Дарчамизни келиб қоқади —
Дам кеч қолган йўлчидай юпун.

Кўҳна кулбам, кичкина уйим
Ҳам ғамгин, ҳам зулмат қўйнида.
Сен нимага, бечора бувим,
Жимжит қолдинг ойнак тагида?

Чарчатдими бўрон увлаши,
Зерикдингми, бувим ё эса?
Ё мудратган дугинг товшими,
Ҳоридингми ёки бўлмаса?
Кел, ичайлик, меҳрибонгинам,
Шўрлик ёшлигимнинг ҳамроҳи...

Бу фақат Россиянинг қаҳратон қиши тасвири эмас, доҳиёна қиш тасвири тагида шоирнинг ўз энагаси Арина Родионовнага оташ меҳри, одамийлиги, сургунда юрган пайтида энагасига тагин юз қатла боғланиб қолганлиги, энагаси айтган эртақлар негизда ажойиб янги эртақлар дунёга келганлиги — қисқа айтсак — балодийда ҳаётнинг бир бўлаги бу! Энагасига худди фарзанддай ҳурмат ва соғинч оҳанглари нечоғли табиий содда, халқона ва кўнгилни сел қилишга қодир жўшқин! Бу шоирнинг шахсини очиб бергувчи бир деталь, бу унинг шахсий кечинмаси, бу бақирёқ эмас, бир ишора холос. Ўша замон сайлида саргардон, қувғин тақдири, Бенкендорф зуғуми, эркисизлик азоби ва барча азият ва уқубатларга бир ишора — лекин машҳур декабрь исёнидан кейинги тарихий ур-йиқитларни кўз олдингизга яққол келтирадиган сиёсий жарангга эга шеър!

Пушкин лирикаси ҳамиша бирон воқеа — ё шодумонлик, ё айрилиқ ифодаси бўлиб туғилади-ю, тор доирадек кўринади, аслида катта бир ҳодиса тасвири, бақувват бир мазмунга — бир садога айланади-қолади.

Шоир қаламига мансуб «Денгизга», «Эркинлик», «Анчар», «Чаадаевга атаб», «Бохус қўшиғи», «Арион» каби шеърлари эса очиқ-ойдин эрка ташналик ҳайқириқлари ва ундовларидир.

«Шоҳ қишлоғи хотиралари» шеъри — унинг болалик машқларидан. Лекин бўлажак буюк шоир қалами шу

шеърдан ҳам ошкор кўринади. Маълумки, бу ёрқин қасида лицей имтиҳонида шоир томонидан ўқилган ва мудраб ўтирган кекса шоир Державин кўзини оча, қулоқ солган эди.

Гуссали тун пардасин осмиш
Мудроқ осмон равоқларида.
Водийларни сукунат бағрига босмиш,
Ўрмон оплоқ туман қучоқларида.
Сал шилдирар эманзор соясида шошган сой,
Сал пичирлар уйқучан шаббода барг-ўтларда.
Сузиб юрар каттакон оққуш янглиғ тўлин Ой —
Кумуш ранг булутларда.

...Бунда кўрдим: сарвига чирмашибдир мажнунтол,
Соялари жимирлар сувнинг биллур мавжида.
Далалар маликаси нилуфар мағрур, хушҳол,
Дабдабаси, зийнати, гўзаллиги авжида.

Фадир-будур тоғлардан тушар бебош шаршара,
Марварид дарё бўлиб оқар, қайнашар,
У ёнда, соқит кўлда пари қизлар шўх, сара,
Эринчоқ тўлқинларни сачратишар, ўйнашар.

Нечоғли тиниқ, ўзига тортиб олгувчи тасвир — Ватан туйғуси, Ватанга ошифталик туйғуси бўлса шунчалик лади-да!

Мен Пушкин шеърлятига хос жўшқин ирмоқларининг биттасигагина жиндек тўхталдим, холос. «Пушкин поэзияси, — деган эди Белинский, — бемаъни хаёлпарастликдан, мавҳумотдан, сохталикдан, беранг идеалдан узоқ. Пушкин поэзияси тамом ҳақиқат ва ҳаётийлик билан суғорилгандир... Пушкин поэзиясида осмон бор-у, лекин у ер билан чатишиб, бирлашиб кетгандир». Замонлар ўтди, давронлар ўтди. Пушкин поэзияси ҳамон, ўша донишманд айтганидек, ўз кучида, ўз жарангдорлигида ва баланд савиясида, ўз таъсирбахшлигида, ўз барқида.

Ватанимиз халқлари Ленин партиясининг ақл-заковати яратган, Ленин партиясининг пўлат иродасидан дунёга келган ўз асосий қонунидан ҳақли равишда фахрланаётган шу шарафли айём — Пушкин орзулари чинакам рўёбга чиққан, айём деб тушунаман. Пушкин шу кунлар келишига дилдидилдан ишонган эди, келди ҳам! Шоирнинг улуғлиги ҳам, бутун халқларга бирдек суюк даҳоси ҳам, шеърля бобида оталиги ҳам, устозлиги ҳам шунда!

1974

Улуғ рус шоири ва рус адабиётининг отаси Александр Сергеевич Пушкин ажойиб шеърлар, дostonлар, қисса ва романлар, драматик асарлар билан бир қаторда талай эртақлар ҳам яратган сиймодир. Ўз-ўзидан равшанки, ҳамма халқларники сингари рус халқи адабиёти ҳам битмас-туганмас хазина. Халқ адабиёти хазинасидан Пушкинга қадар ҳам тузук баҳраманд шоирлар бор эди, албатта. Пушкиннинг муаллими ва Пушкинга яқин дўст-қўлдош, йирик шоир Жуковский («Ўн икки уйқули қиз») ва Богданович («Душенька»)лар халқ эртақлари асосида дostonлар ёзиб, ўз вақтида ўқувчига манзур бўлгани рост. Аммо биронтаси халқ адабиётига буюк Пушкиндек одил яқинлашолмагандир. Маълумки, халқ эртақлари ва дostonларида халқнинг орзулари, умидлари, ишончлари, қаҳрамонона жанглари, аждарлар, девлар устидан ғалабалари куйланиб, оғиздан-оғизга кўчиб юради. Халқ эртақлари турлитуман: уларни қаҳрамонлик эртақлари, муҳаббат эртақлари, хаёлий эртақлар, бахт тўғрисидаги эртақлар, эрк тўғрисидаги эртақлар деган талай турларга бўлиш мумкин. Деярли ҳамма эртақларда воқеа қаҳрамонининг ёвуз куч устидан ғалабаси билан тугаши ҳаммамизга аён. Халқ эртақларининг тили равон, содда, рангин, образлари ёрқин, халқ тасаввурига яқин, хаёли юксак, орзулари умумбашарий.

Пушкин халқ адабиётига ўз ижодининг бошланғич йилларида, яъни Подшо қишлоғида (Царское село) лицейида ўқиб юрган давридаёқ меҳр қўйган эди. Унинг «Руслан ва Людмила» номли улкан ва машҳур дostonи ўша меҳрнинг биринчи мевасидир. «Руслан ва Людмила» дostonидан шоир (аввал ўз номини қўймасдан) қатор парчалар эълон этган эди. Дostonнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз, ўша вақтдаги илғор ва маърифатли китобхонга теран завқ манбаи бўлди. Лекин тескаричи журналлар баралла дод солди: «Дағал-ку! Хунук-ку! Тубан-ку! Бир чақага арзимайдиган гап-ку!» деган маълумот талай вақт узлуксиз ёзилиб турди. Бироқ рус адабиётининг чинакам ошиқлари, чинакам заҳматкашлари бу асарда бўлажак улуғ шоирнинг биринчи ва порлоқ, халқона, дадил қадамини аниқ кўролдилар, умид боғладилар ҳам. «Руслан ва Людмила» қаҳрамонлик ва севги дostonидир. Бунда Руслан табиатан устун; хаёлий, ёвуз кучлар қўлига тушган ўз севгилисини узоқ машаққатлар ва жанглар оқибатида халос этади ҳам бахтиёр ҳаётга эришади. Ўз навбатида Людмила ҳам севганига — яъни Русланга ўшандоқ азобли ҳижрон палласида ҳам садоқаткор қолади.

«Руслан ва Людмила»да шеърлар ўйноқ, содда ва юксак бадий кучга эга. Жодугар пашмалоқ чолнинг афсонавий боғида асира ҳаётини кечираётган Людмила шундай тасвирланади:

Бекач унсиз ва ғамгин кезар
Ёлғиз ўзи каттакон боғда.
Ёр хаёл бағрини эзар,
Айрилиқда — юраги доғда.
Еки ўйлар қилади парвоз,
Гўё Киев даласида боз
Беғам қувнаб юради эмиш,
Отасини кўради эмиш,
Қучоқлармиш оғаларини
Ҳам оқсочлик дояларини,
Бирга ўсган қизларни кўрар,
Гўё тутқун эмасдай юрар.
Лекин шўрлик кўп ўтмай тағин
Хаёл олиб қочганин сезар,
Тағин ёлғиз ва ғамгин кезар.

Афсонавий боғ эгаси, жодугар чолнинг асира Людмила хонасига кириши мана бундай сатрларда ифодаланади:

Қўлларида яланғоч қилич,
Унсиз, мағрур ўтишадн зич —
Ҳабашларнинг чўзиқ сафлари:
Қўшоқ-қўшоқ киришар бари
Аста-аста ва эҳтиромкор.
Болишларда узун кир соқол,
Кўтаришиб ўтишар қатор,
Орқасидан кирар шумрўй чол,
Бадбашара, букри ва хунук,
Бошида йўқ дона соч ё тук.

Пушкин тасвирида қадимий жанглр бўлиб ўтган яланг сахро бундай:

...Атроф ҳали, ясси қирларда
Сочилмишдир сарғич суяклар.
Сочилмишдир совут бесаноқ,
От жабдуғи, қалқонлар тарқоқ,
Қўл суяги тутмишдир қилич,
Дубулғани ўт ўрамиш зич,
Дубулғанинг тагида чаноқ,
Баҳодирнинг бутун қомати

Ва ёнида йиқилган оти
Ётар бежон, найза-ю садоқ
Ётишар, зах ерга қадалиб,
Усар бахмал кўкат ўралиб.

Руслан мана шу ўлим водийсидан ўтиб, юз балони даф
этиб, жодугар пашмалоқ ёвни енгиб, Людмиласини тағин
не фалокатлардан ажратиб, ўзи ҳам балою қазолардан
нажот топиб, юртига қайтиб келади:

Муъжизани кўринги, бекач,
Бир хўрсиниб очди кўзини.
Гўё турди узоқ ухлагач,
Нега бунча узоқ бўлди тун
Ва қийналди тун бўйи бутун,
Туш кўргандай сезар ўзини,
Азоб бўлди чигал, ёмон туш,
Ҳам дафъатан кўрар — бу ёри-ку!
Уша ботир, суюк дийдор-ку!
Ҳам баҳодир кўнгли тамом хуш,
Қучоғига олар ёрини,
Сулув ёри, гул дийдорини.

«Руслан ва Людмила» ҳақида улуғ рус демократ ёзувчи, революцион мунаққид Белинский бундай деган эди: «Эртак тарзида ёзилган «Руслан ва Людмила» достони олсак, эртак тарзида ёзилиши билан жой колорити йўқ, вақти мужмал, халқ аниқ эмас, шунинг учун ҳақиқатдан узоқ кўринади. Аммо шоирнинг бошқа эртаклари сингари бу ҳам тамом рус ҳаёти, рус табиати, рус манзараси, рус поэзиясидир. «Руслан ва Людмила» достони ўзининг пайдо бўлиши билан рус адабиётида давр яратган дostonдир».

Ҳақиқатан, бу дoston буюк шоирнинг халқ адабиёти хазинасидан олган энг биринчи ўлмас асаридир. Бу—Пушкиннинг сўнгги эртакларига тамалтош бўлган ёрқин дostonдир. Ижодининг сўнгги йилларида шоир қаламидан талай эртаклар, шеърлар, шу билан бирга «Сув париси» драмаси ҳам «Ғарбий славянларнинг қўшиқлари» дунёга келди. Булар ҳаммаси шоирнинг халқ адабиёти билан нечоғлиқ теран қизиққанлигидан, хабардорлигидан жарангдор даракдир. Айниқса, Пушкин 1824-1826 йилларда, ота қишлоғи Михайловскийга сургун этилган даврда халқ эртаклари билан жуда қалин бўлиб кетди. Михайловский қишлоғида яшовчи унинг энагаси Арита кампир шоирга узун-узун эртаклар айтиб берар, шоир эса уларни диққат билан

ёзиб олар, шу билан бирга қўшни деҳқонлардан ҳам кўп-лаб эртагу чўпчаклар тўплар эди. Михайловский қишлоғида танҳо яшаркан, Пушкин биродарига ёзган бир хатида қишлоқдаги машғулоти ҳақида бундай дебди: «Тушликка қадар ўз ёзувларимни ёзаман, кечроқ овқатланаман, ундан сўнг отланиб айланаман. Кечқурун эртақлар эшитаман ва шу лаънати тарбиямнинг ўзимдаги нуқсонларини тўлдираман. Нақадар чиройли бу эртақлар! Ҳар қайси ўзи бир дoston!» Кўриниб турибдики, энагасининг эртақлари шоирни астойдил ўзига тортибди, узоқ хаёлларга етаклабди ва машҳур эртақларининг ёзилишига сабаб бўлибди. Пушкин халқ эртақларини қандай бўлса — шундай кўчирмаган, албатта. У бир неча бир-бирига ўхшаш эртақлардан тугал бир эртақ яратган, шу билан бирга халқ эртақларининг услубига, тилига хизмат қилган эмас, балки тўлдирган ва поэзия чўққисига кўтаргандир.

Пушкинни халқ эртақларининг содда услуби, парвози, софлиги боғлаб олгани аниқ. «Шоҳ Султон ҳақида эртақ» ё «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ»ни олайлик. Бу эртақлар нечоғлик ҳаётий, нечоғлик аниқ, нечоғлик юксак! Бу анчайин эртақлар эмас, балки яхлит манзаралардир. Шеърый бандлар қуйма, енгил, тиниқ, содда, шу билан бирга дабдабали, жозибадор, баландпарвоз, пурзавқ!

«Шеърятдаги бадий андоза, бадий ихчамлик, тўкислик ва бадий текислик,— дейди Белинский,— шеърый асар асосида ётган бадий фикр ва ижодий концепция (идрок)нинг табиий натижаси бўлиши турган гап. Пушкин асарларининг эса, ҳеч маҳал, ҳеч қанақа ортиқ жойи бўлган эмас, ҳеч қачон кемтиклиги кўринган эмас, ҳаммаси чамалик, ўлчовлик, ҳаммаси ўз ўрнида; асарнинг тугалиши — асарнинг бошланиши билан келишиб тушади; киши ўқиганда сезиб турадики, ундан бирон жойини олиб ташлаш ҳам, ё бирон нима қўшиш ҳам мушкул. Пушкинга хос ўзга хусусиятлар қаторида, айниқса, мана шу хусусият билан Пушкин устун санъаткор ва тенгсиз санъаткордир!»

Белинский тагин уқтириб ўтадики, аввалги рус шоирлари наздида тубан саналган нимаики бўлса, Пушкин учун олижаноб бўлди. Уларга нимаики проза туюлса, Пушкин учун шеърят бўлди. Пушкин поэзияси рус воқелигига танг қоларлик даражада содиқдир.

Дарҳақиқат, Пушкин эртақларида фақат ва фақат рус хаёли, рус халқининг ёрқин фантазияси ва умумбашарий армонлари, рус табиати барқ уриб туради. Шу билан бирга ғоят силлиқ, теран, тиниқ, бўёқдор ва равон. Унинг эртақларида асл рус ҳаёти тасвирлари, рус ҳаёти манзаралари бирин-кетин мингашиб келади, рус руҳи нафас олади:

Ел денгизда сайр этар,
Кемани ҳайдаб кетар.
Кема тўлқин ёради,
Елкан очиб боради.
Кемачилар ҳайрон, лол,
Ўзгармиш таниш орол,
Боқишар орол сари,
Кўрар: мўъжиза бари.
Зар нақшлик янги шаҳар,
Кема тўхтар ери бор.
Тўплар олов ёғдирар,
Кема тўхташи даркор.

Ёки:

Денгизнинг у ёнида,
Ўзининг маконида
Бека қиз яшар кўркем,
Кўз узиб бўлмас ҳеч ҳам.
Кундуз — кун хира бўлур,
Тунда олам нур олур.
Соч тагида ой қалқар.
Манглайда юлдуз балқар,
Юрса хўп солланади,
Товусдай товланади,
Сўзи ҳаммага ёқар,
Булоқ сувидек оқар.

Бу манзаралар, шубҳасиз, рус табиати манзаралари ва тасвиридаги гўзал, шубҳасиз, рус қизи — рус гўзалидир.

«Андак дағал халқ қўшиқлари ва оғзаки адабиёт материалларини рус шоирларидан ҳеч ким Пушкиндек тенгсиз юксак санъат ва ижодий фантазиянинг жонбахш сувида суғорган эмас», — деганди Белинский. Горький фикрича, ҳеч қайси шоир халқ эртакларини Пушкиндек уддабўрон, ўз ўрнида бузмай-тўкмай, асл мазмунга тажовуз этмай фойдаланган эмас.

«Куёв», «Сувга чўккан одам», «Жинлар», «Қиш кечаси» шеърларини олсак ҳам юқоридаги фикрларимизнинг далили бўлади. Булар нақадар юксак бадий нуқтага кўтарилган-а! Бу фақат Пушкин ижодида шундай бўлиши мумкин эди. Пушкин халқ эртаклари ё халқ қўшиқлари асосида асар ёзганида, фақат унинг бошланғич мазмуни — ўзагини оларди, холос. Пушкин эртакларида асарнинг ўзиги — бошланиши халққа тегишли. Аммо қолган бутун

тасвир ва колоритнинг ўзи, бадий камолот — тугал шоир-никидир.

«Юксак қобилият,— дейди Белинский,— фақат ўз камолоти нуқтасидагина ҳатто эртақда шунчалик умумба-шарий; чинакам ҳаётий, ҳақиқий, реал тасвир бера олиши мумкин. Уни ўқиганда эртақ эмас, юксак фожиа ўқигандай ҳис қиласан киши! Чинакам санъаткор учун поэзия ҳаётнинг ўзидир, яъни қайдаки ҳаёт бўлса, поэзия ўша ер-да!»

Кўришиб турибдики, Пушкин ўз эртақларини ижодий камолотининг авж поғоналарида ёзибди, шунинг учун бу эртақлар ҳамон ёрқин, етук, юксак, ҳайрон қоларли гўзал ва фақат рус китобхонига эмас, бутун халқларга суюмли, қимматли. Чунки Пушкин бу эртақларини ёзар экан, доҳий шоир сифатида, умуминсоний фикрлар, туйғулар билан жўшгандир. Шунинг учун бу эртақлар ва халқ қўшиқлари асосида ёзилган шеърлар ҳамма халқлар учун хазина бўлиб келди ва шундай қолажак.

Мен ҳам Пушкинни таржима қилганларданман. У мен учун улкан мактаб бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Менинг қаламимни чархлашда Александр Сергеевич Пушкин худди Навоий бобом билан баробар тер тўккани рост. Бу ҳол менинг замондошларим ва қатордошларим учун ҳам бирдек тегишли. Мен, кези келиб, тагин улуғ устозга миннатдорчилик билдираман. Гапни чўзмаёқ, Пушкин асарларини таржимага бошлашдан олдин изланиб ўқиганларимдан — тагин ўша Белинский сўзлари билан нуқта қўяман:

«Пушкин туйғуларида ҳаммавақт, қандайдир, алоҳида поклик, одиллик, олижаноблик, назокат ва бирдамлик, муаттарлик, чиройлилик, бир сўз билан айтганда, юксак бадийлик бордир. Шунинг учун унинг асарларини ўқиган ҳар ким ўзини расо ва етук инсон тарзида тарбиялай олиши мумкин ва бирдан-бир маъқул маслаҳатдир, шу ваядан, Пушкинни ўқиш ҳар инкала жинсга мансуб ёшлар учун алоҳида аҳамиятга эга! Рус шоирларидан биронтаси ҳам ёшларни Пушкин тарбиялагандай тарбиялай олмас ва ёшлар онгини, туйғусини Пушкин бойитгандек бойита олмас.

...Пушкин поэзиясида ёшлар учун хавфли ҳеч нима йўқ, чунки унда сохталик йўқ, тасаввурни алдовчи гап йўқ, инсон ва ҳаёт ўртасида келишмовчилик туйғуси туғдирадиган гап йўқ, яъни ёшларни хато ва хатарли йўлга ундовчи ҳеч нима йўқ!»

ХАЛҚ ШОИРИ

Улуғ рус шоири ва революцион демократик ҳаракатнинг улкан етакчиларидан бири Николай Алексеевич Некрасов туғилганига 150 йил тўлди. Бу фақат илғор рус маданияти ва рус поэзиясининг байрамигина бўлиб қолмай, бутун тараққийпарвар халқлар байрамидир.

Некрасов қўлига қалам олган пайтларда Россия зулм ва зулмат занжирида эди. Айниқса рус деҳқонининг ҳаёти йиғлагулик, рус ишчиси оғир эксплуатация пашжарасида, рус зиёлиси қаттиқ таъқиб остида эди.

Кичик ёшиданоқ ўз халқининг оғир ҳаётини кузатган бўлажак шоир ижодий йўлида, изланишларида меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилиб олди.

Некрасовнинг бу йўлдаги курашида Белинский, Герцен, Чернишевский, Добролюбов каби революцион демократлар унга катта кўмак бердилар. Некрасов асарларида рус табиати, рус деҳқонлари ҳаётининг манзаралари, қишлоқ болаларининг тимсоллари, эрк ва тенглик учун курашувчилар, ёш инқилобчиларнинг сиймолари мислсиз маҳорат билан акс эттирилгандир.

Шоир асарларида рус халқи турли табақаларига мансуб вакилларнинг тасвири бой, ранг-барангдир: итоаткору исёнкор, ғарибу эрксевар солдат, ювиндихўр малай ёки қўли қон ёвуз заминдор, халқ бахти учун курашчи — умри сургунда ўтган демократ, ёш умрини инқилобчи ҳаёт йўлдошига бағишлаб, ўз ихтиёри билан совуқ Сибирга кетган вафодор аёл...

Некрасов асарлари ҳаминша чуқур ғояли, сермазмун, манзарали, воқеабанд. Шу сабабдан таъсирчан, мудроқ туйғуларни уйғотгулик. Шоир асарлари китобхон учун ўша асрни англаб олишда қомус хизматини ўтаса, қаламкаш учун ҳаётни не тарзда тасвирлаш кераклигини ўргатувчи буюк мактабдир. Унинг асарлари ўта халқчил, ўта миллий; ҳар бир шеъри, ҳар бир поэмасида мақол бор, халқ ибораси бор, жарангдорлик бор. Яна ҳаммаси ўз ўрнида қуймадек. Бу — унинг халқ тилини, халқ эртақларини яхши билганидан, узлуксиз меҳнатдан, тинимсиз изланишларидан, қисқаси, халққа, меҳнаткаш табақаларга яқинлигидан юзага келгандир.

Николай Алексеевич Некрасов бус-бутунлай рус шоиридир. Унинг асарларида рус колорити жуда кучли.

Мен Некрасов асарлари таржимасига киришар эканман, бу мендан зўр масъулият ва маҳорат талаб этди. Шу сабабли Некрасов асарларини қайта-қайта ўқиш, шоир ҳақидаги адабиётни мутолаа қилиш менда буюк санъаткорга,

унинг асарларига янада зўр завқ-шавқ, юксак эҳтиром туйғуларини уйғотди. Мен аввало Некрасовнинг «Деҳқон болалари» хрестоматик шеърини таржима қилдим. Кейин «Русияда ким яхши яшайди?» эпопеясига қўл урдим. Узоқ ишладим. Бу дoston шу қадар тўқис, кўламли, ҳаяжонли, жонга титроқ солувчи ҳаёт манзараларига бойки, китобхонни чексиз ҳайратга солади.

Мен узун кечаларда етти сайёҳ деҳқон билан чексиз Россияни кезар эдим. Мен еттовлари билан ҳам шу қадар иноқлашиб кетган эдимки, уларнинг ҳар бирини яқин кишимдек яхши билардим. Уларнинг рус деҳқонига хос саркашлиги ва тўпорлигидан ҳам мийиғимда кулиб қўярдим. Мен Матрёнушкага қўшилиб норасида тобулий бобонинг дев сиймосидан дарҳайрат эдим. Бу мислсиз асарнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ибораси устида тер тўкишдан эринмадим. Бу меҳнатим қаламкаш дўстларимга ҳам, китобхонларга ҳам маъқул бўлди, шекилли. Мен талай йиллар Некрасов тимсоллари ва қаҳрамонларининг таъсирида ижод этдим. Некрасов менинг учун ҳам улкан мактаб бўлгани сир эмас. Некрасов асарлари (Ғ. Ғулом, Зулфия, Т. Тўла, Н. Охундий, И. Муслим ва бошқа шоирларимиз таржималарида) худди Фирдавсий, Навоий, Пушкин, Шота Руставели, Фузүлий, Байрон, Гейне, Шевченко, Абай шеърларидек ўзбек совет шеърятининг тадрижи камолотида етакчи бўлди, машъал бўлди. Буни мен фахр билан баралла айта оламан.

Некрасовдан биз, қалам аҳли ҳамиша халқ билан бўлиш, халқ тақдирини ўйлаш, халқ ҳақида ёзиш, халққа дардкашликни ўргандик.

Чинакам халқ шоирининг номи, асарлари ҳеч қачон унут бўлмайди, халқ билан бирга яшайди. Халқнинг умри эса боқийдир. Шунинг учун ҳам Николай Алексеевич Некрасовнинг юз эллик йиллик умри унинг шарафларга тўла абадиятининг бир кичик қисмидир, холос.

1971

БУЮК ВА УЛМАС

Ғирт етим эди: икки яшарида онадан, ўн икки ёшида отадан айрилмиш ўксиз гўдак, ўксиз қалб зўравонлик ва солимлик тамалига қурилган ҳаёт тепкилари, адолатсиз тақдир ўқларига мўлжал бўлди. Қалб ва жигар гўдак ёшидан қонга тўлди. Гўдаклик чоғидан бошига тушган қора меҳнат унинг зийрак ақлини, туғма шоирона қалбини яна қайраган, яна тарбиялаган эди. Она юртнинг ажойиб манзаралари, чексиз кўм-кўк ўтлоқлар, қалин ва қора ўрмонлар, тошқин ва ёйиқ дарёлар, тиниқ булоқлар, эрксиз меҳнат ва

тенгсизлик тавқига маҳкум ватандошлар ҳаёти бўлажак санъаткорнинг асарлари учун табиий мавзу ва бўёқ хазина-сидай қалбидан жой олган эдилар. Жой олганда қандоқ! Унутилмас бўлиб, мангулик бўлиб!..

У чин маъноси билан халқ ўғли, ҳаётнинг тарзи, йўси-ни, тақдири, орзу-армонлари билан халққа чамбарчас боғ-лиқ инсон эди. Шунинг учун ҳам унинг суратларида ҳам, шеър-у дostonларида ҳам Украина табиати ва тенгсиз-ҳу-қуқсиз, лекин қалби эрк орзусида ёнган инсон ўз юксак ва ёрқин тасвирини топгандир.

Т. Г. Шевченко ана шундоқ 100 йилда бир туғиладиган санъаткорлардан. Бундоқ улкан қалблар, халқ кутган қалблар учун энгелгартларнинг ёзиш ва чизишни қатағон қилишлари беҳуда. Азоб чекади, қийналади, кунда юз мар-та ўлади, ҳақоратларга чидайти, чидайти-ю, ўзи қарам бў-лишига қарамай, халқ озодлиги, халқ бахти ҳақида ўйлай-ди ва куйлайди. Куйлаганда ҳам халқнинг ўзидай содда ва теран, равон ва тошқин, юксак ва ҳамиша барҳаёт қўшиқ-лар яратади. Ана, Т. Г. Шевченко ўшандоқ алп устозлар-дан!

Шоир хўжайинларга бўйин эккани йўқ. Шунинг учун қувғинларга ва сургунларга гирифтор бўлди. Лекин ҳеч қачон унинг исёнкор руҳи, қалб оташи сўнган эмас. Сўн-диrolмадилар. Унинг талабгор ва ҳақгўй қўшиқлари ҳо-кимларни титроққа солди. Шунинг учун ҳам унинг қўшиқ-лари Украина халқининг ўз овози, ўз таронаси, ўз қалби, халқдан кўтарилган ҳайқириқ ва баъзан кўклам елидай майин, атирбўй ўланлардир.

Т. Г. Шевченко жаҳонга таниғли, халққа сеvimли санъ-аткорлар орасидан юқори ўрин олган, тўрда ўтира олади-ган устоз шоирдир.

Т. Г. Шевченкога биз 25 йилдан бери, яъни 125 йиллик тўйи ўтган йилдан бери мафтунмиз, ўзбек тилида унинг рисоласи 25 йил олдиндан пайдо бўлди. Энг пешқадам ва уста ўзбек шоирлари уни ўша йили таржимага бошлаш-ган эди. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби улкан шоир-ларимизнинг ўша вақтда қилган таржималари жуда авай-лаб ва дил-дилдан севиб қилинган таржималардир. Шу-нинг учун ҳам Шевченко асарлари ўзбек китобхонига яқин ва сеvimли, дарддош ва маслаҳатгўй. Унинг шеърларида Фурқат фарёдлари ва Муқимий ноласи, Машраб исёни, Ҳамза ҳайқириғини эшитади китобхон. 25 йил ичида Тарас Григорьевич Шевченко асарлари ўзбек тилида бир неча бор нашр этилиши бежиз эмас.

Мен унинг «Чўри» («Наймичка») поэмасини таржима этган эдим, 25 йил аввал менга Шевченко таржимони си-

фатида Украинадан юборилган медаль — Шевченко сиймо-си қўйилган медаль ҳамиша ёзув столимда. Шевченко энг севган устозларимнинг бири, чинакам буюк, чинакам ўлмас сиймо. Бутун халқим билан бирга унинг ўлмас даҳоси қар-шисида бош эгаман. Чунки улкан ва бахтли оилада бах-тиёр яшаётган ва камол топаётган менинг халқим тақдири ҳам Украина халқининг тақдирига жуда ўхшаш эди. Шу ваздан Шевченконинг рўёбга чиққан орзулари, тенг оила-да, дўстона оилада тотув яшашдай юксак армонлари ўзбек халқига ҳам тушунарли, яқин. Шу ваздан ҳам Т. Г. Шев-ченко халқлар шоиридир, чинакам улуғ, чинакам ўлмас инсондир.

1964, 7 март

ҚАРДОШ ХАЛҚНИНГ НОМИ УЧМАС ШОИРИ

Туғилганига бир ярим аср бўлган ва бутун мамлакат-да тўйи ўтаётган Бердақ (Бердимурод Қарғабой ўғли) қардош қорақалпоқ халқининг номи ўчмас улуғ шоир ва қорақалпоқ адабиёти пойдеворига ғишт қўйган улкан сий-модир.

У камбағал деҳқон хонадониди дунёга келди ва халқ чеккан азобу уқубатларга гўдакликдан шерик бўлди. Қо-рақалпоқ халқи елкасидаги қашшоқлик, саргардонлик, га-риблик унга ёт эмас, ҳаммаси унинг ҳам елкасида: ҳамма-сини ўз кўзи билан кўрган ва ўз бошидан кечирган эди. Шунинг учун ҳам асарларида ўз тасвирини топмиш ўтган аср ҳаёти манзаралари чидаб бўлмаслик даражада оғир «дод!» деб юборгулик, шу билан бирга ишонгулик.

Бердақ ижоди билан мен 1938 йилда Қорақалпоққа борганимда (у вақтлар Қорақалпоғистон маркази Тўрт-кўл шаҳри эди) танишган эдим. Ушанда ардоқли олим ва улкан қаламкашлардан Асан оға билан Нажим оға мен-га Ажиниёз ва Бердақ асарларидан ёдаки ўқиб ва «Буза-тов» қўшиғини айтиб, ҳайрон этдилар. Кейин мен шеър-ларнинг ёзма нусхалари билан танишдим.

Мен Ажиниёздан ва Бердақдан таржима қилиб, мат-буотда эълон этганим ёдимда. Кейин «Қирқ қиз» билан та-нишдим. Шу бўлди-ю, ҳозирги замон шоирлари Аббос оға, Жўлмирза, Наврўз оға, Хўжабек, бора-бора Тиломурод, Иброҳим ижодлари билан танишдим. Ана шу ижодий боғ-ланиш қалин дўстликка айланиб кетди. Мен Қорақалпоққа тез-тез борадиган бўлдим. Ҳар борганда бирор шоир ижо-ди билан халқимни таништирдим.

«Қорақалпоқ дафтари» ҳам шу йўлчилик ва қутлуғ са-

Фар мевалари бўлиб дунёга келди ва бу қорақалпоқ халқи-
га сидқидил қардошлик ифодаси бўлди, десам ёлгон
эмас.

Қорақалпоқнинг ўтмиш шоирлари ва замондош шоир-
лари билан қалин дўстлашиб кетдим. Уларга кези келган-
да маслаҳатчи бўлдим. Дўстларим Тошкентга тушганла-
рида ҳамиша менинг ҳовлимга келиб кетишадиган бўлди.

Мен ҳам улардан талай маслаҳат олганман ва баҳра-
манд бўлганман. «Ойсанамнинг тўйида» дostonимнинг ёзи-
лишига Асан оға сабабчи бўлди. Шу мунгли воқеани ўша
табаррук одам йиғлаб-йиғлаб айтиб бергани ёдимда.

Мени Бердақ ижодига етаклаб олиб борган йўл шундоқ.

Бердақ асарлари менинг учун қардош қорақалпоқ хал-
қининг ўтган аср ҳаётини аниқ кўриш мумкин бўлган бир
кўзгу бўлди. Ҳар шеъри бир босириқ туш янглиғ аянч,
«хув!» деб овлоққа чиқиб кетгулик даражада даҳшатли
дунё!

Унинг ҳамма шеърлари оғир ҳаёт лавҳаларидир. Шу
ерда изоҳ бериб ўтай: Бердақ асарлари борган сари ян-
ги топилдиқлар билан тўляпти.

Бердақ ўзбек тилида бир неча бор нашр бўлди ва тар-
қалиб кетди.

Келинг, асрлар оша Ленин замонасига етиб келган ул-
кан санъаткорга ҳурмат юзасидан эгилиб салом айтайлик,
Бердимурод оға!

1977

АБАЙ ҲАҚИДА

Қардош қозоқ халқининг ардоқли фарзанди, улкан
оқин ҳам маърифатпарвари, ҳақ ва ҳақиқат куйчиси Абай
Қунонбой ўғли энг оғир замонда дунёга келди. Бундан
125 йил олдин, яъни Абай дунёга келган давр—фақат қо-
зоқ саҳросида эмас, умуман Ўрта Осиё осмонида қора зул-
мат қанот ёйган давр — хон ва султонларнинг ўзаро жанг
ва талон-тарождлари халқ жонига оғу солган, қозоқ даш-
ти оқ подшо ва оға султонлар панжасида инграётган давр
эди. Яйлови ва ери Чингиз тоғлари этакларидаги Тўбиқти
уруғида султон бўлмиш Қунонбой ўз ўғлини ҳам султон-
ликка, қамчисидан қон томгувчи ҳукмдорликка, уруғ бош-
лиғи рутбасига ҳозирламоқчи бўлди. Шу тилакда у гўдак
Иброҳимни («Абай»— онасининг эркалатиб айтгани ва
кейинчалик унинг тахаллуси) мадрасага берган эди. Ёш-
ликдан ақл ва заковати, тиришқоқлиги, зеҳни ортиқ бу бо-
ла мадраса берган илмга қаноатланмас, қўлига тушган ки-

тоб ёд бўлгунча ўқийдиган бўлди. У тез орада Шарқ шоирлари асарлари билан биринчи ўринда, Навоий асарлари билан ошно бўлди ва улуғ Алишерни қалбида улуғлаб, ардоқлаб, устозликка сайлаб олди. Абай бора-бора ўзи ҳам шеър машқ қилишга тушди. Уринчоқ талаба Шарқ шоирлари билан чекланиб қолгани йўқ. У ўша замон рус мактабига ҳам қатнаб, рус тили ва адабиётини ўргана бошлади. Отаси уни кўп ўтмай овулга олиб келди ва ҳукмдорликда ўзига ўринбосар қилмоқчи бўлди. Лекин Абай дилида отаси ва умуман давлатмандлар, бийлар, султонларга қарши чексиз жирканч туйғуси ва теран қаҳри пайдо бўлган эди. Қозоқ халқининг оғир ҳаёти, тенгсизлик ва қашшоқлиги, бийлар ва оға султонлар зўрлиги, оқ пошшо амалдорларининг тепкиси Абайда исёнкорлик ва ҳақли ғазаб кўзғатган эди. У кўзи очиқ, ақли етук, инсофли ва ўқимишли бир инсон сифатида ўз синфидан, ўз рутбасидан воз кечишга қурби қудрати етганлардан. Ўз султонлигидан кечиб, ўз отасини тарк этишдай ўктамлик унинг қўлидан келди.

Шу важдан уни қозоқ ва умуман Урта Осиё халқларининг зим-зиё тунда порлаб ётган ва мангу ўчмас ёруғ юлдузлардан бири дейишга ҳаққимиз бор. Ҳа, у ёруғ юлдуз эди... Қозоқ халқи кечирган йиғлагулик ҳаёт, қоронғилик, зўравонлик унда фақат ғазаб кўзгаб кўя қолмай, балки зўравонликка қарши жанг руҳини ҳам уйғотган эди-да. Абай қўлига соз ва халқи билан қўшилиб йиғлаб, халқни ёруғликка ундашга тушди. Дунёда тенглик, ёруғлик бўлиши ҳақида ишонч ва порлоқ одамий умид Абай созининг жарангдор оҳангларидандир, яъни Абай ўланларидаги етакчи наво халқни одамийликка, маърифатга, меҳнатга ва тенгликка ундовдир.

Абайга бу йўлда йўлдошлар ва йўлбошчилар ўша замонда қозоқ саҳросига сурилган рус демократ зиёлилари бўлди. Ушалар шарофатида зукко Абай Қунонбой ўғли улуғ рус шоирлари ва демократлари асарлари билан таниша олди. Фақат танишиб қолгани йўқ, улардан дарс олди. Улардан ўрганиб, ўзига йўлчи, ота ва устозлар топа олди. Бора-бора Абай ўзи Пушкин ва Лермонтовдай устозлардан она тилига талай асарларни таржима қилиб бера олди. Абай қирқ ёшида қирчиллаб, қўлига чинакам қалам олган, яъни ўз кучига, ўз даҳосига чинакам ишонч ҳосил қилгач, шеър ёзишга бел боғлаган донишманд шоирдир.

Абай халқ тарафида эди, халқ дардининг ифодачиси, халқ оҳини дўмбирага солиб айтувчи юксак ақл тошқин ва дов қалб эгаси, улуғ шоир эди. Шу важдан бийлар, султонлар ҳам чор амалдорларининг даққисига дуч келди. Ҳукм-

дор синф Абайни ранжитиш учун юз важ ва йўл топар, шоир созини авж пардада тўхтатишга уринар, уни жонидан безор қилишга уринишарди. Лекин Абайга кун сайин куч қўшилгандай, кун сайин ақли тўлишгандай янги-янги, юксак ўланлар, яратар, бу билан бобосултонларни қақшатар, доврўғи борган сари ошиб, халқ ардоғига сазовор бўлар эди. Абайни ёруғ юлдуз деб улуғлашимиз бежиз ва бенигиз эмас. У ўз ўланлари ва ўғитларида («Ақлия» асарларини кўзда тутяпман) халқини ёруғликка, маърифатга, ҳунар ва касб эгаллашга, меҳнатга, эрка, ўзга халқлардан ибрат олишга, бирликка, тотувликка, биринчи ўринда рус тилини ўрганишга ундаган донолардан-да! Абай ўланларининг мўъжизакор ва жарангдор бир қудратга эгалигининг халқ ўғли ва халққа дардманд бўлолганидан, халқ дарди ва дилини куйлай олганидандир. У албатта чин маъноси билан инқилобчи бўлолгани йўқ. Бунга муҳит шай эмас, унинг етакчилари ҳам ҳали чин маънодаги инқилобчилар эмас, лекин қашшоқ, йўлсиз, гаранг ва етакчисиз халққа жони ачиши, халқ эрки ва бахти учун йўл излаши, ўша қора зулматда зўравонга қарши норозилик ҳайқирғи уни улуг инсонлар, шарафли шоирлар тизимига қўшгандир. Абай чинакам шоир юрагига эга эди. У шу важдан ўз халқининг гадолиги, ғариблигига лоқайд қараб туролмас эди. Абай ўланларининг то шу бугунгача ўз жарангида барқарорлиги ҳам унинг сохталикдан холийлигида, чинакам юрак садолари бўлишида, унинг улуг ўланчилигида!..

Улуг ўланчининг халққа жон фидолиги, инсоний муҳаббатни уста куйлай олиши, қозоқ табиатини ва табиат лавҳаларини бақувват рассомдай моҳирона чиза олиши, қозоқ шеърда янгилик яратганлиги, ўз оғзаки адабиётини севоганлиги ва севиб, ундан ўрганолганлиги ҳар сатрида ва ҳар ўланида ярқираб, ёруғ сочиб турибди.

«Ўлан сўзнинг пошшоси...» дейди Абай. Бу қарорга кела олиш, бу чўққига кўтарила олиш ўнғай ва ариқдан ҳатлагандай оддий жараён эмас. Бу чўққи — шарқлик устозларни уқиб, мағзи чақилган донолик ва рус устозларидан уққан дарсларнинг Абай кўнглидаги эзгу янғирғи деб тушунсак тўғри бўлади. Бу ёруғ тушунча, бу қатъият қозоқ халқининг улуг ўғлини Навоийга ҳам, Пушкинга ҳам, Некрасовга ҳам, жуда фикрдош, жуда қалин дўст, оғайни даражасига юксалтира олгани суюнарни ҳол.

Абай ўланга пошшолик берар экан, ўлан зиммасига тоғдай зил юк ҳам қўйган сўз пошшосидир. Ўлан — давлатмандларни мақташ учун эмас, халқ учунлигини чизиб ўтади. «Ўзи билан ёвлашган юртим, ўланларим дардингга

даво бўлсин», «Ёлгон ўлан ва сўздан олам безор», дейди у. Ё бўлмаса манави ҳасратга қулоқ солайлик:

«Қўлида ҳам қўбизи, ҳам дўмбира,
Ҳаммага мақтов ўқир, қўймас сира.
Улан айтиб, эл кезар, хайр тилашар,
Сўз қадрин ерга урар, бўлиб хира!»

Шу тўртликда буюк Абайнинг шеъру шоир масаласига қараши тағин ёрқин ва кескин кўриниб турибди. «Мен ўланни ёзмайман эрмак учун...» деб фахрланишга ҳақли улуг шоир «Улан бор — ўланларнинг ўланидир, ўлан бор — бемаънидир, бемаънидир!» дейишга мажбур бўлди. Чунки мол учун, сийлиқ учун, бир карсон қимизу, бир ошам шилпилдоқ учун бийларга мақтоқ тўқувчи саёқ оқинлар оз эмас эди-да. Абай ўланларидаги юксак ва ёруғ фалсафа улкан сўз санъаткорлари-ю, доноларга хос фалсафа-дир.

Абай ўзи яшаган замон зайлидан зорланишга ҳақли ва инкорга ўрин қўймай тасвирлашга, дангал кўрсата олишга қодир санъаткор. Кенг ва мўл яйловларда, ям-яшил майсазорларда камбағал чорвадорга тўрт фаслда бирдек ўрин торлигини, тенглик йўқлигини тўрт сатрга шундоғам жойлаганки... «Ёз етилиб, яйловга қўнолмайди. Куз-кузакда бежанжал бўлолмайди. Қиш-қишловнинг шип-шийдон бу ҳам бало. Торлик қилиб, чорва ҳам ўнғалмайди». Қашшоқ ва юпун халқига мунгдошлиги, халқни жонидай аяганлиги, фикру зикри халқдалиги — Абай шеърларида фарёд пардасида садо солади:

«Бировлар пўстин тикар, териси мўл,
Бировлар жулдур чопон, кезади чўл...»
«Шўринг қурсин, қозоғим, шўринг қурсин,
Мол мўлу, оч кезасан яйловларда...»—

деди Абай «Куз» деган ўланида. Куз манзараси камбағал чорвадор учун қиш азоблари бошланадиган фаслиги, давлатмандлар учун тўй-томоша фасли эканлиги Абайга хос дангалликда, бир ҳарфини ҳам олиб ташлаш қийин маҳорат билан қизилгандир.

«Қозоғим, шўрлик юртим» деб бошланадиган ўланида фарёди осмонга кўтарилади, юракларни қиймалаш даражасида нолакор ва маънодор:

«Бий бўлди қийқим бойлар бош-бошига,
Доғ солди, заҳар солди юрт ошига.

Қўрқаман, ҳассаси йўқ кўр сингари.
Элим қўнар бузуқлар алдашига...
Элат билан элат ёв — бийлик учун,
Оға билан ини ёв — сийлик учун.
Қозоғим, ўз-ўзингни ўнгламасанг,
Бадбахт кунга қолмаси тақдир бутун!»

Қозоқни қора тақдирдан буюк инқилоб қутқариб олди. Қозоқ гўдаклари жулдур ўтов ичида музлашдан, қуюғу суюқсиз, зор-зор бўзлашдан, буюк инқилоб далдасидан қутулиб қолди. Гадо қозоқ бой моллини боқишдан, аёли урчучқ йингириб, совуқда елка қоқишдан қутулиб қолди. Ўз қаролига парча нон беришга тоби йўқ, меҳри йўқ, инсофи йўқ ёвузлардан қозоқ буюк инқилоб шарофатида қутулиб олди. Қозоқ эли, қозоқ чўли эллар-элатлар суқлангудай эркин, тағин ҳам кенг-мўл, чинакам яшил ва бахтиёр бир жумҳурият. Қозоқ ўлкаси Абай орзу қилгандан ҳам гўзалроқ, ёрқинроқ, ободроқ. Негаки, қозоқ халқининг ҳунари бор, касби бор, дунёга кўз-кўз қилгудек билими, маърифати бор. Меҳнати, манглай тери ўзи учун ҳозир. Қозоқ, Абай айтгандай, қасам урган қувлар панжасида эмас, тиниқ оқмас сувлардан ичмайди, оч ва юлун саҳро кезмайди, тиланчилик қилмайди. «Бир тўйганим — чала бойганим!» балосидан озод. Ўз бахти — ўз қўлида. Қозоқ юрти Ленин замонасида алломалар юрти, оламга таниқлик адиблар, оқинлар юрти. Абай хаёл ҳам қилмаган оқ мрамар шаҳарлар, конлар, яшил яйловлар юрти, бахт юрти.

Абай асарлари буюк инқилоб шарофатидан фақат ўз тилида эмас, ҳамма қардош халқлар тилларида жаранг бериб турганлиги оламга сир эмас-ку! Абай ўзбек халқига ҳам сеvimли шоир бўлиб қолди. Ўзбек халқи Абайга ўз қалбидан юксак ўрин берган халқ ҳозир. Абай асарлари ўзбек тилида қайта-қайта нашр этилиши гапимизга далил бўлур. Абай асарлари фақат қозоқ қаламкашлари ва қозоқ китобхонлари учун эмас, балки ўзбек қалам аҳли ва қолаверса, умуман, Урта Осиё халқлари учун ардоқли мактаб ўрнида ҳозир. Абай номи ёруғ юлдуздай мангу ярқироқ, мангу порлоқ номлардандир.

1971 май

УЛУҒ ОҚИН

Қардош қозоқ халқининг улуғ оқини, ўлан устаси, халқ поэзиясининг алп ижодкори Жамбул Жабой ўғлининг ўл-

ганига бир йил бўлди. Жамбул салкам юз йил умр кўрган, қарийб тўқсон йил ўлан айтган оқиндир.

14 ёшидан шеър айтишга бошлаган бу оташин шоир 1846 йил, яъни қозоқ халқининг ўзга улуг шоири — Абайдан бир йил кейин, Чув дарёси бўйида, қадим Жамбул тоғи этакларида, қашшоқ чорвадор — кўчманчи онлада дунёга келди. Унинг ёшлиги, ўз хотираларига қараганда, жуда оғир ва чидаб бўлмас ҳаёт панжасида ўтди. Лекин у жуда қувноқ, дадил ва зийрак бола эди. У фақат айронга тўқ, лекин шўх бўлди. Ҳар нимага кўз соладиган ва ҳар ишга разм қўядиган уддабурро бола бўлди. 12 ёшида Жамбул ўз тоғасидан дўмбира чалиш ва ўлан айтишни ўрганади. Унинг бармоқлари дўмбира пардалари устида жуда енгил йўрғалайдиган ва овози дўмбирага жўр бўлиб жангилдайди бўлади. 15 ёшга кирганда, ўша вақтда машҳур саналган Суюмбой оқинга шогирд бўлиб, овулдан-овулга юриб, ўлан айтади, тўйларда айтишувларга қатнашади. Жамбулнинг порлоқ келажагини Суюмбой оқин белгилаган эди. У бир кун яккама-якка суҳбатда бундай дейди: «Эй зийрак бола, сен мана бу дўмбирадан айрилма, бу сени ахири кўкка кўтаради. Катта оқин бўладиган туринг бор. Овозинг ҳам, ўланга таъбинг ҳам зўр экан».

Суюмбой оқин унга яна бундай деган эди: «Сен мана-ви оқинлардай ҳадеб уруғ бошлиқларини мақтайверма, катта оқин бўламан десанг, ўзингга йўл сол, катта оқиннинг ўз сўзи, ўз оҳанги, ўз овози бўлиши керак. Сен ҳар нимани ўз газинг билан ўлчашни ўрган. Сенинг ҳар сўзинг кези келганда, тилка пора қилиб юборадиган бўлсин. Сен билгинки, хушомадгўйлик чинакам оқиннинг иши эмас, хушомадгўй оқиннинг номи ўчиб кетади».

Жамбул, худди устоз айтгандай, ўзига йўл сола олди. Хушомадгўй бўлгани йўқ. Аксинча, нуқул замон зўровонларининг кирдикорларини ўлан воситаси билан очиб ташлашга ва калтаклашга тушди.

Маълумки, Жамбул майдонга чиққан замон — 19 асрнинг иккинчи ярми, қозоқ халқининг қуллик кишанларида инграган даври, ҳам чоризм, ҳам ерли феодаллар зулмида гадоликка тушган даври эди. Бу вақт Абай халқининг илмсизлигидан, нодонлигидан зорланса, Жамбул бу халқининг тенгсизлигидан, азоб ва уқубатга гирифтор бўлганидан, қашшоқлигидан зорланар ва халқни зулм панжасида тутиб қон сўраётганларга қарши аёвсиз ўлан тўқир эди. Жамбулнинг «Амалдорларга» деган парчаси жуда ҳарақтерлидир:

Замон охир бўлган йўқ,

Жамбул сўздан қолган йўқ,

Мен бояги Жамбулман,
Ҳали сўзга донғилман,
Танимда жон бор экан,
Сизлардан кам бўлмайман,
Жаранглатиб ҳар ерда,
Уланимни куйлайман.

Шундай қилиб, унинг бурро сўзи, мазмунли ўланлари ва донғи, қирчиллама йигит ёшиданоқ бутун қозоқ саҳросига таралиб кетди. У камситишларга, таъналарга қарагани йўқ, ўз олижаноб ҳунари кетидан қолмасдан юрди. Бора-бора қозоқ саҳросида ундан енгилмаган оқин қолмади. Қозоқ халқининг қайғулари, орзу-армонлари ҳақида, ҳуқуқи, тупроққа тенг ватани ҳақида, ўтмиш ботирлар ҳақида у тўқиган ўланлар оғиздан-оғизга кўчиб кетди. Жамбул дўмбирасини белига боғлаб, бепоён қозоқ ва қирғиз яйловларини айланиб чиққан оқиндир. Ўз халқига энг яқин турган, халқ ҳаётини жуда теран билган — аниқ билган, ўз кўзи билан кўрган, бутун машаққатларни халқ билан бирга елкасида кўтариб келган оқиндир. Шунинг учун унинг ўланлари юракни дарров эгаллаб оладиган, мағзлик, маънолик ўланлар бўлди. Умрининг сўнгги йилларида Жамбул ўша йилларни эслаб, бундай дейди:

Қора терга бўялиб,
Кенг саҳрода югурдим.
Тўйса-тўйди томоғим,
Тўймаганда оч юрдим.
Янгрлатиб кенг далани,
Ўтмиш йил мен куйладим,
Саксовулдай энл, гўдир —
Ҳаёт ғамин сўйладим.

«Улан — сўзнинг пошшоси, сўз сараси», деб куйлаган эди Абай. Улуғ Абайга асрдош, лекин у билан кўришмаган Жамбул ҳам ўз ижодининг қадрини баланд кўя олди. Уларнинг халқ учун жуда зарур эканини теран пайқаб олди. Улан саҳрода бўрон сингари зўр куч эканини ва унинг йўлида ҳеч нима, ҳеч қандай зўравон ғоя ҳам кор қилолмаслигини талқин қила олди.

55 ёшга кирганда, Жамбулнинг бели букилиб, кўзидан нур кетиб, кексайиб қолди. Асрий азоб ва машаққатлар, кечинмалар уни енгди, дўмбираси ҳам бир неча йил жаранг бермай, тўхтаб қолди. Лекин 70 ёшида у тагин қўлига дўмбира олди. Унинг асл қобилиятини, оқин руҳини улуғ революция яна кўзгаб юборган эди. Унинг ижоди, худди

поёнсиз саҳрода қуриб қолган булоқ — бир кетмон зарбида жўш уриб кетгандай яна оқиб-тўлқинланиб кетди.

У худди 16 яшар вақтдагидек куйиб, ёниб илҳомга тўлиб қўшиқ ярата бошлади. 80 ёшга кирганда, Жамбулнинг қўшиқлари бутун Ватанимизга машҳур бўлди. Жамбул қўшиқларининг мавзуи жуда кенг ва тўлиқ. Кундалик ҳаётнинг ҳамма тармоқларига унинг кўзи тушар ва шу ҳақда ўлан тўқир эди. 80 ёшга кирган кундаги хотирасида Жамбул бундай дейди: «Бу ҳаёт менинг кўзларимни очди, белимга мадор бўлди, мен учун ҳаёт қайта бошдан келди. Мен ҳозир шойи тўн кийиб олдим. Яйловда — оқ ўтовда турадиган бўлиб қолдим, остимда жийрон йўрғам ҳам бор».

Улуғ Ватан уруши йилларида Жамбулнинг овози яна ҳам баландроқ чиқди. Унинг ўланлари яшиндай тез ва сердаҳшат бўлиб тарқалди. Унинг ёвуз душманга қарши ғазабкор ўланлари, ҳам фронтда, ҳам фронт орқасида ўз вазифасини тугал бажара олди. «Ленинградликлар — менинг фарзандларим», «Жангчиларга», «Москва» ва бошқа машҳур қўшиқлари жанг ва зафар чақириқларидай жаранг бериб турди. Унинг «Клим ботир» сарлавҳали машҳур шеъри уруш йилларида яна янги мазмун олди ва тилларда қўшиқ бўлди:

Искандарни мақтайми,
Арзимаиди мақташга.
Рустамни ардоқлайми,
Арзимас ардоқлашга.
Улар бизнинг Климдай
Бўлолмаган, бўлмаган.
Улар бизнинг Климдай
Эл учун жанг қилмаган
Улар бизнинг Климдай
Эл учун жанг қилмаган
Улар бизнинг Климдай
Эл ёвин танг қилмаган.

Бу парчаларда Жамбулнинг Совет Армияси жангчиларига бўлган оталиқ муҳаббати ва асл чорвадорлик туйғулари, ватанпарварлик ҳислари жўш ургандир.

Жамбулнинг урушга қадар ва уруш йилларида ёзган ўланларида энг кўп ўринни унинг улуғ Ленин ва партия ҳақида ёзган ўланлари олади. Халқ ижоди дарёсига катта ирмоқ бўлиб оққан бу ўланлар — бутун совет халқининг севган қўшиқларидир.

Жамбул ижоди ҳали кўп йиллар жаранглаб турғуси

ва ўз хизматини бажаргуси. Жамбулнинг муборак номи олтин билан ёзилгуси ва келажак насларга ўрнак бўлгуси. Ўзбек халқи Жамбулнинг жарангдор ўланларидан завқ олади. Уни машҳур Эргаш Жуманбулбул, Фозил ота, Ислон шоирлар каби чин юракдан севади, ҳурмат қилади. Жамбул ўланлари Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан тўрт тўплам тарзида нашр этилгани ва тарқалиб кетгани сўзимизнинг гувоҳидир.

Жамбул то сўнгги нафасига қадар куйлашдан, яратишдан толгани йўқ.

1946

Замондошлар

УСТОЗ ҲАҚИДА

I

Ҳай дариф, Ойбек огадан ҳам ажралиб қолдик. Бугунги тонг ўзбек ўлкасида чексиз қайғу ва оғир мусибат хабарини таратиб отгандек бўлди. Табиат ҳам бу кунлар мотамсаро, бир фалокатни сезгандек булутлар ҳам ҳар кун кўз ёши қилиб ўтади. Ҳамиша очқоқ ва шаддот ажалнинг мана шундай тўсат босқинларидан юраклар зада, ҳамиша ёвуз ва шум ўлимнинг энг азиз, юрт учун энг ардоқли ва аёвли, эл учун энг керакли фарзандларни юлиб кетадиган фирромликларидан, бевақт зарбаларидан юраклар зада.

Ҳай аттанг, Ойбекдек заҳматкаш қалам эгаси, буюк адиб, алломаи даврон, чинакам инсондан ажралиб қолдик.

Ойбек янги замон, Ленин замонасида дунёга келган ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратганлардан бири, байроқдорлардан бири ва биринчилардандир. Жаҳон меҳнаткаш, жаҳон камсуқум, жаҳон жўн ва улкан, пок юрак уриб турар эди унинг кўксига! Адабиёт назарияси, ё шеърят ёки ёш қаламкашлар ижоди ё тарих ва фалсафа, нима тўғрисида бўлмасин, бирон марта унинг суҳбатида бўлган киши Ойбекни унутмоғи маҳол. У ўзбек совет поэзиясида улуғ Ленинга атаб илк марсия ёзганлардан ва кейинги камолот босқичларида улуғ доҳий тўғрисида ўлмас шеърлар яратганлардандир. У ўзбек совет адабиётини иттифоқ ва жаҳон минбарига олиб чиққанлардан биридир. У тўла ҳақ билан адабиётимизнинг ифтихори даражасига кўтарилган порлоқ ва ҳамиша барҳаёт сиймодир. Ҳозир адабиётнинг катта йўлига тушиб олган талай таниқли қалам соҳиблари унинг оталардек қаттиққўл, синчков ва мунис тарбиясини олган азаматлардир. Диди баланд, талабчан муаллим эди Ойбек оға. Кенг билим уфқи, қарийб ҳамма соҳада билагонлик, бугун ва эртани Ленин фалсафаси, Ленин ғояси билан кўрагонлик, дўстга қалин, ёвга жаҳон терс ва айнимаслиги, биллурин пок-

лиги билан халқ дилидан ўчмас ўрин олди, улкан обрў ва шараф эгаси бўлди. Ойбек танти меҳнат билан, бурро қалам билан ўзи учун қуламас ёдгорлик яратганлар сирасида, Ойбек ҳамиша барҳаётлар сирасида, у ҳамиша олдинги қаторда, ҳамиша сафда. У ҳамиша ўз эли, қардош халқлар ёдида қолажак, улуг адиблар йўқламасида ҳамиша олдинги сирада йўқланажак.

Ҳэй аттанг, шундоқ забардаст инсондан ажралиб қолдик. Қақроқ дудоқларида айтилмаган сўз, сувсоқ дилида тугалмаган дoston, учқур хаёлида улкан китоб, ишхонасида янги йўнилган қалам қолиб кетди. Асарларингда тириксан-ку, деган ўй бесаноқ китобхонларга андак юпанч бўлади, холос.

Тобутнинг оёғида йиғлайман, энг оғир фалокатларда ҳам ёш келмаган кўзларимдан томчилар юмалаб тушмоқда. Во дариг! Энг оддий бир талабанг эдим, суянардим, фахрланардим, не қилай? Тинч ухла! Чарчаганинг рост, ҳордиққа ҳаққинг бор.

Тупроғинг енгил бўлсин, устоз.

1968, 1 июль

II

Ардоқли қаламкаш Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳақиқатан, чин маънода — теран маънодаги устоз адиб ва устоз шоир эди, шу билан бирга шартли эмас, зўраки ва отига аллома эмас, балки чинакам аллома эди. Унинг билим уфқи ҳайрон қолгулик даражада кенг ва теран эди. Мен у билан талай суҳбатларда бўлганман, кўп маслаҳатлар олганман. У ҳамон менинг кўз олдимда — ғоят камсуқум, камгап, ҳамма илмдан хабардор, тарихга етук, замонга — замондош, келажакка ишончи комил, билагон, тинибтинчимас, ўта меҳнаткаш, ўта ўтроқ, ўта заки ва фозил, ўта инсонпарвар инсон — уни қандоқ унутиш мумкин?!

У ўзбек совет адабиётининг етакчи сиймоларидан бири эди, унинг меҳнати зўр, ўта зўр ва тарихда қолишга ҳақли меҳнатлардан.

Устоз Ойбек ҳаётдан барвақт ва бевақт кўз юмганлардан. Агар у орамизда юргандайди, балки янги романларни ўқишга муяссар бўлардик, бугун қутлуғ 70 ёшини бутун мамлакат байрам қилган бўлур эди.

Мен Устоз Ойбекнинг унутилмас Ҳамид Олимжон, Николай Семёнович Тихонов ва Александр Фадеевлар билан суҳбатида кўп бўлдим, ҳозир зикр этилган етакчи қа-

ламкашлар унинг маҳорати, билими ва закосига қойил эдилар, дўст эдилар, ғамхўр эдилар, ҳурматлар эдилар.

Устоз Ойбек ўз шеърый асарларининг таҳририни менга ишонганидан ҳануз-ҳануз фахрланаман. Шундоқ улғу одам, устоз ўз асарларини менга ишонса-я!.. Мен у асарларни наҳотки таҳрир қилсам:, йўқ, беҳато чиқишига қоровул эдим, холос.

Устоз ҳузурига ёш қаламкашлардан кимни олиб бормайин, адабиётга йўлланма олганидан жуда фахрланаман. Менинг бу сўзларим эсдаликлардан берироқ, илмдан на-рироқ, лекин бўёқсиз, тўғри гаплар. Энди устозга аталган тизмамни келтиришга ижозат сўрайман.

Шеър — ҳикмат дарёси, сеҳр дарёси,
Жумбоқдай битталаб ечолсам дейман.
Илму ишқ дарёси, меҳр дарёси.
Қониб-қониб мен ҳам ичолсам дейман.

Бағри бир хазина — бебаҳо дурдан,
Тозалиги ўтар тоза биллурдан,
Яралмишдир гўё бир дарё нурдан,
Нурини нур бўлиб, қучолсам дейман.

Ҳайратда қарайман дил тошиб-тўлиб,
Ундан сув ичганлар қолмайди сўлиб,
Мен ҳам шу дарёда бир тўлқин бўлиб,
Чўллардан сел каби кечолсам дейман.

Жонларнинг озиғи — сўзнинг ётиғи,
Сўзим бўлсин элнинг қўшиқ ётиғи,
Қўнглимни титратмас асло ёт йиғи.
Доим хушвақт даврон қучолсам дейман.

Қўкламда қуйилар не-не ирмоқ, сел,
Тўқайларда кезар елпиб-елпиб ел.
Баҳра олар, қонар ҳам тупроқ, ҳам эл,
Соҳилларда мен ҳам соз чалсам дейман.

Тўлқинда юз бир қуёш жилоси,
Ҳар қатраси не-не дардлар давоси.
Бўйларида ўсар меҳри гиёси,
Мавжига тўш уриб, учолсам дейман.

Жайхунмисан, қайдам, ё теран Сайхун?
Ҳар қалай тошқинсан, жўшқинсан-жўшқин,
Она тупроғингга зарурсан ҳар кун,
Мен ҳам қониб-қониб ичолсам дейман.

Самад Вурғун — кўп миллатли бир бутун совет адабиётининг энг талантли ва пешқадам намояндаларидан биридир. У ўз ижодининг бошланғич кунлариданоқ совет китобхонининг муҳаббатига сазовор бўлган, ўз ижодини халққа бағишлаган, совет халқининг кураш ва галабаларини чин қалбдан куйлай олган жўшқин санъаткордир.

Самад Вурғун қўлига илк қалам олган йиллар — Озарбайжонда совет поэзияси учун, поэзиянинг партиявийлиги учун оғир кураш йиллари эди, ҳали адабиётда пантуркистлик, панисламистлик ва миллатчилик таъсири бор йиллар эди. Комсомол Самад Вурғун иккиланиб турмади. У, ўз ижодини душман идеяларига қарши чархлай олди ва ўз тақдирини халқ тақдири билан маҳкам боғлаб, жанговар шеър устаси бўла олди. Жаҳонга Низомий, Фузулий, Воқиф ва Собир каби улуғ шоирларни бера олган бир халққа ўз ижоди билан манзур бўлиш, халқ шоири деган юксак номга сазовор бўлиш осон эмас, албатта. Самад Вурғун зўр ижодий меҳнат билан бу юксак ва муносиб унвонга эришган шеър заҳматкашидир.

Жаҳон классик адабиётини, ҳозирги замон ва классик рус адабиётини, озарбайжон классик адабиётини яхши билган Самад Вурғун совет поэзияси хазинасига гавҳар доналар — узоқ умрлик шеърлар, поэмалар, драмалар қўшган ижодчидир. «Басти», «26 лар», «Негрнинг орзулари» ва бошқа қатор поэмалари шоир ижодининг чўққиларидандир.

Самад Вурғун поэзияси сиёсий ўткир, партиявий, жанговар поэзиядир. Горький ва Маяковский каби улуғ санъаткорлардан ижодий ўрганиб, қадам-бақадам санъат чўққиларига кўтарилган бир шоирнинг ижоди бошқача бўлиши мумкинми, ахир?

Самад Вурғун поэзиясининг тематик доираси кенг ва бой. У Ленин ҳақида, Ватан ҳақида, Қизил Армия ҳақида, нефтчи ҳақида, учувчи ҳақида, табиат манзаралари ҳақида, нима ҳақида куйламасин, унинг ижодида партиявийлик биринчи ўринда туради ва бу унинг санъатида узвий бутунликни ташкил этади. Самад Вурғуннинг Озарбайжон тарихига оид «Дор ёғочлари» поэмасида, «Озарбайжон» номли машҳур шеърисида, халқлар дўстлигига оид қатор шеърларида, «Европа хотиралари» номли шеърисида, «Басти» ва «Толстон» поэмаларида шоирнинг жўшқин қалби, инсонга муҳаббати, чуқур ва юксак руҳи китобхонни мафтун этади.

Шоирнинг бир қанча шеърларида улуғ Ленин образи

бутун салобати билан гавдаланади. У «Ленин китоби» деган машхур шеърида (Лениннинг «Давлат ва революция» деган машхур асарини ўқигач, ёзилган) бундай куйлайди:

Китоб бор — ҳар сатри тўмтоқ миҳ каби,
Зўр билан жойлашмоқ истар ақлга.
Қийнар, азоб берар ўтмас тиг каби,
На илмга ўхшар ва на нақлга.
Мен ўзга бир китоб сайладим бу кеч,
Қўрку салмоғига кўп ҳайрон қолдим, —
Эртақ ё дostonга ўхшамайди ҳеч,
Минг-минг саволимга мен жавоб олдим.
Ҳар сўзи юлдуздай ёруғ ва кўркам,
Маъно дунёсида йўқ қоронғулик.
Бундай буюк китоб яралади кам,
Бир лаҳзалик эмас, мангу-мангулик!
Ҳар ундов белгиси — бурро пўлат ўқ,
Ҳар қавс аломати — ёв учун қамал,
Қойилман, жангоҳсиз ҳатто нуқта йўқ,
Лекин маҳорати етук — мукаммал!

«Толистон» поэмасида туғилган ўлканинг хушманзаралари содда ва бадий бўёқларда моҳирона берилади, озод меҳнатга ва келажакка ишонч бутун кучи билан жаранглайди:

Урмонлар ичида турар Толистон,
Илк боқишда мафтун бўлади инсон.
Қуёш бу ерларда минар отига,
Юксалар кўкларнинг етти қатига.
Қоялар! Қоялар! Қуш қўнмас — юксак!
Севгига тушунмас — бари тош юрак!
Дунёнинг сири бор, сўзи бор сизда...
Бир кун келажакки, тош сийнангизда
Қанча нақш ўяжак одамзод қўли.
Қалқажак Лениннинг улуғ ҳайкали!
Ҳинддан, Ҳимолайдан, Мисрдан, Чиндан,
Қумлар денгизидан, ўтлар ичиндан —
Инсонлар бу ерга сайрга келажак,
Ваъда берди шундоқ ёруғ келажак!

Совет халқини юракдан севган, Коммунистик партиянинг улуғ раҳбарлик кучига чексиз ишонган Самад Вурғуннинг партия ҳақидаги мана бу сатрлари гимн даражасига кўтарилгандир:

Башарнинг виждони, ишқи, юраги,
Зеҳни, тушунчаси, фикри, тилаги,
Бутун ер юзининг хуш келажаги —
Ҳар завқу сафоси партиямиздир!
Удир илҳомчиси шеърнинг, санъатнинг,
Тоғ узра тоғ қўйган зеҳну заҳматнинг,
Бир байроқ остида қанча миллатнинг —
Қардошлик дунёси партиямиздир!

Самад Вурғун 30 йилдан бери яратмоқда, ижод қилмоқда. Мамлакатимизни тиклаш йиллари, уни тубсиз ўзгартирган самарали беш йилликда, оғир уруш йиллари, урушдан кейинги ажойиб меҳнат ғалабалари — буларнинг ҳаммаси ва бошқа кўп масалалар шоир ижодида ўз тасвирини топди десак, муболага бўлмайди. Самад Вурғуннинг оташин ва жарангдор поэзияси авторнинг тинчимас, доим изланиш ва юксалишга тайёр, доим ижодий меҳнат завқига ташна характерини кўрсатиб туради. Самал Вурғун ўз поэтик овозига, ўз услубига эга бўлган шоир ва драматургдир. Унинг асарлари фақат улуғ Ватанимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳурдир. Шоирнинг халқ поэзиясини яхши билиши, халқнинг ўтмишини ва ҳозирги ҳаётини яхши билиши — унинг поэзиясидаги чинакам бадий соддаликнинг муҳим манбаидир. Унинг шеърлари теран мазмунли, рангдор, равон ва жўшқиндир. Шунинг учун унинг кўп шеърлари бахшиларнинг қўшиқлари сингари дostonчилар ва ашулачилар оғзида такрорланади.

Самад Вурғун драматург сифатида ҳам машҳурдир. Унинг шеър билан ёзилган тарихий драмаларини («Воқиф», «Хонлар», «Фарҳод ва Ширин») озарбайжон артистлари ижросида Тошкент саҳналарида ҳам завқ билан томоша қилган эдик.

«Воқиф» драмасида автор мазлум халқ ва золим шоҳ ўртасидаги раҳмсиз ҳаёт ва мамот жангини тасвирлайди. Бу драма машҳур озарбайжон шоири Воқифнинг ёрқин образи инсониятни таҳқирлашдан, кўз ёшлардан ва ўлимлардан завқ олувчи, қилич билан жаҳонни ўзига қарам қилиш эҳтиросида ёнувчи Қожор образига қарама-қарши қўйилгандир.

Асарда инсонга муҳаббат фалсафаси инсонни таҳқирлаш фалсафасидан қонуний устун келади. Бу билан Самад Вурғун инсон эркининг зулм устидан, албатта, ғалаба қозонишини тараннум этади.

«Хонлар» драмаси ҳам Озарбайжонда революцион ҳаракат, эрк учун жанг темасига, эркин ва ёруғ янги ҳаёт учун кураш темасига бағишланган асардир.

Самад Вурғуннинг таржима соҳасида ҳам салмоқли меҳнати бор. У ўз она тилига А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» номли шеърий романи ва Шота Руставелининг «Иўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли поэмасини муваффақиятли таржима қилди.

Бизда шеър ҳам бор, санъат ҳам бордир,
Шоирга, санъатга ҳурмат ҳам бордир...—

дейди Самад Вурғун бир шеърида. Ҳа, яхши гап. Шоир ва санъаткор бизнинг мамлакатимизда юксак ҳурмат эгаси. Бутун қардош халқлар қатори, ўзбек китобхони — ўзбек халқи ҳам Самад Вурғуннинг ижодини севади, уни ҳурматлайди, олқишлайди. Самад Вурғун шу кунларда оғир касаллигига қарамай, янги фалсафий шеърлар китоби устида ишламоқда.

Халқ шоири, академик, жамоат арбоби, озарбайжон халқининг азамат ўғли Самад Вурғуннинг 50 ёшга тўлган кунинда чин қалбдан шундай деймиз:

— Балли, ўмр кўр, ёз ва ярат, соғ бўл, қардош!

1956

ЕТАКЧИ САНЪАТҚОР

Комил Нуъмон ўғли Яшин — шоир ва драматург сифатида, арбоб сифатида, адабий ҳаракатчиликнинг етакчиларидан бири сифатида ва умуман етакчи қалам соҳиби сифатида ҳаммага бирдай қимматли ва суюкли сиймодир.

Мен уни аввало шоир сифатида таниганман. Биз ўлка ўзбек эрлар билим юрти (Тошкентда) тайёрлов синфида талаба чоғимизда, Комил Нуъмон шеърларини излаб ўқир эдик. Уша вақтда машҳур «Ер юзи» саҳифасида биз унинг «Ленин сағанасида» деган шеърига ҳам қойил қолган эдик. Қисқа-ю, лекин оловли, халқона, юракда ўчмас из қолдирувчи бу шеър, шубҳасиз, улуғ Ленин ҳақида ёзилмиш илк ва яхши шеърлардандир.

Комил Нуъмон ўша йигирманчи йилларда етакчи жанр бўлмиш сочмада қалам ўйнатганлардан бири ва биринчиларидан. Унинг оташин сочмалари (озодлик, комсомол, хурофотга нафрат ва байрамлар, шодиёналар темаларида) ҳали ҳам ўз жарангини йўқотган эмас. Сочма — тўлқинли шеър; оддий вазнга сизмай, тўғон бузиб, шарқираб оқадиган кўклам тошқинларини эслатувчи шеър. Комил Нуъмон сочмалари ҳам худди ўшандоқ. Кейинроқ мен, бора-бора, Комил Нуъмонни етакчи драматург сифатида танидим,

танийман ва ардоқлайман. Ҳақиқатан унинг драмаларидаги образлар ишончли, ёрқин, эсда қолгуликдир. Улар бесаноқ. Бундай қараганда, ўзбек совет драматургияси деганда, чин маънодаги драматург Комил Нуъмон ўғли Яшин-да. У Ҳамза Ҳакимзоданинг издоши. Тўғриси айтганда, Ҳамзани Ҳамзалик чўққисига кўтаришда, оламга танитишда Яшиннинг меҳнати тоғдек, айни вақтда Яшинни Яшинлик чўққисига кўтарган Ҳамза.

Яшиндаги оригиналлик, халқчиллик, тил давлатмандлиги, ранг-баранглик — мактаб даражасида юксакдир. У чинакам замон куйчисидир.

Йигирманчи йилларнинг ўрталаридаёқ Комил Нуъмон таниқли ва илғор қаламкашлар қаторида эди. У Андижонда турар, лекин асарлари Тошкентда ва жумҳуриятнинг бутун музофотларида қўйилар эди. Ҳамид Олимжон билан мен Комил Нуъмонни кўриш ва адабий суҳбатлар учун (ё 29, ёки 30- йилда) Андижонга борганимиз эсимда. У бизни аввало «Икки коммунист» томошасига олиб тушгани ва томошабинлар олқишига ўша куни ҳам сазовор бўлгани шу бугунгидай эсимда. Ҳалимаҳоним билан умр йўлдошликни янги бошлаган йилмидикин, улар ҳеч биридан айрилмас, янги турмуш шундоқ бўлади, деб кўз-кўз қилгандай, ҳаминша ва ҳамма ерда бирга бўлишарди. Ҳатто у биз билан Ҳалимаҳонимни Наманганга ҳам бирга олиб кетди. Янги колхоз қишлоқларида, тоғда, яйловларда ҳам бўлди. Адабий кечалар ўтказдик. Уша замонга хос адабий суҳбатлар қуриб ва шеърлар ўқидик. Ушанда ҳам Комил Нуъмон етук ва назарий пишиқ, Ленинград тарбиясини олиб келмиш, навқирон адиб эди.

Комил Нуъмон ўғли қалам тебрата бошлаган палла инқилобнинг илк йиллари, синфий курашлар ва қурбонлар даври, қора туруҳларнинг очиқ ва яширин кирдикорларига қарши, янги дунё, янги онг учун фидокорона кураш даври эди. Бу даврда миллатчилик руҳидаги асарлар кам эмас эди. Ҳатто ўшандоқ чирик, аксилҳаракат асарлар устунликка интилар эди. Комил Яшин биринчи қадамларданоқ ўзини пўртанага урган қаламкашлардан. У биринчи асарларданоқ ҳеч қачон ўрта йўл тутган эмас. Ҳамма вақт сўз санъатининг меҳнаткашлар қураётган оламшумул ишга сафарбарлигининг тарафдори, у ҳеч қачон бетараф мавқе тутган эмас, ғоялар жангида у ҳеч вақт муросага йўл қўйган эмас. Сўз санъатини ҳамма вақт жанговар байроқдай баланд кўтарганлардан. Уша байроқ тагидан у ҳеч нари ё бери силжиган эмас. Комил Яшин ўтган жанг майдони беаёв, оғир, чигал, тайғоқ, қурбонталаб, мардоналик талаб майдон. Бу эзган ва эзилган, қоронғилик ва ёруғ-

лик, ёмонлик ва яхшилик, ёвузлик ва одамийлик — меҳнаткашга хос одамийлик юзма-юз келган майдон эди. Бу майдон ҳар бир қаламкаш, ҳар бир сўз санъаткори учун зўр синов ҳам эди. Комил Нуъмон шу синовлардан дилига ва кетар йўлига ғубор қўндирмай ўтганлардандир. Шу ваздан «Икки коммунист»дан бошлаб «Генерал Раҳимов»га қадар Комил Нуъмон асарлари ғоявийлик, партиявийлик, реализм ва халқчилликнинг гўзал намуналаридир. Комил Нуъмон асарлари шу жанг қайноқларида камол топгани учун халққа суюкли ва умрзоқ.

Комил Нуъмон драматургиясининг бадий қудрати, томошабинни ўзига тортиб олувчи санъаткорлиги — замон фалсафасини очишда маҳмадоналикдан қочишда. Яъни замон ғояларини риторикада эмас, жонли ва ҳаракатдаги эҳтирослар жангида кўрсата олишда. Унинг асарларида салбий шахслар ҳам, ижобий қаҳрамонлар ҳам конкрет, жонли, ҳаракатдаги ва ҳароратли одамлардир. Бу одамлар шу даражада табиий, ҳаётий, таниш ва ишонгуликки, томошабин воқеанинг саҳнада ўтаётганини унутиб, гўё ўзи билган-эшитган ҳаёт лавҳаларини қайта кўраётгандай бўлади. У ўз ғояларининг ҳақиқатини томошабин қалбига қуя олади, етаклай олади. Томошабинда нафрат ҳам, муҳаббат ҳам қўзғай олади, кулдира олади ва йиғлата олади.

Буюк социалистик аср қаламкаши сифатида, ўзи яшаган ҳаётнинг чўнг тарихий ва ижтимоий мазмунини уйдирмаларда эмас, жонли инсон тимсолларида, жонли инсон суратларида, жонли инсон жангларида бера олганлиги учун Комил Нуъмон катта санъаткордир. Унинг асарлари қурч қоядай ғоявийлик ва юксак сўз санъати бирлигининг яхши ва ярқироқ монументларидир. Комил Нуъмон кўп асрлик адабиётимиз ва маданиятимизнинг илғор анъаналаридан баҳраманд қаламкаш. Унинг асарларида ўзбек руҳи, ўзбек тупроғининг атир ҳиди димоққа уради. Шу билан бирга жаҳон адабиётининг порлоқ ва пешқадам сиймоларининг сабоқлари бежиз ўтмагани аниқ. У Шекспирдан ҳам, Шиллердан ҳам, Островскийдан ҳам, Горькийдан ҳам ўргана олган ва ўзи устозлик рутбасига кўтарила олган қаламкаш ҳозир. Одамийлик ва байналминалчилик ғоялари, йўғон томирларда тоза қон чопқиллаб-гупириб тургани каби, унинг асарларида ярқираб туради, ўзгача айтсак, замон ғоялари, Ленин ғоялари Комил Нуъмон асарларининг умуртқа суягидир. Комил Нуъмон асарларининг қардош халқлар саҳналарида ҳам шуҳрат топганлиги, демок, тасодиф эмас, Комил Нуъмон драматургияси улкан ҳаётий қудратга эга асарлардир. Йиллар ўтган сари у

асарлар тагин чуқурроқ ва ёрқинроқ мазмун касб этишларига тўлиқ ишонаман.

Комил Нуъмон адабий ҳаракат етакчиларидан бири сифатида ҳам жуда жўн, жуда оддий, ҳамма вақт, ҳар нечук шароитда сўзлашиш, маслаҳатлашиш мумкин бўлган, ўзини биринчи ўринга қўйиб, қаққайиб турмайдиган, ҳамиша ўзини орқароқда тутиб, умум адабиёт учун, бир бутун ўзбек совет адабиёти учун вақт ва куч аямайдиган заҳматкашдир. У қаламкашларнинг оқсоқоли сифатида ҳаммамизга маслаҳатгўй ва дўст. Менинг Ленин темасига кириб олишимда Комил Нуъмон ўғлининг кенгашлари, даъватлари, дўстона кўмаклари зўр бўлди. У бўрк олиниши керак бўлганда, бошга қўл чўзганлардан эмас. У инсон қадрига етадиган, ленинчи принципга собит, чинакам етакчидир. Бу жиҳатдан у унутилмас. Ҳамид Олимжон ва устоз Ойбекларнинг адабиётга раҳбарлик йўсинлари ва анъаналарининг яхши давомчиси, десам янглиш бўлмас. Мен Комил Нуъмон тўғрисида кўпиртирмай, муболағасиз, қайта сал тортиброқ айтаётибман. Мен бу гапларни ҳам ўз дилимдан, ҳам ўзимдек жўн қалам заҳматкашлари дилдан айтаётибман. Чунки унинг айтгулик чинакам одамий хислатлари кўп. Мен Комил Нуъмон ўғлидай заҳматкаш ва аллома қалам соҳибининг шунчалик доврўқ ва шарафга ҳалол меҳнат туфайли эришганидан хушвақтман ва фахрланаман. Ҳамиша янги чўққилар забт этишини дил-дилдан истайман.

1972, апрель

АТОҚЛИ ВА АРДОҚЛИ

Бундан эллик йил илгари биров: «Эшитдингларми, темирчининг қизи ғазал битадиган бўлибди-я», — деса, «Қўйсангиз-чи, лоф ҳам эви билан-да, гўдакмидик чўпчакка ишонадиган?» — дейишарди албатта. Замон ўшандақа эди-да. Темирчи қизини қўйиб туринг, ҳукмдор қизи ҳам шоира бўлиб, ёлчиган эмас. Не-не шоиралар беном кетгани рост. Аёл қисмати ҳали кўп китоблар ёзгулик оғир эди у замонларда. Ҳолбуки, бизнинг кунларда бу ёрқин ҳақиқат...

Шундай қилиб, Исроил темирчининг қизи Зулфияхоним ўзбек юртининг атоқли шоираси.

Зулфияхоним фақат ўз республикамизга эмас, қардош халқларга ҳам, олис элларга ҳам ўта таниқли ва севимли шоирадир. Чўчиб-чўчиб қўлга қалам олгану, лекин келажакка ишонч билан қараган, сочи жамалаклигидаёқ ёзган-

лари матбуот саҳифаларида кўрина бошлаган бир қизалоқни кўз олдингизга келтиринг. Бу қизалоқ биринчи кунларданоқ ўзбек аёлининг дардини ва орзусини саррост куйламоққа тушганини тасаввур этинг. Ана шу Зулфия! Ижод йўли осон бўлмади, албатта. Уқиб керак бўлди, ёзиш ва ўчириш, тагин ўчириш ва ёзиш, ўрганиш ва ўртаниш керак бўлди. Юрт дарди билан куйиш-ўртаниш, Зебунисо ва Анбар отинлар учун ҳам куйлаш керак бўлди. Ҳаёт тўлқинларига шўнгиш керак бўлди. Халқ юрагини билиш ва билиб қўшиққа солиш керак бўлди. Мана бугун у бақувват қалам соҳибаси. Ўз сози ва ўз овозига эга бу шеър заҳматкаши кўп қатордошларидан, асосан, оригиналлиги ва мавзу кенглиги, ифода йўсинларининг янгилиги, тилга бадавлатлиги, замонга ўта ҳамнафаслиги билан ажралиб туради.

Севимли шоирамининг лирикасидаги «мен»лик — ўзбек совет аёлининг тўла ифодаси — тенглик туйғуси, инсонлик ғурури, оналик шодлиги, ёр ҳижрони ва ғуссаси, ватандош аёл армони ва ишончининг ифодасидир. Жарангдор ва ёрқин, қувноқ бахт қўшиқларида ҳам, тинчлик орзусида айтилган, уруш оловини ёқувчиларга қарши ғалаёнли ҳайқириқларида ҳам, қардошлик — бирдамлик мотивларида ҳам, ошиқоналарида ҳам ўзбек аёлининг барала садоси эшитилиб туради. Ўзбек шоирасининг бардам овози жаҳоннинг олис нуқталарида, юксак минбарларда жаранглашидан ғурурланмаслик мумкинми? Зулфияхоним жаҳонгашта қаламкаш. Халқ ва мамлакат берган ваколат билан олис юртларда кезиш, одамлар дилига ҳақиқат уруғини сочиш, кишиларнинг кўзларига тўғри қараб, уларнинг дилларида эрк ва тинчлик туйғусини уйғота билиш, кишилар дилида оташ ёқа билиш, тинчлик ошиқларини топа билиш — поэзияда ҳам изланиш ва топишдир.

Тинмас-тинчимас бир йўлчини тасаввур этинг. Сўқмоқларда, доволарда, сойларда кезиб юрибди, излаб юрибди. Унинг бисотида ҳар дўнг ё ўйиқдан бир эсдалик — бир тош парча бор. Ҳар тош парча — бир хазина даракчиси. Мана бизнинг сеvimли шоира ҳам шундоқ: ҳамиша изланишда, топишда. Дунёда изланиш ва топишдан яхшироқ, юртга янгилик бағишлашдан ҳам эзгуроқ нима боркин?

Ҳамма вақт топавериш шарт эмас, мумкин ҳам эмас. Лекин бу — меҳнаткашлик белгиси, ўз китобхонига тегаран ҳурмат белгиси. Дунёда тайёрга айёрдан эл безор. Ҳамма соҳада асл меҳнаткашга олқиш бўлсин!

Ҳаммага бирдек ёқиш — маҳол гап. Лекин кўпчилик-

ка маъқул қила билиш — санъат. Санъатда эса, урин-чоқлик яхши фазилатдир. Чунки санъатнинг чегараси йўқ, гап тиниб-тинчимасликда! Зулфияхоним ўшандоқ санъаткор, баъзилари жуда силлиқ бўлмаса ҳам ўзиники, тақрор эмас, сийқа эмас.

Шоиранинг ўз сўзи билан айтганда, шеър устида узлук-сиз, меҳнат Ҳамид мактабидан ўрганилган хислатдир. Ҳамид мактаби деганда мен Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода кабилар ўтган йўлни кўзда тутаман. Бу шоирлар ижодида давр ифодаси бор, воқеа даражасига кўтарилган асарлар мавжуд.

Зулфияхонимда ҳам шундоқ: «Юрагимга яқин кишилар», «Уни Фарҳод дер эдилар», «Уғлим, сира бўлмайтиди уруш», «Мушоира», «Саодатнинг америкалик хонимга жавоби», «Қозоғистон ўланлари» — давр овози, замон таронаси, яъни воқеа даражасидаги асарлардир. Ҳаммасини санамайман.

Зулфияхоним классик шеърдан, унга қул бўлмай, замонга уйдириб ўргангани сабабидан — шеърларида қуруқ пафос кам, улар ҳаётий, воқеабанд. Зулфияхоним шеърларида борган сари воқеабандликка тугал ўтиш ҳаракати қувончли ва ҳасад этарли ҳодисадир.

Зулфияхоним эллик ёшда. Эллик ёш — анов-манов гап эмас, юксак поғона! Лекин соғлом ва оташқалб қаламкаш учун бу йўл усти нафас ростлаш учун қўним-қўналға, холос.

Эллик ёш чинакам ижодкор учун гул фасли, камолот босқичларидан юксакка кўтарила бормоқ даври, айни заҳмат вақтидир. Тинмай ўқиш, талтаймаслик, юксак маданият, коммунистга хос ижодий принципиаллик, ростгўйлик, ватандошлик туйғуси мужассам, инсонпарвар, жафокаш, самимий, куюнчак ва уринчоқ бир қалб — мана бизнинг шоирамиз шундоқ хислатлар эгаси. Юрилган сўқмоқдан юришни ҳамма дўндира олади. Лекин янги сўқмоқ азобидан қўрқмаслик — мард иши. Зулфияхоним ўшандоқ тантиларидан!

Зулфияхоним яқинда Фарғона водийсини кезиб, ўша таассуротлар ифодаси бўлмиш туркум ёзиб келди. Бу туркум — Фарғона ҳақида, чинакам олтин водий ҳақида янги гал, янги қўшиқлар, оғиз тўлдириб айтгулик шеърлардир. Мен бирон жойда мисол келтирмадим. Бунинг боиси менга ажратилган саҳифанинг кичиклигида. Ҳар ким жиндек гумон қилса, гапларимга шубҳаланса, Зулфияхоним китобларини ўқиб кўрсин. Ушанда, менинг бу сўзларим мадҳия эмас, балки ўзбек совет поэзиясининг энг етакчи вакилларида бирининг ижодидан фахрланиш

туйғуси эканлигига ишонч ҳосил этади. Шоирамиз бўлса, мадҳияга жиндек ҳам муҳтож эмас. Ҳар яхши шеъри яратувчига мадҳия-ку ўзи! Мен бир китобхон сифатида, оддий қаламкаш сифатида таассуротимни айтяпман. Таҳлил илм иши. Мен фақат Зулфияхонимнинг шеърлари устида айтяпман. Арбоб, редактор, жамоатчи, ёш шоирларга тарбиячи ва таржимон сифатида бошқа ўринда айтарман ҳали.

Эллик ёшга тўлган шарафли кунда ўз юртининг шайдо шоирасига халқ айтади: «Юксал, қанот бердим. Яша, ҳаёт бердим, азиз фарзандим! Янги чўққиларни эгалла, жаҳонга овозингни жаранглатавер, ардоқли ва атоқли шоирам!»

* * *

Зулфияхоним ҳақиқатан ўзбек совет поэзиясининг энг уринчоқ ва омадёр яратувчиларидан бири. Ҳамиша оригинал ва янги сўз айтиш, ҳамиша китобхон олқишига сазовор бўлиш шоира ижодига хос фазилатлардан. Зулфияхоним шеърляти ҳамиша замонга оҳангдошлиги, бугунни куйлаш ва эртани ишонгули тасаввур эта билиши, қисқа-си, чинакам гражданлик, ғоявийлик ва партиявийлиги билан ажралиб туради; ижодида эгри-бугри, ошди-тушди чизиқлар йўқ, айниш йўқ, ҳамма вақт пояма-поя юксалиш, поғонама-поғона парвоз бор. Бу жиҳатдан атоқли шоира ижоди ёш қаламкашлар учун мактаб! Зулфияхоним аввало ўзбек шоираси. Шу вайдан унинг шеърлятида Ўзбекистон бутунлигича жилваланади. Ўзбек табиати, ўзбек қалби, ўзбек меҳнаткашининг буюк дўстона оиладаги бахтиёрлиги, ўзбек аёлининг ёрқин ва сулув сиймоси, дарди ва бахти, тўй ва томошаси — мана Зулфияхоним шеърляти!

Зулфияхоним шеъри — чинакам шеър. Яъни у нозима эмас, шоира! Оламни, ҳаётни образлар — тимсоллар воситасида тушунувчи ва тимсоллар воситасида китобхон дилига қуйгувчи, одамзод қалбига қалин дўст, қалб торларини жаранглата олиш қудратига эга қаламкаш!

Бу жиҳатдан Зулфияхоним шеърляти грузинга ҳам, бошқирдга ҳам, озарга ҳам, русга ҳам сеvimли.

Зулфияхоним жаҳонгашта қалам эгаси. Жаҳон кезиш, жаҳон бўйлаб тинчлик ва дўстлик ғояларини тарғиб этиш сафарлари беиз қолгани йўқ. Унинг ижодида икки буюк қитъа ҳаёти, икки қитъа нафаси, икки буюк қитъа интилиши шеърлий ифодасини топгандир. Шеърлятимиз довруғини оламга ёйган машҳур «Мушоира», «Бахшиш», «Тун»

шеърларини эслайлик. «Мушоира» умумсовет поэзиясида улкан воқеа бўлганини эслайлик. Севиқли шоиранинг Осиё ва Африкада ҳам ўта таниқли ва ҳурматларга сазоворлиги, жаҳон бўйлаб кезганда, қитъадан қитъага учганда, совет шеърининг порлоқ салобатини оламга ёйган кунларда эришилган чўққи эканлиги ўз-ўзидан аниқ.

Ҳамза мукофоти, Неру мукофоти лауреати бўлмиш Халқ шоирасининг янги мукофотга, яъни Осиё ва Африка ёзувчиларининг «Нилуфар» мукофотига сазовор бўлиши ҳам ҳали зикр этилган меҳнатдан кейин табиий. Унинг шеърляти нилуфардек тиниқ, жилвали, ёрқин ва жозиба-лидир. Айниқса, шоира қаламидан тўкилган янги дурдоналар ўта ярқироқ ва нурбахш. Мен «Ҳарорат», «Асло унутилмас», «Дебоча» ва устоз Ойбек ҳақидаги «Қуёшли қалам» достонини кўзда тутаман. Зулфияхоним аёл қалбининг куйчиси, она қалбининг куйчиси сифатида чинакам гўзал шеърлар ёза олган сўз устаси ҳамдир. Мен ҳозир санаган асарлар оламга етук совет аёлининг етук ва пурҳикмат она кўзи билан, юксак шоирона кўз билан кўра олиш ўрнақларидир.

Зулфияхоним 50 ёшга тўлган кунларда Қўқондаги учрашув ёдимда. Қўқон шаҳар партия комитетининг котибаси унга ҳунар мактаби талабалари яратган сеҳрин, нақшин давог ҳам қалам совға қилиб, деган эди «Нодира ва Маҳзунаойимлар айтолмай кетган сўзларни сиздан кутишга ижозат беринг!»

Албатта давог ва қалам рамзий бир тортиқ. Лекин халқ дили ва халқ умидини тўла ифодаловчи шеърин бир тортиқ. Зулфияхоним халқ дилидаги ўша умид ва нишончини оқламоқда.

Зулфияхоним шеърлятимиз ва маданиятимизнинг чинакам фахридир. Қаламкаш сифатида, қаламкашларнинг энг олдинги қаторида қадам ташлаётган заҳматкаш сифатида, редактор сифатида, арбоб сифатида у биз учун қадрли ва ўта сеvimли.

Маълумки, қайтариқ ва кўчирмачилик, назирачилик поэзиямиз юксалишига тўғаноқ, холос. Ёш қаламкашлар (фақат ёшлар эмас) Зулфияхоним заҳматидан, шеърлятидан ўргансалар, ўрнак олсалар бўлади. Зулфияхоним ижодига янгидан-янги омадлар тилайлик.

* * *

Ўзбек совет поэзиясида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши — тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳануз эсимда, ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин

бир ҳақиқат бу ўзи! Чигалликлар, тортишувлар, изланишлар тўлиқ бир паллада янги ва умидбахш бир садэ, ёқимли бир саз жаранглаб кетган эди-да. Уша кезде аёл зоти дан қўлига қалам олганлар саноқли ва пайдо бўлиб улгурмайин сўниб қолар, ижодлари ҳам умумийроқ, бир-биридан фарқсизроқ, ибтидоийроқ, жўнроқ, назмгўйликдан нари ўтолмаган машқлар, ўхшатмалар эди. Давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли, она армонлари, она бахтини, она дилини куйлашга қодир бир онабошига ўта интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб, қўлига саз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир. У биринчи машқларданоқ тонгга маҳлиё. Буюк ва пок тонг гўзалликларига ошиқ, тонгни қадрлашга фидоий, жасоратли ва урунчоқ куйчи бўлди. Зулфия судралиб юргани йўқ, ҳар янги шеърда илгарилаётгани аниқ, парвозга узоқ йиллар тайёрлик кўргани кундай равшан, сатрма-сатр, бандма-банд, шеърма-шеър теранлашиб, ярқираб, бурролик ва жаранг касб этган қалам соҳибасидир. Бу фазилат ва сажия хамирдан қил суғургандай осон ва ўз-ўзидан қўлга кирган эмас, албатта. Узлуксиз меҳнат, уриниш, изланишдан, тунлар уйгоқ ўтганидан, ёзиб-чизганидан, ўқиганидан, ўрганганидан, чарчаб аста чироқ сўндирганидан, отаётган тонгни кутганидан, тонгни суюб, куйиб куйлаганидан ҳосил бўлди.

Зулфияхоним шеърларида тонг тимсоли, тонг тасвири, буюк эрк, буюк бахт, буюк давр, буюк ва ёруғ дунё тимсолидай жаранглаб кетганлиги ва ҳануз ўшандоқ жаранглаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас, ҳаммаси фақат меҳнатдан, узлуксиз меҳнатдан!

Улуғ Ватан уруши жаҳонга хавф солганда, бошларга оғир айрилиқлар, ҳижронлар тушганида ҳам Зулфияхоним овози тиниб қолгани йўқ, балки янги жаранг, ўктамлик зиналарига кўтарилди олди. Бу оғир йиллардаги умумшеърят оқимида Зулфияхоним овози ёрдан жудо ёш келин, ўғлидан жудо оназор дилининг оғир изтироблари, ғалабага умидвор ва ишонч бор она тимсолининг ифодаси бўлди. Бу оғир йиллардаги Зулфияхоним шеърлари жангчи ёр ва жангчи ёрга вафодорлик садолари бўлди:

«Тушда ҳам, ўнгда ҳам излайман сени, сен ёвни йўқ этиб, омон қайтгунча», каби фиғонлик, дардлик, лекин аниқлик ярқираб турган сатрлар ўша йиллар ҳайқиригида! Она ҳайқириги, ёр ҳайқириги, давр ҳайқириги, шу билан бирга бардамлик қўшиғи, субут ва садоқат қўшиғи, бир сўз билан айтсак — вафодорлик қўшиғи. Нечог-

лик содда-ю, нечоғлик теран ва эсда қолгулик! Бу оғир йилларда Зулфияхонимнинг ўз бошига ҳам оғир жудолик тушди. У бир тасодиф қурбони бўлиб, унинг умр йўлдоши ва мураббийси, дўсти ва суюклиси Ҳамид Олимжон оламдан ўтди. Ҳамма қалам аҳли учун, ўзбек халқи учун, совет маданияти учун оғир бу айрилиқ Зулфияхоним учун ниҳоятда оғир бўлиши табиий, ахир! Оловли ишқ, одамийлик, сидқидил дўстлик ва тошқин меҳр ўз авж пардаларида узилиб қолиши фожиа устига фожиа бўлган эди-да. Зулфияхонимнинг дунёда энг яқин кишисини, юлдузи юлдузча тўғри келган забардаст шоирни унутиши мумкин эмас эди-да. Ҳа, унутиш мумкин эмас!

Буюк ҳинд халқида (ўша халқнинг бир тоифасида) яқин ўтмишга қадар мурдани ёндириш одати бор эмиш. Ҳайратомуз ва даҳшатли томони шундаки, ўлган эркакни ёндирганда унинг тирик аёли ҳам ўтин устига чиқиб ўтирар ва бирга ёниб кетар эмиш. Яқин ўтмишга қадар!

Ҳамид Олимжон кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди менинг назаримда. Фарзандларини отаси йўлида вояга етказиш, шеърни Ҳамидона вояга етказиш ўнғаймиди? Ҳануз ёнмоқда... Уша ишқ, ўша суқ, ўша вафо — Зулфияхоним шеърятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди.

Кўклам келганда, ўрик гуллаганда, дарё бўйида, тоғ этакларида, дўстлар гурунгида, олис-олис юртларда ҳаммиша ва ҳамма жойда шоира кўз ўнгида ўша азиз, ёрқин шоир тимсоли жиндак ҳам нари кетган эмас. Ҳамид Олимжонни соғиниб, жаранглаган шеърлар кишини лол қолдиргудек даражада Ҳамидона! Ушандоқ содда, ушандоқ аниқ, ёрқин ва дадил! Ушандоқ асил, ҳақиқий шеърят! Ушандоқ халқчил, ушандоқ пишиқ ва ушандоқ замонавий! Ушандоқ олмос қирра, етакчи ва чақноқ!

Ҳамид Олимжондан поэзиянинг талай сирларини ўрганиб олганига шоиранинг ўзи ҳам иқрор ва шу билан бахтиёр. Шундоқ! Икки ирмоқдан бир жилға оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда. Уша жилға, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш хаёлида йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда.

Ҳар бир шоирнинг ҳам ишонган кишиси шундоқ бўлса қани эди!..

Зулфияхоним шеърятида вафо мотивлари билан бир қаторда ватанпарварлик, она табиатнинг моҳирона чиз-

гилари, она тупроқ кўшиқлари, қардошлик кўшиқлари, оналик фахриялари, ватандошлик садолари ҳам энг ўзак мавзулардан.

Шоиранинг талай шеърлари совет адабиётимизда воқеа даражасига кўтарилган шеърлардир. «Рашк», «Сулув тонг», «Қозоғистон ўланлари», «Кўкчатов», «Сўроқлайди...», «Кўзгу», «Кўзлари сузук», «Сенсиз», «Мушоира», «Ҳарорат», «Қуёшли қалам»— ўҳў! Ҳаммасини санашга ҳожат борми? Мисолларга ҳожат борми?

Жаҳон камтар, ўта заҳматкаш, билим уфқи кенг, ғоявий метин, эртани коммунист кўзи билан кўра билишга қодир, доимо дили тошқин, оламни тимсоллар — образлар силсилалари кўзгусида тасаввур этишга қодир етук ва асил шоира. Ҳозир шеърятимизнинг ҳам, маданиятимизнинг ҳам, юртимизнинг ҳам фаҳри! Наники фақат жумҳурият фаҳри бўлса! Йўқ, Улуғ Ватан фаҳри! Қолаверса барча қардош халқлар фаҳри ва суюқлиси ҳозир...

Жаҳонгашта ва тинимсиз шоира асарлари талай-талай халқлар тилида жаранглаб тургани ҳақиқат. Зулфияхоним ўзбек шеърятини жаҳон минбаридан жаранглатганлардан бири ва балким биринчиси. Қозоқ ҳам, арман ҳам, тожик ҳам, украин ҳам, булғор ҳам, ҳинд ҳам, заңжи ҳам, араб ҳам шоирамиз ижодидан баҳраманд ва унинг одамийлигига, санъатига, маҳоратига, жасоратига шайдо.

Донгдорлик ва доврўқ бўлса шундай бўлади-да! Ўз Ватанимизда лауреат, ўзга юртларда лауреат — бу анчайин гап эмас, лауреатлик қошининг қаламлиги учун эмас, бўйи-баста учун эмас, балки шеър учун, санъат учун, одамлар дилини жазиллатгучи ноёб сўз айтолгани учун, халқ ишончини, партия ишончини оқлаётгани учун берилган-ку! Зулфияхоним шеърятига хос томонлар — поэзиянинг ҳамма турларида ва ҳамма вазнларида қалам тебрат олишидадир. Сиёсий лирика ҳам, муҳаббат ўланлари ҳам, минбар шеъри ҳам, эркин шеър ҳам бирдек ўз ўрнида — ўз таъсирбахшлигида, ўз жарангдорлигида. Айниқса, замонага зарурлиги жиҳатидан воқеабанд шеър таъсирчану, минбар эгаллашга тўла ҳаққи бор, деб биламан. Зулфияхоним шеърлари кўпроқ воқеабанд, манзаралик. Кўз олдингизда ҳаётнинг бир парчаси, бир бўлаги ярқираб тургани турган. Бу — сўз йўқки, биринчи галда катта маҳорат белгиси, етукли белгиси, ҳаётга яқинлик белгисидир. Асиллик, яъни тақлиддан йироқлик ҳам шоира шеърятининг яхши хусусиятидир.

Зулфияхонимнинг ўз отасининг темирчилик касбига ҳаваси, кесмалтак пўлат парчаларидан чақмоқлар сачратганига маҳлиё бўлгани ва отасидек бўлишни орзу қилга-

ни бизга маълум. Менимча, шоира ўз орзусига тўла етган кўклам ва бахт жарчиси, тонг куйчиси, юракларда чақмоқ чақиб, оловлантириш бахтига эришган омадёр қаламкашдир. Шоира бутун ҳаётини, билимини, вақтини, уқувини — бутун ўзини ва ўзлигини шеърятга бағишлаган, қисқача қилиб айтсак, шеърят учун туғилган жондир. Мен халқимизнинг фахри ва умиди даражасидаги бу шоирага фақат ва фақат шоира сифатида ёндошдим. Унинг бўлак яхши фазилатлари шеърятини тўлдиради, холос.

Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги улкан бир йиғинда Зулфияхонимни жумҳуриятимизнинг энг ёрқин сиймолари қаторида тилга олгани ҳам бежиз эмас. Бу ғурур туйғумизга тагин ҳам ғурур қўшади! Нур устига нур, деганлари шу-да!

Зулфияхоним ҳозир ёлғиз эмас. Аёл қалбининг тепишини шеър қилгучи Саида ва Ойдинлар, Гулчеҳралар, Ҳалималар пайдо бўлди. Ҳам издош, ҳам елкадош. Бир-бирига ўхшамаган ва ҳамиша юксакликка интилувчи сулув шоиралар. Булар камолотида Зулфияхонимнинг меҳнати қанчадан-қанча. У онабоши.

Суюкли ва ардоқли шоирамиз ҳамиша ҳаракатда. Илгарига қараб ҳаракатда, янада юксакликка қараб ҳаракатда. Унинг поэзиямиз кўкида тонг юлдузидай кун сайин янада ёруғроқ ва фусункорроқ ёнишига бутун дўстлари ва яқинлари, китобхонлари ва мухлислари қатори мен ҳам дил-дилимдан шодман.

1973, ноябрь

ЕРҚИН АСАР

Ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи — чинакам замонавий, ҳаёт тасвирига бой, китобхонни илгари етакловчи, китобхонни ўз келажагига идрок ва ишонч билан қарашга ундагучи ёрқин асарлардан биридир.

Адиб, шубҳасиз, бу юксак поғонага неча йиллик ижодий меҳнат машқидан кейин кўтарила олди. Қиёв ва ҳаётини, қўшиқдай ёлқинли шеърлардан бошланган ижод — эзгу журналистик мактабини ўтиб, демак, ҳаёт мактабини ўтиб, қатор очерклару «Ғолиблар» қиссасидан ўтиб тугал ва чинакам шеърят намунаси — «Қашмир қўшиқлари»га етиб, ундан улкан ва тўла ҳаёт картинаси «Бўрондан кучли» романини ўртага ташлай олди.

Китобхон сифатида бутун ўзбек адабиётини кузатиб,

ўқиб бораман. Шароф Рашидовни эса, биринчи шеърларидан биламан. (Шеърлар тўпламига редактор бўлган эдим.) Шеърдан бошланган ижодий меҳнат — «Қашмир қўшиқлари»да ҳам, «Ғолиблар»да ҳам, «Бўрондан кучли»да ҳам шеърга содиқ қолганлиги — баралла мақтагулик ҳодисадир. Уғил бола гап шуки, бу китоб — уйдирма китоб эмас, китоб ўқиб — ўхшатма тарзида ёзилган китоб эмас. Балки бу узоқ йиллар ҳаёт қучоғида қайнашдан, ҳаётни илдиз-илдизидан ўрганиб, ҳаёт дарёсининг теран оқимлари ва гирдобларини дил-дилдан пайқай олишдан, меҳнаткаш одамга бўлган чинакам ва одамий-севгидан, меҳнаткаш одамнинг келажагини, меҳнат суюнчсини ва бахтини коммунист адиб кўзи билан кўра билшдан туғилган китобдир.

Бундан сал илгарироқ йилларда ўзбек пахтакорининг армсини Умрзоқ ота тилида ва дилида шундоқ зикр этилгандир: «Эҳ, кетмоннинг ҳам шу оғир меҳнатини машиналар зиммасига юкласак эди...» (206-бет.) Ҳолбуки, бугун ўзбек пахтакори кетмондан бутунлай қутулиб, дала меҳнатининг бутун икир-чикирларидан то мураккабига қадар машина зиммасига юклаш арафасида. Бундай асарлар — китобхон олдида жавобгарлик сезиш, ўзини халқ бахтининг куйчиси эканини дилдан сезиш, қаламни халқ хизматига сафарбар қилиш каби эзгу хислатлардан, эзгу меҳнатдангина туғилиши аксиомадир. Бундай китоблар — ҳаётни илғор фикр ва теран савод билан кузатиш, ҳаёт картиналарини танлай олиш, танлаб чиза олиш. Фарҳод эртақларида, пахта далаларида, шийпонларда, фаслларни фаслларга улаб меҳнат қилгувчи пахтакорнинг характеридан, типик сиймоларни синчиклаб ўрганишдан туғилиши аксиомадир. Шароф Рашидов ижодига судралиб юриш, ошди-тушди (зигзак) хислатлар ётдир. Шунинг учун адибнинг ҳар янги асари янги бир пиллапоёга диалектик сакрашни эслатади, холос. «Бўрондан кучли» романининг қаҳрамонлари шунинг учун ҳам эса қоларлик, ишонгулик ва эргашгулик.

Умрзоқ ота ва Ҳалим бобо — халқ донолигининг ёрқин тимсоллари. Олтинсойнинг Ойқизи ва Олимжон ўрнак олса арзигулик, замон одамларининг ёрқин тимсоллари. Шу билан бирга бу икки сеvimли инсон, ундан кейин Меҳри ва Қарим — вафо ҳам садоқатнинг замонавий ва мужассам тимсолларидир. Булар — Лола, Бекбўта ҳам Сувонқул билан бирга биллурдай пок виждонли, инсофли, заҳматкаш, ишонгулик содда, ўз бахтини улкан халқ бахтидан ажратишни ҳаёлига ҳам олмагувчи, ўзларини халқсиз «...Қизилқум саҳросига тушган бир томчи ёмғир...»

(224-б.) сезгучи, камтар совет одамларининг тимсолларидир. Погодин ва Смирнов каби эсда қолгучи ҳам эсда қолишга арзигулик инсонлар эса, оламнинг ўзидай доимчи янги ва оламнинг ўзидай мангу дўстлик, одамийлик тимсолларидир. Жўрабоев эса, эсда қолишга арзигулик ва ростакам ишонгулик партия ходими. Бу тимсоллар китобхонга ўрнак. Китобхон сифатида мен буларни севаман, эргашаман, ўрганаман; булар менинг туғишганларим. Буларнинг бахти, омади — менинг бахту омадим. Буларнинг қайғуси — менинг қайғум. Булар билан бирга қуяман, бирга суюнаман.

Алиқул, раис Қодиров, Назокат ва Султонов, мухбир Юсуфий каби тимсоллари менда китобхон сифатида жирканиш туйғуларини қўзғатиб туради. Мен буларнинг қатордан қолиб бораётганига, имиллашларига ачинаман, буларнинг ҳаёт оқимига тўғаноқ бўлишларидан ғазабланаман. Китобнинг кучи мана шунда.

Олтинсойликларнинг меҳнати ва шижоати бир деталь, лекин яхлит ва бутун ўзбек ўлкаси учун типик, туғма деталдир. Лоғон каналдан бошланган бу ҳаракат — ўз жумҳуриятимизнинг деярли ҳамма бурчакларида ёруғ из қолдиргани ҳақиқат-ку. Бу ҳаракат тажрибаси ахир биздан қардош жумҳуриятларга ўтганидан фахрлансак ҳақлимиз-ку. Бу ҳаракат ҳали кўп замонлар ўз жилосида, ўз салмоғида қолиши турган гап-ку. Шунинг учун ҳам «Бўрондан кучли» романи бизга қиммат ва севимли китоб.

Китобда ёрқин тимсоллар билан бирга табиат тасвирлари ҳам ёрқин, таниш ва дилрабо: дала манзаралари, булсқ бўйлари, кўклам чиройи, саҳро тасвирлари, экинзёр жилвалари — меҳнаткаш ўзбек тасвири фонида моҳирона ва ишонгулик чизилгандир (67, 68, 104, 191, 206, 216, 222, 251-бетлар).

Алиқулга бағишланган боб, Назокат (135-бет), Қодиров (145, 149, 159-ва бошқа саҳифаларда), Муродали (230-бет), Адолат (249-бет) қиёфаларини очишда мантиқлидир. Ойқиз Умрзоқ ота ва Погодинларнинг ҳаяжонларини, руҳий ҳолатларини (89, 173-бетлар) чизишда адиб қалами ўткир ва мантиқ хўжасидир.

Мирзачўличи узлуксиз эгаллаш асрида, Сурхон бўзларини очиш арафасида бундоқ асарнинг қиймати ва хизмати вечодлик эзгу ва улуғ. Ойқиз тимсоли — Турсунойлар наслини тарбиялай олди, десам хато бўлмас. «Бўрондан кучли» романининг талай тилга таржима қилиниши ва доврўғ қозониши бежиз эмас. Кўп миллатли совет китобхони, шунингдек, ўзбек китобхони — китобларда ўзини, меҳнатини, уйқусиз тунларини, ғлабасини, келажакка

нишончини кўргуси келади. Яхшидан ўрганиб, ёмондан жиркангуси келади. Шу нуқтаи назардан бу китоб ўта ибратли, севимли ва қадрли.

«Бўрондан кучли» китобини ҳар гал кўздан кечирганимда, бир китобхон сифатида ўзбек адабиёти учун чинакам қувонч ва фахр туйғуси мени ўраб олади, оддий бир ёзувчи сифатида ҳаётдан нечоғлик йироқ эканимни қайта-қайта эсимга солади.

Бу китоб адибнинг ўткинчи поғонаси эканига тушунаман. Чунки узлуксиз ижодий меҳнат эгасининг янги чўққиларга кўтарилишига исбот на ҳожат!

Ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи — ўзбек юрти, ўзбек табиати — сўлим тупроғи ва меҳнаткаш инсон шарафига тўқилган қасида ва замон симфониясидир.

1960

Келажак умидида

АДАБИЁТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ёш қаламкашлар адабиётимизнинг келажакидир. Иилдан-йилга юксалаётган адабиётимизнинг эртанги кун тақдири, шубҳасиз, ёш қаламкашлар қўлида. Шу ваддан ёш қаламкашлар ҳақида ўйламаслик мумкин эмас. Адабиётимизга дадил кириб келаётган янги-янги номлар кишини қувонтиради, холос. Унта бўлса, ўрни бўлак, деган боболар. Яъни агар адабиёт майдонида жавлон ургувчи унта Ойбек бўлса, ё айтайлик, унта Комил Яшин бўлса — ўрни бўлак. Ҳаммаси ўз меҳнати, ўз ижоди, ўз шарафи билан халққа сеvimли бўлади. Халқ — бу бир денгиз, у ўнлаб ва балки юзлаб заҳматкаш қалам эгалари, чинакам санъаткорларни ўз тўлқинларида тебратишга қодир, ардоқлашга қодир...

Ёш ёзувчилар ижоди билан қизиқаман, вақт топиб улар ёзган асарларни ўқийман. Мен таниб, кўз-кўзга тушганлари ҳам талай. Мен танимасам-да, хат орқали менадан кенгаш олиб тургувчилар ҳам оз эмас.

Мен асарларини ўқиганда, сеvинтиргувчилари ҳам бор. Лекин ҳали ҳам ўхшатмачилик, кўчирмачилик гирдобидан чиқишни истамагувчилари ҳам оз эмас.

Мен ном-баном айтишни истамайман. Адабиётни сеvгувчи ва кузатгуvчиларга бари аён. Фақат ўшандақа осон йўлга, яъни оригиналликка бегона ёшларгина: «Ҳеч ким билмайди»,— деб ўйлашади, шекилли. Шуниси аянчлики, баъзан уч-тўрт китоби нашр этилганларда ҳам шу иллат давом этмоқда. Ёзгани кимнингдир қайтариғи, ниманингдир акси садоси, холос. Бу ёмон, албатта. Бу фақат китобхон қадрига етмаслик эмас, бу аввало ўзини ерга уриш, ўзининг ғариб ва қалбидан қашшоқлигини оламга эълон қилишдир, бу шармисорликдир. Ёш ёзувчи бу мантиқ мағзини чақиб, теран тушуниб олишини жуда-жуда истардим. Давр порлоқ. Яхши ва оригинал ёзишга ўрганиш учун жами шарту шаронт тахт. Ғамхўрлик бор, ўрганиш ва ибрат олиш учун устозлар бор. Фақат меҳнат, чинакам меҳнат тўғри йўлга — катта йўлга олиб чиқа олади.

Мен семинар-кенгашга йиғилган ёш авлодларга, расомларга, бастакорга, санъаткорларга тўғрилик, ҳалоллик, чинакам халқ куйчиси, янги ва ёрқин ҳаёт куйчиси бўла олиш каби бахт ва ижодий омад тилаб қоламан. Устоз Максим Горький айтган тубандаги сўз доим эсда турсин ва ёш қаламкашнинг йўлида машъала бўлсин: «Талантнинг тўқсон тўққиз бўлаги — меҳнат!»

1972

УГИТЛАРИМ

Менинг биринчи шеърим 1926 йил шу «Ёш ленинчи» саҳифасида ёруғлик кўрганлиги ҳар гал ёдимга тушганида, миннатдорлик туйғуларим тошиб кетади. Ундан олдин мен мактаб деворий газетасида (Ўлка ўзбек эрлар билим юртида) қатнашардим. «Ёш ленинчи» у вақтда бир варақ (икки бет)лик газета эди. Кейин мени газета редакцияси (комсомол топшириғи тарзида) ишга олди. Газета редактори Сотти Хусайн менга даста-даста шеър уқиялар келтириб ташлар, мен улардан танлаб, яна газетага элтиб берар эдим.

«Ёш ленинчи» ёшларнинг энг жанговор ва суюкли газетаси эди. (Ҳозир ҳам шундай, албатта.) Ахлоқ, гоёвий пишиқ вояга етиш, тобланиш, ҳунар эгаллаш, савод олиш, билимли бўлиш, аскарый хизмат, ватанпарварлик, синфий онг — ҳаммаси газета саҳифаларида ёритилар, шу ваздан ёшлар дилига яқин эди. Айниқса адабий машқларга ўрин берилар ва адабий кенгашлар ҳам, ҳар қалай, кам бўлмас эди. Шундай қилиб, биринчи шеърим «Ёш ленинчи»да пайдо бўлди. Лекин талтайиш ва димоғдорлик биздан неча фарсах узоқда бўлди. Масалан, ўша вақтда менинг шеърларим ўз мактабимда ё ўлка қизлар билим юрти, ё бошқа бир мактаб саҳнасида ким томонидан уқиларди-ю, мен бўлсам, ҳамма қатори орқароқда ўтирар ва эшитар эдим.

Ҳозирги ўрганувчи қалам эгаларида кўринаётган ўринсиз кеккайиш ва доврўққа ўта ўчлик бизда йўқ даражада эди. Шундай тарбияланган эдик-да. Мен ёш қаламкаш дўстларимни ҳам ўша йиллардаги комсомолга хос одабий камтарлик, одоб ва ёшликка хос ҳаётга ундар эдим. Ўринсиз ва асоссиз талтайиш — бу иллат. Камтарликда ва одобда гап йўқ. Бу биринчиси! Иккинчисига келсак — бу кўп ва узлуксиз ўқиш, китоб қўймай ўқишдир. Фақат ҳикояю романлар эмас, ҳамма соҳадан бохабар қилгувчи, чинакам ўқимишли — зиёли даражасига кўтаргучи китоблар ўқишдир. Биз у вақтда ўз тилимизда китоб йўқлигидан татар ва озарбайжонча китобларни таллашиб ўқир эдик. Кейин таталаб рус тилида китобга ташландик.

Шубҳасизки, катта бир ҳазинага йўл топдик. Рус тилини билиш — бемалол бой маданият хазинаси калитига эга бўлишдай бахтдир. Ҳозир китоб етгулик, ҳамма соҳадан! Фақат ўқиш етмайди, ҳа! Китоблардан билим уфқи кенгайди, ёзиш-чизишда маҳорат ўрганиш мумкин. Лекин ҳаётдан четда бўлсангиз, билим — билимлигича қолади, китоб — китоблигича қолади. Ҳаётга шўнғиш учун биринчи мактаб — журналистика мактабидир. Энг атоқли, энг суюкли замон адиблари газетачиликдан кўтарилганлиги эсингизда бўлсин! Бу — ишчи ёшлар билан қалин бўлиш, колхоз ёшлари ҳаётини кўз узмай кузата билиш, ёш пахтакор, тупроқшунос, кимёгар, дарға бинокор, бўёқчи ва талабалар ҳаётидан лавҳалар, очерклар ёзиш, бу — ҳаётга шўнғишнинг биринчи қадамлари.

Уша ёшлар дилига кира билсангиз, ёзганингиз замонавий мазмун касб этиши аниқ. Ишчи ёшлар ва колхоз ёшлари, талабалар билан қалинлик, суҳбатлардан, ҳеч ким эшитмаган ва ҳеч ким ёзмаган воқеаларга бой ва китобийликдан соқит асар дунёга келади. Бу учламчи!

Гап асосан шеър устида борапти. Мен биринчи комсомол матбуотида кўзга кўриндим, комсомол газетаси мени ҳамиша қўллаб-қўлтиқлаб келди. Мен комсомол матбуотида қўлимга қалам олганимдан фахрланаман. Ҳозир айтганим — ёшлар дилига кира билиш деган сўз — бугунги саводли, юксак дид эгаси, маданиятли ёшлар дилини жазиллатадиган шеър ёзиш деган сўз! Албатта, ўнғай эмас. Мен шу ёшга келиб, ҳали-ҳануз «Комсомольская правда»га меҳрим ва ҳурматим сўнган эмас. Бу газета саҳифасида ҳамма янги ном ярқираб пайдо бўлади ва дилни овлаб кетишга қодир, пишиқ, жўшқин...

Бу газетадан ўргана олинг, ўхшай олинг. Албатта, бу ёрқинлик шеър устида узоқ ва узлуксиз меҳнатдан! Қофиябозликдан озод, қуруқ гапдан озод, чинакам замон куйи, бахт куйи, эртаги кунга ишонч куйи, меҳнат қўшиғи, ёруғлик ва ўктамлик қўшиғидай жаранг бергувчи шеър ниятида зўр тер тўкинг! Устозлар кўтарилган чўққиларга интилинг. Чинакам интилсангиз — етасиз. Одамзод қўлидан, айниқса, ёш заҳматкаш қўлидан келмайдиган иш кам! Фақат астойдил манглай тери лўка олинг. Дастгоҳ ёнидаги ишчидай, йил ўн икки ой тиниб-тинчимас қишлоқ йигитидай! Ҳабиб оға Абдуллаевдай, Обид оға Содиқовдай, Тўлан Дадажоновдай! Мана бу тўртламчис!

Ҳозирча шу менинг кенгашим.

Навқирон, умидли, меҳнатга тоби бор қалам эгалари учун поэзия қучоғи очиқ ҳозирги замонда. Поэзия даргоҳи йилдан-йилга кенгайиб, бойиб, жаранглаб бораётгани ва унга ёш ижодкорлар овоз қўшаётгани қувонч бағишлайди, холос. Ёш ижодкорларга Коммунистик партия Марказий Комитетининг ҳамиша оталик қилиб келаётганлиги ҳам қуёшдек ёрқин. Ёш ижодкорларга бармоқ орасидан қарагувчи, гапи бошқа — амали бошқалар йўқ эмас; ундақалар аввало — бу нотантиликлари билан ўз қалбларининг нечоғли қашшоқлигини фош этсалар, иккинчидан — ҳамиша замон қарғишига сазовордир. «Ўнта бўлса — ўрни бўлак...» деган машҳур мақолнинг мағзини агар адабиёт призмаси орқали чақсак, шундай бўлади: «Халқ бағри кенг. Ўнта Ҳамид Олимжону ўнта Ойбек бўлса — оз. Қанчалик бўлса — ўшанча ўз ўрни, ўз ҳурмати, ўз обрўи, ўз шавкати шай. Фақат ўшалардай бўла ол, ўшалардай умрингни адабиётга, демак, халққа бағишлай ол. Ўшалардан ҳам фидойироқ, меҳнаткашроқ бўла ол. Ўшалардай ярата ол!» Доно партиямизнинг ҳамма тарихий қарорлари ва йўлланмалари халқ донолигидан, халқ орзуларидан, халқ тилагидан қуйилиб, сайқалланиб, етилиб, ярқираб дунёга келади ҳаммавақт. Ёш ижодкорлар ҳақидаги қарори ҳам ўшандоқ.

Ёшларга ёшлигимдан яқинман. Лекин менинг ёшлигим чигал ва ола-ғовур йўллардан ўтди; у йилларда ҳозир мен айтиб ўтгандай тилида: «Ҳа, яша!» дегувчи ва лекин ичи қора қандай йўл билан бўлмасин, ёш ижодкорни чалғитувчи, оздиргувчи, оёқ ости қилгувчи, қўлидан келса — қоралаб, йўқ қилгувчилар ҳам учраб турарди.

Мен бир вақтлар ўшандайлар зарбасидан неча гал йўқ бўлиб, неча гал бор бўлганларданман. Мени неча гал жар ёқасидан партия Марказкоми олиб қолганидан умрбод миннатдорман, шу вайдан ёш ижодкорлар тўғрисидаги бу қарордан ёш ижодкордай чексиз мамнунман ва хушвақтман.

Гал икки ёш қаламкаш устида эди, анов кунлар эсимга тушиб, гални чўзиб юборганимни қаранг. Етакчи рус поэзиясининг баракали таъсирида қанот қоққан Тоқтош шеърларидан ўзбек поэзиясига ўтган бир вазн бор: эркин шеър, равон шеър. Бўғиб қўймайдиган, тўла нафас олиш учун қулай. Йигирманчи йилларда бу вазнда Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, кўпроқ Уйғун қалам сурганлари ҳаммага маълум. Кейинчалик бу вазн, яъни эркин шеър Асқад Мухтор ижодининг энг характерли бир қирраси бўлиб қолди, унинг кўпчилик шеъри ва яхши шеърлари шу ва-

знда. Ҳозир Зулфияхоним, Юсуф Шомансур, Рамз Бобожон бу вазнга кўнгил қўйишмоқда. Эркин шеърнинг фазилати — айтмоқчи бўлган фикр, деярли, тил учуда қолмайди, ортиқ сўзга (ҳижо тўлдириш учун) ўрин йўқ, қофиялар аксар сийқа эмас. Уринли — табиий, қофия мавзудан келиб чиқади, хит бўлмай ўқийсиз, негаки, вазн оддий монолог ё диалогга ғоят яқин. Агар эркин шеърни ҳижо ўлчагида кўрмоқчи бўлсак, яъни ҳижжаласак, шундоқ манзара ҳосил бўлади: 12, 11 (абаб); ёки 11,9 (абаб); ёки 10,9 (абаб); ёки 10,7 ва ҳоказо... Лекин кези келганда 11,9 да равон оқаётган шеър зарурат юзасидан 10,7 бўлиши ҳам мумкин, чунки шу сатрда, демак, икки ҳижгога ўрин йўқ! Баъзан бу — мавзунликдан ғоят йироқ, аралашқуралаш хиллари ҳам пайдо бўлмоқда... Мен эркин шеърни баланд қўймоқчи эмасман. Дўндира олган кишига 11 ҳижо билан бошланиб, 11 билан тугайдиган шеър ё бўлмаса 8 ҳижо билан бошланиб 8 ҳижо билан тугайдиган шеър туроқлари жойида, қофиялари янги ва табиий, мавзуга зарур манзарага ёпишиб тушадиган хилидан бўлса, бундай шеърга нима етсин! Шеърятнинг ибтидоий қоидаларини эслатганимнинг сабаби шу кунларда Омон Мухтор («Оҳанг») ва Машраб («Баҳор кайфияти») тўпламларини ўқиб чиқиб, ўйга чўмганим, шунингдек бўлак ёш қаламкашларнинг кўплаб хатларига ва саволларига қисман жавоб бўлар, деган умидда бўлганимдан, холос. Омон Мухтор ҳам, Машраб ҳам эркин шеърга меҳр қўйганлардан. Ҳар икковида ҳам шу эркин шеър — эркин вазн талабларига жавоб бўлгулик машқлар йўқ эмас. Эркин шеър ўз туғилишида публицистик лирика учун ифода йўсини тарзида дунёга келган эди, ҳозир у турли-туман ва ранг-баранг фикру туйғулар учун кенг-мўл ва чегараси йўқ ифода йўсинига айланмоқда. Вазн турларининг ҳаммасида (бармоқда ҳам, оқ шеърда ҳам, эркин шеърда ҳам, сочилган шеърда, аруз баҳрларида ҳам) гап кифтини келтиришда, фикру туйғу, яъни ғоя билан шакл (вазн, қофия, туроқ, оҳанг, сўз, тимсол) бирлигини топа олишда, қисқаси, қаламкаш маҳоратида...

«Дунё — дунё эмас.

Дунё — бир китоб,

Миллионлаб варақдан иборат.

Дунё-дунё эмас,

Миллионлаб наққош

Миллион йилларда қурган иморат.

Биз миллион йиллар учун

бино тузишни

Буюк бир китобдан ўргансак агар —
Кимдир китоб ёқиб
 бино бузишни,
Билмадим, қаердан ўрганар!»

Омон Мухтор тўпламидаги «Дунё ўйлари» сарлавҳали шеърдан кўчирилган шу бандларга назар солайлик. Эркин шеър вазнига тааллуқли бу шеър чакки эмас. Шоирда дунё ҳақида фикр юргизиш савиясига талпиниш дуруст фазилят. Шу шеърнинг ўрта бандларида:

«Кўклам... барглар тиниқ... Шундай тиниқки,
Сингиб кетгум келар бағрига.
Мана, битта дарахт...
 Гўё жони бор,
Кўнгли бору
 Кўнгли унинг шундоқ синиқки...»

каби сатрлари бор. Кўриб турибсизки, шеър таъсирбахш, ўйлатадиган маъно бор. Айниқса, охириги бандларда:

«Ҳам кўз берди, ҳам кўришни ўргатди менга,
Ойдин кўришни...
Мендан олдин ўтган одамлар!
Ҳам қўл берди, ҳам кўришни ўргатди менга,
Кўркам дунё қуришни...
Мендан олдин ўтган одамлар!»—

каби сатрлар тўлғин, салмоқли, кўпиксиз, ҳайқириксиз, сара сатрлардир.

Бироқ фикру туйғуларнинг қоқилмай, сачрамай оқишига ҳалал бергувчи тарафлари ҳам йўқ эмас. «Миллионлаб наққош» иборасини олинг. Бу ерда, менингча, бинокор ё бўлмаса меъмор сўзи йиғлаб кўришгундай ўз ўрнига тушар эди, фикр ярқираб кетар эди.

«Кўнгли унинг шундоқ синиқки...»

сатрига назар солайлик. Бирламчи — сатрда «унинг» сўзи ортиқ ва кераксиз бўлиб, вазни бузиб тургани аниқ, иккиламчи — қофия жуда-жуда жарангдор бўлса ҳам «синиқ» сўзи беўрин. Негаки, шоир дарахтнинг кўнгли синиқлигига имо билан ҳам важ кўрсатмай ўтади, бу синиқлик жумбоқ ҳолида. Ҳолбуки, дарахтнинг бевақт каллакданиши ё безори дастидан шохи синиши, ё ташналик дарди, ё тагига — заранг тупроққа кетмон тегмаганлиги каби дарди айтилса, бир қадар рамзий ранг касб этган бўлар-

ди. Шеърнинг гашти ҳам, ганчи ҳам, шувоғи ҳам, бўёғи ҳам сўз эканлигини эсдан чиқармайликда! «Машраб исёни» деган туппа-тузук шеърда:

«Алишер — шер эди... Ва лекин вазир —
Эмасди Машрабдай эрқдан девона» —

сатрларида «девона» сўзи ўз ўрнига тушмаганлигидан фикр мужмал: ахир «эркка девона» дейилса ёки «эркка сўзана» дейилса, Машрабнинг эркка зор қиёфаси, ҳазрати Навойдагидек (ҳар қалай улуг вазир) эрқдан маҳрумлиги, эрк учун девона, эрк учун куйган Машраб сиймоси ярқираб кетар эди. Бу шеър устоз Ойбек қаламига хос Машраб ҳақидаги машҳур шеър такроридай туюлса ҳам тузук шеър.

«Оқарган чеҳрангда... порлаган —
Қўзингда минг тарам сочинг, ё
Дарёдай бағрига чорлаган —
Бағрингда, шодлигим бир дунё.

Мана шундай бошланган шеърнинг нақ ана шу бандидан, ажабо, нима пайқаш мумкин? Мен бу бандни ҳар йўсинга солиб, ярим туришлару кўп нуқталарини ҳар сўздан кейин қўйиб ё олиб ташлаб тушунишга уриндим. Афсуски, бир нима илғай олмадим. Ҳолбуки, ўзимни шеър аҳли қаторига қўшиб юраман.

«Менга ва оламга» деб бошланувчи шеърда: «Дилбар у лабларнинг ғамзаси, ҳайҳот» сатридаги «ғамза» сўзи муаллақ, ғамза (ноз)лабларга эмас, аслида кўзга хос бўлса керак. Шу шеърда:

«Кўзларки бир оҳу, кўзларки аждар».

сатридаги «аждар» сўзи оригинал муболага бўлиб кўринса ҳам, тасаввурга сиғмас, бадҳазм, ҳатто қўрқинч, тушингизга кирса — лабларга учуқ чиқадиган даражада хунук! Қофия тўлалиги («назар» сўзига қофия) тўғрисида ўйлаб, шеърнинг мазмунига қарамаслик қандай хато сўқмоққа етаклашини кўринг!

«Бегона» шеърида ўзбек тилида «Ёмгурлик» сўзи бор бўлса ҳам шоир нуқул «плашч»ни ишлатади, менимча, бор сўз бойлигимиздан ҳазар — шоирга ярашмас!

Бу мисоллар Омон Мухтор шеърлари нуқул шунақа ийғи чиққан машқлардан иборат, деган гап эмас, Омон Мухторда замонга оҳангдошлик, ватанпарварлик ва севги қўшиқлари бўёқдор, қуйма сатрлар ҳам, ярқироқ бандлар ҳам, тугал шеърлар ҳам бор, ранг-баранглик учун,

янги гап айтиш учун ҳаракат, уриниш яққоллигини инкор этиш инсофдан эмас. Унинг шеърларида: «Шоирлар қалбига киролмас иблис, Азроил ололмас улар жонини...» каби сатрлар оз эмас. Тўпلامда «Дунё ўйлари», «Машраб исёни», «Ҳусайн фожиаси», «Ҳамза», «Қўллар», «Боғда бир сас», «Бухорода қиш», «Уйқусиз тунлар» каби шеърлар ўқиғулик, яхши, жиндак сайқал, жиндак пешона теги, жиндак таҳрир билан ярқирашга шай шеърлардир.

Мен шеър таркибида сўз моҳияти тўғрисида чувалаб, Омон Мухтор машқларидаги такрор ва сийқа мотивлар ҳақида, ўзини такрор ҳақида, китобийлик деган иллат ҳақида гапни чўзиб ўтирмадим. Бу ҳоллар шеър ошиқлари, шеърят аҳли кўзидан қочиб, қаёққа ҳам борарди!

Аmmo Омоннинг шеърларида эпикликка майл аниқ бўлса, Машраб шеърларида лиризмга зил кетиш очиқ-ойдин. Тўпلامдаги «Кўча кезар эдим», «Бахтимиз бор, дўстгинам», «Хаёл сафаридан», «Янгамга», «Баллада», «Бир шаҳри азим», «Кўшиқ», «Гулхан дейсан», «Деразадан», «Оҳу», «Баҳор», «Сув бўйида», «Қаддин баланд тутуб», «Термуласан», «Юксакликка» сўзлари билан бошлангувчи шеърлар анов-манов гап эмас.

«Унинг ўзи сизмайди оламга,
Муштдай юрагига сизга ҳам жаҳон».

«Мен бедорман, бедорликда дарс бергайман дарёларга».
«Гарчи қишнинг чилласи — атрофим оппоқ қордир,
Хаёлимда қулф уриб, яшнаётган баҳордир».

Туппа-тузук шеърларга кириб қолган бу сатрлар (фақат шуларгина бўлса майли-я!) шеърни чертиб-чертиб ўқиғувчи ва баҳо беришга қодир китобхонларимизга бир қадар ҳурматсизлик бўлмасми? Бу иборалар, бу фикрлар қачондир, ким томонидандир — тўқисроқ, жаранглироқ айтилганлиги, қайтариб ўлтириш фақат чалғитиш эканлиги исбот нораво ҳақиқат-ку! Ақли бутун ва қалби пок қаламкаш (айниқса ёш ижодкор) шеърда қайтариқлик ва нусха кўчириш — хунук оқибатга элтишини унутмаса яхши-да! Ақли бутун ва инсофи бор қаламкаш (айниқса ёш ижодкор) тема излашда ҳам, сўз ва тимсол танлашда ҳам ифода йўсинида ҳам, шаклда ҳам оригиналлик ошуфтас бўлса яхши-да! Нусха кўчириш, айтилган гапни тортинмай, ийманмай такрорлаш — ижодий методига айланиб қолган қаламкашлар ҳам йўқ эмас. Бутун фожиа шундаки, ўшандайлар бу гапни биринчи бор айтаётгандай, кўрагига муштлаб, айюҳаннос солишдан тоймас бўлади. Бундай ўртоқлар шеърят йўлига тўғаноқлигини, шеър об-

йини ерга ураётганлигини, қофиябозликка тирикчилик дастаги тарзида ёпишиб олганлигини ўзлари тушунмайди, деб бўлмайди-ку!

Машраб булар сирасида эмас, албатта. Сўзнинг кези келиб қолди, холос. Машраб машқларида сўзга эътиборсизлик Омон Мухтордан ошиқроқ.

«Қийғоч киприклар умридай узун»

«Қирғоқда мажнунтол — қомати дуркун».

«Бу оқшом нафасинг сингари илиқ, бўсангдай оловли табаррук»

Киприк узунлигини умр узунлигига ўхшатиш муболағанинг ишониб бўлмас тури. Ўзи мажнунтол — эгилишга мойил тол, қандай дуркун бўлсин? Оқшом илиқ экан, қандай қилиб оловга ўтиб кетди бир зумда?

Сўзнинг ёмони йўқ, ҳаммаси яхши, ўрнини топса, ярқираб, оловланиб кетади. Сўз ўз ўрнига тушмаса мунғайиб, мўлтираб, ўксиб, ўнғайсизланиб, яралганига юз пушаймон бўлиб қолади.

Бу бешафқатлик, бемурувватлик, ёввойилик, ахир. Сўзни сарсон-саргардонлик тақдирига мубтало қилмай, ўта диққат ва эътибор билан жаранглатиш, ярқиратиш, гавҳардай қадрлаш энг аввало қаламкаш зиммасида...

Машраб китобидаги «Ривоят» ва «Йўлларимда кўзлари тўрт», «Шоҳизинда» каби машқлар янгиликка интилишдай кўринса ҳам тугуриқсизроқ. «Қўшиқ-жўшиб» каби сийқа, шеърят шайдоларини зада қилиб қўйган қофиялар ҳам китобийликда Омондан қолишмайдиган парчалар ҳам анча-мунча! Китобийликнинг тарвақайлаб кетган дарахтга ўхшашлиги бор: китобийлик — энг аввало теран савод дегани. Бу яхши! Лекин ўқилган китоб таъсиридан чиқолмай, пиқиллаб ётиш, ундан сабоқ ола билмаслик ва ҳаёт тўлқинларига шўнғиб, ўз йўсинини топмаслик айб! Гап шундаки, бугунги шеър ошиқлари саводли (кенг маънода), баланд дид, ўтилган йўлдан хабардор, ўтилажак йўлдан воқиф, талабчанроқ, талабга ҳақи бор — етук ватандошлардир...

Бутун бошли китобда кўзда тутилган иккита мисол, демак, бу Машраб ижодига характерли эмас. Мен ёш қаламкашларни шу ўринда сергакликка ундамоқчи бўлдим.

Мен икки ёш қаламкаш ҳақида (яқин кўрганим туфайли) сийлаб-сийламай, жиндак фикр юргиздим. Негаки иккови ҳам гапга тушунадиган, меҳнатдан қочмас, эртаси руғ, умидли қалам эгалари. Шу жиҳатдан менинг ўғитлимни аввало ташна ва хайрихоҳ китобхон, қолаверса, қарордаги қаламкаш фикрлари тарзида қабул қилишар, деб жонаман.

Шеърятимизнинг иккала учирма полапонига юксак парвоз тилайман.

1975 йил, февраль

ГАМХҲҮРЛИККА ЖАВОБАН

Ўзбек шеърятини улуг давримиз билан барабар одим отмоқда. У сўнгги йилларда кўпгина ёрқин асарлар билан бойиди. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш маҳол. Бизнинг ҳар биримизга кимнингдир ижоди яқин ва ардоқли. Шахсан менга — Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Гулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Ҳусниддин Шарипов, Муҳаммад Али, Жамол Камол...

Уларнинг асарлари мени қайси жиҳатлари билан ҳаяжонлантиради? Улар қаламига мансуб асарлар ғоясининг жонли, тўлақонли образларда, ҳаққоний, ўз даври учун тиниқ тақдирларда мужассамланиши билан. Зулфиянинг Ойбек ҳақидаги, Асқад Мухторнинг Ленин ҳақидаги достонлари, Мирмуҳсиннинг «Невара»си ана шундай асарлардан.

Ёш шоир Жамол Камолнинг «Армон» номли достони тўғрисида алоҳида сўзлашни истар эдим. Фронтда уч фарзанди ҳалок бўлган, аммо сўнгги дақиқаларига қадар уларни кутишдан чарчамаган она бу дoston саҳифаларида тирикдек гавдаланади. Шоир бу ҳақда катта ҳаяжон билан нақл юритади. У «уруш», «фашизм» деган сўзларни тилга олмайди, аммо унинг достони менга урушга қарши қаратилган энг яхши асарлардан бири бўлиб кўринади.

Леонид Ильич Брежнев партия съездида ижодий интеллигенция меҳнатига жуда юксак баҳо берди. Бу баҳо даставвал бизнинг нуқсонларимизга партиявий талабчанлик билан ёндашишни талаб қилади.

Бизнинг баъзи асарларимиз — катта авлод ҳам, ёшлар ҳам назирагўйлик иллатидан халос бўлолмаптилар. Улар мавзуни ҳаётдан ахтариш ўрнига, уни китобдан олмоқдалар. Бизда ҳали теша тегмаган мавзулар тўлиб-тошиб ётибди, шеърини асарларда тасвирланишга муносиб қаҳрамонлар ҳам кўп. Қайноқ ҳаёт бағрида бўлишни хоҳламаслик натижасида шоирлар бир жойда депсиниб қолмоқдалар. Мен ёш адабиётчиларнинг журналистика мактабини ўташларини маслаҳат қилар эдим. Бу мактаб ҳаётининг ранг-баранг томонларини ўрганиш имкониятини беради.

Бироқ мавзунинг ўзи ҳали етарли эмас.

Чор дарвиш тўғрисида бундай ривоят бор. Бошқа шериклари ухлаб ётар экан, бир дарвиш ёғочдан қўғирчоқ ясайди. Иттифоқо тўқувчи бўлган бошқа бир дарвиш ун-

га кийим бош тикади. Учинчи — заргар дарвиш безаклар тайёрлайди. Тўртинчи дарвиш эса кўғирчоқ тайёр бўлганини кўриб, унга жон бағишлашни сўраб, худога ёлборади. Шундан сўнггина у баркамоал асарга айланади.

Мен поэзияни ана шу кўғирчоққа қиёслашни истар эдим. Мавзу ёғочдан ўйилган шакл, қоғия, сифатлаш, ўхшатиш эса унинг либоси ва безаклари. Лекин унга жон бағишлагандагина у чинакам шеърятга айланади.

Бизнинг давримизда шоирларнинг ёмон ёзишга ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ. Менинг авлодим шеърятга кириб келганда, бизга ниҳоятда қийин эди, биз ниҳоятда ночор эдик. Уша вақтда классик Шарқ шеърятидан айрим шахсларгина баҳраманд эдилар. Рус шеъряти хазинасини эса биз эндигина кашф эта бошлаган эдик. Уша пайтда халқ бахшиларининг бирорта асари ҳам нашр этилмаган, уларни фақат тинглаш мумкингина эди. Жаҳон (Европа) классикасининг бирорта асарини ўзбек тилида ўқиш имконияти йўқ эди. Ҳозир-чи? Абдулла Орипов Дантени, Эркин Воҳидов Гётени, Муҳаммад Али Шекспир ва Бёрнсени она тилига таржима қилдилар... Мен ёш ҳамкасбларимга ҳавас қиламан, уларнинг қўллари ҳамма нарсага етади; ўрганаман, десалар, устозлардан кўли йўқ. Энг муҳими, бадий ижодга ҳеч қачон бундай ғамхўрлик ва диққат-эътибор бўлмаган эди.

Партиянинг ана шундай ғамхўрлигига жавобан ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш керак.

1976 йил, апрель.

ЕШЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Ўзбек совет адабиётининг шеърят деб аталмиш бо-би ҳам йил сайин янги мазмун ва янги ранг, янги жило касб этмоқда. Уша биз фахр этсак арзигулик савияга кўтарилаётган шеърят даргоҳига ёш талантлар дадил кириб келмоқдаки, бу, шубҳасиз, қувонарли ҳодиса! Биз қўлга қалам тутган, биз қалам тебратишга бошлаган палладаги ёшлик билан ҳозирги ёшлик ўртасида фарқ жуда катта. У вақтларда ҳам, шубҳасиз, ёш талантларга ғамхўрлик бор эди, лекин ҳозир у идеал нуқталарда.

Мен 40-50 кўйлакни олдинроқ тўздирган оддий қалам заҳматкашларидан бири тарзида ёш ижодкорлар бахтидан, тақдирининг ёруғлигидан гоят тўлқинланаман. Шуни чизиб ўтиш керакки, ёш ижодкор учун ҳамма шарту шариит бор, йўл кенг, фақат чинакам заҳмат, қунт зарур. Ҳамма чигилни меҳнату машқ ёзгандай, шеърят сирларини ҳал этувчи ҳам фақат машқ, фақат меҳнат, чинакам

меҳнат — яъни ўқиш, ўргана олиш, янги гап — замонга лойиқ гап айта олиш — мана идеал қандоқ баланд! Ҳаёт шунчалар равшанки, ҳаёт шеърятга шунчалар бойки, уни илғай олган, илғаш даражасига кўтарилган киши ҳеч қачон бировга ўхшаб қолмайди, ҳеч қачон ўзгадан кўчириб, шармисор бўлмайди.

Еш шоирлар ўртасида пишиқ, уяти бор, заҳматга иноқ, умид боғласа хижолат бўлмайдиганлари оз эмас! Ҳозир кўпчиликка аён бўлиб қолдики, шеър дегани — юрак дегани, тўлқин дегани, ҳаяжон дегани, тимсол дегани, тимсолларда фикр юргазил дегани! Вазну-қофиялик сўз нимаики бўлса шеър бўлмаслиги бугунги китобхонга қуёшдай равшан гап. Вазну қофияни тузишга қодир одам кўп, лекин вазну қофияни дилдагисини ўқиғувчи дилига сут ва қондай синғдириш учунгина ишлатувчилар, яъни туб маънодаги шоирлар унча эмас. Мана бир шеър:

Эшигинг ортида хўрсинади куз:

«Ҳе-е-й, мен кетмоқдаман...

Хайр, яхши қол!»

Ойнанганда кўз ёши қолдирмоқда из,

Сенга-чи, хайр демоқ туюлар малол...

Қадрига йиғлар куз, йиғлайди ўқиб,

Ва... тонгда чекина орта бедармон.

Сен ҳамдард бўлсайдинг бир лаҳза чиқиб,

Иўлига кетарди балки беармон...

(Самандар Воҳидов, «Гулистон»)

Бу, очиқ-ойдин кўриниб турибдики, жарангдор севги садоси. Қаранг, «Севаман, ўлдим-куйдим деган бирон сўз йўқ. Лекин ошиқнинг беилтифот севгилидан мардона ўқисклиги адаб доирасида шоирона!

Ё айтайлик:

КЎЗГИ ПАЛЛАЛАР

Ястаниб ётибди саргайган далалар,

Эгатлар оралаб мезонлар учмоқда.

Кўнгилга не келмас

Оҳ, кўзги паллалар —

Хаёлдай паришон хазонлар учмоқда.

Офтобнинг тиғи-ю,

Тупроқнинг ҳовури

Сўнгсиздай қоришиб кетади... менимча:

Олтин куз — малларанг от минган сувори

Еки у юзига тўр тутган келинчак.
Олтин куз энтикиб,
Қайгадир шошади,
Оёғи остида хазонлар чирпирак.
Пахтакор бобом ҳам карвонлар бошида —
Юзлари ёруғдир, дўпписи чамбарак.
Мен кузни улуғлаб, шеъримга соламан,
...Ястаниб ётибди мен севган далалар.
Ўзимча бир сўзни такрорлаб қоламан:
Оҳ, кузги паллалар,
Оҳ, кузги паллалар...

(Шавкат Туроб)

Қаранг, ёш шоир кузни эсда қолгулик бўёқларда кўз ўнгингизга келтиришга қурби бор лавҳа яратибди. Шеърят учун зарур тимсоллар топибди ёш шоир.

Отасига балли!

«Саодат» журналининг яқин орада ёруғлик кўрган бир сонида Қутлибека ва Фароғатой шеърларига кўзим тушди. Ардоқли Зулфияхоним ўта ўринли ва одилona сўзбоши ёзибди. Бу иккала ёш шоира қаламига мансуб шеърларни ўқий бошлаган ҳар қандай ўқувчи уни охирига етказмаслиги мумкин эмас... Шу даражада завқбахш, бўёқдор, тили бийрон, мавзу — янги ва ҳаётий. Ғоят умидбахш қалам эгалари — бунга жиндак шубҳам йўқ. Мен ўқиб, мисол келтириб ўтирмайман. Яхшиси Қутлибека шеърларини ўқинг, мамнун бўлишингизга мен кафил. Тагин бир ижодкор ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман. Бу Қамбар Ўтаев. Ҳар кез, ҳар кез мен бу шоирнинг кичикларга аталган тизмаларига кўзим тушарди. «Оқшом» саҳифасида тунов куни унинг «Оппоқ қўшиқлар» сарлавҳали шеъри пайдо бўлди. Пахта ҳақида. Бу — пахта ҳақида янги гап, дейишга журъат этаман.

Шеърятда кичиклар ҳам катталар ҳам янги бир тимсол пайдо бўлса, такрорлашга тушиши сир эмас. Лекин бу ёш ижодкор деярли бетакрор гап тўқибди.

Яхши очеркдан ёмон шеър тўқувчи ёки яхши шеърдан ёмон очерк яратувчилар кичик қаламкашлар ўртасида ҳам, катталар ўртасида ҳам анча-мунча! Лекин бу ундоқ эмас, меҳнат меваси бу! Мен ёш ижодкорларга ёруғ бу йилда ҳамиша яхшилик тилайман. Ижодкор ёшларга ленинча ғамхўрлик қадрига ета олишларига тилакдошман.

1976 йил, ноябрь

Ижод сабоқлари

ЛЕНИН ШУНЧАЛАР БУЮККИ...

(«Ўзбек тили ва адабиёти» журнаlining сўроқларига жавоб)

Ўзбек совет адабиётида ҳам Ленин образини яратиш, ўша буюк сиймонинг элга манзур бўлгулик, дилга манзур бўлгулик тасвирини чизиш, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга зўр бурчимиздир. Негаки, ўзбек халқини ҳам эркисизлик ва нодонлик ботқоғидан тортиб олган ва донғил йўлга солган ўша Ленин. Бугун, деярли ҳамма соҳада камолот ва юксалиш ҳақиқат экан, эртанги кунга ишонч тўлик экан, бу Ленин ва у тузган партиянинг изчиллиги ва субутидандир. Бу ҳаммаси Ленин ва у етакчи бўлган партиянинг шарофатидандир.

Қисқа тарихий муддатда ўтилган узун йўлни — оғир ва ёруғ йўлни Ленин сиймоси призмасида кўрсатиш қаламкаш учун ҳам қарз, ҳам фарз, ҳам эзгу эмгак, албатта.

Бизда Ленин ҳақида асар оз эмас. Лекин улуг йўлбошчи тасвирига қаратилган шеърларнинг, деярли, юздан тўқсон тўққизи мадҳиядир. Бу албатта зарур ва ҳануз ўз ўрнини йўқотиши керакисиз поэзия тури. (Яхши ёзилса — албатта!) Бундай шеърлар, инқилобнинг илк йилларидаги каби, минбардан ўқиш учун, мактаб саҳналарида декламация учун, бадий ўқиш учун ҳали ҳам жуда асқотиши турган гап. Лекин эсда қолмайдиган томони ҳам бор. Воқеабанд шеър, фақат Ленин темаси учун эмас, умуман, ҳамма тема учун ўта мақбул шеър тури-да.

Мана шунга ишонч ҳосил қилгандан сўнг мен ҳам Ленин ҳақида воқеабанд шеърлар машқига қўл урдим. Аввало, шубҳасиз, ўша воқеаларни топиш-ўрганиш керак эди. Мен шу орзуда Ленин асарларини (айниқса, Туркистон ва умуман Шарққа оид асарлари, хатлари, мурожаатлари, декретлари, суҳбатлари, фикрлари) ўқидим, музей ва кутубхоналарда ўтирдим, (Москва ва Ленинградда) уни кўрган ва сўзлашган одамлар суҳбатига мушарраф бўлдим, бир сўз билан — изладим, ахтардим. Ўзингизга маълумки, Ленин ўша вақтда давлат бошлиғи сифатида шу даражада банд бўлишига қарамай, Туркис-

тон ва умуман Осиё, қолаверса, улкан Шарқий эрдан чиқарамаган, чиқариши ҳам мумкин эмас эди. Биргина Жумҳурият деган гапнинг замирида, яъни Ўзбекистон деган сўз замирида не маъно ётипти-я! Бу неча-неча дoston ва жилд-жилд эпик асарлар-ку. Бу ахир Ленин номи билан боғлиқ бир улуг тарих-ку. Ё, олайлик, академия... нечоғлик ёрқин тимсол бу!

Эллик йил (ярим асрина!) аввал жуда бахти чопса, ўзига етуклик боғбон ё чорвадор кунини кўрса дунёдан жуда мамнун ва рози гўдакни тасаввур қилайлик. Бугун у аллома... Нечоғлик мўжиза! Тўғри, алломалик ўзбек учун янги гап ёки янги унвон эмас. Ўзбек олис ўтмишдаги алломалари билан фахрланса ҳақли, бироқ анови асрий ботқоқ, жаҳолат ва билимсизлик дашти, эрксизлик, тенгсизлик, ё безгак ва ришта балоси — ё ўрис казак отининг дупури ва қонли қамчиси ва тубжойлик тўпас тождорнинг етмишдан кам бўлмас дарраси, вой-бўй! — бу бадбахтликлардан қутқарган куч, ахир, Ленин даҳоси-ку, Ленин партияси-ку.

Ё бундоқ: эллик йил олдинги бир қизалоқни кўз ўнгимизга келтирайлик — у ҳали кўчада юришга ҳақли, орқа сочим жамалак, деб ашула айтади ҳам. Лекин эртаниндин паранжига ўралиши аниқ. Ё таниш, ё нотаниш бировга узатилиши аниқ. Аёллар тақдири шу эди-да. Бугун ўша давлат бошлиқларидан ёки, айтайлик, мактаб мудир... Нечоғлик мўжиза!

Ё олайлик — чорикор, қўшчи. Ленин замонасида у ерлик бўлди, кейин уйлик бўлди. Бора-бора бола-чақалик бўлди. Саводли бўлди. Огир кунлардан дадил, айнинамай ўтолди у. Ҳозир эваралик-чеваралик, усти бутун, эртасидан рози, тўй-томошаси ўзига етгулик, бирлашган хўжаликда обрўси бор пири бадавлатлардан. Нечоғлик мўжиза!

Ҳамма нарсада Ленинни ёрқин кўра билиш даражасига етсайди ёзувчи, бу бахт! Мен ҳам шу йўлда урунувчиларданман. Тўғри, мен анча-мунча воқеабанд шеърлар битдим. Китобхонга маъқуллари ҳам йўқ эмас. Лекин у шеърлар ҳали машқ. Шу кунларда ҳам Ленин ҳақида кўп шеър ўқишга тўғри келади. Афсуски, кўпи ё қайтариқ, ё анчайин гап. Ленин тимсолидан анча олис, ҳақиқатан чет манзумалар саводли, синчков китобхонни ранжитишини тушунмаслик — қандоқ улкан гуноҳ!

Китобхон қарғишидан қўрқаман. Ҳеч бўлмаса, ёзган маътаинида Лениннинг ўзига хос (фақат ўзига хос!) бирон фазилатини, айтайлик, одамийлиги, меҳнаткашга меҳру оқибати, юлдузининг иссиқлиги, пурҳикматлиги, пайгамбарлиги — (ҳа, пайгамбарлиги — келажакни олдиндан

аниқ кўриши ва айтиши!), жозибаси, соддалиғи, ўрнида бе-
аёвлиғи, бир сўз билан айтганда, чинакам улуғлигини кўр-
сатувчи бирон имо, бирон эсда қолгулик лавҳа (ҳеч бўлма-
са!) бўлиши керак-да! Баъзан ҳалигидақа фақат баланд-
парвоз сўзлардан, қуруқ мадҳиядан иборат назмларда
Ленин ўрнига бошқа бир сиймони қўйиб ўқисангиз ҳам
фарқ билинмайди.

Нақ мана шу чалкашликка дуч бўлмай, китобхон қар-
ғишига тўғри бўлмай, деб уриняпман.

Ленин, ахир, шунчалар буюкки...

Ленин темасининг тасвири нечоғлик жавобгарлик эка-
нини тушуниш ҳам, менимча, бахт. Аввало Ленинга, қола-
верса, халққа ҳурмат...

Мен бу ўринда биронта қаламкашни камситмоқчи ва
ўзимни билагон тарзида юқори қўймоқчи ё бўлмаса ўргат-
моқчи эмасман. Ҳамма учун зарур бир бурчни эслаб ўт-
дим, холос.

Қўлимда Ленин номи билан боғлиқ воқеа ҳам ҳужжат
ҳали анча. Баъзилар нуқта қўйилишга шай, баъзиси қора-
лама, баъзиси қоғозга туширишимни қистаб турган шеър-
ларим ҳам талай.

Мен умуман тез ишлаёлмайман. Айниқса, Ленин тўғри-
сида. Мен ўзимни ҳозир Ленин темасига сал ёндошгандай
сезаман. Улкан юз йилликка, шаксиз, янги гап бўлади.

Улмайлик, орзуга етайлик. Ардоқли ва мен учун ортиқ
севимли журнал редакцияси! Менга берган сўроқларингиз-
нинг биронтасига жавоб беролган бўлсам, жуда хушвақт,
деб ўйлайверинг мени.

1968, 10 декабрь

ҲАР УВОҚДА, ҲАР ЗАРРАДА

«Ленин жилмайиши» деб аталган тўпламим ҳақида ки-
тобхонлардан хатлар оляпман. Турли-туман сўроқлар,
ўтинчлар, кенгашлар, хайрихоҳликлардан иборат хатлар...

Баъзи китобхонлар хатларида: «Ленин ҳақида тагин
ёзасизми? Қачон? Қандай?»— деган сўроқлар ҳам бериша-
ди. Мен бу хатларнинг ҳаммасига бўлмаса ҳам, бир қисми-
га жавоб бермоқчиман:

— Албатта ёзаман. Бошқалар ҳам ёзиши турган гап.
Ҳали Ленин ҳақида жилд-жилд китоблар дунёга келади.
Ленин шундай сиймоки, одамзодундан ҳали асрма-аср мин-
натдор бўлади. Бу — ҳали бир асрлик тўй. Оламга бергусиз
порлоқ бир умр, тарих чарҳини меҳнаткаш эрки, меҳнат-
каш бахти томон буролган бир али инсон ҳаётининг бир
асрлик тўйи, холос.

Ленин ҳақида ҳозирча ёзилган асарлар ёзилажак монументларнинг прологидай туюлади менга. Ленин ҳақида анъанавий қасидалар поғонасидан ўзбек поэзияси ҳам ўтиб қолди, шекилли. Ҳар қалай қуруқ мақтовлар борган сари камайиб, ўрнини воқеабанд шеърлар, балладалар олмоқда. Хусниддин Шарипов шеърлари («Ильични ўйлайман» туркуми) ва Асқад Мухтор қаламига хос «Мангуликка дахлдор» поэмаси ҳазилакам гаплар эмас. Булар умуман бутун совет поэзиясида, қолаверса, ўзбек поэзиясида чинакам янгилик, дилдан-юракдан айтилган сўзлардир. Ленин темасига жуда ҳурмат ва қалб титроғи билан ёндошганлик бу икки шоирнинг ҳар сатридан кўриниб турибди. Мен шеърни бир қадар қадрлашга қодир китобхон тарзида бу икки наслга қарашли ўткир ва зукко шоирлардан миннатдорман. Боя мен «Ҳали ёзаман», дегандим. Ҳа, менда Ленин тўғрисида талай воқеабанд шеърӣ асарлар учун етгулик тарихий ҳужжат бор. Мен ўшаларни битта-битта ёзажакман. Шеър бўлар, баллада бўлар, поэма бўлар. Буни келажак кўрсатади.

— Юз йиллик тўй Ленин ҳақида ёзилгувси асарларга янги маъно, янги бўёқ беради, холос. Лекин, унга нуқта қўймайди. Ҳали китобхон ўқиб: «Барака топ! Дўндирибсан!» дейдиган асарлар олдида. Ленин ахир, бир даврон ярата олган алп устоз, алп доҳӣй. Ҳаётимизнинг ҳамма тармоқларида, улуғ ва ёрқин йўлимизнинг ҳамма сўқмоқларида, бахт лавҳаларида, зафар ҳайқириқларида, янги дарёларнинг шалдироқларида, фазогирларнинг афсонавий азмларида ва олтин юлдузларида, янги саноят ўчоқларининг яхши қўшиқдай шовқинларида, эрта-индин эрк олгуси, бутун-бутун халқларнинг шодиёнларида, бахтиёр ва умридан рози ошиқ ва маъшуқаларнинг янги лапарларида тугилажак. Ҳабиб оғадай алломаларнинг оламшумул илмий асарларида, ёруғлик ва бахт ўланларида, ҳар увоқда ва ҳар заррада Ленинни кўра билиш, пайқай билиш, тушуна билиш, идрок эта билиш — мана бундан кейин яралажак асарлар мағзи ва негизи...

Ленин ҳақида озроқ бўлса ҳам ёзиб турганимдан эл-юрт рози. Демак, мен яна, яна ёзажакман. Улуғ доҳӣйнинг икки асрлик тўйига зора менинг ҳам шеърим етиб борса...

1970

АСРНИНГ КЎЗГУСИ

(«Тошкент оқшоми» газетаси мухбирининг саволларига жавоб)

С а в о л: Пушкин асарларидан қилинган илк таржималар ҳақида гапириб берсангиз.

Ж а в о б: Йигирманчи йилларда — биз ўқиб юрган вақтимизда ўша вақтнинг жўшқин комсомол шоирлари Александр Жаров, Александр Безименский, Иосиф Уткин, Михаил Светлов кабиларни бош кўтармай ўқир эдик. Аста-секин бу шоирларнинг асарларидан таржималар қила бошладик. Машҳур «Гренада» (М. Светлов) шеърини Ҳамид Олимжон ўша вақт савиясидан баландроқ бир жўшқинлик билан таржима қилгани эсимда. Кейинчалик Александр Безименскийнинг «Фожияли тун» поэмасини ўзбекчага ағдардим. Бу «Правда» газетасининг бир неча сонларида ёруғлик кўрган, машҳур Днепро ГЭС қурилишига бағишланган асар эди. Уша машқлар 1937 йилга келиб, Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан улўф шоир асарларининг ўзбекча оҳангларини яратиш кунларида бизга кўмакдош бўлди. Улўф рус шоири А. С. Пушкин асарларини ўқувчилик йилларида талашиб ўқиб ва чалачулпа тушунсак ҳам теран завқ олар ҳамда ёдлар эдик! Мана энди — ўзбек адабиётининг забардаст намояндалари Пушкин асарларини она тилимизга ағдариш учун бутун истеъдодлари билан киришган ўша йили, оға шоирлар изидан бориб, мен ҳам улўф шоир шеърлари таржимасига қўл урдим. Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан менинг таржималарим ҳам алоҳида китоб ҳолида нашр этилган эди. Кейин мен уни тўлдира бордим. Шеър-таржималари ёнига «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Шоҳ Султон ҳақида эртак» каби шеърый асарларини ҳамда «Руслан ва Людмила» достонини таржима қилиб қўшдим. Бу таржималар ҳам бошқа асарлари қатори улкан нусхаларда қайта-қайта ёруғлик кўрмоқда.

Пушкин асарлари тўрт томлиги ўзбек маданияти хазинасида олмос доналардек ўрин олди. Улар ҳамиша ярқираб туришига шубҳа йўқ. Умуман Пушкин асарлари таржимасига ҳар бир қаламкаш ўз қурби ва қудратига ҳам дидига қараб ёндашди, деб ўйлайман. Масалан, устоз Ойбек унинг «Евгений Онегин» каби йирик шеърый романини маҳорат билан ағдара олди. Асарнинг кейинги нашрларида устоз ҳар сафар тузатишлар киритгани эсимда. Шунингдек, Ҳамид Олимжон «Кавказ асири», Усмон Носир «Богчасарой фонтани», домла Шайхзода «Мис чавандоз», Абдулла Қаҳҳор «Капитан қизи», Темир Фаттоҳ «Лўлилар», Уйғун «Тобутсоз» ва И. Султон «Бекат назоратчиси»ни маҳорат билан таржима қилишди. Бу асарлар таржима адабиётида бугунги кунда ҳам катта қадрга эгадир.

С а в о л: Сиз Пушкин таржимаси устида қандай ишлагансиз?

Ж а в о б: Мен Пушкин асарлари таржимасига кириш-

ганимда бирмунча қийинчиликларга тўқнаш келдим. Ҳатто бир талай таржималарим кўнгилдагидек чиқмади. Фақат Пушкин яшаган даврни, ўша декабристлар кўзғолонини, ўша Степан Разин ҳаракатларини, ўша Пушкин яшаган аср руҳини бирмунча илғагач, шоир шеърлари руҳига киргач, таржималаримнинг кўнгилдагидек чиқишига эриша олдим. Мен мутлақо Пушкин оламида яшаб юрган ўша кезларим ҳатто бир кунда 500 сатр таржима қилган пайтларим ҳам бўлган. Эсимда, улуғ шоирнинг «Руслан ва Людмила» достонини ўзбекчалаштираётиб, таржиманинг мароқли тарзда юришиб бораётганидан ҳайрон қолганман. Эҳтимол бунга ўша давр тарихий воқеаларини, Пушкин билан боғлиқ тафсилотларни чуқур билганим ҳолда улуғ шоир даҳосига эҳтиромим, иқтидорим ҳам сабаб бўлгандир. Мен улуғ шоир асарлари таржимаси устида узлуксиз, кунни-тунга улаб ишлаган кунларим кўп бўлган. Қилган таржималаримни вақт ўтиши билақ кўздан кечирар, қайта-қайта сайқаллар эдим.

С а в о л: Пушкин асарларининг таржималари ҳақида, уларнинг бадиий қиммати ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни сўзлаб берсангиз.

Ж а в о б: Пушкин асарлари — бир аср кўзгуси. Шу жиҳатдан қарасак, бу кўзгуда ўша даврнинг улкан фожиалари, жанглари, улкан оптимистик руҳ ва доҳиёна ғоялар ярқираб туради. Пушкин маҳорати ҳам, янги рус адабиётига унинг оталиғи ҳам, Русия тупроғида яшаган не-не эллар ва элатларга унинг устозлиги ҳам яна шунда, Пушкин асарларининг таржимаси устида меҳнат қилганим беиз кетгани йўқ. Бу мен учун ҳам улкан мактаб бўлди. Агар менинг ёзган-чизганларимда, машқларимда китобхонга маъқул бандлар ё шеърлар бўлса, шубҳасиз, у бошқа устозларим қатори Пушкин асарларининг яхши таъсиридандир. Пушкин асарлари, ҳатто ҳар бир шеъри унинг биографиясидан, умр йўлидан бир лавҳадир. Ҳар бир шеърида, ҳар бир асарида замон ва макон аниқ, воқеа аниқ, тасвир аниқ, маҳорат аниқ. Аниққина эмас — доҳиёна. Аксар шеърлари ўша замоннинг илғор ғояларининг нафис ифодаларидир. Эрк мотиви деярли ҳамма шеърларининг ўзак мотиви десак, хато бўлмас!

Пушкиндан ўзбек шеърияти мангу миннатдор, жаҳон минбарига кўтарила олган ўзбек шеърияти бу даҳодан ҳали кўп фазилатлар ўрганажак.

Пушкин асарларининг таржимасига кейинги йилларда ҳар хил савиядаги шоирларнинг ҳам аралашаётгани ва бу юксак шеърият таржимасининг қадр-қиммати бир қадар тушгани ҳам сир эмас. Эндиликда мен улуғ шоир асарлари-

нинг кейинги нашрларида ҳамма таржималарни замон ва китобхон савияси даражасига кўтариш жуда зарур, деб ўйлайман. Янги таржималар бир маҳражга бўйсундирилса ва қаттиққўл таҳрирдан ўтса, дейман.

Замон синовларидан беғубор ўта олган буюк устоз асарлари бу кунларда тагин китобхон эътиборини беқиёс жозиба билан ўзига тортади.

Пушкин кунлари, бу улуғ шеърят байрами шахсан мен учун ҳам қатордаги бир қаламкаш сифатида ёруғ ва шодумон байрамдир.

1977, июнь

ДАВРАДА АЙТГАНИМ

Буюк ва тенгсиз ғалабанинг уч ўн йиллиги эшик қоқаяпти. Улкан байрам бўсағада. Мана шу муносабат билан ардоқли редакция¹ шеър захматкашларидан бир бўлагини тўплаб: «Хўш, нима қиляпсиз, байрам эсдами? Уч ўн йиллик эсдами?» деб ҳол сўраб туриши жуда ўринли, гоят ўз вақтида.

Улкан байрам бўсағада, дейилганданоқ менинг хаёлим бундан уч ўн йил аввалги даҳшатли ва хатарли тўрт йилга учиб кетди. Дарҳақиқат, башарият Нуҳ тўфони ва Чингиз босқинидан юз чандон хавфу хатар ва таҳлика остида эди. Нуҳ тўфони-ку ошириб-тоширилган ва бир қадар илоҳийлаштирилган, алмисоқдан қолган чала чўпчак, чала ҳақиқат. Негаки, олис ўтмишда ҳозирги сув босқинларидан юз баттар қўрқинчлироқ сув офатлари бўлганига ишонмаслик — кўра била туриб инкор этиш бўларди. Чингиз босқини эса, даҳшати, ёвузлиги, хунхорлиги, шайтонлиги, беаёвлиги, жоҳиллиги нечоғлиқ бемисол бўлмасин, аксар найза ва чўқмор билан қуролланган отлиқлар эди, етти юз минг отлиқ!

Гитлер босқинига келсак, бу XX аср жаңг техникасига соҳиб, ёвузроқ, маданий ва лекин Чингиздан юз баттар жоҳилроқ, юз иблисга сабоқ беришга қодир, юз шаддоддан шаддодроқ, беуят ва сурбет, юҳолар ип эшолмас, оғзи қон лашкар босқини эди...

Шундоқ ём-ём, афсоналардаги яъжуж-маъжуждан баттарроқ, очкўз, ютоқ, бутун Оврупани тош-талқон, оёқ ости ва қарам қилган аждарга рўбарў бўлиш учун қурч қоядай бардош, қудрат ва сабот, тошқин нафрат ва ўч, энг кераклиги — пўртанадай куч ва қуёшдай сўнмас ишонч керак

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси кўзда тутилмоқда.

Эди. Бу фазилат ҳаммаси совет халқида борлиги жанг синовида очик-ойдик бўлди. Саноқсиз вайрон қишлоқ ва шаҳарлар, дорлар, тириклайин тупроққа кўмилишлар, дунё-дунё бўлиб одам кўрмаган хўрлик ва зулм совет кишисининг ғалабага ишончу инонини ва мардлигини қайиролгани йўқ. Аксинча: кун сайин оммавий фидоийлик, қаҳрамонлик авж олди. Менинг сал эзмалигимни кечиринг. Гап ўша оғир тўрт йил ва оламга татир ғалаба устида, ўша шиддатли палла шеърияти устида.

Ўзбек шеъриятида ўша тенгсиз жанг тўғрисидаги янгроқ овоз Ҳамид Олимжоннинг машҳур шеъри билан бошлангани ёдимда. Унда жангга чақириқ, олға ундов, ғалабага ишонч бирдек жаранг бергани ёдимда: «Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди!» каби сатрларда совет кишисини шерга, бургутга қиёс қилгани, босқинчини бўри ва қузғунга ўхшатгани шоирнинг субути, бардамлиги, зўридан дарак бериб турибди-ку. Бу — нодонга ҳам, дуваракка ҳам сир эмас.

Ҳамид Олимжон бошлаган жарангдор ундовга, жанговар ғазалга ўлмас Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Зулфияхоним ва Уйғун жўр бўлди. Санай берсак, номлар оз эмас. Гап жанг йилларида ҳам шеърят жимиб қолмаганлиги устида, ўз парвозига эга бўлгани устида: «Роксанининг кўз ёшлари» ё эса, Ғафур Ғулом қаламига хос «Қатта карвон йўлида етим бўтадай», деб бошлангучи эпохал шеър, Шайхзода қаламига тегишли «Йўқ, мен ўлган эмасман» каби ўлмас шеър, талай-талай бошқа шеърлар сўзимга далил бўла олади. Шунини ҳам қўшиб қўяйки, мен янгилик айтаётганим йўқ. Фақат суҳбат ва бугунги мавзу мени жиндек тўлқинга солди ва кўп мудроқ эсдаликлар қўзғалиб қолди.

Мен ҳам жанг шеърларидан машқ қилганман. «Уч», «Олег ва ўртоқлари», «Тўйчи Эрайигит ўғли», «Бор кўча» каби шеърларим худди шу редакция биносида ёзилганлиги ва газетангизда ёруғлик кўргани эсимда. Шу шеърларим фронт газеталарида кўчирилиб босилганлиги ва жангчиларга маъқул бўлганлиги ҳақида хатлар олганим ҳам эсимда. Қисқаси, ўша вақт шеърлари кўпроқ жангга ва ғалабага ундов, ўч ва нафрат, Ватанга муҳаббат шеърлари бўлиб қолди тарих саҳифасида.

Буюк ва тенгсиз ғалабанинг уч ўн йиллиги ҳақида ёзилиши зарур гап шунчалар бесаноқ, шунчалар ёрқинки, ўйлаб туриб тўлиб-тошиб кетасан.

Мен ҳам жанг эсдаликларидан машқ қиляпман. Воқеабанд шеър учун эшитган-ўрганганим оз эмас. Мана шу даврада ярқираб ўтирган қаламкашлардан орқада қолиб кет-

май деб уриниб юрибман. Менинг ҳам улуғ байрамга аталган шеърларимда зафар ғурури, жангчининг қоядай қурч сиймоси, фронт ортида зафар қуролини тоблаган оддий заҳматкаш матонати, вафодор аёл чиройи, ҳижронзада она бардоши, қисқаси, фалокатлардан, ўлимлардан ҳатлаб, янги ва ёрқин дунё қураётган совет одами ҳақида айтса-айтгулик гап жаранг берар, деб ўйлайман.

1975

УЛКАН ЗАМОНГА — УЛКАН ШЕЪРИЯТ

Шеъриятимиз ранг-баранг, оркестрдай жарангдор, ёқимли ва сермаъно. Гулзорга кирган кишининг кўзларини турли-туман гулларнинг товланишлари қамаштиргандай, шеъриятимиз биринчи қарашда кўз қамаштирарли турли бўёқларда. Бу табиий ҳодиса: Эсга олиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган замонлардан ўзбек халқи поэзия ошиғи, ўзбек юрти поэзия ўчоғидир. Айниқса, Лёнин замонасида бу шеърят тағин жилолироқ ва мазмунлироқ. Шеъриятдан замон талаби улкан, халқ талаби улкан. Улкан замонга — улкан шеърят. Маъна, бизнинг идеал ва шиор.

Конкрет инсон тақдири ва инсон ҳаракати ўз тасвирини топмаган поэтик асар — ўлик асар. Поэзия бизнинг замонамизда улуғ коммунизм Программасининг бадий ифодаси бўлиши шарт, ҳаёт таронаси бўлиши шарт, ҳаётни ўрганиши ва ҳаётга ўргата билиши, ҳаётнинг идеал поғоналарига юксалишида хизмат қила билиши шарт.

Шоир меҳнати — болари меҳнатига ўхшаш эмиш... Болари олис тоғ ўтлоқларидан, хушбўй гуллардан, ҳали парранда тумшуғи тегмаган чечаклардан нектар сўриб, учиб келади. Асали ҳам хушбўй ва жон озиғи, руҳ озиғи. Лекин хонаки боларилар борки, бир марта тановул қилинган болдан бол ясамади-я. Қофияни қофияга уриштиришдан шеър эмас, жуда омади келганда, назм пайдо бўлади. Ҳолбуки, ҳақиқий шеър — тимсоллар системасидан дунёга келади. Ҳаёт зиддиятларининг бирлигини топа билиш драматург учун қандоқ зарур бўлса, шоир учун ҳам шунчалик зарур. Жаҳон тўла қўл теккизилмаган тема. Ёзайлик.

Мен улуғ устоз Александр Сергеевич Пушкиннинг ўлганига 125 йил тўлган кунларда Фарғона водийсида юрибман. Улуғ шоирнинг ўлмас асарларини ўзбек китобхонига етказишда — ўз она тилимга таржима қилишда қиттак хизматим бор.

Поэзия ҳақида озгина гапириб ўтдим. Бунинг маъноси А. С. Пушкиннинг мен учун ҳам улкан мактаб бўлганлиги, улкан устоз бўлганлигидир. Ўзбек шеъриятининг ҳозирги

савияга кўтарилишида устоз Пушкиннинг хизмати устоз Навоийнинг хизматидан асло кам эмас, Пушкинни севайлик, улуғлайлик, ўқийлик.

1962, февраль

СИФАТ БЕШ ЙИЛЛИГИ

Икки қурултой ўртасидаги йиллар беҳуда ва бежиз ўтгани йўқ; албатта. Адабиёт хазинамизнинг шеърят деган тоқчасида янги ва яхши асарлар пайдо бўлди. Мен бу ўринда аввало Зулфияхоним қаламига мансуб Ойбек ҳақидаги «Қуёшли қалам» достони ва туркум-туркум шеърларини кўзда тутаман. Айниқса «Камалак» туркуми шу кунларда бутун мамлакатга доврўқ. Ўқиғулик ва фахрланғулик.

Асқад Мухтор қаламига хос улуғ Ленин ҳақидаги «Манғуликка дахлдор» достони ва туркум-туркум фалсафий шеърларни айтмасдан ўтиб бўладими? Йўқ!

Мирмуҳсин қаламига хос «Невара» достони ҳам ватандошлик лирикаси — қатор янги шеърларидан кўз юмиш тўғри бўладими? Йўқ!

Ҳамид Ғулом қаламига хос «Лолакўл» достони ҳам олис қардошлик ҳақидаги сиёсий шеърлари ва қўшиқбоп талай янги ғазалларидан кўз юмиш инсофдан бўладими? Йўқ! Буларнинг барчаси ўқиғулик ва эсда қолғулик.

Саидахон қаламига хос лирика-чи?

Ҳусниддин Шарифнинг улуғ Ленинга бағишланган туркуми ўта оригинал, мағзи тўқ шеърлардир.

Ёшроқ қаламкашлар тўғрисида кўп айтмайман. Ўрни билан тағин айтарман. Мен ёшларга ҳамиша омад тилағувчиларданман.

Кези келиб турганда шуни ҳам айтиб ўтиш зарур; ўқиғулик, эсда қолғулик шеърый асарлар бор-у, бироқ замона «Қўқан батраги», замонага хос «Қизлар», замонага хос «Зайнаб ва Омон», замонага ярашғулик «Назир отанинг ғазабн» пайдо бўлмаяпти.

Буюк партиямизнинг XXV. съездида Леонид Ильич Брежнев томонидан ижодчи зиёлиларга берилган юксак баҳо шоирлар учун ҳам улуғ йўлланмадир. Бу беш йиллик ҳамма соҳа учун — дастгоҳ бошида турган ишчи учун ҳам, машинасоз учун ҳам, кончи учун ҳам, бобо деҳқон учун ҳам, бобо чўпон учун ҳам, кимёгар аллома учун ҳам бирдек сифат беш йиллигидир. Сифат беш йиллигининг шеърят учун ҳам ўта тааллуқли эканлиги сўзсиздир.

1971

ШЕЪРИЯТ ТУҒРИСИДА

Филология фанлари кандидати Гаффор Мўминов билан суҳбат.

Т а н қ и д ч и. Миртемир ака, агар янглишмасам, 1926 йили «Ёш ленинчи» газетасида илк шеърларингиздан «Танбурим товуши» эълон қилинган эди. Ижодкорнинг ғоявий йўналиши ва эстетик принципини ифодаловчи программ характердаги бу шеърнинг мафкуравий кураш авж олган пайтда майдонга келиши бежиз бўлмаса керак?

Ш о и р. 1926 йилда «Ёш ленинчи» газетасида менинг биринчи шеърим пайдо бўлгани рост. Лекин бу сиз айтган шеър эмас. Қайси шеър экан, ҳозир ёдимда йўқ. «Танбурим товуши» эса «Ер юзи» журналида чиққан. Уша даврдаги қизғин адабий мунозаралар, курашлар, изланишлар — ҳамма ёшлар учун ўз ижодий йўлини аниқ белгилаб олишга ундов эди. Мазкур шеърнинг ёзилиши ҳам бу билан изоҳланиши турган гап. Бу шеърни билим юртида чиқадиған «Ёш куч» деворий газетасидан муҳтарам устозим Олим Шарафиддинов кўчириб, журналга элтиб берибди. Мен кейин билидим.

Ҳали мен айтган мунозаралар, адабий курашлар чиндан ҳам биздек ёш қаламкашларни тоблашда кўмакчи бўлди.

Уша даврдаги адабий муҳитга тўхталиб ўтайлик.

Сотти Ҳусайн муҳаррир бўлган «Ёш ленинчи» газетаси қошида Тошкент ёш пролетар ёзувчилари семинари иш юритар эди. Машғулотларга ўша даврнинг қаламкашларидан Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Аъзам Айюб, Зиё Саид, Санжар Сиддиқ, Саидғани. Валиев, Триғулов, Саидолим Шарафиддинов, Гафур ака, Ғайратий, Умаржон Исмоилов, Мумтоз, Мирзакалон, Мели Жўра иштирок этарди. Буларнинг ичида энг кичиги мен эдим.

Семинар жуда ҳам тортишувли, мунозарали ўтарди. Бу тортишувлар, дарҳақиқат, мафкуравий курашнинг ўзгинаси эди. Сиз кўпроқ менинг ижодим ҳақида қизиқаётганингиз учун бўлган мунозараларни эслатаман. Уша ифодаловчи қатор сочмаларим бирин-кетин «Қизил Ўзбекистон» газетасида ва «Ер юзи», «Маориф ва ўқитғувчи», «Аланга» журналларида кўрина бошлади. Ана шу шеърлар ва менга тенгдош бошқа қаламкаш дўстларим ижоди ҳақида баҳс қизиб кетди. Бир гуруҳ кишилар биз ёшларни ҳимоя қилган ёзувчиларга, яъни Олим Шарафиддин, Сотти Ҳусайн ва бошқаларга қарата:

— Сиз бу ёш болаларни пролетар шоири деяпсиз. Она сўти оғзидан кетмаган бу гўдаклар, бу тирмизаклар қаер-

дан пролетар шоири бўла қолди?! — деб шовқин солардилар.

Аслида ўша ўртоқлар пролетар шоири деган сўзнинг маъзини чақмас эдилар. Улар: «Бизда ишчилар синфи йўқ, юртимиз деҳқон мамлакати, бизда қаердан пролетар шоирлар бўлсин», — деган чалкаш фикрни олға сурардилар. Ҳақиқатда эса, совет позициясида туриб ижод қилган ёзувчилар — пролетар ёзувчиси маъносида эдида. Тарихдан маълум, пролетар ёзувчиси, деҳқон ёзувчиси — ҳуллас, ёзувчилар турли-туман ном билан аталар эди. То 1932 йилдаги партия Марказий Комететининг махсус қарори асосида буюк Горький совет позициясида турган барча ёзувчиларни бир уюшмага тўпламагунча кўп чигилликлар, оғишлар, ўтиб кетишлар, ерга уришлар, умуман, чалкашликлар бўлиб турди. Айниқса, менинг ижодим устидаги тортишувларда бу чалкашлик аниқ кўринди. Ардоқли Ҳамид Олимжон ҳам махсус мақола билан чиққан эди. Адабиёт майдо-нидаги чигалликларни ечишда (жонбозликларидан бири тарзида у қуруқ ва ваъзчилик ва бадий қашшоқликка қарши ўт очган эди. Ута билимдон, ҳушёр эди. Умуман, бу тортишувлар, мунозаралар жуда қатта сабоқ бўлди. Буни мен ўз ижодим мисолида кўрдим.

Т а н қ и д ч и. Худди ана шу даврда, яъни ижодингизнинг шаклланиши даврида рус совет шоирларидан кимлардан кўпроқ ўрганган эдингиз?

Ш о и р. Ўлка ўзбек эрлар билим юртида рус тили муаллимимиз Пальмин бизга Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларини ёдлатарди. Кейинроқ, 26—28 йилларда, секин-секин Александр Жаров, Александр Безименский, Иосиф Уткин, борингки, Маяковскийни ҳам ўқиб, ҳатто таржима ҳам қила бошладик. Нимаики эълон қилинса ўқирдик. Аъзам Айюб «Қизил Ўзбекистон»га юборган бир шеъримнинг тагига: «Молодая гвардия» шоирларидан таржима қилиб кўринг», — деб ёзиб юборгани эсимда. Мен Уткиннинг лирикаларидан, Безименскийдан таржималар қилдим. Булар «Бонг», «Қайнашларим» шеърый китобларимда босилиб чиқди. Яна Безименскийнинг Украинадаги Днепр қурилишига бағишланган «Фожиали тун» поэмаси менинг таржимамда алоҳида китоб бўлиб нашр этилди.

У пайтадаги таржималарнинг сифати кўнгилдагидек эмас, биринчи таржима эди. Лекин ёшлар учун, чанқоқ китобхон учун бу асарлар асқотгани эсимда.

Т а н қ и д ч и. Энг муҳими, ижодий чиниқишда мактаб ролини ўйнаган-да.

Ш о и р. Шубҳасиз, Шеърларимдаги жиндак пафос,

шаклий янгилик, оптимистик рух, жиндак ҳайқириқ ана шу рус комсомол ёзувчиларининг таъсиридир. Бу аксиома.

Т а н қ и д ч и. Шеър шинавандалари 1928 йили «Шуълалар қўйнида» номли биринчи китобингизни ўқиган эди. Бу сочмаларингиз ҳақли равишда адабиётшуносликда дуруст баҳо олган эди. Поэзиянинг бу турида қалам тебратишингизга рағбат туғдирган нарса нима? Унинг ҳозиржавоб ва таъсирчан эканидан бўлак яна қандай хусусиятлари бор?

Ш о и р. Шеър машқ қила бошлаган кезларимдаёқ сочмага муҳаббат қўйганман. Эсимни таниганимдан кейин Тургеневнинг «Стихотворения в прозе» деган кичик асарлари билан танишдим. Шу даражада қуйма шеърларки, қофия-ю вазнга тушган шеърлардан баланд туради. Адиб кичик бир манзара, кичик бир лавҳани шундай маҳорат билан чизиб берадики, бу гўё кўз олдингизда каттакон бир ҳаётга дарчадай. Мен қунт ва муҳаббат билан қайта-қайта ўқирдим. Кейин Фотиҳ Амирхон деган тағар шоирининг сочмалари билан танишдим, жуда чуқур ва тўлқин билан ёзилган насрий шеърлар. Машҳур татар ёзувчиси Маҳмуд Мақсуднинг «Қизил чечаклар» деган китоби бўлар эди. Мен уни шу қадар севиб ўқирдимки, ҳатто унинг айрим сатрлари менинг сочмаларимга шундай ўтиб ҳам оларди. Уни мен кейинчалик, китобларимни нашрга тайёрлашда тушириб қолдирганман. Ўз овозим, ўз қурбим билан ёзилганларинигина қолдирганман.

К. Н. Яшин ҳам сочмани дўндириб ёзарди. Шокир Сулаймон ҳам сочмачи эди. Ш. Сулаймоннинг «Қул» деган бир сочмаси бор, «Маориф ва ўқитғувчи» журналида эълон қилинган. Ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Қайтадан бирон жойда босилганми, йўқми — билмадим.

Сочманинг ҳали сиз айтгандай ҳозиржавоблик, минбардан ўқиш, митингларда ўқиш, тез тарқаб кетиши каби хусусиятидан ташқари, қаламкаш учун ҳам енгиллик томонлари бор. Қофия излаб ўтирмайсиз. Бутун айтмоқчи бўлган гапни тўлалигича қоғозга тушира оласиз. Қофия излаб, кўпинча ўйлаган фикрлар жиловланиб қолади ё қочиб кетади. Лекин сочманинг бу енгиллигини тирноқ ичида тушунинг. Яъни, мен унинг қофияга, вазнга тушмаган томонларинигина айтяпман. Бўлмаса, сочманинг ўз қондалари бор. Ундаги образлар, катта вазифалар юклатилган поэтик қочирқиқлар шоирдан катта меҳнат талаб қилади. Хуллас, қофиядош шеърларга бўлган талабларнинг деярли ҳаммаси унда бор. Бўлмаса ўша манзара, таъсир бўлмас эди. Сочма шундай вақтда ёзиладики, туйғу ва фикрлар тўлқинланиб тошиб кетади. Уни бирон тўсиқ билан тўхтатиб бўлмай қолади. У вази, тўроқ, ритмнинг биз тушунган маънодаги

қолипига сиғмай қолади. Шундай пайтларда фикрлар сочма тарзда қоғозга тушади.

Мен ўша вақтда кўп машқ қилганман. Ҳозир ҳам сочма ёзишни қўйганим йўқ. Лекин 20-йиллардаги сочмалар ҳозиргидай эмас. Тўлқинларни ифодалаш учун кўпроқ тескари жумла тузишга ҳаракат қилардим у вақтларда. Гўё янгиликдай. Бунинг ўз таъсири-таъсирчанлиги ҳам бор эди. Узлуксиз машқлардан кейин бу ожизлик эканлигини сезиб қолдим.

Сочманинг қофиядош формаси ҳам бор. Унинг ўзида ички ритм, ички бир музика, жаранг бор. Ҳозир шундай хулосага келдимки, ўша вақтда фикрлар, образлар, туйғуларнинг жуда тикилиб келганида сочма вужудга келар экан. Унинг таъсирчанлиги ҳам шу билан изоҳланса керак. Бармоқ вазнда ёзилган шеърларим «Зафар» номи билан китоб ҳолида босилганда, Самарқанддан бир хат олдим. Сочмага нисбатан бундаги шеърларим таъсирсизроқми, кучсизроқми эди, ҳар ҳолда хатнинг сатрларидан «қани у ҳайқириқлар, тўлқинлар», деган таъна эшитилиб турарди. Шуларнинг таъсири бўлди шекилли, кўп машқлардан кейин бармоқдаги шеърларимда ҳам ўша тўлқинлар оз-моз кўрина бошлади.

Мен сочма ёзганларимдан розиман. Менга бу катта ижодий ошқултоқ бўлди. Ҳозир ҳам ёзилажак шеърларимдаги картиналарни кўз олдимга яхлит келтириш учун аввал «қора» сўз билан, сочма ҳолда қоғозга тушираман. Фикрлар пишгандан кейин қофия, вазн ҳаммаси ўз-ўзидан келаверади. Фикр ва туйғулар бошда пишиб, юракда авжига чиққанда, қоғозга тушмаса бўлмайдиган тўлғоқ даври бошланади, ёзмасликнинг иложи қолмайди. Илҳом деган шу бўлса керак.

Т а н қ и д ч и. Ана шундай, аввал сочма ҳолида ёзилиб, кейин қофия, туроққа солинган, бармоққа кўчган шеърингизни эслайсизми?

Ш о и р. Мана, масалан, «Қорақалпоқ дафтари» туркумидаги «Сажда эмас» шеърини дастлаб сочма ҳолида кўп гурунларда ўқиганман. Эсимда, Абдулла Қаҳҳор шу шеъримни сочма ҳолида яхши кўрарди.

Т а н қ и д ч и. Вариантлари борми?

Ш о и р. Ундай одатим йўқ. Йиртиб ташламасам — ёзолмайман. Йиртганимга ишонч ҳосил қилгандан кейингина янги нусха ёзаман. Лекин қандайдир йўл билан сақланиб қолганлари ҳам бор.

Т а н қ и д ч и. 60 йиллик юбилейингиз арафасида «Агар мен...» деган сочма ёзган эдингиз. Уқувчиларингиз, умуман, шеърят мухлислари бу шеърни яхши қарши олишди.

Адабий танқидчиликка бағишланган бир йиғинда ўртоқлардан бири шеърнинг хотимаси ҳақида, менинг назаримда, субъектив бир фикр билдирди. Сиз ўзингиз бунга қандай қарайсиз?

Ш о и р. Газетада кафанигача олтидан бўлган номдор бир жангчининг қабри топилгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Бутун ҳаёти, қадри олтин билангина ўлчанган салтанат эгасидан фарқли ўлароқ, «агар мен ўлгандан кейин бирон буюм олиб кетиш эрки берилса, нималар олиб кетардим», деган саволга жавоб бўлғувчи шеър ёзиш нияти туйилди менда. Менинг учун ҳар нимадан азиз, умрим саҳифаларига бир воқеа бўлиб кирган деталлар, ёшлиқ йилларидаги туйғулар, ҳаётимнинг мазмунини ифодаловчи лавҳаларни санаб ўтиб, «мен шуларнигина олиб кетишни истар эдим. Лекин ҳали ўладиган тентак йўқ, гап шунда...» деганман. Ҳалиги танқидчи ўртоқ шу сатрлар устида мунозара қилган бўлса керак. Аслида булар ўлим олдидаги васият эмас, аксинча, инсон учун ҳаётда нималар ва қайси дақиқалар муқаддас ёки қадрли деган саволга жавоб. Менимча, бу — ўлмасликка ишора. Совет кишисининг она диёрига — Ватанга бўлган меҳрини ифодаламоқчи эдим. Агар мен шу охириги сатрларни ёзмаганимда, шунча сўзни айтишимнинг нима қерағи бор эди! Агар ўша йиғинда бўлганимда жиндай мунозара қилган бўлардим. Эҳтимол, бошқача сатр истар у ўртоқ, агар фикрини аниқ билсам, менга маъқул бўлса, бадий ифодасини топардим. Ҳозирча ўз фикримда қоламан.

Т а н қ и д ч и. Мен ҳам худди шу мазмундаги жавобни кутган эдим. Энди мазмуни бир оз ўзгартирсак, Миртемир ака! Асарларингизда халқ ижодининг руҳи очиқ-ойдин кўришиб туради. «Сув қизи», «Кўзи», «Аждар» дostonларингиз ҳатто фольклор сюжетига яқин. Лирик шеърларингизда эса, халқ қўшиқларининг таъсири кучли. Халқ шеърларининг вазни, ундаги оригинал поэтик образлар, таъсирчанлик ва оҳангдорликни оширувчи такрорий поэтик бўлақлар сизнинг кўпчилик шеърларингизга сайқал бериб турибди. Мен айниқса «Кўзларим», «Ой юзли», «Офатлар», «Қўшиқлар», «Боғ кўча», машҳур «Яли-яли», ниҳоят, «Қорасочим ўсиб қошимга тушди» мисраси билан бошланувчи халқ қўшиғи йўлида ёзилган «Қарқаралик» шеърларингизни ва бошқа қатор қўшиқларингизни назарда тутяпман. Шу муносабат билан ўз ижодий тажрибангиздан келиб чиқиб, ёзувчининг ижодий камолотида фольклорнинг роли мавзуида сўзлаб берсангиз.

Ш о и р. Маълумки, бадий асарнинг энг биринчи зарур деталларидан бири, бадий асарнинг негизи — тил.

Фольклор, яъни оғзаки адабиётни яхши билиш тил бойлиги демак. Мен жуда ҳам ёшлигимда ўз қишлоғимда лапарлар, қўшиқлар, термалар, «кўҳна дунё» деб аталувчи бўзагарларнинг қўшиқларини кўп эшитганман. Тошкентда, билим юртида ўқиб юрган кезларим суюкли устозларимдан Олим Шарафиддиновнинг топшириғи билан таътил пайтларида мақол, эртақлар, қўшиқларни ёзиб келардим. Муҳаббатим шу қадар ортиб бордики, ўзим сезмасдан бошқа халқларнинг ҳам эртақ ва қўшиқларини ўргана бошладим. Кейин ўзимизда босилаётган дostonлар, қўшиқларни қўймасдан тагга чизиб ўқир эдим. Ҳозирги академия — марказий академиянинг филиали тарзида иш кўриб турганда, Ёзувчилар союзи билан бирга Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоирларни Тошкентга таклиф қилиб, улардан кўп нарсалар ёзиб ола бошлади.

Катта кечалар уюштирилди. Фольклор адабиётимизнинг бир бўлаги бўлиб қолди. Баъзи-асарларни босмага тушмасдан олдин ўқирдим. Бунда менга Ҳоди ака ва М. Афзаловлар кўмаклашарди. Қирғизнинг «Тўштук», «Манас»идан парчаларни, туркманларнинг «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonлари, қozoқларнинг эпосларини жуда синчиклаб, ёйлиб, завқ билан маза қилиб ўқирдим. Нечундир фольклор менинг руҳимга, менинг қарашларимга, ўйларимга, бадий фантазияларимга ўта яқинлигини ёшлигимдан сезардим. Шеърларимдаги фольклорнинг таъсири халқ ижодига бўлган ана шу муҳаббатим, ундаги мотивларнинг қон-қонимга сингиб кетганлигидан бўлса керак.

Умуман, фольклор — тушунган одамга каттакон бир хазина. Мен баъзан ҳозир қўлига қалам олган ёшларга деярли ҳасад билан қарайман. Биз қўлга қалам олган пайтда на Навоий асарларининг нашрлари бор эди, на бошқа классикларимизнинг девонлари! Булар кимларнингдир токчаларида ётарди. Рус ва бошқа қардош халқлар классикларининг энг йирик асарлари, Европа классиклари деярли таржима қилинмаган эди. Фольклор бўлса, бахшиларнинг сийналарида, кўкракларида эди. Фақат уни тўйларда, давраларда эшитардик.

Фольклорни ўрганишда, фольклорни билишда ҳикмат кўп. Ўзим ҳам энди-энди пайқаб, тушуниб келяпман. Ўқувчиларим менга ёзишган хатларида баъзи шеърларимнинг жуда тушунарли, кўнгилга яқинлиги ҳақида ёзишади. Бундан мен ғоят хурсандман. Ҳаммасининг сири кичиклигимдан халқ қўшиқларини ёд олишимдан, умуман, фольклор асарларини севиб ўқиганимдан. Мана бу сатрларга қулоқ солинг:

Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор,
Икки яхши қўшиллар жой қайда бор.

Нечоғлиқ қуйма, бир ҳарфни ҳам олиб ташлаш қийин.
Мен эсам қолганларини айтяпман.

Шу даражада ҳайрон қолгуликлари борки, ҳали бизнинг невараларимизнинг неваралари ўрганса арзигули. Яна бири эсимга келди:

Зебижон отланди, кетди сой билан,
Қўлида чинни пиёла мой билан.
Чиннини нодонга берма, синдирур,
Бевафо қачон кўнгилни тиндирур.

Қирқ қулоч сочингни ёйдинг дорга,
Садқа бўлай Зеби отлик ёрга.
Садқан отинг кетайин, Зебижон,
Сен осилма, мен осилай дорга.

Ийглаб юборгулик таъсирли сатрлар. Бу роман ё бир қиссани кўз олдингизга келтиради. Бундан 40 йиллар чамаси олдин эшитганман. Эсимда қолганига қойилман. Бу тўртликларни шундай мунг, оҳанг билан айтишардики, титраб кетасан киши. Халқ ижодидаги айрим образлар, сўзлар, ибора ва мақоллар, ҳикматли сўзлар менинг шеърларимнинг қон-қонига сингиб кетишининг сабаби ҳам шунда. Фольклор бутун ижодим давомида менга ҳамроҳ, кўмакдош бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Т а н қ и д ч и. Ҳозирги ўқиган тўртликларингиз «Қарқаралик» шеърингизга ўхшаб кетади. Бу айни чоғда «Қора сочим ўсиб қошимга тушди» деб бошланувчи халқ қўшиғини ҳам эслатгандай. Бу шеърингизнинг ёзилишига туртки бўлган конкрет фольклор асарларини эслайсизми?

Ш о и р.

Қарқаралик қайдан келдинг қошимга,
Қайдаги савдони солдинг бошимга,—

деб бошланувчи қўшиқни қишлоғимизда кўп эшитганман. 1962 йилда Қозоғистонда ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги кунларида Кўкчатов, Жезқазған, Қарқарага борганимизда хаёлимга ўша қишлоғимиздаги «Қарқаралик» қўшиғи келди. Мен ўйладим: қадимда Қарқара билан туркистон бир-биридан олис бўлса ҳам, карвон йўлининг устида эди, демак, бориш-келиш бўлган экан-да, қарқаралик бир гўзални менинг қишлоғимдаги танти, кўкраги ёл-

лик бир ўғлон суйган экан-да, қиз бир қўйчибон фарзанди бўлса керак. Булар бир-бирларига етиша олмасдан фифон билан ўтган экан-да...

Қаранг, бундан 40 йил илгари эшитган ўша қўшиқ менинг тупца-тузук шеъримнинг ёзилишига сабаб бўлди.

Т а н қ и д ч и. «Асарлар»нингизнинг учинчи томида «Она» номли драматик достонингизни кўрдик. Достон темаси Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасига жуда яқин. Бу бирор факт билан изоҳланадими ёки тасодифми? Шу асарнинг ёзилиш тарихини сўзлаб берсангиз...

Ш о й р. Бундоқ: урушнинг оғир йилларида ҳам вақти-вақти билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида ва Министрлар Советида ёзувчиларни йиғиб ҳол-аҳвол сўрашар, нималар ёзмоқчи экани ҳақида суҳбатлар бўлиб турарди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида А. Толстой, Я. Колос, Н. Погодин, И. Уткин, Ян, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Иззат Султонлар билан бирга мен ҳам иштирок этдим. Шунда Усмон ота фронтдаги аҳвол ҳақида, бизнинг албатта енгажогимиз, ҳар қанча оғирликка қарамай, эртанги кунни ўйлашимиз кераклиги ҳақида, кейин Бекобод металлургия комбинати, Фарҳод ГЭС, каналлар, ҳашарчилик, умуман, фронт орқасидаги меҳнат ҳақида, ватанпарварлик ҳақида узоқ сўзлади. Суҳбат орасида Министрлар Советининг раиси Абдужаббор ака Абдураҳмонов: «Яқинда Эски шаҳарда бир аёл фронтдан қочиб юрган ўғлини военкоматга олиб келибди»,— деб қолди. Шу пайт говур-ғувур бир зумда тўхтади. Кенг хонада чуқур ўйчанлик ҳукм сураб, бу гап ҳаммани ўзига тортиб олганди. Эсимда, Алексей Толстой дарҳол Абдужаббор аканинг ёнига ўтиб, яна нималарнидир сўрай бошлади. Хуллас, у ҳам ҳайратда эди. Уша йили бир гуруҳ ёзувчиларимиз «Ўзбекистон қиличи» асарини ёзишаётган эди. Шайхзода «Жалолиддин» билан банд эди. Мен ҳам ҳаяжонли бу воқеани қаламга олишга бел боғладим. Шу темада опера учун либретто ёздим. Жуда ҳам тез ёздим. Санъат бошқармасидаги муҳокамада К. Яшин, Уйғун, Ҳамид Олимжон ва бошқа талай йирик ёзувчилар, бастакорлар бўлди. Асарни маъқуллашиб, тезда саҳнага чиқариш зарурлигини қайд этишгани эсимда. Муҳокамада иштирок этган Толибжон Содиқов музика ёзмоқчи бўлди. Лекин бастакор бошқа ишлар билан машғул бўлиб кетди. Устига-устак, у киши оғир касал эди. Мен ҳам бошқа ишлар билан банд бўлиб, ташлаб қўйдим. Кўп томлик асарларимни нашрга тайёрлашда қўлёзмаларим орасида қалин дафтарга ёзилган бу асарнинг биринчи нусхасини топиб олдим. Агар тузатар бўлсам, қалам урадиган жойлари

қўп. Уша давр савиясида ёзилганича қолдирдим. Уша даврнинг руҳини сақлаб қолдим. Агар яна нашр қилинса, мен бунга тузатишлар киритаман. Саҳна юзини кўрмаса ҳам ўқувчига маъқул бўлар.

Т а н қ и д ч и. Демак, «Жангчи Турсун» балладасининг ёзилишига ҳам ана шу воқеа туртки бўлган эканда?

Ш о и р. Ҳеч шубҳасиз. Сухбатда Ҳ. Олимжон ҳам бор эди. Бу унинг ҳам бадиий ниятига туртки бўлди шекилли. Халқимиз учун келишмаган, кўнгиляга сиғмайдиган, халқнинг мардона шавкати, шарафини ерга урадиган бундай ҳодисаларнинг бўлмаслигига, такрорланмаслигига даъват этувчи бадиий асарлар яратиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди.

Уша онанинг ҳаракати — улкан ватанпарварлик экани ўз романтикаси, ўзининг поэтик бир мантиқи билан ёзувчини тўлқинлантирмаслиги мумкин эмас эди.

Т а н қ и д ч и. Биз фикр юритаётган сизнинг «Она» номли драматик достонингиз ва «Жангчи Турсун» балладасида тасвирланган оналар ва мана шу темадаги бошқа асарлардаги кишилар совет кишиларимизнинг уруш давридаги характерларини тўла ифодалагани учун ҳам халққа жуда яқин ва табаррук.

Ш о и р. Давр шундоқ эди. Шу бир онанинг иродаси, азми орқали ўзбек онаси ва умуман совет онасининг қўйма, умумлашган образини яратиш зарур эди. Бунга қай даражада эришганман, билмадим. Ўзи шу даражада тез ёзилдики, 2 марта кўчиришнинг ўзида ярқираб кетгандек бўлди. Аслида мен жуда кўп кўчираман. Бир сўз ё бир ибора ўз ўрнига тушмагунча қоғоздан-қоғозга кўчиравераман. Уруш ҳақида, ватанпарварлик ҳақида айтилиши керак бўлган сўзлар, фикрлар қуйилиб, пишиб юрган эканки, унинг қоғозга тушишига шу воқеа сабаб бўлди. Шунинг учун тез ёзилди, чамамда.

Т а н қ и д ч и. «Ленин ва Ражаб бобо» поэманинг ёзилишига бирор ҳодиса туртки бўлганми? Ражаб бобонинг прототиби борми?

Ш о и р. Бор эди. Утган йили вафот этди, Бухорода, Шофирконда истиқомат қиларди.

1935 — 1936 йиллар. Ёзувчилар у вақтда ҳам турли вилоятларга сафарга чиқиб турарди. Мен шоир Эргаш-ва бир журналист билан колхозчилар ҳаётини ўрганиш, очерклар ёзиш ниятида Бухорога бордим. Бухорога биринчи боришим. Шаҳар айландим, обидаларни кўрдим. Шариф бобо деган машҳур пахтакор билан танишдим. Жуда ҳам чечан, дилкаш одам эди. Ленин бобони жуда кўп оғзига олар эди. Шўро ҳукуматининг дастлабки йилларида

озиқ-овқат танқислиги, ем-чўл танқислиги, техниканинг умуман етишмаслиги ва бошқа ожизликлар туфайли хўжаликка раҳбарлик қилишдаги ноҳўя ҳаракатлар — боғ-роғларни бузиб пахта экилганлиги ҳақида куйиб-пишиб гапирарди. Юқори раҳбарларнинг бундан беҳабарлигига амин бўлган Шариф бобо Ленинга мактуб йўллагани ва шахсан доҳийдан жавоб олганини ишонч билан, Фахр билан сўзларди. Демак, менинг Ражаб бобом ҳаётда бор бўлган киши ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар реал ҳодисадир. Лекин баъзилар Ражаб бобо деган киши билан Лениннинг хат олишгани ҳеч қайси асарларда ёки ҳужжатларда қайд қилинмаган, деган бачки фикрни баён қилса, баъзилар Лениннинг даврида Шўро ҳукуматига ҳеч қандай қаршилик, зараркунандачилик бўлмаган, деган гапларни айтишади. Булар ҳаммаси менинг учун кулгили.

Ахир тарихдан маълумки, ўша оғир йилларда, ёш совет республикасининг дастлабки пайтида саноат соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам баъзан тажрибасизликдан, тушунмасдан, баъзан эса тўғридан-тўғри қасддан хўжаликка пала-партиш раҳбарлик қилиш ҳоллари бўлган. Мен оддий халқ вакили, деҳқончиликнинг миридан-сиригача ажратадиган оддий меҳнаткаш образини яратмоқчи эдим. Ҳамма яхшиликлар Ленин номи билан боғланганлигини кўрсатмоқчи эдим.

Тағин бир томони борки, Ленин деганда Марказий Комитет, ҳукуватимиз, Ленин ғоялари кўзда тутилади. Албатта, хат Лениндан келган бўлмаслиги мумкин. Лекин Ленин ҳеч вақт боғларни қирқинг, демасди-ку.

Танқидчи. Ижодда бадий тўқима, бадий фантазия деган гап ҳам бор.

Шоир. Ҳа! Масалан, Николай Погодиннинг В. И. Ленин образини яратган ҳамма драмаларидаги кўп воқеалар Лениннинг бирор асарларида қайд этилмаган. Ёки Твардовскийнинг «Ленин ва печкачи» балладасидаги Лениннинг оддий бир чол билан бўлган муносабати орқали доҳийнинг камтар, содда ва ғоят инсонпарвар эканлигини очувчи детални эсланг. Булар ҳам ёзувчининг фантазияси, катта ғоявий ниятини очишга хизмат қилувчи тўқима воқеадир.

Умуман, Совет давлатининг биринчи йиллари, Ленин тириклигида халқ хўжалиги ва маданий қурилишдаги ишларимиз бир текисда, силлиқ олиб борилди, деган тушунча, тарихий ҳақиқатдан кўз юмишга олиб келувчи айрим мулоҳазалар на илм учун, на ижод учун фойда келтиради.

Умуман, ҳозирги кунда адабиётимизда Ленин образини яратишга уриниш катта. Бу изланишлар ўз самарасини

беряпти. Яшин, Шайхзода, Асқад Мухтор, Эркин, Ҳусниддиннинг қаламига мансуб бу соҳадаги асарлар мени жуда мамнун этади. Мен ҳам ўзимни ҳозир Ленин темасига сал ёндашгандай сезаман. Қўлимда Ленин номи билан боғлиқ воқеа ҳамда ҳужжат ҳали анча. Баъзилари нуқта қўйилишига шай, баъзиси қоралама, қоғозга туширишимни қис-таб турган шеърларим ҳам талай. Буларни азиз китобхонимга манзур бўла оладиган қилиб яқунласам, ўзимни жуда бахтиёр сезардим.

Т а н қ и д ч и. Сўнги йилларда поэзиямиз жуда кўп янги оригинал асарлар билан бойиди, янги номлар пайдо бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир янги асарда янги бир фикр, янги образ бўлиши керак. Мен янги асарлар, янги номларни кўзда тутдим. Бу қувончли, албатта. Лекин баъзан кишини ранжитувчи фактларга дуч келасан. Янги деб эълон қилинган айрим шеърларда бирон янги фикр, янги бир изланиш йўқ. Ачинарли томони шундаки, булар меҳнат қилмай, иккинчи бир ёзувчига жуда қимматга тушган тайёр образ, ифодалар, оригинал ўхшатишларни бемалол ўзиники қилиб ишлатишади. Ҳатто айрим сюжетлар айнан такрорланади. Ижоддаги бу ҳодисага қандай қарайсиз?

Ш о и р. Мен боя бир жавобимда ҳозирги айрим ёш ёзувчиларга ҳавасим келади, ҳатто ҳасад қиламан (яхши маънода, албатта) дедим. Чунки у вақт биз учун кўзини тош босиб ётган булоқлар ҳозир уларга очиқ. Классик адабиёт, жаҳон ва қардош халқларнинг классиклари, ўзимизнинг фольклордан иборат чанқоқликни қондирувчи бу булоқлар у пайтда ернинг тагига оқиб ётар эди. Ҳозир сийқа ва китобхонни ранжитадиган асар ёзишни жуда гуноҳ деб биламан. Айниқса, партия ва ҳукуватимиз ёшларга катта ғамхўрлик қилиб турган, уларнинг ижодларини камолга етказиш учун бутун имкониятларини бериб қўйган ҳозирги даврда... Эркин, Абдулла, Жамол Камол, Ҳусниддин, Баротбек ва Муҳаммад Али ҳам улардан сал улуғроқ бўлган Жуманиёзнинг шеърларини мириқиб, завқ билан, рози бўлиб ўқийсан, хурсанд бўласан. Албатта, буларнинг ижоди ҳам жуда авж нуқтада деб бўлмайди, лекин буларнинг меҳнатига инсоф, янги оригинал гап айтишга чинакам қунт билан ҳаракат қилаётганликлари, янги асарлар бераётганликлари кишини хурсанд қилади. Лекин афсуски, ҳали ҳаётни билмаслик, ўз устида ишламаслик натижасида китобийликдан, такрордан қутулолмаётган ёшлар кўп. Маданиятимиз, савиямизнинг ҳозирги поғонасида ҳаёт ичига кирмаслик, ҳаётни билмаслик, фақат ўзидан аввалги шоирларни ва ўз тенгдошларини қайтариб уч-тўрт китобдан кейин ҳам назирағўйликдан, кў-

чирмачиликдан қутулолмаслик кечириб бўлмас бир ҳол, буни ҳеч кимга раво кўрмайман. Шунинг учун ҳам адабий йиғилишларимизда ҳам бу ишнинг шармисорлик эканини тушунтираман. Тушунганлар сабоқ олади.

Китобхонлар ҳозир жуда ҳам талабчан, зукко, саводхон. Улар ҳозир на фақат ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан таниш балки рус адабиёти, қардош халқлар адабиётини синчковлик билан ўқийди. У янги гап эшитгиси келди, янги образлар, янги формалар кутади. Бу эса ёзувчидан катта меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Биз ёзувчилар ҳали ҳаётдан шу даражада орқадамизки, буни салгина ҳаётнинг ичига кирганда, ўлкамизга сафар қилганда дарҳол билиш мумкин. Андижон, Сирдарё ва Тошкент области далаларида юрганимда шу даражада ажойиб одамларни кўриб, кишида ҳаяжон қўзғайдиган воқеаларни эшитганманки...

Биз адабиёт ҳақида гапирамизу, кўпинча ёзувчи ҳаётнинг ичида қайнаши керак, деган гапнинг мағзини чақиб, унга амал қилмаймиз-да. Бу катталарда ҳам, ёшларда ҳам бор нуқсон. Катта ёзувчиларда ҳам такрор, қайтариқлар кўп. Бу китобхонни кўзга илмаслик, ўзига талабчан бўлмасликнинг оқибати.

Таъсир, назира — булар биринчи қадамлардагина сал кечириш мумкин бўлган гап. Тажрибали ёзувчиларда учраши, бу гуноҳ. Биз кўпинча асарларимизни ижодкор дўстлар даврасида қизгин, ишчанлик билан муҳокама қилмаймиз. Ўзаро фикр алмашувлар кам бўлади. Мунозараларни кам уюштирамиз. Мен, масалан, 20 йил ёшлар билан семинар олиб бордим. Бу йиғинлардаги даҳанаки жанглар, қизгин баҳслар ижодкор учун катта туртки бўлгани сир эмас. Адабиётнинг катта йўлига тушиб олган ҳозирги ўрта авлод вакиллари Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Шухратлар семинарининг энг фаол қатнашчиларидан эди. Семинар шу даражада қизиқарли бўларди. Жиддий мунозаралар, тортишувлар билан ўтарди. Уша мунозаралар, баҳслар уларни тоблашда, маҳорат ва тушунчасини чархлашда туртки бўлгани аниқ.

Таъқидчи. Икки оғиз таржималар хусусида. Таржималар ва таржимонларнинг ижодини кузатсангиз, кўпинча шоир ёки ёзувчи ўз ижодий услубига яқин бўлган асарларни таржима қилганини сезасиз. Ҳатто айрим ёзувчиларнинг таржима қиладиган доимий авторлари бўлади. Сизда тамоман бошқача. Таржималарингизни кўздан кечиргандим. Унда Гомердан тортиб Тагор, Генрих Гейнедан тортиб Пушкин ва Нозим Ҳикматгача бор. Кўриниб ту-

рибдики, булар турли даврда ижод этган ва хилма-хил ижодий услубга эга бўлган шоирлардир. Сиз таржимага қандай тайёрланасиз, таржимада қандай принциплар қўлайсиз?

Шоир. Мен таржима билан кўп шуғулландим. Ҳозир ҳам шундай. Чунки ҳар бир таржима менинг учун бир мактаб, янги бир босқич, пиллапоё бўлганини сеза бордим. Дастлаб, Уткин, Безименский, бора-бора Пушкиндан таржима қилишга журъат этдим. Мен бу билан жуда-жуда фахрланаман. Албатта, Пушкиндан кейин Некрасовга ўтиш менга ўнғай бўлган эмас. Пушкин, Лермонтов, Гейне нимаси биландир Шарқ халқларига яқин. Масалан, пари образи, тумор, иблис, Жаброил ва бошқалар. Бу — Пушкин ва Лермонтовнинг бизга ҳаёти яқин Кавказ халқлари билан яқин бўлганликлари, улар фольклорини яхши билганликларидан бўлса керак. Шундан кейин Некрасовнинг «Қишлоқ болалари» асарини таржима қилдим. Шу даражада қийналдимки, бошқа-бошқа вазнга солиб бир неча бор кўчиришга тўғри келди. Кейин Некрасов ҳақида, унинг «Русияда ким яхши яшайди?» асари ҳақида китоблар топиб, қайта-қайта ўқидим. Бу асар менга маъқул бўлиб қолди. Унда одамни эргаштириб кета оладиган жозибали куч, сеҳр, оҳанг бор. Бунинг таржима қилиш менга худди қарздай бўлиб қолди. Уйқу бермайдиган бўлди. Унинг асарларидаги жой номларининг ҳар бири ўзича маълум функциялар ташиydi. Шунинг учун ўзимизда бор — худди шу маънони ифодаладиган номлар билан бердим. Бу ўқувчиларга маъқул бўлганлиги хатлардан ва тақриزلардан маълум. Лекин ҳамма номларни таржима қилиб улгуролмадим. Таржима биттач, редакторлар билан узоқ ишлашга тўғри келди. Масалан, «заминдор» деган сўзни тушунтириш ва ўтказиш учун қандай қийналганим, бўғилиб кетганимни эслайман.

Некрасовнинг ўзи рус мужигининг ҳаётини жуда ҳам ичиб юборган, рус фольклорини суяк-суягига сингдириб олган доҳий ёзувчи.

Таржима устида ғоят ихлос билан ишладим. Чунки уни севиб қолган эдим. Баъзи кунлари ўн сатрдан ошмасам, баъзан юз сатргача етказиб таржима қилдим.

Нима учун бир-бирига ўхшамаган авторларни таржима қилиш керак бўлди, деганда, масаланинг бир томонига эътибор бериш керак. Маданиятимиз хазинасини ўшалар билан тўлдириш зарурлиги ҳамон кун тартибида турибди. Чунки адабиёт хазинамизда уларсиз қандайдир гавҳар доналари етмай турганини сезиш мумкин. Ўзим ўқиб, ёқтирган жаҳон адабиёти ва СССР халқлари адабиёти наму-

наларидан танлаб таржима қилиш ва адабий-маданий хазинамизни бойитишга улуш қўшиш менинг ҳам бурчим эди. Ҳар ҳолда, бу ишимиз ёмон бўлмади, чамамда.

Т а н қ и д ч и. Ниҳоят, сўнгги саволим:

Яқинда Бекобод районидаги Сиз фахрий аъзо бўлган «Победа» колхозининг маданият саройида бўлган учрашувда янги асар устида ишлаётганингиз ҳақида сўзладингиз. Қандай асар ҳақида гап кетганини айтиб беролмайсизми?

Ш о и р. Мирзачўл ҳақида асар кўп. Роман, поэма, драмалар бор. Лекин Мирзачўл ҳақида айтилиши зарур бўлган муҳим гап ҳам кўп. Ш. Рашидов билан бўлган бир суҳбатда худди шунга ишора қилинганлиги ҳамиша эсимда. Ушандан бери чўл ҳақидаги бир асар устида ишлайман. Кўп ўқиб, ёзиб, ўчириб, тер тўкаётиман.

Ҳар қалай, китобхонни ранжитмайдиган асар бўлса, ажаб эмас. Бундай қараганда, чўл ва унда қилинаётган ишлар чинакам бир мўъжиза. Узоқ-узоқлардан келган билимдон, сиёсий арбоб, ёзувчи, оддий ишчи ва бошқа не-не одамларни лол этипти-ку, ҳатто Фиделни ҳаяжонга солган-а? Ана шуларнинг ҳаммасини одамлар қиляпти. Бир-бирлари билан дўст бўлиб ишлаётган не-не эл вакиллари-нинг манглай тери ва меҳнати туфайли яратилаётган мўъжизавий бир диёрнинг бадиий ифодасини топиш осон бўлмаяпти. Ута масъулиятни сезган ҳолда қалам тебратаётиман. Китобхон ишончини оқлашга умидим катта.

1973

МУНДАРИЖА

Драма

Биринчи президент	6
-----------------------------	---

Насрий шеърлар

Қишлоғимдан ўтар бўлсанг	68
Шайдолик	70
Қисавур	72
Жиғарлар	73
Қизалоқ	74
Жийда	75
Рақс	76
Пиллакаш	77
Қоч, ғафлат!	78
Тошкент оқшомлари	79
Жигарбанд	82
Кўл бўйида	83
Агар мен	85

Тўйхатлар, хотиралар

Тўйхатлар	
Улуғлик	88
Юлдуз	89
Улканлик	91
Халқ дилининг кўзгуси	92
Адибнинг бахти	93
Аллома	94
Ўзбек адабиётининг қалин дўсти	95
Куйла, жигарим!	97
Хотиралар	
Алп сиймо	99
Ҳаёт мактаби	104
Шингил эсдаликлар	105
Коммунист қаламкаш	107
Ўтнафас	112
Дўст ва замондош ҳақида	119
Бир асрни кўрган шоир	129
Ислом ота ҳақида	130
Пушкин юртида	130
Қозғистонда	132
Оқ шунқор	136
Эсдаликлардан	138

Ўз тўғримда уч-тўрт оғиз	140
Лениндан миннатдорман	148

Адабий - танқидий мақолалар

Устозлар	
Шота	152
Сайид Имоиддин Насимий	154
Даҳо	155
Устоз	158
Пушкин эртаклари ҳақида	161
Халқ шоири	167
Буюк ва ўлмас	168
Қардош ҳалқнинг номи ўчмас шоири	170
Абай ҳақида	171
Улуғ оқин	175
Замондошлар	
Устоз ҳақида	180
Улкан шоир	183
Етақчи санъаткор	186
Атоқли ва ардоқли	189
Ерқин асар	197
Келажак умидида	
Адабиётимиз келажаги	201
Ўғитларим	202
Ўнта бўлса — ўрни бўлак	204
Ғамхўрликка жавобан	210
Ёшлар ҳақида икки оғиз сўз	211
Ижод сабоқлари	
Ленин шунчалар буюкки	214
Ҳар увоқда, ҳар заррада	216
Асрининг кўзгуси	217
Даврада айтганим	220
Улкан замонга—улкан шеърят	222
Сифат беш йиллиги	223
Шеърят тўғрисида	224

На узбекском языке

МИРТЕМИР

Собрание сочинений в 4-х томах,

ТОМ IV

ДРАМА,
СТИХИ В ПРОЗЕ,
ВОСПОМИНАНИЯ,
ЛИТЕРАТУРНО-КРИТИЧЕСКИЕ СТАТЬИ

Редактор *И. Мирзамахмудов*
Рассомлар *В. Плехин, Ю. Габдалилов*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *О. Бўриев.*

ИБ № 1473

Босмахонага берилди 29.11.82. Босишга рухсат этилди 22.02.83. Формати 84X108^{1/32}. Босмахона қоғози №3 Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л 14,62+0,52 вкл. Нашр л. 13,27+0,29 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 1515. Баҳоси 1 с. 40 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида терилиб-босилиб, 1-босмахонада чиқарилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.